

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ИҚТИСОДИЕТ” КАФЕДРАСИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ҲАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

ФАНИДАН
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

билим соҳаси: 200000 – ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
таълим соҳаси: 230000 – иқтисод
таълим йўналиши: 5230100 – иқтисодиёт тармоқлар ва соҳалар бўйича

ГУЛИСТОН - 2019

“Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 02 февральдаги №32 сонли буйруғи билан тасдиқланган “Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар” фанининг ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган ва вазирликнинг 2017 йил 1 мартдаги №107 сонли “янги ўқув мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисидаги” буйруғи асосида тайёрланган

Тузувчи:

О.Х.Шоев - “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчилари.

Тақризчилар:

О.Сатторқулов - “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.;

А.Бурхонов - “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н..

Ўқув-услубий мажмуа Гулистон давлат университети ўқув-услубий кенгашининг 2019 йил “26” августдаги №1- сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

	Кириш	
I.	Ўқув материаллари	
1.1.	Маъруза материаллари	
1.2.	Амалий машғулот мавзулари	
	а) Асосий матн	
	б) Топпириқлар (мисоллар, кейслар, тестлар)	
	в) Назорат савоолари	
	г) Адабиётлар рўйхати	
II.	Мустақил таълим машғулотлари	
III.	Глоссарий	
IV.	Иловалар	
4.1.	Фан дастури	
4.2.	Ишчи ўқув дастури	
4.3.	Тарқатма материаллар	
4.4.	Рейтинг тизими асосида баҳолаш мезонлари	

КИРИШ

Ўқув-услубий мажмуа – Гулистон давлат университетида бакалаврият таълим босқичининг Ўқув режаларида акс этган фанлар бўйича профессор-ўқитувчининг дарс жараёнига ўқув-услубий тайёрлигини тасдиқловчи энг муҳим мезон, меъёрий-услубий хужжатдир.

Мажмуанинг асосий мақсади – авваломбор фаннинг ўқитувчиси, худди шунингдек талаба учун, фанни ҳар томонлама сермазмун, чуқур назарий, услубий ва амалий тарзда етказиш (талаба учун – ўзлаштириш) учун ягона ўқув-услубий ва ахборот-ресурс манбаини яратиш ҳисобланади.

Ўқув-услубий мажмуа Гулистон давлат университети бакалаврият таълим йўналишлари учун мўлжалланган бўлиб, у жумладан қуйидаги таркибий тузилишга эга:

- *фаннинг меъёрий-услубий таъминоти,*
- *фаннинг мазмуни ва ахборот-ресурс таъминоти,*
- *фанни ўқитишнинг интерактив технологиялари,*
- *талабаларнинг билимини баҳолаш услубиёти,*
- *қўшимча электрон таълим ресурсларини ўз ичига олган.*

Илғор хорижий тажриба билан узвийлик.

Мазкур мажмуа илғор хорижий тажрибани кенг ўрганиш, умумлаштириш ва ундан таълим ва тадқиқотлар жараёнида самарали фойдаланиш маҳсулидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 май қарорида олий ўқув юртлари “Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи университетлар ва олий ўқув юртлари билан қалин ҳамкорлик доирасида кенг кўламда иштирок этган ҳолда 2016/2017 ўқув йили бошлангунга қадар барча ўқув режалари ва дастурлари тубдан қайта ишлаб чиқилишини ниҳоясига етказишни таъминласин, фанларни ўқитишнинг эскирган, умрини ўтаб бўлган ёндашув ва услубларидан батамом воз кечишни, бакалаврият ва магистратурада жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган янги ўқув режалари ва дастурларини жорий этишни, шунингдек, таълим жараёнида уларни амалга ошириш ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун ... етакчи хорижий олимлар ва ўқитувчиларни жалб этишни назарда тутсин”¹ деб алоҳида таъкидланган.

Ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида таълим ва тадқиқотларнинг мазкур ахборот-ресурс манбаини ишлаб чиқишда Данкин Университети, Массачусетс Технология институти ва Нью-Йорк Давлат Университети (АҚШ), Оксфорд Университети, Бат Университети ва Лондон Метрополитен Университети (Буюк Британия), Бремерхафен Университети (Германия), Васеда Университети (Япония), Кемёнг Университети (Корея Республикаси), Шанхай Университети (ХХР) ва бошқа етакчи хорижий университетлар бой ижобий тажрибасидан самарали фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилни биз **Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**, деб эълон қилдик. Бугунги мажлисимизнинг асосий мазмунини айнан шу талабдан келиб чиққан ҳолда белгилашни таклиф этаман. Шу муносабат билан сизларнинг эътиборингизни қуйидаги энг муҳим масалаларга қаратишни зарур, деб ҳисоблайман.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги “2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 27 май, №103 (6538). Б.1

Биринчидан, нима сабабдан ўтган йилда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичларига эришилмади? Бунинг учун ким шахсан жавоб беради?

Иккинчидан, 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб олишимиз зарур.

Учинчидан, келгуси беш йил давомида қандай стратегик вазифаларни амалга оширишимиз керак?

Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бу ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир.

Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади.

Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши керак.²

Мажмуани такомиллаштириш масалалари.

Электрон ўқув-услугий мажмуа ўқув йили мобайнида халқаро ва миллий иқтисодиёт тизимидаги ўзгаришлар ва тенденциялар, янги қабул қилинган қонунлар, фармонлар ва қарорларни, хорижда ва республикада чоп этилган янги ўқув ва илмий адабиётларни, фан-техника ва технология борасида эришилган янги ютуқларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллаштирилиб борилади.

“ЖИ ва ХИМ” фани ўз ичига қуйидаги вазифаларни олади:

- *биринчидан*, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг назарий асослари ва тамойилларини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

- *иккинчидан*, жаҳон мамлакатлари иқтисодиётини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан фойдаланишни ўрганиш;

- *учинчидан*, жаҳон мамлакатлари иқтисодиётини белгилаб берувчи асосий макроиқтисодий параметрлар таҳдилини амалга оширишни ўрганиш;

- *тўртинчидан*, жаҳон иқтисодиётида халқаро савдонинг моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;

- *бешинчидан*, жаҳон иқтисодиётида халқаро ташкилотлар фаолиятининг мақсад ва вазифаларини ўрганиш;

- *олтинчидан*, жаҳон мамлакатлари билан самарали ҳамкорлик қилишнинг назарий ва амалий томонларини ўрганиш.

²Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

**ЎҚУВ КУРСИНИНГ ПРОСПЕКТИ
(2017/2018 ўқув йили)**

Ўқув курсининг тўлиқ номи:	Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар		
Курснинг қисқача номи:	ЖИ ва ҲИМ	Код: ЖИ ва ҲИМ	
Кафедра:	Иқтисодиёт		
Ўқитувчи ҳақида маълумот:	ўқитувчи О.Х.Шоев	alim_shoev@mail.ru	
Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги	6-семестр 18 ҳафта		
Ўқув соатлари ҳажми:	жами:	134	
	шунингдек:		
	маъруза	36	
	Семинар амалий	36	
	мустақил таълим	62	
Йўналиш номи ва шифри	5230100	“Иқтисодиёт”	
Ўқув курсининг статуси	Асосий ўқув курси		
Дастлабки тайёргарлик:	Курс “Иқтисодиёт назарияси”, “Микроиқтисодиёт”, “Макроиқтисодиёт”, “Миллий иқтисодиёт” фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
<p>Курснинг предмети ва мазмуни: Курснинг предмети “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан чуқур назарий ва амалий билимларни эгаллашда, ташқи иқтисодий муҳитни чуқур таҳдил қилишда, иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганишда, шунингдек ушбу мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.</p>			
<p>Курсни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари: Курсни ўқитишнинг мақсади талабаларга жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларга оид назарий ва амалий билимларни бериш, ўз йўнапишига мос тасаввур ва кўникмаларни ривожлантиришдир.</p> <p>Курснинг асосий вазифаси қуйидагилар:</p> <p>талабаларга жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг назарий асослари ва тамойилларини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатларини тушунишига ёрдам бериш; жаҳон мамлакатлари иқтисодиётини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан фойдаланишни ўргатиш; жаҳон мамлакатлари иқтисодиётини белгилаб берувчи асосий макроиқтисодий параметрлар таҳдилини амалга оширишни ўргатиш; жаҳон иқтисодиётида халқаро савдонинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш; жаҳон иқтисодиётида халқаро ташкилотлар фаолиятининг мақсад ва вазифаларини тушунтириш; жаҳон мамлакатлари билан самарали ҳамкорлик қилишнинг назарий ва амалий томонларини ўргатишдан иборатдир.</p> <p>“Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” ўқув курсини ўрганиш натижасида талабалар:</p> <p>жаҳон иқтисодиёти тизими, тармоқ тузилишини;</p> <p>жаҳон хўжалиги тизими ривожланишининг асосий қонуниятлари, тенденциялари ва замонавий хусусиятларини;</p>			

жаҳон мамлакатларининг гуруҳларга таснифланиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий тавсифларини;
жаҳон иқтисодиётида мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий шакллари ва замонавий хусусиятларини;
жаҳон хўжалигининг глобал муаммоларини; жаҳон иқтисодиётида Ўзбекистоннинг ўрнини билиш керак;
жаҳон хўжалигида маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолаш;
кузатишлар натижасида олинган маълумотларни тизимлаш ва қайта ишлаш;
маълумотларни қайта ишлаш натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши керак;
жаҳон иқтисодий ўсиши ва ривожланишининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳдил қилиш;
жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш; хорижий мамлакатларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини таҳдил қилиш асосида уларнинг ривожланиш даражасини аниқлаш;
жаҳон иқтисодиётида халқаро ҳамкорликнинг энг оқилона услуб ва кўринишларини аниқлаш малакаларига эга бўлиши керак

Курснинг тематик таркиби ва мазмуни

Т/р	Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни	Соатлар			
		Жами	Маъруза	Амалий машғулот	ТМИ
1	Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти	13	4	4	5
2	Халқаро савдонинг ривожланиш назариялари ва моделлари	13	4	4	5
3	Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йўллари	13	4	4	5
4	Халқаро ишчи кучи миграцияси	9	2	2	5
5	Халқаро капитал миграцияси ва транснационал компаниялар	9	2	2	5
6	Жаҳон иқтисодиётида Эркин иқтисодий ҳудудларнинг туганган ўрни	9	2	2	5
	ОН				30
7	Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлари	8	2	2	4
8	Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти	10	2	2	6
9	Ривожланаётган мамлакатлар халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида	14	4	4	6
10	Халқаро иқтисодий интеграция	14	4	4	6
11	Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг роли	14	4	4	6
12	Жаҳон хўжалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки	8	2	2	4
	ОН				32
	ЯН				
	Жами	134	36	36	62

Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти

Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанининг предмети, мазмуни ва моҳияти. Жаҳон хўжалиги тўғрисида тушунча. Жаҳон хўжалиги ва унинг миллий иқтисодиётларга таъсири. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва унинг концепциялари. Жаҳон бозори тузилмаси ва замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар кўринишлари. ХХІ асда халқаро иқтисодиётнинг хусусиятлари. Дунё мамлакатларининг халқаро иқтисодиёт ва халқаро савдодаги иштирокининг асосий кўрсаткичлари. Халқаро товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати. Ишлаб чиқариш ресурслари ва омиллари. Ишлаб чиқариш омилларини халқаро айирбошлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Жаҳон бозорида товар ва хизматлар ҳаракатининг хусусиятлари. Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати. Жаҳон иқтисодиётида глобал миқёсдаги муаммоларни ҳал қилишда мамлакатлараро ўзаро иқтисодий алоқалар. Халқаро меҳнат тақсимоти тушунчаси. Ихтисослашув ва кооперация. Мамлакатлараро халқаро ҳамкорлик.

[A2, 7-13; A24, 15-23; A25, 10]

Халқаро савдонинг ривожланиш назариялари ва моделлари

Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо. Ташқи савдони эркинлаштириш (либераллаштириш) ва жаҳон савдосида протекционизм сиёсати. Меркантилистлар назарияси ва мутлақ устунлик назарияси. Амалиётдаги иқтисодий сиёсат. Меркантилизмнинг танқид қилиниши. Меҳнат тақсимоти - ўсишнинг асоси. Мутлақ устунликлар модели. Нисбий устунлик назарияси. Муқобил ҳаражатлар. Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси. Ишлаб чиқариш омиллари билан турлича таъминланганлик. Леонтъев парадокси. Халқаро савдонинг умумий мувозанат назарияси ва замонавий халқаро савдонинг ривожланиши. Халқаро мувозанат. Ривожланишнинг асосий тенденциялари. Халқаро савдони таҳлил қилиш инструментлари: савдо шартлари. Экспорт ва импорт эгилувчанлиги. Сотилмайдиган ва сотилмайдиган товарлар модели. Халқаро савдо классик назарияларининг ривожлантирилиши. Назарияларнинг чекланганлиги. Ноанъанавий ёндашувлар. Махсус ва ҳаракатчан омиллар. Халқаро савдонинг янги назариялари. Халқаро савдонинг даромадга таъсири, кенг кўламда ишлаб чиқариш эффекти ва носоглом рақобат. Монополистик рақобат шароитида савдо. Тармоқ ичидаги савдо назарияси, халқаро савдода талаб ва реверс назариялари: тармоқ ичидаги савдо ва тармоқлараро савдонинг фарқлари. Тармоқ ичидаги савдо модели. Тармоқ ичидаги савдонинг ўзгариши. Кесишувчи талаб. Ишлаб чиқариш омиллари реверси. Дифференциаллашган товарлар. Истеъмолчилар даромадларининг баробарлиги ва улар дидпарининг ўхшашлиги. Истеъмолчи ҳатти-ҳаракати асосида иқтисодий моделлар.

[A2, 64-100; A24, 270-284; A25, 15]

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш Йўллари

Эркин савдо ва протекционизм: Халқаро савдода давлатнинг роли. Савдо сиёсати инструментлари. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солиш. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солиш инструментлари. Тарифли ва нотариф усуллар. Божхона тарифлари ва божлар. Божга тортиш меъёри. Тариф эскалацияси. Тарифларнинг иқтисодий роли: тарифнинг кичик мамлакат иқтисодиётига таъсири; тарифнинг катта мамлакат иқтисодиётига таъсири. Даромад эффекти ва чегаравий эффект. Ҳимоялаш ва истеъмол эффекти. Ички ва ташқи даромад эффекти. Тариф сиёсатининг махсус ҳолатлари: оптимал тариф. Тариф квотаси. Экспорт тарифи. Тарифга қарши аргументлар. Тарифни ёқловчи аргументлар. Миллий иқтисодий фаровонлик. Узгарувчан божхона бождари. Экспорт

божининг фискал ва мувозанатлаш вазифалари. Тарифлар ўрнатилишига турлича қарашлар. Ёш тармоқларни хорижий рақобатдан ҳимоялаш ва миллий хавфсизликни таъминлаш. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солишнинг нотариф усуллари. Микдорий чеклашлар: Нотариф усулларни ўлчаш. Квоталаш ёки контингентлаш. Лицензиялаш. «Кўнгилли» экспорт чеклашлари. Нотариф усулларни микдорий жиҳатдан квалификациялаш. Микдорий чеклашлар. Чеклашларнинг импортёр учун умумий иктисодий эффекти. Савдо сиёсатининг яширин усуллари: Техник тўсиқлар. Миллий стандартларга риоя қилиш. Импорт маҳсулоти сифати тўғрисида сертификат олиш. Товарларни махсус қолиплаш ва маркировкалаш. Санитария-гигиена меъёрларига риоя қилиш тўғрисида тапаблар қўйиш, ички солиқлар ва акцизлар. Савдо сиёсатининг молиявий усуллари ва тартибга солишнинг ноиктисодий усуллари: субсидиялар, демпинг. Савдо шартномалари. Ҳуқуқий режимлар. Миллий экспортёрларни қўллаб-қувватлашга қаратилган пул тўловлари. Экспорт субсидияси. Демпингга қарши божлар. Икки ҳамкор давлат томонидан савдони амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини белгиловчи икки томонлама шартномаларни имзолаш. Қулай савдо режими ўрнатиш. Кўптомонлама келишувлар имзоланиши.

[A2, 104-135; A24, 295-323;]

Халқаро ишчи кучи миграцияси

Жаҳон ишчи кучи бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш сабаблари. Меҳнат миграциясининг асосий йўналишлари ва марказлари. Халқаро меҳнат миграцияси кўринишлари. Мигрантлар - меҳнат қобилиятли ёшдаги иқтисодий фаол одамлар. Хорижда иш қидиришга интилаётган одамларга қўмаклашувчи миграция хизматлари ва халқаро ташкилотлари. Жаҳон ишчи бозоридаги экспортёр мамлакатлар. Миграция жараёнларининг импортёр мамлакатлар иқтисодиётига таъсири. Меҳнат миграциясининг миллий иқтисодиётларга таъсири. Хориждан валюта трансферта оқимларини кенгайтиши - ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар асосий фойдаси сифатида. Меҳнат иммиграциясининг микдорий ва сифат даражасини квоталар ва чеклашлар жорий қилиш орқали тартибга солиш. “Ақлли кишиларни кетиб қолиши” муаммосининг моҳияти. Бу муаммонинг Ўзбекистонда ҳал этиш имкониятлари. Ишга жойлашиш мақсадида хорижга чиқиб кетган малакапи кадрларни йўқотишнинг экспорт қилувчи мамлакат учун иқтисодий зарари. Муаммони ҳал этишнинг умумиктисодий ва утилитар йўллари. [A2, 202-218; A24, 429-454; A25, 76]

Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар

Четга капитал чиқариш халқаро иқтисодий муносабатларни кўринишларидан биридир. Капитал чиқаришни сабаби ва моҳияти. Тўғри портфель инвестициялар. Жаҳон иқтисодиётида халқаро қарзлар (заёмлар), уларнинг тутган ўрни. Ривожланишда расмий ёрдам тушунчаси. Капитал чиқаришнинг асосий йўналишлари, қўламлари. Инвестицион иқлим. Капитал олиб чиқишнинг моҳияти ва кўринишлари: Жаҳон капитал бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш жараёни. Капитал олиб чиқиш кўринишлари. Умумжаҳон банки гуруҳининг фаолияти. Жаҳон капитал бозорининг замонавий кўриниши. Капиталларни ички муомападан олиб максимал даражада фойда олиш мақсадида хорижга чиқариш. Ривожланган капитал бозорлари. Тўғри ва портфель инвестициялар: тўғри хорижий инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти. Портфель инвестицияларнинг хусусиятлари. Инвестицион муҳит тушунчаси. ТМК фаолияти қўламининг кенгайтиши - тўғри капитал қўйилмапарининг энг етакчи тамойили сифатида. Хориждан молиявий ресурслар жалб қилишнинг зарурий иқтисодий омиллари. Капитал экспорта жугрофий тузилмасидаги ўзгаришлар. Капитал экспортининг замонавий жугрофий тузилмаси. Жаҳон капитал бозорида Ўзбекистоннинг ўрни. Ривожланган иқтисодиётлар ролининг ортиб бориши. Жаҳон бозорига янги индустриал мамлакатларнинг катта гуруҳи ва собиқ социалистик давлатларнинг кириб келиши. Жаҳон иқтисодиётида Трансмиллий корпорациялар (ТМК). ТМКнинг ташкил топиши, фаолияти ва ишлаб чиқаришни байналмилаллашувдаги роли.

ТМКлар ва янги саноатлашган давлатлар. ТМКлар фаолиятини халқаро бошқаруви. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари. Бош компания, ассоциациялашган фирмалар, шўъба корхоналар, кичик шахобчалар. ТМКнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти. ТМК фаолиятининг янги кўринишлари: лизинг ва факторинг. XXI асрда хорижий мамлакатларнинг капитал қўйилмалари ва унинг Республика иқтисодиётини ривожланишидаги аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилиниши муаммолари. Чет эл инвестицияларини Давлат томонидан бошқариш. Чет эл инвестициялари тўғрисидаги Қонун. Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилиниши, шакллари. Табиий ресурсларни ўзлаштиришда чет эл капиталининг тутган ўрни. Республиканинг ҳуқуқий ва иқтисодий бошқаруви, ривожланиш муаммолари.

[A4, 142-146; A24, 387-409; A25, 66]

Жаҳон иқтисоднётнда эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни

Жаҳон иқтисодиётини эркин иқтисодий ҳудудлар, уларнинг функциялари ва туркумланиши (классификацияси). Эркин иқтисодий ҳудудлар тажрибаси. “Эркин иқтисодий ҳудуд” (ЭИХ) тушунчаси. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг асосий кўринишлари. Эркин иқтисодий ҳудудларни яратишнинг АҚШ, Хитой моделлари ва уларнинг хусусиятлари. Молиявий ва маъмурий тадбирлар. Эркин иқтисодий ҳудудларда жорий этиладиган имтиёзлар. Савдо ЭИХлари. Технопарклар. Технополислар. Оффшор ҳудудлар.

[A7, 150-175; A25, 5-9; A3, 36]

Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлари

Миллий ва минтакавий валюталар тизимидаги асосий қонун-қоидалар. Валюта бозорлари, уларнинг функцияси, турлари. Халқаро кредит муносабатларнинг моҳияти, мазмуни. Сузиб юривчи ва фиксация қилинган валюта курслари. Валюта операциялари, уларнинг кўриниши. Валюта позициясини шакллари. “СВОП”, “ФОРВАРД” операциялари, валюта ваучерлари “СПОТ”, қимматбаҳо қозғалар арбитражи. Валютани чекланиши, унинг кўринишлари. Валюта тавакалчилиги. Валюта тавакалчилигини сугурталаш. Халқаро молиявий кредит ташкилотлар. Халқаро валюта фонди (ХВФ), унинг функциялари. Халқаро банк гуруҳлари: Европа ривожланиш ва қайтатиқлаш банки (ЕТТБ), Осиё ривожланиш банки (ОРБ), ва бошқалар.

[A3, 200-215; A24, 494-505; A14,29-75]

Жаҳон ҳўжалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти

Ривожланган давлатлар гуруҳининг жаҳон ҳўжалиги ва сиёсатида тутган ўрни. Ривожланган давлатлар саноатига характеристика. Гуруҳга кирувчи мамлакатлар критерияси, иқтисодиётини умумий белгилари. Иқтисодиётдаги макротузилма. Мамлакатларнинг илмий-техникавий ва маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги, табиий ресурслари ва меҳнат тақсимоти соҳасидаги имкониятлари. Инсон омилини роли. Миллий иқтисодиётнинг структурасини ўзига хос хусусиятлари. Иқтисодий ривожланишнинг дастлабки шарт - шароитлари ва хусусиятлари. “Катта саккизлик” етакчи ривожланган давлатларни жаҳон саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги, жаҳон савдоси ва халқаро капитал миграциясидаги улуши. Ривожланган давлатлар иқтисодиётининг ҳозирги давр структураси. Мамлакатлар саноати структурасидаги ўзгаришлар. Ривожланган мамлакатларнинг молия-кредит сиёсати. “Катта саккизлик” давлатларнинг ташқи иқтисодий стратегияси. Асосий саноат ва молиявий марказлар. Дунё ҳукмронлигини қўлда ушлаб туришда АҚШнинг иқтисодий ҳамкорлик марказлари. Япония кучли иқтисодий марказ сифатида. Ғарбий Европа - саноати ривожланган мамлакатлар жойлашган ҳудуд сифатида. Ривожланган мамлакатларда ташқи савдо ва унинг замонавий йўналишлари. Илмий - техникавий муносабатлар. Валюта муносабатларининг характери. Ғарбий

Европадаги интеграцион жараёнлар. Европа иттифоқи - Ғарбий Европанинг рақобат қилувчи марказий ядросидир. Ривожланган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий стратегияси. Илмий-техника инқилоби (ИТИ) таъсирида ривожланган мамлакатларнинг макроиқтисодий структурасидаги ўзгаришлар. Иқтисодий кўрсаткичларнинг асосий динамикаси. Қисқа муддатли режа ва таввакалчилик. Саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги умумий муаммолар.

[А3, 254-258; А24, 71-88; А25, 10-109]

Ривожланаётган мамлакатлар - халқаро иқтисодий муносабатлар

Тизимида

Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий белгилари, хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни. Мамлакатларнинг асосий гуруҳлари. Ривожланаётган мамлакатларнинг ривожланиш даражасига кўра қолақ ва ўрта даражада ривожланаётган, ривожланиб бораётган “янги саноатлашган мамлакатлар” га бўлиниши. Халқаро меҳнат тақсимоотида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳуқуқий қатнашиши, мустақилликка эришиш муаммолари. Ташқи қарзларни кўпайишини ҳал этиш муаммолари. Ривожланаётган мамлакатларда хусусийлаштириш жараёнлари. Янги индустриал мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш моделлари. Ўтиш давридаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари.

[А8, 110-120; А24, 133-146; А25, 127-183]

Халқаро иқтисодий интеграция

Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, кўринишлари. Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиш босқичлари. Европа Иттифоқи ташкилотларининг ташкил топиш механизми. Европа бўшлиғи. Шимолий Америка интеграция йўли (НАФТА). Тинч океани ҳамкорлиғи ташкилотининг ташкил топиши. Шарқий Европа интеграциясининг вазифалари. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиғи (МДҲ) мамлакатлари доирасидаги интеграцион жараёнлар. Халқаро ташкилотлар классификациясига умумий тафсир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизимида кирувчи иқтисодий ташкилотлар ва уларнинг вазифалари. Халқаро молия-валюта ва кредит ташкилотлари. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ташкилотларда қатнашиши.

[А4, 10-46; А24, 544-565; А25, 91]

Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг роли

Халқаро ташкилотларнинг пайдо бўлиш жараёни. Халқаро ташкилотларнинг таснифланиши. Глобал ва ҳудудий ташкилотлар. Ҳукуматлараро ва ноҳукумат иқтисодий ташкилотлар. БМТ ва унинг тизими. Халқаро ташкилотларнинг ўз фаолиятини қайта қуриши. Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишувнинг имзоланиши сабаблари. Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишувнинг тамойиллари, вазифалари ва тузилмаси. Савдони глобал эркинлаштириш жараёни. ГАТТ мақсадлари ва функциялари. Ўзбекистон Республикасининг УСТга кириши имкониятлари. Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) ни ташкил этилиши ва унинг ГАТТдан фарқи. УСТнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари. УСТ тузилмаси ва фаолияти. Умумжаҳон савдо ташкилоти - мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида товар оқимларини тартибга солиш муаммолари билан шугулланувчи энг салмоқли тузилма сифатида. Халқаро инвестицияларни кафолатлаш агентлиғи, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Халқаро валюта фонди, Бирлашган миллатлар ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари.

[А22, 294-306; А24, 523-544; А14, 29-75]

Жаҳон хўжалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки

Ўзбекистон Республикасининг XXI асрдаги ресурслари (табiiй, инсон, илмий-

техникавий ва ишлаб чиқариш) ва ривожланиш имкониятлари. Мустақиллик йилларидаги республиканинг иқтисодий аҳволи. Глобал миқёсдаги иқтисодий инқирозларни баргараф этишдаги қийинчиликлар. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври муаммолари. Ўзбекистонни жаҳон ҳўжалигига қўшилиши. Республикани иқтисодий ривожланиш истиқболлари. Халқаро савдода республикани иштироқи. Молия тизими, пул-кредит сиёсати. Молия бозорларини ташкил топиши. Ўзбекистоннинг ҳорижий мамлакатлар билан олиб бораётган ташқи иқтисодий муносабатлари. Республикани жаҳон иқтисодиёти ва интеграциясида иштироқи. Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлашдаги стратегик йўналишлари ва тамойиллари. Халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик муносабатлари.

[А4, 10-46; А24, 5-9; А25, 245]

Таълим бериш ва ўқитиш услуби:	Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (амалий топшириқлар, кейс стади, ўқув лойиҳалар)		
Мустақил ишлар:	Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, проспект, эссе ва х.к		
Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти	Чоршанба Жума	14.00-16.00 13.30-15.00	Ауд. 201 Ауд. 202

Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари, ва тартиби:

Баҳолаш усуллари	Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва х.з.
Баҳолаш мезонлари	<p>86-100 балл - «аъло»: фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш; фанга оид кўрсаткичларни иқтисодий таҳлил қилишда ижодий фикрлай олиш; ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш; ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш; таҳлил натижалари асосида вазиятга тўғри ва холисона баҳо бериш; ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш.</p> <p>71-85 балл - «яхши»: ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш; таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш; ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш; ўрганилаётган жараёнларни жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш.</p> <p>55-70 балл - «қониқарли»: ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш; ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш.</p> <p>0-54 балл - «қониқарсиз»: ўтилган фаннинг назарий ва услубий асосларини билмаслик; иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил этиш бўйича тасаввурга эга</p>

	эмаслик; ўрганилаётган жараёнларга иқтисодий усулларни қўллай олмаслик.		
Баҳолаш жараёни	Рейтинг баҳолаш турлари	Макс.балл	Ўтказиш вақти
	Жорий назорат:	30	
	Талабанинг машғулотларда фаоллиги, саволларга тўғри жавоб берганлиги, уйга вазифа ва амалий топшириқ (масала, мисол) ларни бажарганлиги учун	30	Семестр давомид а
	Оралик назорат	40	
	Оралик назорат (Комиссия томонидан қабул қилинади). Талабаларни кичик гуруҳларга (4-5 талаба) бўлиб топшириқлар 2-3-хафтalar оралиғида талабаларга бириктирилади. Топшириқни ҳимоясида кичик гуруҳдаги талабаларнинг фаоллиги, берилган топшириқларни назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши, хулосаларнинг мантикий боғлиқлиги, мулоҳазаларнинг мавжудлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши, тасаввурга эга бўлиши ва бошқа талабларга мослиги ҳисобга олинади. Кичик гуруҳдаги талабаларнинг фаоллигига қараб, ҳар бир талабага 0-40 гача оралиғида билими ва саволларга берган жавобларига нисбатан балл қўйилади. Ҳимоя кафедра мудирини тавсия этган ва факультет декани тасдиқлаган жадвал асосида дарс машғулотларидан сўнг ташкил этилади.	40	10 - 17 ҳафта
	Якуний назорат	30	
Ёзма иш	30	18 ҳафта	
	ЖАМИ	100	
АХБОРОТ РЕСУРС БАЗА:			
Асосий адабиётлар:	<p>1.Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 196 б.</p> <p>2.Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.</p> <p>3.Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик.- Т.:ТДИУ, 2011.- 276 б.</p> <p>4.Мировая экономика и международный бизнес: учебник/ кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р. К. Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.- 688 с.</p>		
Қўшимча адабиётлар:	<p>1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.</p> <p>2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.</p> <p>3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва</p>		

	<p>шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.</p> <p>4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.</p> <p>5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.</p> <p>5. Внешнеэкономическая деятельность: учебник, для студ. сред. проф. учебник, заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Симитенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.</p> <p>6. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. - М.: Магистр, 2007. - 429 стр.</p> <p>7. Назарова Г, Иминов З. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. - 2010. - 319 бет.</p> <p>8. Назарова Г. Ғ., Хайдаров Н. Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар / академик С. С. Ғуломов таҳрири остида (ўқув қўлланма), ТДИУ, 2005 й. 272 бет.</p> <p>9. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник / Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 стр.</p>	
Илмий журналлар:	<p>“Экономическое обозрение”, “Иқтисодиёт ва таълим”, “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар (электрон журнал)”, “Молия”</p>	
Даврий нашрлар:	<p>“Халқ сўзи”, “Солиқ ва божхона хабарлари”</p>	
Статистик нашрлар:	<p>1. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2015. –Т.: Госкомстат Узбекистана. 2016. - 130 стр.</p> <p>2. Статистическое обозрение Узбекистана. 2008-2015.</p>	
Интернет ресурслар:	<p>1. www.economics.ru</p> <p>2. www.ved.ru</p> <p>3. www.ser.uz.</p> <p>4. www.uza.uz</p>	<p>5. www.ifmr.uz</p> <p>6. www.lex.uz</p> <p>7. www.ziyonet.uz</p>

I.ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

1.1.МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ МАТНИ

1-мавзу: Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанинг предмети.
2. Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари.
- 3.Замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш хусусиятлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Фан предмети, фан объекти, илмий тадқиқот методлари, жаҳон иқтисодиёти, халқаро иқтисодий муносабатлар, ривожланиш босқичлари, мамлакатлар классификацияси.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1.Фанни ўқитишнинг ўзига хос аҳамияти бор. Шунга сиз қандай фикр билдирасиз?

2. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фани бошқа фанлар билан мустақкам алоқада. Уларни мазмунан қандай изоҳлайсиз?

3. Фан ўзининг илмий тадқиқот методларига эга. Бозор иқтисоди шароитида бу методларни қандай изоҳлайсиз?

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда ЖИ ва ХИМ фани тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. ЖИ ва ХИМ фанининг ривожланиш хусусиятларини изоҳлай олади.

1.2. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар орасидаги фарқни ажрата билади.

1-асосий савол баёни: XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон хўжалигини фаолиятининг ўзига хос томонларидан бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг жадал равишда ривожланиб боришидир. Жаҳон хўжалигида давлатлар гуруҳлари ва иқтисодий гуруҳлар, алоҳида фирма ва ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тобора кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Бу жараёнлар халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва хўжалик ҳаётининг байналминаллашувида, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва яқинлашувида, минтақавий халқаро тизимларнинг ривожланиши ва мустақкамланишида намоён бўлмоқда. Шуниси характерлики, ўзаро ҳамкорлик ва яқинлашиш жараёнлари қарама-қарши, диалектик характерга эга. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг диалектикаси шундаки, айрим мамлакатларнинг иқтисодий мустақилликка, миллий хўжаликни мустақкамлашга интилиши, оқибат натижада жаҳон хўжалигини янада кўпроқ байналминаллашувига, миллий иқтисодиётнинг очиклигига, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига олиб келади. Халқаро иқтисодий муносабатлар предмети икки асосий қисмдан, яъни, халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзи ва уни амалга ошириш механизmidан иборатдир. Халқаро иқтисодий муносабатлар ўз ичига алоҳида мамлакатларни, уларнинг минтақавий бирлашмаларини, шунингдек алоҳида корхоналарнинг (трансмиллий, кўпмиллий корпорацияларни) жаҳон хўжалиги тизимидаги бир-бирига қарама-қарши бўлган иқтисодий муносабатларининг мажмуини олади. Халқаро иқтисодий муносабатлар механизми эса ўз ичига ҳуқуқий меъёрларни ва уларни амалга ошириш воситаларини (халқаро иқтисодий шартномалар, келишувлар, “кодекслар”, ҳартиялар ва ҳ.к.), халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадида амалга оширишга йўналтирилган халқаро иқтисодий ташкилотларнинг фаолиятини олади. Халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ) тизимида қуйидагилар киради:

1. Халқаро меҳнат тақсимоти.

2. Халқаро товар ва хизматлар савдоси.

3. Халқаро капитал ва хорижий инвестициялар ҳаракати.

4. Халқаро ишчи кучи миграцияси

5. Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлари.

6. Халқаро иқтисодий интеграция.

Халқаро иқтисодий муносабатлар (асосан савдо) жаҳон хўжалиги вужудга келмасдан олдин ҳам мавжуд бўлган. Масалан: Европа давлатлари ўртасидаги ХИМ, минтақалар (Европа-Шимолий Африка, Европа-Яқин Шарқ ва ҳ.к.) ўртасидаги халқаро иқтисодий муносабатлар. Бу муносабатлар минтақавий характерга эга бўлган. Жаҳон хўжалигининг вужудга келиши (XVIII аср охири ва XIX аср бошлари) ва ривожланиши билан халқаро иқтисодий муносабатлар кенгайди ва чуқурлашиб, глобал характерга эга бўлди.

Замонавий жаҳон хўжалиги бу - бозор иқтисодиётининг объектив қонунларига бўйсинувчи, ўзаро боғлиқ бўлган миллий иқтисодиётлар бирлашмаси, глобал иқтисодий организмдир.

Назорат саволлари:

1.1. ЖИ ва ХИМ фани нима учун ҳозирги кунда барча ўқув юрларида ўқитилмоқда? Сабабини тушунтиринг?

1.2. Нима учун мамлакатлар иқтисодиётининг очиклик даражасини ўрганиш ҳозирда долзарб муаммо ҳисобланади?

1.3. ЖИ ва ХИМ фани билан иқтисодиёт фанлари системаси орасида қандай алоқадорлик бор деб ўйлайсиз? Сабабини изоҳлаб беринг?

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: ЖИ ва ХИМ ривожланиш босқичлари ва тенденцияларитўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. ЖИ ва ХИМ фанининг ривожланиш босқичларини изоҳлай олади.

2.2. ЖИ ва ХИМ фанининг ривожланиш тенденцияларини тушунтира билади. 2-асосий савол баёни: Жаҳон хўжалиги ўзининг вужудга келиши ва ривожланишида узоқ ва қийин йўл босиб ўтди. Айрим тадқиқотчилар унинг вужудга келишини Рим империяси даври билан боғлашади (эр.авв.ги II ва эрамизнинг I асрлари). Бунда улар Рим империясини ўша вақтдаги бутунжаҳон хўжалик тизими деб баҳолайдилар. Бошқа олимлар жаҳон хўжалигини фаолият кўрсата бошлаган даврни XV-XVI асрлар, яъни буюк жуғрофий кашфиётлар даври билан боғлайдилар. Айнан шу кашфиётлар қимматбаҳо тошлар, металллар, ширинликлар ва қуллар билан халқаро савдонинг тез ривожланишига сабаб бўлди. Аммо бу даврдаги жаҳон хўжалиги чекланган бўлиб, фақат савдогарларнинг сармоялари ишлайдиган соҳа бўлган эди халос. Замонавий жаҳон хўжалиги саноат инқилобидан кейин, капиталнинг монопол босқичига ўтиши давомида вужудга келди. XXI аср бўсағасидаги жаҳон хўжалиги - ўз миқёсига кўра глобалдир; у тўлиқ равишда бозор иқтисодиётининг тамойиллари, халқаро меҳнат тақсимотининг объектив қонуниятларига, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига асосланади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликларда жаҳон хўжалигини ривожланиш етакчи тенденцияларидан бири, бу кўплаб давлатларнинг бирин-кетин ёпиқ миллий хўжаликдан ташқи бозорга юз тутган иқтисодий очик типдаги хўжаликка ўтишидир. Айнан ана шу даврда АҚШ олимлари “Очик савдо”, “Очик иқтисодиёт” деган тезислар билан чиқдилар. Бу аввало жаҳон бозорида ўз ҳукмронлигини ўтказиш билан боғлиқ эди. Иккинчи жаҳон урушидан ғолиб ва янада бойиб чиққан АҚШ ҳукумати томонидан янги иқтисодий тартиб қўлланмалари таклиф этилди. Бундай “эркин савдо” ва “очик иқтисодиёт” тезислари ҳукмрон иқтисодиётнинг камроқ ривожланган давлатларга қарши қаратилган қуроли, шунингдек америка корпорацияларининг тутиб бўлмас экспансияга интилишлари эди.

Аммо урушдан кейинги йилларда дунёда ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ўзгара бориши билан боғлиқ ҳолда “Очиқ иқтисодиёт” ҳақидаги тезис америка экспансионизмининг манфаатларига йўналтирилганликни йўқота бориб, жаҳон хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви маъносини ола бошлади.

Жаҳон иқтисодиётда очиқ иқтисодиётни шаклланишида давлат муҳим роль ўйнади. Давлат товар ва хизматлар олиб чиқишни рағбатлантириб, хорижий фирмалар билан кооперацияларга, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожланишига ёрдамлашиб, ўзига экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш функциясини олди. Чет элдан инвестициялар, технологиялар, ишчи кучи ва ахборот воситаларини оқиб келишини енгиллаштирувчи мустахкам ҳуқуқий асос яратилди.

Жаҳон иқтисодиётида ва ХИМда “Эркин савдо” ва “Очиқ иқтисодиёт” тушунчаларини фарқлаш лозим. “Эркин савдо” ҳақидаги концепция А.Смитнинг сиёсий иқтисодиётдан бошланиб у ва замонавий америка иқтисодчиларининг кашфиёти эмас. “Очиқ иқтисодиёт” тушунчаси аслида ишлаб чиқариш омиллари, ахборот, миллий валюталарнинг ўзаро алмашувининг эркин ҳаракатини ўз ичига олган товарлар савдоси кўринишида бўлиб, у “эркин савдо” тезисидан кенгрок тушунчадир.

Очиқ иқтисодиётни автаркия, ўз-ўзини таъминлаш иқтисодиёти, ҳаддан ташқари ўз кучига суянишнинг антиподи сифатида ҳам тушуниш лозим. Очиқ иқтисодиётнинг вужудга келиши - бу жаҳон ривожланишининг объектив тенденциясидир. Очиқ иқтисодиёт тамойилларига мос равишда ҳаракат қилиш бу – жаҳон бозори стандартларини тан олиш, унинг қонунлари асосида ҳаракат қилишдир.

Очиқ иқтисодиёт ички бозорнинг чет эл капитали, товарлари, технологиялари, ахборотлари, ишчи кучининг оқими учун ақлга тўғри келадиган даражада очиклигини назарда тутлади.

Очиқ иқтисодиётнинг афзалликлари қуйидагилардир:

- ишлаб чиқаришни ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашиши;
- ресурсларни мулоҳазакорлик билан самарадорлик даражасига қараб тақсимлаш;
- халқаро иқтисодий алоқалар тизими орқали жаҳон тажрибасининг тарқалиши;
- жаҳон бозоридаги рақобат томонидан рағбатлантириладиган миллий ишлаб чиқарувчилар орасида рақобатнинг кучайиши.

Шаклланиб бўлган очиқ иқтисодиёт ва очиқ иқтисодиётга ўтиш бир хил нарса эмас. Очиқ иқтисодиёт давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларида назоратсизлик ва ҳамма нарса мумкин, чегаралар очиқ дегани эмас. Очиқ иқтисодиёт унинг ақлга сиғадиган даражада амалга ошириш механизмини шакллантиришда давлатнинг сезиларли аралашувини талаб қилади. Ҳеч бир мамлакатда иқтисодиётнинг мутлак (абсолют) очиклиги йўқ.

Очиқлик миқдорининг биринчи даражали индикаторига экспорт ва импортнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улушини киритиш мумкин. Уларнинг комбинацияси алоҳида миллий иқтисодиётларнинг жаҳон бозори билан алоқаларининг миқёси ҳақида тушунча беради. Шундай қилиб, экспортнинг ЯИМга муносабати экспорт квотаси сифатида аниқланади:

$$Эк = Э/ЯИМ \times 100\%,$$

бу ерда $Эк$ - экспорт квотаси, $Э$ - экспорт ҳажми.

Агар $Эк$ 10% бўлса, иқтисодиётнинг очиклиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иқтисодиёт очиклигининг бошқа кўрсаткичи импорт билан ЯИМ муносабатидан келиб чиқувчи импорт квотаси кўрсаткичидир:

$$Ик = И/ЯИМ \times 100\%,$$

бу ерда $Ик$ - импорт квотаси, $И$ - импорт ҳажми.

Очиқликнинг комплекс кўрсаткичларидан бири деб одатда ташқи савдо квотаси кўрсатилади:

$$ТСк = ТС/ЯИМ \times 100\%,$$

бу ерда $ТСк$ - ташқи савдо квотаси, $ТС$ - ташқи савдо айланмасининг ҳажми.

Бу кўрсаткичнинг камчилиги унда капитал экспорти катталигининг ҳисобга олинмаганлигидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўрсатиб берилган коэффициент ва кўрсаткичлар ҳар доим ҳам иқтисодиёт Очқилигининг ҳолатини тўлиқ кўрсата олмайди. Масалан, ташқи савдо квотаси маълум маънода иқтисодиёт очқилигини намойиш қилса ҳам, унинг синтетик кўрсаткичи бўла олмайди. Ташқи савдо квотаси асосан давлатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини кўрсатади. Бу эса очиқ иқтисодиёт тушунчасининг бир қисми холос. Иқтисодиёт очқилиги кўрсаткичи эса мураккаброк комплекс кўрсаткичдир.

Назорат саволлари:

2.1. ЖИ ва ХИМ фанининг ривожланиш босқичларини изоҳлаб беринг?

2.2. ЖИ ва ХИМ фанининг ривожланиш тенденцияларини мисоллар асосида таърифлаб беринг?

2.3. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқасини изоҳлаб беринг?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

ЖИ ва ХИМ олий малакали иқтисодчиларни тайёрлашда уларнинг жаҳон иқтисодиётида бугунги кунда содир бўлаётган тузилмавий ўзгаришларини тушуниши учун хизмат қилади. Бу фан жаҳон мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш хусусиятларини, мамлакатлар ўртасида олиб борилаётган иқтисодий муносабатларни ва мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра гуруҳланишини ўргатади.

Халқаро меҳнат тақсимоти

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Халқаро меҳнат тақсимоти моҳияти ва унга таъсир қилувчи омиллар.

2. Халқаро ихтисослашув ва кооперация, ХМТнинг ғарбдаги замонавий назариялари.

Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар: жаҳон меҳнат тақсимоти, халқаро ихтисослашув ва кооперация, халқаро интеграция.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Халқаро меҳнат тақсимоти ва унга таъсир этувчи омилларни изоҳлай олади.

2. Халқаро ихтисослашув ва халқаро кооперация тушунчаларини фарқлай олади.

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда халқаро меҳнат тақсимоти мазмун ва моҳиятини тушунтириш, халқаро меҳнат тақсимотининг асосий омиллари билан таништириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. ХМТнинг асосий мазмуни ва моҳиятини билиб олади;

1.2. ХМТнинг ривожланиш омилларини изоҳлай олади.

1-асосий савол баёни Халқаро иқтисодий муносабатлар моҳияти, маъносини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бири халқаро меҳнат тақсимотидир. Дунёнинг барча мамлакатлари у ёки бу жихатдан ХМТга қушилган. Унинг чуқурлашуви ИТИнинг катта таъсири остида бўлган ишлаб чиқариш қучларининг ривожланишидан келиб чиқади.

Халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш давлатларга қушимча иқтисодий самара бериб, ўз эҳтиёжларини энг кам ҳаражатлар билан туликрок кондирини имконини беради.

Меҳнат тақсимоти нима? Меҳнат тақсимоти - бу тарихан белгиланган ижтимоий меҳнат тизимидир. У жамият ривожланиши жараёнида фаолиятнинг сифат жихатдан дифференциацияси натижасида келиб чиқади.

Меҳнат тақсимоти турли шаклларда бўлади. Халқаро иқтисодий муносабатлар курсида халқаро меҳнат тақсимоти урганилади.

Ҳалқаро меҳнат тақсимоти моҳияти ишлаб чиқариш жараёни меҳнат фаолияти турли шакллариининг ихтисослашуви ва уларнинг кооперациялашуви, ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Меҳнат тақсимоти фақат ажратиш жараёни сифатида эмас, балки, айниқса жаҳон микёсида меҳнатни бирлаштириш йўли сифатида чиқади.

Ҳалқаро меҳнат тақсимоти давлатлар ўртасида меҳнатнинг ижтимоий-худудий тақсимотининг даражаси ҳисобланади. У алоҳида давлатлар ишлаб чиқаришларининг ихтисослашувига асосланади.

ХМТ жаҳон хўжалигида кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишда усиб бораётган роль уйнамокда. У:

1) Бу жараёнларнинг ўзаро алоқасини таъминлайди;

2) ҳалқаро соҳавий ва минтақавий-соҳавий пропорцияларни шакллантиради.

Ҳалқаро меҳнат тақсимоти назарияси буржуазия сиёсий иқтисод классиклари А.Смит ва Д.Рикардо ишларида асосланди ва ривожлантирилди. ХМТни таҳлил қилар экан, А.Смит «Ҳалқлар бойлигининг табиати ва сабаблари» китобида (1776 й.) савдо ва тадбиркорлик эркинлиги зарурлигини исботлайди. Чунки, унинг фикрича, савдо эркинлигини турли чеклашлар алоҳида минтақалар ва бутун бир давлатлар ўртасида меҳнат тақсимоти чуқурлашишига ҳалакит беради.

Тусикларнинг йўқотилиши ва ҳалқаро алмашинув майдонининг кенгайиши миллий иқтисодиётлар ихтисослашувига ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини оширишга, умужаҳон хўжалигининг юзага келишига олиб келиши керак. А.Смит кейинчалик жуда машхур бўлиб кетган эркин савдо шиорини олга сурди (*laisser-faire*).

А.Смит голяри кейинчалик инглиз иқтисодчилари Д. Рикардо, Р. Торренс ва Жон Стюарт Милл ишларида ривожлантирилди.

Классикларнинг ҳалқаро меҳнат тақсимоти илмий назариясидаги асосий ютуқлари деб ишлаб чиқаришнинг нисбий ҳаражатлари назарияси ҳисобланади Бу назария ҳалқаро савдо ҳақидаги иқтисодий таълимотнинг «классик» асоси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг нисбий ҳаражатлари назарияси асосида мамлакатлар орасида ишлаб чиқариш шароитларида фарқ мавжудлиги ҳақидаги гоё ётади. Бунга кура ҳар қандай мамлакатда ҳар қандай табиий ва иклимий шароитларда ҳар қандай товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин деб ҳисобланади.

Масалан Шотландияда ўзум етиштириш мумкин. Лекин унинг нархи жуда баланд, ундан олинадиган вино эса кам истеъмол қилинган бўларди. У ёки бу товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни солиштириш, талаб бўлган барча товарларни ишлаб чиқаришдан кура энг кам ҳаражат талаб қиладиган маълум бир товар ишлаб чиқариш фойдалироқ деган хулосага олиб келади. Ушбу товарга ихтисослашиш ташқи бозорда айирбошлаш йўли билан бошқа барча товарларни олиш имконини беради.

Нисбий ҳаражатлар назарияси бирон-бир товар ишлаб чиқаришда бир давлатнинг бошқа давлатдан абсолют устунлиги мавжудлигидагина эмас, балки бундай устунлик мавжуд бўлмаган ҳолатда ҳам ихтисослашув фойдали эканлигини исботлайди.

Агар ҳалқаро даражадаги ҳаражатларга нисбатан кам ҳаражат билан товар ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаса, ҳаражатларнинг ўртача даражадан кўплиги кайсидир бир товарда энг кам бўлади. Бошқа товарларга нисбатан фойдалироқ бўлган шу товар ишлаб чиқаришга ихтисослашиш керак. Хатто шу ҳолатда ҳам ихтисослашиш самара беради.

Тесқари ҳолат ҳам назарда тутилган. Мамлакат бир неча товарлар буйича устунликка эга бўлса, бу устунлик максимал бўлган товар ишлаб чиқаришга ихтисослашиш керак.

Буржуаз сиёсий иқтисоди классикларининг голяри Э. Хекшер, П. Самуэльсон, Б. Олин, В. Леонтьев ва бошқа ҳозирги замон иқтисодчилари томонидан ривожлантирилди.

Ҳалқаро меҳнат тақсимотининг ривожланишига қандай омиллар таъсир қилади?

Биринчи навбатда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга интилиш зарурияти.

Ҳалқаро меҳнат тақсимоти ривожланиши жараёнида асосий нарса бу шу жараённинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг ХМТдаги иштирокидан иқтисодий фойда кидириши ва топишидир.

Ҳар қандай давлатнинг ҳалқаро алмашув жараёнида ҳалқаро меҳнат тақсимотининг устунликларини амалга ошириши кулай шароитларда: биринчидан, экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг ташқи ва ички бозор нархларидаги фарқни олиш; иккинчидан, арзонроқ бўлган импортдан фойдаланиб миллий ишлаб чиқаришдан воз кечган ҳолда ички ҳаражатларни камайтириш имконини беради.

Жаҳон хўжалигини тизим сифатида куриб чиқканда ХМТни бу тизимни ташкил қилган бирлаштирувчи асос деб тасдиқлаш мумкин.

Саноати ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариши кўп ҳолатда ташқи истеъмолчиларга, ички талаб импортга йуналган бўлади деб тахмин қилинмоқда. Ривожланаётган давлатларда ички бозорнинг нисбатан тез, лекин экстенсив кенгайиши тахмин қилинапти.

Сунгги ун йилликларда жаҳонда мисли курилмаган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнлар руй берди. Улар ҳалқаро меҳнат тақсимотига сезиларли таъсир кўрсатди.

Назорат саволлари:

1.1. ХМТ нима ва қандай моҳияти бор?

1.2. ХМТ га қайси омиллар таъсир қилади?

1.3. ХМТ нинг қандай шакллари мавжуд?

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга ҳалқаро ихтисослашув, кооперация моҳияти ва ҳалқаро меҳнат тақсимоти модернизациялаш бўйича ғарбдаги назариялар билан таништириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Ҳалқаро ихтисослашув ва кооперация тўғрисида мавҳум ҳосил қилади;

2.2. ХМТ модернизациялаш бўйича тушунча ҳосил қилади

2-асосий савол баёни: Ҳалқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг асосий йуналиши ҳалқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперациясининг кенгайиши бўлди.

Ҳалқаро кооперация (ХК) ва ҳалқаро ихтисослашув (ХИ) ҳалқаро меҳнат тақсимотининг шакллари бўлиб, унинг моҳиятини намоён қиладилар.

Турли давлатлар корхоналарининг маълум бир товарга ихтисослашуви замонавий ИТИ билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг технологик тизимининг мураккаблашиб бориши билан тайёр маҳсулотда ишлатиладиган деталлар кўпайди. Масалан: енгил автомобилда 20 минггача, прокат дастгоҳларида 100 минггача, электровозларда 250 минггача детал ишлатилади.

Ҳалқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви (ХИИ) иккита йуналиш - ишлаб чиқариш ва худудий йуналиш бўйича ривожланмоқда. Ўз навбатида ишлаб чиқариш йуналиши: а) соҳаларо; б) давлатлар гуруҳи; в) алоҳида корхоналарнинг ихтисослашувига бўлинади.

Худудий ҳалқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви: а) алоҳида давлатлар; б) давлатлар гуруҳи; в) худудларнинг жаҳон бозори учун маълум товарлар ва уларнинг қисмлари учун ишлаб чиқаришга ихтисослашувига бўлинади.

Ҳалқаро ишлаб чиқариш ихтисослашувининг асосий турларига: 1) предметли (маҳсулот ишлаб чиқариш); 2) деталли (маҳсулотни ташкил қилувчиларни ишлаб чиқариш); 3) технологик ёки босқичли (яъни алоҳида технологик жараёнларни амалга ошириш. Масалан: йиғиш, буяш ва х.к.) ихтисослашиш киради.

Ҳалқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви - Ҳалқаро меҳнат тақсимотининг динамик шаклидир. 50-60-йилларда бошланғич соҳаларда (автомобилсозлик, авиасозлик, пластмасса ишлаб чиқариш ва х.к.) ихтисослашиш олдинги уринда эди. 70-80-йилларда соҳа ичидаги ХИИ илғор уринда эди.

Ҳалқаро меҳнат тақсимотининг бошқа бир шакли - ҳалқаро ишлаб чиқариш кооперациясидир. Унинг объектив асоси бўлиб, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг усиб бораётган даражаси, ҳамда мамлакат ичида ёки ташқарисида руй

беришидан қатъий назар мустақил корхоналар ўртасидаги барқарор ишлаб чиқариш алоқалари жараёни ҳисобланади.

ИТИ ишлаб чиқариш кооперациясига муҳим элемент - илм-фанни кушиб, унинг ривожланишига ўз хиссасини қўшиди.

Ишлаб чиқариш кооперацияси маълум бир муносабатлар тизими сифатида фаолиятнинг соҳаси ва ҳамкорликнинг усули ҳисобланади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кооперацияси ўзининг ривожланган шаклларида ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олади.

1. Ишлаб чиқариш-технологик ҳамкорлик. Улар: а) лицензиялар бериш ва мулкчилик ҳуқуқларидан фойдаланиш; б) лойиҳа конструкторлик ҳужжатларини, технологик жараёнларни, маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини, қурилиш ва монтаж ишлари, кооперациялашган корхоналарни замонавийлаштиришни ишлаб чиқиш ва мослаштириш; в) ишлаб чиқаришни бошқариш, стандартлаштириш, унификациялаш, сертификациялашни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш дастурларини тақсимлаш.

2. Кооператив маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган савдо-иқтисодий жараёнлар.

3. Сотилган техникага хизмат кўрсатиш.

Кооперация алоқаларини урнатишда фойдаланиладиган уч асосий усул алоҳида кўрсатилиб ўтилади:

1) Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш;

2) Шартнома асосида ихтисослашиш;

3) Кўшма корхоналар ташкил қилиш;

Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш ўз навбатида икки асосий шаклда амалга ошади: пудратли ишлаб чиқариш кооперацияси ва ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш.

Шартнома асосида ихтисослашиш тшлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқариш кооперацияси иштирокчилари орасида тақсимланишини назарда тутлади.

Кўшма корхона бу интеграциялашган кооперациядир.

Ўзбекистонда меҳнат тақсимотини модернизациялаштиришнинг замонавий ғарб назариялари.

ХМТни модернизация қилиш соҳасидаги ғарб тадқиқотларини икки асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1) «бир-бирига боғлиқлик»нинг турли вариантлардаги концепциялари;

2) ХМТнинг мавжуд моделларини қайта қуриш буйича муайян режалари.

«Бир-бирига боғлиқлик» концепциясининг вакилларида бири-голландиялик иқтисодчи К. Нувенхўзедир. У ўз фикрларини тасдиқлашда биринчи навбатда барча давлатлар учун умумий бўлган экологик омилларга мурожаат қилади. Уларга қўйидагиларни киритади: 1) атроф-муҳитнинг барқарор эмаслиги; 2) ердаги табиий ресурсларнинг чекланганлиги. Чунки унинг фикрича ривожланган давлатлар ривожланаётган давлатлардан хом-ашёда қарам, ривожланаётган давлатлар эса саноати ривожланган давлатлардан техника, технология ва х.к.да қарам. Демак улар бир-бирига боғлиқдир. Голланд олимининг фикрича мана шундан келиб чиққан ҳолда ўзбекистонда меҳнат тақсимотини қуриш керак.

Ўзаро боғлиқлик концепциялари умумий ҳарактерга эга. Улар бошқа иқтисодий назариялар гуруҳи-мавжуд ўзбекистонда меҳнат тақсимотини «замонавийлаштириш» назариялари учун асос бўлади.

Ўзбекистонда меҳнат тақсимотини замонавийлаштиришнинг асосий гоясига мувофиқ ривожланаётган давлатлар протекционизм сиёсатидан воз кечишлари ва иқтисодиётга хорижий капитални кенг жалб қилишлари лозим.

Кўпгина ривожланаётган давлатлар худди шундай қилдилар: «очик эшиклар», «очик иқтисодиёт» сиёсатини эълон қилишди, кўплаб Кўшма корхоналар, эркин тадбиркорлик зоналари ташкил қилишди ва х.к. Бу айникса, Шаркий Осиё ва Лотин

Америкасидаги «Янги индустриал давлатларда» кенг ёйилди. Шу билан бирга улар протекционизм гояларидан ҳам тулик воз кечишмади ва ундан зарур бўлганда фойдаланишмоқда.

Саноати ривожланган давлатлар иқтисодчилари нуктаи назаридан «замонавий» халқаро меҳнат тақсимоти моҳияти нимада? Асосий маъно ривожланаётган давлатларни янги соҳаларга йуналтиришдадир. Улар биринчи навбатда саноати ривожланган давлатлар эҳтиёжини кондиритиш учун экспортга меҳнатталаб, материалталаб. Стандартлаштирилган товарлар ишлаб чиқаришга мослашишлари лозим.

Саноати ривожланган давлатлар юқори малакали ишчи кучи талаб қилинадиган ва ИТИ тез бораётган иқтисодиё соҳаларга мослашишлари лозим.

Бу назария аста-секин амалга оширилмоқда. Масалан, ривожланаётган мамлакатларга йуналтирилаётган капиталнинг умумий ҳажмида қайта ишлашга йуналтирилган капиталнинг улуши кўпаймоқда. «Зарарли» ишлаб чиқаришларнинг қисман ривожланаётган давлатларга кўчиш жараёни рўй бермоқда.

Соҳавий ихтисослашиш уч босқичли схема буйича амалга ошмоқда:

1) «Янги индустриал давлатлар» асосан нисбатан малакали меҳнат ва замонавий технологиялар талаб қилувчи товарлар ишлаб чиқаришмоқда;

2) Ривожланаётган мамлакатларнинг камрок ривожланганлари меҳнатталаб ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига хом ашё етиштириб беришга ихтисослашганлар (энг кам ривожланган давлатлар бу схемага умуман тушмайди);

3) Саноати ривожланган давлатлар капиталталаб, юқори технологияли товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Халқаро меҳнат тақсимотининг замонавий концепциялари, уни замонавийлаштириш режалари, шунингек бу концепцияларни амалга оширишни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жаҳон ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ҳозирги даражасида саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасида янги турдаги халқаро ихтисослашиш ва кооперациялашув вужудга келмоқда, ривожланаётган давлатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси кучаймоқда.

Назорат саволари:

2.1. ХМТ, халқаро ихтисослашув ва кооперациянинг мазмун ва моҳияти нимадан иборат?

2.2. ХМТ модернизациялаш буйича қайси назарияларни биласиз?

Мавзу буйича асосий хулосалар:

ХМТ халқаро иқтисодий муносабатларнинг дастлабки шакллари билан бўлиб инсоният цивилизациясининг қулдорлик даври яъни илк йирик шаҳарлир ва марказлашган давлатлар пайдо бўлиши билан шакллана бошлаган. Бугунги кунда ХМТ икки асосий шакллари бўлиб булар халқаро ихтисослашув ва халқаро кооперациядир. Ҳозирга даврда меҳнат тақсимоти чуқурлашиб бораяпти, бунга асосий сабаб мураккаб ишлаб чиқариш турларининг пайдо бўлишидир.

Мавзуга оид адабиётлар:

1.Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 196 б.

2.Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.

3.Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик.- Т.:ТДИУ, 2011.- 276 б.

4.Мировая экономика и международный бизнес: учебник/ кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р. К. Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.

5.Внешнеэкономическая деятельность: учебник, для студ. сред. проф. учебник, заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Симитенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.

- 6.Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. - М.: Магистр, 2007. - 429 стр.
- 7.Назарова Г, Иминов З. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. - 2010. - 319 бет.
- 8.Назарова Г. Г., Ҳайдаров Н. Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар / академик С. С. Гуломов таҳрири остида (ўқув қўлланма), ТДИУ, 2005 й. 272 бет.
- 9.Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник / Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 стр.

2-мавзу: Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

- 1.Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо. Халқаро савдо концепцияси.
- 2.Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йўллари

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Ташқи савдо, экспорт, импорт, квоталаш, тариф усуллар, нотариф усуллар, субсидиялаш, демпинг.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Халқаро савдо халқаро иқтисодий муносабатларнинг давлатлар ўртасида энг кўп қўлланадиган шаклидир. Шунга сиз қандай фикр билдирасиз?
- 2.Халқаро савдонинг ривожланиши назарияларини қандай изоҳлайсиз?
- 3.Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш бозор иқтисодиёти шароитида зарурдир. Шунга сиз қандай фикр билдирасиз?

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда халқаро савдонинг моҳияти, унинг таркиби, ривожланиш назариялари ва давлат томонидан тартибга солиш усуллари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1.Халқаро савдонинг моҳияти ва таркибини изоҳлай олади.
 - 1.2.Халқаро савдонинг концепциялари ва давлат томонидан тартибга солишнинг ҳозирги кундаги аҳамиятини изоҳлай олади.
- 1-асосий савол баёни: Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анъанавий ва энг ривожланган кўринишларидан бири ташқи савдо ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган халқаро иқтисодий муносабатлар умумий ҳажмининг 75-80%и ташқи савдонинг улушига тўғри келади.Дунёда мавжуд бўлган ҳар қандай мамлакат учун ташқи савдонинг роли каттадир. Иқтисодчи олим Ж.Саксинг фикрича “дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий муваффақияти ташқи савдода кўринади. Ҳозирги кунга қадар ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажралган ҳолда соғлом иқтисодиётни ҳосил қила олгани йўқ”.Халқаро савдода халқаро меҳнат тақсмоти асосида пайдо бўладиган турли давлатларни товар ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги алоқаларнинг бир шакли бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий боғлиқликни намоён қилади.Мамлакатлар иқтисодиётида ИТИ таъсири остида рўй бераётган тузилмавий ўзгаришлар, (саноат ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви) миллий хўжаликларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтирмоқда. Бу эса халқаро савдони фаоллашувига имкон яратмоқда. Халқаро савдо ишлаб чиқаришга нисбатан тезроқ ўсмоқда. Ташқи савдо айланмасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жаҳонда ишлаб чиқариш 10%га кўпайган ҳолда жаҳон савдоси 16%га ўсмоқда.“Ташқи савдо” деганда бир мамлакатнинг бошқа бир мамлакат билан ҳақ тўланадиган олиб кириши, яъни, импорт ва ҳақ тўланадиган олиб чиқиш, яъни, экспортдан иборат савдоси назарда тутилади. Дунёдаги барча мамлакатларнинг ҳақ тўланадиган товар айланмаси йиғиндиси халқаро савдо деб аталади. Халқаро савдо тушунчаси торроқ маънода ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, саноати ривожланган давлатларда товар айланмасининг йиғиндиси, ривожланаётган давлатларда товар айланмасининг йиғиндиси ва х.к.

Жаҳоннинг барча давлатлари олдида ташқи савдо бўйича миллий сиёсат муаммоси ётиб, 200 йиллар мобайнида бу мавзуда қизгин тортишувлар бўлиб турибди.

Эркин савдо ёки протекционизм сиёсатини танлаш ёки уни қандай бўлса шу ҳолда сақлаш олдинги асрларнинг характери эди. Бизнинг давримизда бу икки йўналиш ўзаро боғлиқдир. Аммо кўп ҳолларда уни бу қарама-қарши бирлик эркин савдо тамойилининг бош вазифасини бажаради.

Жаҳон иқтисодиётида эркин савдо сиёсатига биринчи бўлиб Адам Смит ўз таърифини берган эди. Адам Смит “айирбошлаш ҳар бир мамлакат учун фойдали бўлиб, ҳар бир мамлакат бунда мутлоқ устунликка эга бўлишини” таъкидлаган эди. Адам Смитнинг таҳлиллари классик назариянинг асоси бўлган ва эркин савдо сиёсатининг ҳар қандай шакли учун асос бўлиб келган.

Давид Рикардо “Сиёсий иқтисод ва солиқ солишнинг бошланиши” (1817йил) номли асарида боши берк кўчадан классик назарияни келтириб чиқарди. У халқаро иқтисослашув мезонларини ажратган ҳолда, давлатлар учун қандай ҳолатларда давлатлараро айирбошлаш манфаатли эканини кўрсатиб берди. Ҳар бир давлат учун устунлик қилган ёки кучсизлиги нисбатан камроқ бўлган соҳага иқтисослашиш манфаат келтиради деган фикрни берди. Унинг қарашлар концепцияси таққосланиши назарияси ёки принципида ўз аксини топди.

Д. Рикардо ўз таълимотида халқаро айирбошлаш барча давлатлар учун мумкин ва манфаатлигини, айирбошлаш барча учун фойдали бўлган нарх зоналарини аниқлаб берган бўлса, Джон Стюарт Милль ўзининг “Сиёсий иқтисод асослари”(1848йил) номли асарида қандай нархда айирбошлашни амалга оширилишини фойдали эканлигини кўрсатган эди. Стюарт Милльнинг таълимоти бўйича айирбошлаш нархи талаб ва таклиф қонунига кўра, ҳар бир давлатнинг ялпи экспорт миқдори ялпи импорт миқдорини қоплайдиган даража билан белгиланади. Джон Стюарт Милльнинг муҳим хизматларидан бири унинг халқаро нарх қонуни ёки “халқаро нарх назарияси”дир. Халқаро нарх қонунида таъкидланишича, шундай нарх мавжудки у давлатлар орасидаги товар айирбошлашни оптималлаштиради. Бу бозор нархи бўлиб, у талаб ва таклифга боғлиқдир.

Классик сиёсий иқтисодчиларнинг назариясини ривожлантириб Готфрид Хаберлер ўз қарашлар концепциясини нафақат меҳнатга, балки ишлаб чиқаришнинг барча омилларига эътиборни қаратган эди.

Халқаро савдо оқимини нима билан аниқланиши ва унинг таркибини Эли Хекшер ва Бертиль Олинлар ўзларининг замонавий қарашларида акс эттирдилар. Улар нисбий устунлик тушунасини изоҳлаб у ёки бу давлатнинг маълум бир товарларга иқтисослашишини уларнинг ишлаб чиқариш омиларига эгалик даражасига боғлиқдир дейилган эди. Э.Хекшер ва Б.Олин “нархларнинг ишлаб чиқариш омилларига тенглаштириш” назариясини илгари сурдилар.

1948 йилда Америкалик иқтисодчилар П. Самуэльсон ва В. Столпер ўз назарияларини киритиб Хекшер-Олин таълимотининг исботини янада мукамаллаштириб, ишлаб чиқариш омилларидан бири, техника асосан бир мукамал рақобат ва товарларнинг тўла ҳаракатчанлиги мавжуд бўлганда халқаро айирбошлаш ишлаб чиқариш омилларининг давлатлар орасидаги нархини тенглаштиради деган эди.

Халқаро савдонинг замонавий назариялари ўз тарихига эга, албатта. Мамлакатларнинг нима сабабдан ўзаро олди-сотди қилиши масаласи XVII асрнинг бошлариданоқ иқтисодчи олимларни қизиқтириб келган. Эндигина вужудга келган иқтисодий таълимот мактаблари ташқи савдони ривожлантиришга ўз эътиборларини қаратишган.

Меркантилистик назария.

Ўрта асрлар феодализмнинг таракқиёти даврида денгиз сайёҳчилиги ютуқларига асосланган буюк жугрофий кашфиётлар янги китъаларга бориш имкониятини берди. Фарбий ярим шарда топилган олтин ундан пул сифатида фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтди. Миллий давлатлар мустақамлана борди, уларнинг энг кучлилари эса кучсизларини босиб олиб узларининг колонияларига айлантди ва ўз таъсир доираларини кенгайтириш учун кураш олиб борди. Шаҳарлар иқтисодий марказлар сифатида яна ҳам муҳимроқ аҳамият касб эта бошлади.

Санъатдаги Уйғониш даври таълим соҳасида ҳам сифат жихатдан янги поғонага сакрашга олиб келди. Ана шундай тарихий вазиятда ўз-ўзини таъминлашга қаратилган феодализм назариялари доирасидан четга чиқа оладиган ва янги хўжалик тизими доирасида товарнинг аҳамиятини асослаб берадиган ҳамда миллий давлатларнинг хорижга экспансияларини амалга ошириши зарурлигини исботлаб берувчи иқтисодий назарияга эҳтиёж туғилди. Меркантилизм ана шундай назарияга айланди.

Меркантилизм иқтисодий таълимотнинг бир йўналиши бўлиб, у европалик олимлар (Tomas Mun (1571-1641), Charles Davenant (1656-1714) Jaen Baptiste Colbert (1619-1683), Sir William Petty (1623-1687)) томонидан ишлаб чиқилган. Меркантилистлар ишлаб чиқаришнинг товар табиатига урғу беришган.

Меркантилистлар нуқтаи назарига кўра, дунё чекланган миқдордаги бойликларга эга, шунинг учун бир мамлакатнинг бойиши факатгина бошқа мамлакатнинг камбағаллашуви ҳисобига юз бериши мумкин. Бойликнинг кўпайиши қайта тақсимланиш орқали мумкин бўлганлиги боис, ҳар бир мамлакатга кучли иқтисодиётдан ташқари армия, харбий ва савдо флотини ўз ичига олган кучли давлат "машина"си ҳам керакки, у мамлакатнинг бошқа мамлакатлардан устунлигини таъминлай олсин.

Меркантилистлар иқтисодий тизимни уч тармоқдан - ишлаб чиқариш, кишлок хўжалиги тармоқлари ва хорижий колониялардан ташқил топган деб ҳисоблашади. Савдогарларга иқтисодий тизимнинг муваффақиятли фаолият олиб бориши учун зарур бўлган энг муҳим гуруҳ, меҳнатга эса асосий ишлаб чиқариш омили сифатида қаралган.

Мамлакат бойлигини бу мамлакатда мавжуд бўлган олтин ва кумуш миқдори билан боғлаган ҳолда, ташқи савдонинг меркантилистик мактаби намоёндалари миллий мавкени мустақамлаш учун давлат куйидагиларни амалга ошириши керак деб ҳисоблайди:

- ижобий савдо балансини ушлаб туриш — товарларни мамлакатга олиб киришга нисбатан уларни четга купрок олиб чиқиш, зеро бу мамлакатга олтин кириб келишини таъминлайди, бу эса ўз навбатида ички харажатлар, ишлаб чиқариш ва бандликни оширади;
- ижобий савдо колдигини таъминлаш максидида экспортни купайтириш ва импортни кискартириш учун ташқи савдони тарифлар, квоталар ва савдо сиёсатининг бошқа дастаклари ёрдамида тартибга солиш;
- четга хомашё олиб чиқишни кескин чегаралаш ёки таъкиклаш, мамлакатда казиб олинмайдиган хомашёларни четдан божларсиз импорт килишга руҳсат бериш, бу олтин захираларини жамлаш ва тайёр маҳсулотларнинг экспорт нархларини паст даражада ушлаб туриш имкониятини беради;
- колонияларнинг метрополиядан ташқари барча бошқа мамлакатлар билан хар қандай савдосини таъкиклаш, факат метрополиягина колонияларда ишлаб чиқарилган товарларни хорижга сотиши мумкин, шу билан биргаликда колонияларда тайёр таварлар ишлаб чиқаришни таъкиклаш орқали уларни метрополия учун хомашё этказиб берувчига айлантдириш.

Меркантилистик қарашлардан иқтисодий тизим тўла бўлмаган бандлик шароитида фаолият олиб бораётганлиги келиб чиқади, бунинг натижасида эса четдан кириб келган кушимча олтин ортикча ишчи кучи билан бирлашиши ва ишлаб чиқаришни купайтириши мумкин. Акс ҳолда эса, яъни тупик бандлик назарда тутилса, четдан олтин кириб келиши инфляцияни ўсишига олиб келади, бу эса ушбу олтинлардан самарали фойдаланиш имкониятини бермайди.

Амалдаги иқтисодий сиёсат

Меркантилизм намоёндалари дунёқарашлари билан асосланган амалий иқтисодий сиёсат кимматбаҳо металлари ишлатиш ва айирбошлаш устидан давлат назоратини ўрнатилишига олиб келди. Ҳукумат хусусий шахслар томонидан олтин ва қумушни четга олиб чиқишни таъқиқлаб қуйишга ҳаракат қила бошлади. Қўлга тушиб қолганлар турли жазоларга, ҳаттоки ўлим жазосигача маҳкум қилинди.

Ҳукумат ташқи савдони амалга оширишни алоҳида йуналишлар бўйича ва алоҳида компанияларгагина рухсат берарди. Бу компанияларнинг асосий вазифаси савдо балансини ижобий қолдиққа эришишини таъминлаш ади. Уша пайтда вужудга келган савдо монополиялари — «Hudson Bay Company» ва «Dutch East India Trading Company» — бир нача ўн йиллаб, XVIII асрнинг ўрталаригача фаолият олиб борди. Бундан ташқари, ҳукумат экспортга субсидиялар ажратган, исьтемомол товарлар импортига божхона бождари жорий этган, айна пайтда экспорт товарга айлантириш мумкин булган хом ашё импортига бож жорий этилмаган.

Меркантилистларнинг халқаро савдо назарияси учун сезиларли ҳиссаси шундаки, улар мамлакатнинг иқтисодий тараккиётида халқаро савдонинг аҳамиятини қайд этдилар ва уни ривожлантириш моделларидан бирини ишлаб чиқдилар. Улар замонавий иқтисодиётда ишлатиладиган тўлов баланси тушунчасини биринчилардан бўлиб изоҳлаб беришган.

Меркантилистлар дунёқарашларининг чегараланиб қолганлиги шундаки, улар бир мамлакатнинг бойиши фақатгина у савдо олиб бораётган бошка мамлакатнинг камбағаллашуви ҳисобига юз бериши мумкин деб ҳисобладилар, халқаро иқтисодиёт ривожланиб боришини, бинобарин мамлакатнинг ривожланиши мавжуд бойлик чегарасида эмас, балки бу бойликни қупайтириш ҳисобига ҳам юз бериши мумкинлигини тушуна олмадилар. Бирок бир мунча кейинроқ вужудга келган физиократлар таълимотларидан фарқли уларок, меркантилистларнинг қарашлари илмий тафаккурни халқаро иқтисодиётда классик мактаб гоёлари томон ундади.

Меркантилистлар мактаби иқтисодиётда бир юз эллик йил ҳукмронлик кидди. Бунинг натижасида XVIII асрнинг бошларига келиб, халқаро савдо барча мумкин булган, баъзан умуман сунъий чеклашлар тури билан ураб ташланди. Турли давлатлар томонидан ишлаб чиқилган савдо қоидалари нафақат ўзаро савдо йўлига улкан ғов бўларди, балки тугилиб келаётган капиталистик ишлаб чиқариш эҳтиёжларига ҳам мие келмас эди.

Инглиз иқтисодчиси Давид Хьюм “нарх-олтин-оқимлар” ўзаро таъсири механизмини ишлаб чиқиш орқали биринчилардан бўлиб меркантилистларга зарба берди. У меркантилистларнинг, мамлакат ўзида мавжуд олтин миқдорини чексиз қўпайтириб бориши мумкин, бу унинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигига таъсир кўрсатмайди, деган фикрларининг нотўғрилигини кўсатиб берди.

Давид Хьюм савдо балансини ижобий қолдиқда ушлаб туриш натижасида олтиннинг оқиб кириши мамлакат ичида пул таклифининг ортишига, иш ҳақи ва нархларнинг кўтарилишига олиб келиши мумкинлигига ўз эътиборини қаратди. Нархларнинг ошиши натижасида мамлакатнинг рақобатбардошлиги пасаяди. Аксинча, олтиннинг чиқиб кетиши мамлакат ичида пул таклифининг камайишига, иш ҳақи ва нархларнинг пасйишига олиб келади ва мамлакат рақобатбардошлиги ортади. Бинобарин, мамлакат савдо баланси қолдиғини ҳамиша ижобий ҳолатда ушлаб тура олмади – бунга ички иқтисодий омиллар йўл қўймади. Олтиннинг ҳаракати миллий иқтисодиётларни созлаб турадиган нозик механизм ҳисобланади, бунинг натижасида экспорт миқдори импорт миқдори билан тенглашади ва савдо қолдиғи нолга айланади.

Бу тамойил қуйидагиларга асосланиб ишлаб чиқилган: Муомаладаги пул миқдори билан нарх даражаси ўртасида тўғридан тўғри боғлиқлик мавжуд; Ҳар икки мамлакатда тўлиқ бандлик ҳукмрон; Сотиладиган товарларга талаб нарх бўйича эгилувчан; Товарлар бозорида ҳам, ишлаб чиқариш омиллари бозорида ҳам соф рақобат ҳукмрон; Миллий валюта олтинга, олтин миллий валютага эркин айирбошланади.

Мана шу шартлар бажарилганда савдо баланснинг мувозанатлашуви автомат равишда юз беради.

Шундай қилиб, меркантилистлар биринчи бўлиб халқаро савдонинг ўзига хос моделини таклиф этдилар. Улар мамлакатнинг бойлиги мамлакатда мавжуд бўлган олтин ва кумуш миқдори билан боғлиқ деб ҳисобладилар. Меркантилистлар товарларни мамлакатга олиб киришга нисбатан уларни четга қўпроқ олиб чиқиш, экспортни кўпайтириш ва импортни қисқартириш учун ташқи савдони тартибга солиш, четга хомашё олиб чиқишни кескин чегаралаш ёки таъқиқлаш, хомашёларни четдан божларсиз импорт қилишга рухсат бериш, колонияларнинг метрополиядан ташқари барча бошқа мамлакатлар билан ҳар қандай савдосини таъқиқлаш керак деб таъкидладилар.

Мана шу шартлар бажарилганда савдо баланснинг мувозанатлашуви автомат равишда юз беради.

Шундай қилиб, меркантилистлар биринчи бўлиб халқаро савдонинг узига хос моделини таклиф этдилар. Улар мамлакатнинг бойлиги мамлакатда мавжуд булган олтин ва кумуш миқдори билан боғлиқ деб ҳисобладилар. Меркантилистлар товарларни мамлакатга олиб киришга нисбатан уларни четга купрок олиб чиқиш, экспортни купайтириш ва импортни кискартириш учун ташқи савдони тартибга солиш, четга хомашё олиб чиқишни кескин чегаралаш ёки таъқиқлаш, хомашёларни четдан божларсиз импорт қилишга рухсат бериш, колонияларнинг метрополиядан ташқари барча бошқа мамлакатлар билан ҳар қандай савдосини таъқиқлаш керак деб таъкидладилар. Бу мактаб намоёндалари илк бор ташқи савдо ва мамлакатнинг ички иқтисодий ривожланиши уртасидаги ўзаро боғлиқликни курсатиб бердилар.

Кейинчалик классик номини олган мактаб вакиллари ташқи савдога меркантилистча карашларга кескин зарба беришди.

Мутлақ устунлик назарияси

Меркантилистларга кескин зарба берган иқтисодчилардан бири Адам Смит булди. Адам Смит миллат бойлиги тупланган олтин миқдорига эмас, балки мамлакатнинг пировард товар ва хизматлар ишлаб чиқара олиш қобилиятига купрок боғлиқлигини аниқ-равшан асослаб берди. Шунинг учун ҳам асосий масала олтинга эга булишда эмас, асосий масала меҳнат таксимоти ва меҳнат кооперацияси ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар иқтисодий жихатдан мутлақ эркин, мавжуд қонунлар доирасида ўз фаолиятлари турини мустақил равишда танлай оладиган шароитларда энг яхши натижага эришиш мумкин. Бу сиёсат "лессе-фер" номини олди.

«Лессе-фер» (фр. fr. laissez-faire) — иқтисодиёт ва эркин рақобатга давлатнинг аралашмаслик сиёсати.

Адам Смитнинг ташқи савдо сиёсати бир канча фаразларга асосланган. У қуйидагиларни аксиома сифатида қабул қилади:

- Меҳнат ягона ишлаб чиқариш омили;
- Тўлик бандликка эришилган, яъни барча мавжуд ресурслардан товар ишлаб чиқаришда фойдаланилади;
- Халқаро савдода икки мамлакат иштирок этади, бу мамлакатлар икки хил товар билан ўзаро савдо олиб боради;
- Ишлаб чиқариш харажатлари доимий, уларнинг камайиши товарга булган талабни купайтиради;
- Бир товарнинг нархи иккинчи товарни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат билан ифодаланган;
- Товарни бир мамлакатдан иккинчисига ташиш бўйича транспорт харажатлари нолга тенг;
- Ташқи савдо чеклашлар ва регламентациялардан холи. Адам Смит карашларига мувофик равишда:
- Ҳукумат ташқи савдога аралашмаслиги, очик бозорлар режими ва эркин савдони куллаб-қувватлаши керак;

- Миллатлар, хусусий шахслар ҳам узлари устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиши ва бу товарларни ишлаб чиқарилишида бошқа мамлакатлар устунликка эга булган товарларга айирбошлаш асосида савдо килиши керак;
- Ташки савдо бозорни мамлакат сарҳадларидан ташкарига кенгайтириш орқали меҳнат самарадорлигини ривожлантиришни рағбатлантиради;
- Экспорт мамлакат иқтисодиёти учун ижобий омил саналади, зеро у мамлакат ичкарисида сотиш имконияти булмаган ортикча товарларни сотиш имкониятини беради
- Экспортга субсидиялар ажратилиши аҳоли учун ортикча солиқ ҳисобланади ва ички нархларнинг ортишига олиб келади, шунинг учун бу субсидиялар бекор килиниши керак.

Мутлоқ устунлик назарияси — мамлакатлар ўзлари энг кам харажатлар билан ишлаб чиқарадиган (ишлаб чиқаришда мутлақ устунликка эга бўлган) товарларни экспорт қилади ва бошқа мамлакатларда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқариладиган (ишлаб чиқаришда савдо ҳамкорлари мутлақ устунликка эга бўлган) товарларни импорт қилади.

Агар икки мамлакат савдо ҳамкорига нисбатан кам харажатлар билан ишлаб чиқарадиган (яъни мамлакат ишлаб чиқариш харажатлари бўйича мутлақ устунликка эга бўлган) товарлар билан ўзаро савдо қилганда халқаро савдо фойдали бўлади. Меҳнат ягона ишлаб чиқариш омили бўлганлиги боис ишлаб чиқариш харажатларида мутлақ устунлик шарти бир бирлик товарни ишлаб чиқаришга сарфланадиган вақт бир мамлакатда иккинчисидан камроқ бўлишини англатади. Агар тўлиқ бандлик ҳукмрон бўлса, яъни товарлар ишлаб чиқаришда барча мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиляпти деб фараз қилайлик, бир мамлакат доирасида бу шартнинг бажарилишини қуйидаги формула орқали ифодаланилиши мумкин:

$$A_1Q_1 + A_2Q_2 \leq L, \quad (1)$$

Бу ерда A_1 — бир бирлик биринчи товарни ишлаб чиқаришга сарфланган вақт, A_2 — бир бирлик иккинчи товарни ишлаб чиқаришга сарфланган вақт, Q_1 — ишлаб чиқарилган биринчи товар миқдори, Q_2 — ишлаб чиқарилган иккинчи товар миқдори, L — мамлакатдаги мавжуд меҳнат ресурслари. Формуладан кўриниб турибдики, биринчи товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мамлакат иккинчи товар ишлаб чиқаришини қисқартиришга мажбур. Ва, аксинча, иккинчи товар ишлаб чиқарилишининг ҳар қандай кўпайтирилиши биринчи товар ишлаб чиқарилишининг камайишига олиб келади.

Иккинчи мамлакатни кўриб чиқайлик. Бу мамлакатда A_1' — бир бирлик биринчи товарни ишлаб чиқаришга сарфланган вақт, A_2' — бир бирлик иккинчи товарни ишлаб чиқаришга сарфланган вақт.

Агар биринчи мамлакатда биринчи товарни ишлаб чиқариш учун иккинчи мамлакатга нисбатан кам вақт сарфланса (бу биринчи мамлакат иккинчисига нисбатан мутлақ устунликка эга эканлигини билдиради) бу мамлакат бу товарни иккинчи мамлакатга экспорт қилади: $A_1 < A_1'$

Агар иккинчи мамлакатда иккинчи товарни ишлаб чиқариш учун биринчи мамлакатга нисбатан кам вақт сарфланса (бу иккинчи мамлакат биринчисига нисбатан мутлақ устунликка эга эканлигини билдиради) бу мамлакат иккинчи товарни биринчи мамлакатга экспорт қилади: $A_2 < A_2'$

Мутлақ устунлик назариясининг кучли томони шундаки, у меҳнатнинг қиймат назариясига асосланган ва меҳнат тақсимотининг яққол устунликларини нафақат миллий миқёсда, балки халқаро миқёсда ҳам кўрсатиб беради. Халқаро савдони тушунтириб беришда унинг чекланганлиги ҳам яққол кўриниб туради.

Бу назария у ёки бу товарларни ишлаб чиқаришда мутлақ устунлик бўлмаганда мамлакатлар нима сабабдан ўзаро савдо олиб боришини тушунтириб бера олмайди.

Нисбий устунлик назарияси

Адам Смит назариясига кура, ишлаб чиқариш омиллари мамлакат ичкарисида тўлиқ ҳаракатчан, яъни улар юкори мутлак устунликка эга бўладиган ҳудудларга бемалол кўчиб ўта олади. Эртами кечми ишлаб чиқариш омилларининг кўчиб ўтиши натижасида бир ҳудуднинг бошқасидан устунлиги йўқолиб боради ва омиллардан келадиган фойда баробарлашиб боради. Демак ўзаро савдо тўхтаб қолиши керакдек туюлади. Бирок Давид Рикардо мутлак устунликлар назариясини ривожлантирди ва икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо уларнинг ҳеч бири маълум бир товарни ишлаб чиқаришда мутлак устунликка эга булмаганда ҳам фойдали булишини кўрсатиб берди.

Мутлак устунлик назариясидаги каби маълум бир фаразлардан келиб чиқиб, нисбий устунлик назарияси муқобил нарх ёки бошқача қилиб айтганда ўрнини қоплаш харажатлари (нархи) тушунчасидан фойдаланилади. Муқобил нарх икки товарнинг уларни ишлаб чиқаришга сарфланган иш вақти орқали ифодаланган нархларини солиштиришни акс эттиради (1 бирлик товар ишлаб чиқаришга 2 соатлик меҳнат сарфланган). Ўрнини қоплаш харажатлари маъно жиҳатидан муқобил нархга деярли мос келади, фарқи шундаки, бунда меҳнат сарфига тескари миқдорлар – вақт бирлигида ишлаб чиқарилган товар бирликлари солиштирилади (1 соат вақт бирлигида 1/5 бирлик товар ишлаб чиқарилган).

Муқобил нарх (opportunity cost) — бир бирлик товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақтининг бошқа бир бирлик товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақти билан ифодаланишидир.

Икки ўзгарувчи орасидаги тўғридан тўғри боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, 2-товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган вақт миқдори билан ифодаланган 1-товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган муқобил харажатлар A_1/A_2 ни ташкил қилади. Фараз қилайлик, маълум бир товарларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган муқобил харажатлар I мамлакатда II мамлакатга нисбатан камроқ, яъни:

$$(A_1/A_2) < (A_1^*/A_2^*) \quad (1)$$

Ёки бошқача қилиб ифодалаганда,

$$(A_1/A_1^*) < (A_2/A_2^*) \quad (2)$$

1 формула нисбий устунликни ифода этувчи формула бўлиб, у маълум бир мамлакатда 2-товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган харажатлар орқали ифодаланган 1-товарга сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари бошқа мамлакатда худди шу товарни (2-товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган харажатлар билан ифодаланган) ишлаб чиқариш харажатларидан камлигини кўрсатади. Бу ҳар қандай икки мамлакат ва ҳар қандай икки товар учун ўринлидир, зеро нисбий устунлик фақатгина ҳар бир мамлакатдаги меҳнат самарадорлиги нисбатига боғлиқ бўлади.

Нисбий устунлик назарияси — агар бир мамлакат бошқа мамлакат билан солиштирганда нисбатан камроқ харажатлар билан ишлаб чиқара оладиган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашса уларнинг бирида ишлаб чиқариш бошқасига нисбатан мутлақ самаралироқ бўлишидан қатъий назар ўзаро савдо ҳар икки мамлакат учун фойдали бўлади.

Нисбий талаб (RD — relative demand) ва нисбий таклиф (RS — relative supply) графикларини чизиш учун I ва II мамлакатларда ишлаб чиқарилган 1-товар ва 2-товарларнинг нисбий миқдори билан уларнинг нисбий нархлари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш керак. (1 расм).

Ҳар икки мамлакат томонидан ишлаб чиқарилган 1-товарнинг нисбий миқдори қуйидагича бўлади:


$$(Q_1 + Q_1^*) / (Q_2 + Q_2^*) \quad (1)$$

1-товарнинг нисбий жаҳон нархи эса қуйидагича тенг бўлади:

$$P_1/P_2 \quad (2)$$

Ушбу ҳолатни қуйидаги 3.1.1.-расм мисолида кўришимиз мумкин.

I мамлакат 1-товарни ишлаб чиқаришда нисбий устунликка эга. Бу эса 1-товарнинг сарфланган меҳнат харажатларини солиштириш орқали ифодаланган нисбий нархи II мамлакатдагига нисбатан камлигини билдиради ва расмда 1-товарнинг II мамлакатдаги нисбий нархи (A_1^*/A_2^*)дан пастроқда жойлашган. 1-товарнинг нисбий таклифи унинг I ва II мамлакатлардаги нисбий баҳоси ҳамда унинг жаҳон бозоридаги нисбий нархига боғлиқ бўлади.



3.1.1.- расм. Нисбий жаҳон нархининг шаклланиши. Назарий жиҳатдан бир неча вариант бўлиши мумкин: Агар 1-товарнинг нисбий жаҳон нархи унинг I мамлакатдаги нисбий нархидан ($P_1/P_2 < A_1/A_2$), ўз навбатида, II мамлакатдаги нисбий нархдан ҳам пастроқ бўлганда 1-товар ишлаб чиқарилмайди, зеро уни сотиш фойда келтирмайди, чунки жаҳонда икки мамлакат бор холос.

Агар 1-товарнинг нисбий жаҳон нархи унинг I мамлакатдаги нисбий нархига тенг бўлса ($P_1/P_2 = A_1/A_2$), бу вазиятда I мамлакатдаги ишчилар ҳар икки товар учун бир хил нархга эга бўлишади, шунинг учун уларга бу икки товардан қайси бирини ишлаб чиқаришнинг фарқи йўқ (RS нисбий таклиф графигининг пастки горизонтал қисми).

Агар 1-товарнинг нисбий жаҳон нархи унинг I мамлакатдаги нисбий нархидан юқори ($P_1/P_2 > A_1/A_2$) бўлса, бу мамлакат 1-товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Айни пайтда, 1-товарнинг нисбий жаҳон нархи унинг II мамлакатдаги нисбий нархидан пастроқ бўлганда ($P_1/P_2 < A_1^*/A_2^*$) II мамлакат 2-товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашади (RS нисбий таклиф нисбий таклиф эгри чизигининг вертикал қисми). Ҳар икки мамлакатдаги меҳнат ресурслари (мос равишда L ва L^*) чекланганлиги боис, I мамлакат 1-товарга ихтисослашганда уни ишлаб чиқариш ҳажми L/A_1 ва ўз навбатида, II мамлакат 2-товарга ихтисослашганда уни ишлаб чиқариш ҳажми L^*/A_2^* ни ташкил этади. Шунинг учун 1-товарнинг нисбий нархи A_1/A_2 ва A_1^*/A_2^* чегарасида бўлади, бу товарнинг нисбий таклифи эса қуйидагига тенг бўлади:

$$(L/A_1)/(L^*/A_2^*) \quad (3)$$

Агар 1-товарнинг нисбий жаҳон нархи унинг II мамлакатдаги нисбий нархига тенг бўлса ($P_1/P_2 = A_1^*/A_2^*$), II мамлакат учун қайси товарни ишлаб чиқаришнинг фарқи йўқ: 1-товар учун ҳам, 2-товар учун ҳам бир хил нархга эга бўлади (RS нисбий таклиф нисбий таклиф эгри чизигининг юқори горизонтал қисми).

Агар 1-товарнинг нисбий жаҳон нархи унинг II мамлакатдаги нисбий нархидан юқори ($P_1/P_2 > A_1^*/A_2^*$), ўз навбатида, I мамлакатдаги нисбий нархдан ҳам юқори бўлганда 2-товар ишлаб чиқарилмайди, Ҳар икки мамлакат 1-товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. 1-товар нисбий таклифи графиги чексизликка интилади.

Мамлакатлар ўзлари нисбий устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашганда ўзаро савдо ҳар икки мамлакат учун қай даражада нафлилигини қандай ҳисоблаш мумкин деган ҳақли савол туғилади.

Савдодан келадиган ютуқ (*gains from trade*) — мамлакатлар ўзлари нисбий устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашганда савдода иштирок этувчи ҳар икки мамлакат бу савдодан оладиган иқтисодий наф.

Савдодан келадиган ютуқ мамлакатнинг ўз товарлари ҳисобига ички бозордагига нисбатан четдан хорижий товарларга кўпроқ эга бўлиши натижасида вужудга келади. Савдодан келадиган ютуққа икки тарафлама қараш мумкин: меҳнат харажатларини тежаш ва истеъмолнинг кўпайиши.

I мамлакат бир бирлик иш вақтида $1/A_1$ та 1-товарни ва $1/A_2$ та 2-товарни ишлаб чиқара олади, 1-товарнинг 2-товар нархи орқали ифодаланган нисбий нархи аввалгидек, P_1/P_2 га тенг. Бинобарин, мамлакат вақт бирлигида $(1/A_1) \times (P_1/P_2)$ та 2-товарни импорт қила олади. Токи 1-товарни хорижга сотиш орқали II мамлакатдан 2-товарни ўз ички бозорига нисбатан кўпроқ сотиб олиш имкони бор экан, четдан товар сотиб олиш I мамлакат учун фойдали бўлади, яъни:

$$(1/A_1) \times (P_1/P_2) > (1/A_2) \quad (1)$$


Ёки тенгсизликни ҳар икки томонини $(1/A_1)$ га бўлсак:

$$(P_1/P_2) > (A_1/A_2) \quad (2)$$

2 тенгсизлик нисбий устунлик назариясининг мамлакатлар ўзлари нисбий устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашувини ифода этувчи асосий тенгламасига эквивалент. Шунинг учун I мамлакат учун 2-товарга эга бўлишнинг энг самарали усули 1-товарни кўпроқ ишлаб чиқариб уни 2-товарга айирбошлашдан иборат. II мамлакат учун эса аксинча, 1-товарга эга бўлишнинг энг самарали усули 2-товарни кўпроқ ишлаб чиқариб уни 1-товарга айирбошлашдан иборат.

Савдодан келадиган ютуқни ҳар икки мамлакатда биринчи ва иккинчи товарлар истеъмоли миқдорининг қанчага кўпайиши ҳам белгилайди. (3.1.2.-расм).

3.1.2.-расм. Савдо натижасида истеъмолнинг ортиши.



Агар I мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи АВ, II мамлакатники эса А*В* ни ташкил этса, мамлакатлар ўртасида савдонинг ривожланиши натижасида уларнинг ҳар бири биринчи ва иккинчи товарларни кўпроқ миқдорда истеъмол қила олади. Натижада I мамлакат ихтиёрида С та 2-товар, II мамлакат ихтиёрида эса С* та 1-товар бўлади. Расмдан кўриниб турибдики, ҳар икки ҳолатда ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи сурилди ва ОСВ ҳамда ОА*С* учбурчакларнинг юзи олдинги АОВ (I мамлакат учун) ҳамда ОА*В* (II мамлакат учун) учбурчаклар юзидан сезиларли даражада каттароқдир.

Нисбий устунликлар назариясида жаҳон икки мамлакатдан иборат ва улар икки товар билан савдо қилади деб фараз қилинган эди. Амалда эса бундай ҳолатнинг бўлиши мумкин эмас, албатта. Жаҳондаги мамлакатлар ичидан иккитасининг фақат икки товар билан ўзаро савдосини ўрганмоқчи бўлсак ҳам, бу савдони ушбу мамлакатлар ва бошқа мамлакатлар умумий савдосидан ҳамда жуда кўп миқдордаги товарлар орасидан ажратиб олишнинг имкони йўқ.

Нисбий устунлик назариясининг аҳамиятини баҳолаш жуда мушкул, албатта. У бир неча ўн йиллар давомида халқаро савдони тушунтириб берувчи ва барча иқтисодий билимларга кучли таъсир ўтказа олган асосий назарияларнинг бири бўлиб қолди. Иқтисодиётдаги классик мактаб вакиллари томонидан қилинган кўп сонли ўзгартиришлар ва кенгайтиришлар билан нисбий устунлик назарияси амалда биринчи бўлиб жами талаб ва жами таклиф мувозанатини изоҳлаб берди. Товар қиймати уни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат миқдори билан аниқланиши кўзда тутилган бўлса-да, нисбий устунлик назарияси товарнинг қиймати ушбу товарга ҳам мамлакат ичидаги, ҳам хориждаги жами талаб ва таклифнинг нисбати билан аниқланишини кўрсатиб берди.

Албатта, нисбий устунлик назарияси мавҳум ва жуда соддалаштирилган табиатга эга ва халқаро савдога бевосита таъсир кўрсатадиган бир қатор ҳодисаларни эътиборга олмайди. Назариянинг чекланганлиги уни яратилишида қилинган фаразлар билан боғлиқ. Шунинг учун у ёки бу товар оқимларини нисбий устунлик назариясини қўллаган ҳолда таҳлил қилишда қуйидагиларни эътиборга олиш керак, яъни бу назария:

- транспорт харажатларини эътиборга олмайди, бу харажатлар шундай миқдорга этиши мумкинки, мамлакат бир товарни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат харажатлари бўйича нисбий устунликка эга бўлса-да, ушбу товарни хорижга экспорт қилиш наф келтирмаслиги мумкин;
- мамлакат ичида даромадларнинг қайта тақсимланишига, нарх ва иш ҳақининг ўзгаришига, инфляция, халқаро капитал ҳаракатига ташқи савдонинг таъсирини инобатга олмайди;
- фақат битта ишлаб чиқариш омили (меҳнат) мавжудлигидан келиб чиқади, мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил таъминланмаганлиги каби халқаро савдонинг дастлабки шартларига эътибор бермайди;
- тўлиқ бандлик шартидан келиб чиқади, яъни ишчилар бир тармоқдан кетар экан бошқа янада самаралироқ тармоқда иш топади, ишсиз қолмайди деб фараз қилинади;
- бири иккинчиси олдида нисбий устунликка эга бўлмаган тахминан бир хил мамлакатлар ўртасидаги савдони тушунтириб бера олмайди.

Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси

Нисбий нархлардаги фарқ мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан нотекис таъминланганлиги билан тушунтирилади деган ғояни илгари сурувчи халқаро савдо назарияси ҳам мутлақ ва нисбий устунлик назариялари каби бир қатор гипотезаларга асосланган.

Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси ишлаб чиқариш омиллари, бозор, ишлаб чиқариш, товарлар табиатига ўзига хос муносабат жиҳатидан гипотезаларга асосланган. Бу гипотезаларнинг кўпчилигидан мутлақ ва нисбий устунлик назарияларида ҳам фойдаланилган. Фарқи шундаки, ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясида аввалгидек икки мамлакат ва икки товар бўлса-да, товарнинг бири меҳнат сиғимли, иккинчиси капитал сиғимли бўлиб, ишлаб чиқариш омиллари ҳам иккита: меҳнат – L ҳамда капитал – K. Бундан ташқари ҳар икки мамлакат ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил таъминланмаган. Меҳнатнинг қиймат назарияси инкор этилмайди, фақатгина қийматнинг яратилишида меҳнатдан ташқари бошқа ишлаб чиқариш омиллари ҳам иштирок этади, деган фикр билан тўлдирилади. Айти пайтда мамлакат у ёки бу товарга тўлиқ ихтисослашмайди ва ҳар икки мамлакатда технология бир хил. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясидаги асосий гипотезалардан бири алоҳида олинган товарнинг меҳнат ёки капитал сиғимлилиги ҳамда мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил таъминланмаганлиги ҳисобланади.

Омиллар интенсивлиги (factor intensity) — маълум бир товарни яратиш учун ишлаб чиқариш омиллари нисбий сарфини белгиловчи кўрсаткич.

2-товар 1-товарга нисбатан капитал сиғимлироқ ҳисобланади, агар бу товарни ишлаб чиқаришда сарфланган меҳнат ва капитал харажатлари нисбати 1-товарга сарфланган худди шу харажатлар нисбатидан кўпроқ бўлса, яъни:

$$(K_2/L_2) > (K_1/L_1)$$

Омиллар сероблиги (factor abundance) — мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан нисбий таъминланганлигини белгиловчи кўрсаткич.

Омиллар сероблиги икки усул билан аниқланиши мумкин: ҳар бир ишлаб чиқариш омилларининг нисбий нархлари орқали ва ишлаб чиқариш омилларининг мутлақ миқдори орқали. II мамлакат капитал билан яхшироқ таъминланган саналади, агар бу мамлакатда капитал ва меҳнат нархлари нисбати биринчи мамлакатдаги худди шу нисбатдан кичикроқ бўлса, яъни капитал II мамлакатда I мамлакатга нисбатан арзонроқ бўлса:

$$(P_k^*/P_L^*) < (P_k/P_L)$$

Одатда капитал баҳоси деганда фоиз ставкаси, меҳнат баҳоси деганда эса иш ҳақи тушунилади. Бу ерда ҳам гап омиллари интенсивлиги ҳолатидаги каби нисбий кўрсаткичлар ҳақида кетяпти.


Агар омиллар сероблигини ишлаб чиқариш омилларининг мутлақ миқдори билан аниқлайдиган бўлсак, у ҳолда II мамлакатда мавжуд капитал умумий ҳажмининг ишчи кучи умумий ҳажмига нисбати I мамлакатдаги худди шу нисбатдан юқорироқ бўлса, II мамлакат I мамлакатга нисбатан капиталга бой саналади:

$$(T_k/T_L) > (T_k^*/T_L^*)$$

Омиллар сероблигининг биринчи таърифи бозор мувозанатининг ҳар икки томони – талаб ва таклифни ҳисобга олади, чунки таъриф омиллар нархи орқали бериляпти, нарх эса талаб ва таклифнинг мувозанати натижасидир. Ишлаб чиқариш омиллари нархи у ёки бу мамлакатда уларга эга бўлиш имконияти даражасини ҳамда унинг технологик ривожини савиясини акс эттиради. Иккинчи таъриф эса талабни инкор этган ҳолда фақатгина таклифни инобатга олади. Таклиф ҳам ушбу ҳолатда жуда муҳим, чунки у яратилишида ишлаб чиқариш омиллари фойдаланиладиган пировард товарларга бўлган талабдан келиб чиқувчи ҳосилавий талаб ҳисобланади.

Турли таърифлардан фойдаланиш ҳам бир хил, ҳам турли натижаларга олиб келиши мумкин. Агар биринчи ва иккинчи товарларга ҳар икки мамлакатда талаб бир хил бўлса, ҳар бир таърифдан фойдаланиш натижаси бир хил бўлади: Японияда капиталнинг умумий миқдорининг меҳнатнинг умумий миқдорига нисбати Ўзбекистондагига нисбатан камроқ бўлгани боис Япония ҳар икки таъриф бўйича капитал сероб мамлакат ҳисобланиши мумкин. Агар Ўзбекистонга нисбатан Японияда капиталга талаб ортиб борди деб фараз қилсак, бу мамлакатда капитал таклифи нисбатан кўп бўлишидан қатъий назар, Японияда капиталнинг нисбий нархи Ўзбекистонга нисбатан юқори бўлади. Бу вазиятда Япония иккинчи таърифга кўра, мутлақ миқдор бўйича капитал сероб, аммо нисбий нархларга асосланган биринчи таърифга кўра эса меҳнат сероб мамлакат ҳисобланади, чунки бу мамлакатда меҳнат нархи нисбатан арзон бўлади. Шунга ўхшаш зиддиятларга дуч келмаслик учун у ёки бу мамлакатда омиллар сероблигини аниқлашда биринчи таърифдан фойдаланган маъқулроқ.

3.1.3.-расм. Мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан нотекис таъминланганлиги ҳолатидаги ишлаб чиқариш имкониятлари чегаралари.




Ишлаб чиқариш омиллари билан нотекис таъминланганлиги назарияси халқаро савдо учун асос сифатида бир-бири билан ўзаро боғлиқ икки теорема кўринишида ифодаланиши мумкин: Хекшер-Олин теоремаси ва ишлаб чиқариш омиллари нархининг мувозанатлашуви теоремаси.

Хекшер-Олин теоремаси (Heckscher—Ohlin Theorem) — ҳар бир мамлакат ўз ишлаб чиқаришларида нисбатан катта ҳажмга эга бўлган омилларни талаб этувчи маҳсулотларни устун даражада ишлаб чиқариши ва экспорт қилишга ихтисослашади, бинобарин, бу мамлакатлар миллий хўжалик нуқтаи назаридан нисбатан камчил омиллар билан таъминланган товарларни импорт қиладилар.

Ўзбекистон меҳнат сероб мамлакат, 1-товар эса меҳнат сиғимли товар бўлгани боис, бу мамлакат 1-товарни ишлаб чиқаради ва экспорт қилади. Япония капитал сероб мамлакат, 2-товар эса капитал сиғимли товар бўлгани сабабли бу мамлакат 2-товарни ишлаб чиқаради ва экспорт қилади. Нисбатан сероб ишлаб чиқариш омиллари эгалари савдодан ютади, нисбатан камчил ишлаб чиқариш омиллари эгалари эса савдодан ютқзади.

3.1.4.-расм. Мамлакатларнинг ихтисослашувга кириши



Теоремани исботлаш ва тушунтириш учун графикларга мурожаат қиламиз. Ўзбекистон меҳнат сероб мамлакат, 1-товар меҳнат сиғимли товар, Япония капитал сероб мамлакат, 2-товар эса капитал сиғимли товар эканлигини эслатиб ўтамиз. Қабул қилинган шартларга мувофиқ равишда теорема ҳар икки мамлакатдаги истеъмолчилар жуда ўхшаш ёки деярли бир хил дидга эга эканлигини назарда тутди. Назарий жиҳатдан ҳар бир мамлакатдаги истеъмолчиларнинг дид ва истаклари шунчалик фарқ қилиши мумкинки, бефарқлик эгри чизиғи умуман мос келмаслиги ва ҳаттоки умуман кесишмаслиги мумкин. Бу ҳолатда Хекшер-Олин теоремаси бажарилмайди. Бу теорема истеъмолчилар хоҳиш ва истаклари ҳар икки мамлакатда батамом бир хил ва ягона бефарқлик эгри чизиғига қўшилиб кетишини талаб этмайди, балки бу хоҳиш истаклар мамлакатларни автаркия шароитида қолдирадиган ва уларни ўзаро савдо қилишдан воз кечишга олиб келадиган даражада фарқ қилмайди деб тахмин қилади. Шундай бўлса-да, ҳар бир мамлакатдаги истеъмолчиларнинг дид ва истаклари шунчалик ўхшашки, бефарқлик эгри чизиғи ҳар икки мамлакат учун бир хил бўлсин деб фараз қиламиз.

Ягона бефарқлик эгри чизиғи Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи билан А нуктада ўзаро ягона нуктага эга. Японияда эса бу А* нуктада жойлашган. Шундай қилиб, I бефарқлик эгри чизиғи ва А ҳамда А* нукталар ўзаро савдо бўлмаган шароитда ҳар икки мамлакатдаги мумкин бўлган максимал ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмини ифода этади, уринма чизиқлар эса, 1- ва 2-товарнинг Ўзбекистон ва Япониядаги нисбий нархларини (P ва P^*) кўрсатади. Графикдан $P < P^*$ эканлиги кўриниб турибди, бинобарин Ўзбекистон 1-товарни, Япония 2-товарни ишлаб чиқариш бўйича нисбий устунликка эга.

Савдони ривожлантирган ҳолда меҳнат сероб саналган Ўзбекистон меҳнат сиғимли 1-товарни, капитал сероб бўлган Япония эса капитал сиғимли 2-товарни ишлаб чиқаришга ихтисослаша бошлайди.

Бунда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмини кўрсатувчи нукталар Ўзбекистонда А дан В га, Японияда А* дан В* га кўчади. Ихтисослашув мамлакатлар умумий эквивалент нисбий жаҳон нархи - P_w даражасига чиққунча давом этади. Бу нарх эса, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, ҳар икки мамлакатдаги савдо бошланмасдан олдинги ички нархлар ўртасида жойлашди, яъни $P < P_w < P^*$. Чизмада P_w ҳар икки мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи ва янги II бефарқлик эгри чизиғига ўтказилган уринмани акс эттиради.

Е нукта А нукта билан солиштирганда Ўзбекистонда “ўз” товари “бегона” товардан кам истеъмол қилинганлигини назарда тутса-да, Ўзбекистон ўзаро савдодан ютади, чунки унинг янги бефарқлик эгри чизиғи юқорироқда жойлашган ва истеъмолнинг ортганлигини кўрсатиб турибди. Худди шундай ҳолат Японияда ҳам кузатилади: Е* нукта А* нукта била солиштирганда Японияда “ўз” товари “бегона” товардан кам истеъмол қилинганлигини назарда тутса-да, Япония ҳам ўзаро савдодан ютади, чунки унинг янги бефарқлик эгри чизиғи илгаригисидан юқорироқда жойлашган ва истеъмолнинг ортганлигини кўрсатиб турибди. Демак, ҳар икки мамлакат ўзаро савдо натижасида ютукқа эришди, зеро уларнинг бефарқлик эгри чизиқлари графикда юқорига кўтарилди.


Савдо натижасида айирбошланаётган товарларнинг нисбий нархлари бир-бирига яқинлашиш тамойилига эга. Агар товарларнинг нисбий нархи мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлиги даражаси ҳамда бу омилларнинг нисбий нархларига боғлиқ деб фараз қилинса, табиий савол туғилади: товарлар нархининг мувозанатлашиши ишлаб чиқариш омиллари нархига қандай акс таъсир кўрсатади?

Америкалик иқтисодчи Пол Самуэльсон бу саволга жавоб бера олди. Самуэльсон томонидан исботланган Хекшер-Олин теоремаси тўғрилиги шартидан келиб чиқувчи бу теорема ишлаб чиқариш омиллари нархининг мувозанатлашуви ёки Хекшер-Олин-Самуэльсон теоремаси номини олди.

Ишлаб чиқариш омиллари нархининг мувозанатлашуви (factor price equalization theorem) (Хекшер-Олин-Самуэльсон теоремаси) — халқаро савдо савдо олиб боровчи мамлакатларда гомоген ишлаб чиқариш омилларининг мутлақ ва нисбий нархларини мувозанатлашувига олиб келади.

Нисбий нархларнинг мувозанатлашуви теоремасининг график талқини 1-расмда ифодаланган.

3.1.5.-расм. Ишлаб чиқариш омиллари нархининг мувозанатлашуви.



Капитал нархи (r) орқали ифодаланган меҳнат нархи (w), яъни меҳнатнинг ишлаб чиқариш омили сифатидаги нисбий нархи (w/r) горизонтал. 1-товарнинг 2-товар нархи орқали ифодаланган нисбий нархи (P_1/P_2) эса вертикал ўққа жойлаштирилган.

Меҳнатнинг ишлаб чиқариш омили сифатидаги нисбий нархи Ўзбекистонда OG , Японияда эса OI ни, мос равишда 1-товарнинг нисбий нархи Ўзбекистонда OF , Японияда эса OD ни ташкил этади. Мамлакатлар ўртасида савдо бошланмасдан олдин Ўзбекистонда A , Японияда B нуктада бозор мувозанатига эришилган. Ўзаро савдодан аввал (w/r) нисбат Ўзбекистонда Японияга нисбатан кичик бўлгани учун у меҳнат сиғимли 1-товарни, Япония эса капитал сиғимли 2-товарни ишлаб чиқариш бўйича нисбий устунликка эга.

Савдо бошланганидан кейин Ўзбекистон меҳнат сиғимли 1-товарга ихтисослашгани боис бу мамлакатда меҳнатга нисбий талаб ошиб боради, бу меҳнатнинг нисбий нархи (w/r)нинг ортиб боришига, ушбу ҳолат ўз навбатида 1-товарнинг нисбий нархи (P_1/P_2)нинг кўтарилишига олиб келади. Япония капитал сиғимли 2-товарга ихтисослашгани боис бу мамлакатда капиталга нисбий талаб ошиб бориши капиталнинг нисбий нархи (r/w)нинг ортиб боришига ёки меҳнатнинг нисбий нархи (w/r)нинг пасайишига, бу эса ўз навбатида 2-товарнинг нисбий нархи (P_2/P_1)нинг кўтарилишига, 1-товарнинг нисбий нархи (P_1/P_2)нинг камайишига олиб келади. Бинобарин А ва В нуқталар С нуқтада устма-уст тушмагунча бир-бирига яқинлашиб келади ва 1-товарнинг ҳар икки мамлакатдаги нисбий нархи Е нуқтада мувозанатлашади. Бу эса 1-товарни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнатнинг нисбий нархини Ўзбекистон ва Японияда Н нуқтада тенглашишига олиб келади. Шундай қилиб, халқаро савдо натижасида товарлар нисбий нархининг мувозанатга келиши, ушбу товарларни яратишда фойдаланилган ишлаб чиқариш омиллари нисбий нархининг тенглашишига олиб келади.

Ҳақиқий оламда ишлаб чиқариш омиллари нархи умуман мувозанатлашмаган. Мисол учун турли мамлакатларда меҳнатга тўланадиган иш ҳақи улар ўртасида фаол савдо алоқалари олиб борилишига қарамай сезиларли фарқ қилиб келмоқда. Бунинг бош сабаби юқорида олдиндан қабул қилинган шартлардир:

- Ҳар икки товар ҳар икки мамлакатда ишлаб чиқарилиши назарда тутилган.
- Савдо олиб борувчи мамлакатларда технология бир хил деб фараз қилинган.
- Ишлаб чиқариш омиллари ва товарлар мамлакат ичида тўлиқ ҳаракатчан деб фараз қилинган.
- Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати мавжуд эмас деб фараз қилинган.
- Ишлаб чиқариш омиллари нархининг мувозанатлашуви теоремаси барча чекланишлари ва камчиликларига қарамасдан, халқаро иқтисодиёт таҳлилида муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, омиллар сиғимлиги маълум бир товарни яратиш учун ишлаб чиқариш омиллари нисбий сарфини, омиллар сероблиги мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан нисбий таъминланганлигини белгилаб беради. Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясига кўра, турли мамлакатларда товарлар нисбий нархидаги фарқ, ўз навбатида улар ўртасидаги савдо уларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил таъминланмаганлиги билан тушунтирилади.

Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси ўзининг барча камчиликлари ва мавҳум табиатига қарамай ҳозирги кунгача халқаро савдонинг ривожланишини тушунтирувчи энг машҳур назарияларнинг бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам бу назариянинг турли мамлакатлар, товарлар ва ишлаб чиқариш омилларига нисбатан улкан статистик массивлар ёрдамида эмпирик йўллар билан текширилишига ажабланмаса ҳам бўлади.

Баъзи эмпирик тестлар назарияни тасдиқлар, бошқалари рад этар эди. Хекшер-Олин-Самуэльсон хулосаларини рад этган тадқиқотларнинг энг машҳури 1953 йилда келиб чиқиши Россиядан бўлган америкалик олим Василий Леонтьев томонидан амалга оширилган.

Леонтьев бир неча эмпирик тестлар ёрдамида Хекшер-Олин назарияси шартлари амалда бажарилмаслигини кўрсатиб берди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ энг бой ва капитал сероб бўлган мамлакатларнинг бири бўлиб, бошқа мамлакатлар билан солиштирганда меҳнатга ҳақ тўлаш меъёри ҳам юқори бўлганлиги боис ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясига мувофиқ равишда капитал сиғимли товарларни экспорт қилиши керак эди. Леонтьев бу гипотезани текшириш учун 1 миллион доллар қийматига эга бўлган экспортга мўлжалланган товарлар ва шунча қийматли импорт билан бевосита рақобат қилувчи товарларни ишлаб чиқариш учун қанча капитал ва ишчи кучи зарурлигини ҳисоблаб чиқди. У ҳар бир саноат тармоғи капитал ва ишчи кучи сарфини ҳисоблади, бунда фақатгина тайёр маҳсулотлар (масалан, автомобиллар) билан чекланмади, балки оралик маҳсулотлар (пўлат, ойна, резина) учун ҳам керакли ҳисоб-китобларни амалга оширди. Шундан сўнг АҚШнинг 1947 йилдаги экспорт таркибидан фойдаланган ҳолда 1 миллион доллар суммадаги экспорт товарларга сарфланган капитал ва меҳнат харажатларининг нисбатини ҳисоблаб чиқди. Леонтьев АҚШнинг шу йилдаги импорт таркиби бўйича (импорт товарлари рўйхатига АҚШда ишлаб чиқарилмайдиган товарлар киритилмади) импорт ўрнини босувчи АҚШ товарларини ишлаб чиқаришга сарфланган капитал ва меҳнат харажатлари нисбатини аниқлади.

Амалда бир бирлик АҚШ импортини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган капитал ва меҳнат нисбати - $(K/L)_{im}$ ни бир бирлик АҚШ экспортини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган капитал ва меҳнат нисбати - $(K/L)_x$ билан солиштирилди. “Леонтьев статистикаси” (Leontief statistic) номини олган ушбу нисбатга мувофиқ 1 тенгсизлик бажарилса ҳар қандай мамлакат капитал сероб, 2 тенгсизлик бажарилганда эса меҳнат сероб мамлакат саналиши мумкин.

$$(K/L)_{im} / (K/L)_x < 1 \quad (1)$$

$$(K/L)_{im} / (K/L)_x > 1 \quad (2)$$

Леонтьев, Хекшер-Олин назариясига мувофиқ, экспорт товарлар импорт ўрнини босувчи товарларга (деярли АҚШ импорти) нисбатан ҳар бир ишчи кучи ҳисобига кўпроқ капитал талаб қилишини кутган эди. Натижа бунинг қарама-қаршиси бўлиб чиқди: АҚШ импортининг капитал сиғимлилиги унинг экспорти капитал сиғимлилигидан 30 фоизга кўп чиқди, бу эса АҚШ капитал сероб бўлган мамлакат эмас, балки меҳнат сероб мамлакат эканлигидан далолат берарди, ушбу ҳолат мавжуд тасаввурларга умуман мос келмас эди.

Леонтьев парадокси (Leontief paradox) — бу Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясининг амалда бажарилмаслиги – меҳнат сероб мамлакатларнинг капитал сиғимли, капитал сероб мамлакатларнинг меҳнат сиғимли товарларни экспорт қилишидир.

Ўша пайтда етакчи бўлган ёндашувнинг инкор этилиши унинг тушунтирилишини талаб қиларди. Мунозаралар Хекшер-Олин назарияси тўғри, Леонтьев томонидан олинган натижалар нотўғри эканлигини исботлашга ҳаракатлар доирасида бўлди. Леонтьев парадоксига қарши келтирилган баъзи далиллар қуйидагилар:

Ишчи кучини малакали ва малакасиз ишчи кучи гуруҳларига ажратиш керак ҳамда экспорт товарларга сарфланган харажатларни ҳар икки гуруҳ учун алоҳида ҳисоблаш керак.

АҚШ қазиб олиншида катта миқдорда капитал харажатларини талаб қилувчи хомашёни катта ҳажмда импорт қилади. Шунинг учун АҚШнинг экспорт товарлари катта ҳажмдаги капитал сиғимли хомашёни талаб қилади, бу эса экспортни капитал сиғимлига айлантиради.

Леонтьев тести АҚШда мавжуд бўлган импорт тарифларини инобатга олмаган, бу тарифлар АҚШ саноатининг меҳнат сиғимли тармоқларини хорижий рақобатдан химоялаш учун жорий қилинган, натижада меҳнат сиғимли товарлар импортига тўсик қўйилган.

Америкаликларнинг дид ва хоҳишлари анъанавий равишда капитал сиғимли технологик маҳсулотларга қаратилган бўлиб, АҚШ капитал билан яхши таъминланган бўлишига қарамасдан бу товарларни улар хориждан сотиб олишади.

Ишлаб чиқариш омиллари реверси: бир товар меҳнат сероб мамлакатда меҳнат сиғимли, капитал сероб мамлакатда капитал сиғимли бўлиши мумкин. Масалан, капитал сероб саналган АҚШда етиштирилган гурунч юқори технология воситасида ишлаб чиқарилгани боис капитал сиғимли ҳисобланса, Вьетнамда етиштирилган гурунч меҳнат сиғимлидир, чунки у асосан қўл меҳнати ёрдамида тайёрланади.

Халқаро савдода умумий мувозанат

Халқаро савдонинг стандарт модели

Тарихан халқаро савдо назарияларини ишлаб чиқишда иқтисодий таълимот товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари таклифини ўрганишга кўпроқ эътибор қаратган, талабга эса етарли даражада эътибор берилмаган. Бироқ барчага маълумки, жаҳон бозорида товарлар таклифи талабга боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам замонавий халқаро савдо назарияси товарлар талаб ва таклифига бирдек эътибор беради. У олдинги мавзуларда кўриб чиқилган классик ва неоклассик моделларни рад этмайди, зеро қандай муаммо ҳал этилиши кераклиги ва қайси ишлаб чиқариш омилига кўпроқ эътибор қаратилиши лозимлигига боғлиқ равишда бу моделлардан ҳозирги пайтда ҳам аналитик мақсадларда фаол фойдаланиб келинмоқда. Шунинг учун юқорида келтирилган моделлар маълум маънода жаҳон иқтисодий таълимоти томонидан тан олинган ва замонавий босқичда халқаро савдони назарий таҳлил дастаги сифатида хизмат қилувчи, халқаро савдонинг стандарт модели номини олган моделнинг хусусий ҳоли деб ҳисобланиши мумкин.³

Талаб ва таклиф мувозанатининг неоклассик постулатларига асосланган халқаро савдонинг стандарт модели жуда кўплаб иқтисодчилар-неоклассиклар ҳаракатларининг қўшилиши самарасидир, бу иқтисодчилар жамият миқёсидаги жами талабга алоҳида эътибор қаратишган. Стандарт моделда фойдаланиладиган асосий тушунчалар турли йилларда ирланд иқтисодчиси Frensis Edjuort ва келиб чиқиши Австриядан бўлган америкалик иқтисодчи Gottfrid Heberler томонидан киритилган.


Классик моделлар талаб ва таклифдан чегараланган доирадаги маълум бир товарлар учун фойдаланилган. Стандарт модел эса бу доирани жами талаб ва таклифга кенгайтди. Стандарт модел бизга умумий иқтисодий назариясидан маълум бўлган ҳамда ҳақиқий иқтисодий вазиятларга кўпроқ мос келувчи ўрнини қоплаш харажатларининг ортиб бориши тўғрисидаги қонуниятига тегишли даслабки шартлардан келиб чиқади.

Ортиб боровчи ўрнини қоплаш харажатлари (increasing opportunity costs) ҳар бир қўшимча 2-товарни ишлаб чиқариш учун воз кечиладиган 1-товарнинг миқдори доимий эмас, балки ортиб боровчи бўлишлигини назарда тутлади.


3.1.6.-расмдаги ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ўзи нисбий устунликка эга бўлган 1-товарнинг ҳар бир қўшимча бирлигини ишлаб чиқариш учун воз кечиладиган 2-товар сони борган сари ортиб бормоқда.

3.1.6-а расм. Савдо бўлмаган шароитдаги мувозанат (Ўзбекистон).

³ Kenen P.B. The International Economy. Cambridge: Cambridge University Press, 2000.



3.1.6-б расм. Савдо бўлмаган шароитдаги мувозанат (Япония).



1-б расмдаги ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи эса Япония ўзи нисбий устунликка эга бўлган 2-товарнинг ҳар бир қўшимча бирлигини ишлаб чиқаришни таъминлаш учун борган сари ортиб боровчи 1-товар бирлигидан воз кечишга мажбур бўлишини кўрсатмоқда.

Трансформациянинг чегаравий меъёри (marginal rate of transformation) — 1-товарнинг қўшимча бирлигини ишлаб чиқариш учун воз кечиладиган 2-товар сони.

Ўрнини қоплашнинг чегаравий меъёри (marginal rate of substitution) — мавжуд истеъмол даражасининг сақланиб қолиши таъминланган ҳолда 1-товарнинг қўшимча бирлигини ишлаб чиқариш учун воз кечиладиган 2-товар миқдори.

Халқаро савдо қуйидаги жиҳатлар билан характерланади:

- Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи ҳар бир мамлакатда турлича, бу уларда ўзаро савдога киришишга иштиёқ туғдиради;
- Агар ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи мос келса, яъни ишлаб чиқариладиган товарлар нисбати ҳар икки мамлакатда бир хил бўлса, ўзаро савдо истеъмолчиларнинг диди ва истакларидаги фарққа асосланади, бу эса жуда яқин мамлакатларда ҳам ҳеч қачон тўлиқ мос келмайди;
- Таклиф трансформациянинг чегаравий меъёри, талаб эса ўрнини қоплашнинг чегаравий меъёри билан аниқланади;

□ Халқаро савдо амалга ошадиган мувозанат нархи товарга бўлган жаҳон нисбий талаби ва жаҳон нисбий таклифи билан аниқланади.

Мамлакатлар бир-бири билан савдо муносабатларига киришгунча бўлган мувозанат трансформациянинг чегаравий меъёри (таклиф) ва ўрнини қоплашнинг чегаравий меъёри (талаб) ўртасидаги ўзаро таъсир орқали ўрнатилади. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи ўрнини қоплашнинг чегаравий меъёри эгри чизиғи (I) билан А нуктада туташган, ушбу нуктада мамлакат эҳтиёжларини қондириш максимал даражага этади – Ўзбекистон ўзи ишлаб чиқарадиган 1- ва 2- товарларни максимал миқдорда истеъмол қилади. Япониянинг ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи эса ўрнини қоплашнинг чегаравий меъёри эгри чизиғи (I*) билан А* нуктада туташган, яъни ушбу А* нуктада мамлакат эҳтиёжларини қондириш максимал даражага этади – Япония ўзи ишлаб чиқарадиган 1- ва 2- товарларни максимал миқдорда истеъмол қилади.

Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғлари ва ўрнини қоплашнинг чегаравий меъёри эгри чизиғлари шаклининг ҳар хиллиги туфайли 1- ва 2-товарларнинг Ўзбекистон ва Японияда (А ва А*) турлича бўлади. 1-товарнинг нисбий мувозанат нархи Ўзбекистонда А нуктадан ўтувчи тўғри чизик билан ифодалан ва у 2-товарнинг 1/4 бирлигига тенг, яъни $P_A = P_1/P_2 = 1/4$

Японияда эса ушбу нарх А* нуктадан ўтувчи тўғри чизик билан ифодаланган бўлиб, бу нисбий нарх 2-товарнинг 4 бирлигини ташкил этади: $P_{A^*} = P_1/P_2 = 4$



Шу нарса аниқ равшанки, $P_A/A < P_{A^*}/A^*$ бўлгани боис Ўзбекистон 1-товар, Япония эса 2-товар бўйича нисбий устунликка эга. Ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажми (V)га ҳар икки мамлакатда А ва А* нукталарда эришилади, Q_1 ва Q_2 1- ва 2-товарларни ишлаб чиқариш миқдорини ифода этади:

$$P_1 \times Q_1 + P_2 \times Q_2 = V$$

Савдо бошлангандан сўнг 1-товар бўйича нисбий устунликка эга бўлган, шунинг учун ушбу товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашувчи Ўзбекистон 2-товар ишлаб чиқаришини қисқартирган ҳолда 1-товар ишлаб чиқаришини кенгайтиради, бинобарин ишлаб чиқариш нуктаси А ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи бўйлаб пастга қараб кўчади. Япония эса 2-товар бўйича нисбий устунликка эга, шунинг учун у ушбу товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашади ҳамда 1-товар ишлаб чиқаришини қисқартирган ҳолда 2-товар ишлаб чиқаришини кенгайтиради, ўз навбатида ишлаб чиқариш нуктаси А* ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи бўйлаб юқорига қараб кўчади (2.3.2.-а ва 2.3.2.-б расмлар). Бу жараён ҳар икки мамлакатдаги нисбий нархлар тенглашгунгача давом этади. Янги нисбий нарх $P_A = 1/4$ ва $P_{A^*} = 4$ орасида жойлашади. Бизнинг вазиятда бу нархни ифода этувчи чизик Ўзбекистонда В, Японияда В* нукталар орқали ўтади ва $P_B = P_{B^*} = 1$ га тенг бўлади. Мана шу ҳолатда нисбий устунлик назарияси ўз ниҳоясига этади. Стандарт модел ортиб борувчи ўрнини қоплаш харажатларини ҳисобга олган ҳолда бу назарияни бошқачароқ талқин этади.

3.1.7.-а расм

3.1.7-б расм.



Шундан кейин талаб таҳлил қилинади. Маълумки, мувозанатлашган иқтисодиётда товарлар истеъмоли ишлаб чиқариш ҳажмига мос келиши керак, яъни улар график орқали ифодаланганда ўзаро кесишиши керак. Агар D_1 ва D_2 1- ва 2-товарлар истеъмоли бўлса, қуйидаги тенглик ўринли бўлади:

$$P_1 \times D_1 + P_2 \times D_2 = P_1 \times Q_1 + P_2 \times Q_2 = V$$

Ўзаро савдода мувозанат нархига эришилгандан сўнг ихтисослашни давом эттириш ўзининг иқтисодий моҳиятини йўқотади, чунки ўрнини қоплаш харажатларининг ортиб бориши туфайли бундан кейинги ихтисослашув орқали ишлаб чиқарилган товарлар уларни хориждан сотиб олишга нисбатан қимматроққа тушади. 3.1.7-а ва 3.1.7-б расмлардан кўриниб турибдики, мувозанат нархга $P_B = P_B^* = 1$ нуқтада эришилган, яъни ишлаб чиқариш нуқтаси тўлиқ ихтисослашув томон ҳаракатланган бўлса-да ҳар икки мамлакат учун мос равишда горизонтал ва вертикал ўқларга етиб бормаган.

Халқаро савдода савдо шarti тушунчаси. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш йўллари ва уларнинг хусусиятлари


Нисбий нархларнинг ўзгаришига асосланган ўзаро боғлиқлик савдо шартлари тушунчаси орқали ифодаланади.

Савдо шартлари (terms of trade) — маълум бир товарнинг экспорт ва импорт нархларининг, мамлакат бўйича ёки мамлакатлар гуруҳи бўйича экспорт ва импорт нархлари индексларининг нисбатидир.

Агар бизни маълум бир товар қизиқтирса, нархлар нисбати фақат шу товарнинг экспорт ва импорт нархлари нисбати орқали ифодаланиши мумкин, барча товарлар бўйича ташқи савдо ўрганилаётган бўлса, у ҳолда нархлар нисбати барча товарлар бўйича ифодаланади. Агар P_x — экспорт нархлари индекси, P_{im} — импорт нархлари индекси, Q_x — экспортнинг миқдорий ҳажми, Q_{im} — импортнинг миқдорий ҳажми, RS — экспорт қилинаётган товарлар нисбий таклифи ва RD — импорт қилинаётган товарларга нисбий талаб бўлса, савдо шартлари графикда қуйидагича акс эттирилади. (3.1.8-расм).

Экспорт қилинаётган товарлар нисбий таклифи эгри чизиғининг жойлашуви экспорт товарлари жами нисбий нархи ошганда экспортнинг нисбий миқдорий ҳажми импортнинг нисбий миқдорий ҳажмига нисбатан ортиб кетишидан далолат беради.

3.1.8.-расм. Савдо шarti.



Импорт қилинаётган товарлар нисбий таклифи эгри чизиғининг жойлашуви эса тескари боғлиқликни кўрсатади: импортнинг нисбий нархи кўтарилганда, импорт қилинаётган товарларга нисбий талаб камаяди. Импорт қилинаётган товарлар нисбий таклифи эгри чизиғи ва экспорт қилинаётган товарлар нисбий таклифи эгри чизиғининг кесишиши натижасида А нуктада вужудга келувчи нисбий нарх (P_x/P_{im}) бу товарларнинг Q_x/Q_{im} нисбий миқдорида савдо шартларини ифодалайди.

Савдо шартлари ҳар бир мамлакатнинг экспорти ва импорти ўзаро таклифи ва ўзаро талаби нисбатини ифодалайди. Улар ҳар бир мамлакатнинг экспорт ва импорт нархлари индекси нисбати негизида ҳисобланади ва мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсати, жумладан ташқи савдо сиёсати учун муҳим йўналтирувчи ҳисобланади. $ToT=100$ экспорт ва импорт нархларининг тенглигини билдиради. Савдо шартлари индексининг ўсиб бориши ($ToT>100$) мамлакат экспорти жами нархи импорт жами нархига нисбатан ортганда ҳар бир экспорт қилинган товар учун янада кўпроқ импорт товарлар сотиб олиш мумкин бўлишини кўрсатади. Аввалгидек экспорт миқдори ҳисобига кўпроқ импорт ҳажмига эга бўлиш имконияти мамлакат фаровонлигини оширади. Савдо шартлари индексининг камайиб бориши ($ToT<100$) мамлакат импорти жами нархи экспорт жами нархига нисбатан ортганда ҳар бир экспорт қилинган товар учун янада камроқ импорт товарлар сотиб олиш мумкин бўлишини кўрсатади. Аввалгидек экспорт миқдори ҳисобига камроқ импорт ҳажмига эга бўлиш оқибатида мамлакат фаровонлиги пасаяди.

Нисбий талаб ва таклифнинг бу нисбати ҳар қандай алоҳида олинган товар учун ҳам, бутун мамлакат бўйича ҳам тўғри бўлади. Нисбий талаб ва нисбий таклиф эгри чизиғидаги ҳар қандай силжишлар ёки иқтисодий ўсиш, ёки мамлакатлар ўртасида даромаднинг қайта тақсимланиши параметрларининг ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун савдо шартларини иқтисодий кўрсаткич сифатида қуйидаги асосий кўринишларда бўлиши мумкин:

- Товар ёки соф бартер савдо шартлари (commodity, net barter terms of trade) — маълум бир товарнинг экспорт ва импорт нархларининг ёки барча товарлар бўйича экспорт ва импорт нархлари индексларининг нисбатидир.

$$ToT = P_x/P_{im}$$

- Даромадни ифодаловчи савдо шартлари (income terms of trade) — мамлакатнинг жами экспортдан келган тушум ҳисобига қанча товар импорт қила олиши салоҳиятини кўрсатувчи индекс. Бу индекс товар савдо шартларини экспортнинг миқдор индекси (Q_x)га кўпайтириш орқали ҳисобланади. Бу индекснинг ўсиши экспортдан тушумни ортиши ҳисобига импорт қилиш салоҳияти ортишини кўрсатади.

$$ToT = (P_x/P_{im}) \times Q_x$$

- Омиллар билан боғлиқ савдо шартлари (factor terms of trade) — импорт нархларини бир ёки бир неча ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлиги билан боғловчи, экспорт тармоқларида самарадорликни бир бирликка ошиши ҳисобига қанча миқдорда қўшимча импорт қилиш мумкинлигини кўрсатувчи индекс. Бу кўрсаткич товар савдо шартларини экспорт тармоқларидаги самарадорлик индексига (Q_x) ёки ушбу мамлакатда экспорт тармоқларидаги самарадорлик индексини импорт қилинаётган мамлакат экспорт тармоқларидаги самарадорлик индексига нисбатига (Q_x/Q_{im}) кўпайтириш орқали ҳисобланади.


$$ToT = (P_x/P_{im}) \times (Q_x/Q_{im})$$

Халқаро савдо ва иқтисодий ўсиш орасидаги боғлиқлик ҳамisha жиддий мунозаралар учун мавзу бўлиб келган: бир томондан ишлаб чиқаришни кучайтириш экспортга янада арзонроқ товарлар таклифини кенгайтиришга ва янги бозорларни эгаллашга олиб келиши мумкин, аммо бошқа томондан эса, бунинг натижасида иқтисодий ўсишнинг тезлашуви туфайли мамлакатда юзага келган устунликлар янада арзон экспорт нархлар орқали хорижга ўтиб кетади. Ўсиш, унинг халқаро савдога таъсири нуқтаи назаридан нейтрал, экспортни кенгайтиришга қаратилган ва импорт ўрнини қоплашга қаратилган бўлиши мумкин. Ўсишнинг халқаро савдога таъсири қандай ишлаб чиқариш омиллари - экспортни кенгайтиришга қаратилган омиллар ёки импорт ўрнини қоплашга қаратилган омилларнинг ўсиши билан аниқланади.

Фараз қилайлик, Ўзбекистон ва Япония фақат 1- ва 2-товарларни ишлаб чиқаради.

Горизонтал ўққа 1-товарнинг нисбий миқдорини унинг ўсишини инобатга олган ҳолда $(Q_1+Q_1')/(Q_2+Q_2')$, вертикал ўққа эса нисбий нарх (P_1/P_2) ни жойлаштирамиз. Биринчи мамлакатда экспорт қилинадиган 1-товар ишлаб чиқариши кескин кўпайиб кетсин, бу ҳолда унинг таклифи ортади ва 2-товарнинг нисбий ишлаб чиқариши камаяди. Нисбий таклиф эгри чизиғи RS нуқтадан RS' га кўчади. 1-товарнинг нисбий нархи (P_1/P_2) дан $(P_1/P_2)'$ гача тушади (3.1.8-расм).

3.1.8-а расм. Экспортни кенгайтиришга қаратилган ўсиш



3.1.8-б расм. Импортни ўрнини қоплашга йўналтирилган ўсиш

Экспорт нархлари тушади, импорт нархлари эса ортади. Бу Ўзбекистон учун савдо шarti ёмонлашгани, Япония учун эса савдо шarti яхшиланганидан далолат беради. Қайси мамлакатда ўсиш бошлангани эмас, балки қайси товар ишлаб чиқариши кўпайганлиги муҳим ҳисобланади. 1-товар ишлаб чиқариши Японияда ўсганда ҳам бу ҳолатнинг нисбий таклиф эгри чизиғига таъсири худди юқоригидек бўлар эди.

Экспортни кенгайтиришга қаратилган ўсиш (export-biased growth) — мамлакат экспорт қиладиган товар ишлаб чиқаришини кенгайтириш бўлиб, бу савдо шартини савдо ҳамкорлари фойдасига яхшиланishiга олиб келади.

Экспортни кенгайтиришга қаратилган ўсиш ҳар бир мамлакатда экспорт товарини – бизнинг мисолимизда Ўзбекистонда 1-товар, Японияда 2-товар ишлаб чиқаришини кўпайиши билан аниқланади. Жаҳон бозорига бу товарлар таклифининг ортиши нисбий нархларнинг пасайишига олиб келади. Чунки ҳар бир мамлакат нисбий нархи ортиб бораётган импорт товарларини илгаридек миқдорда сотиб олиш учун нисбий нархлари тушуб бораётган ўзларининг экспорт товарларини янада кўпроқ миқдорда сотишга мажбур бўлишади. Бунинг натижасида экспортни кенгайтиришга қаратилган ўсиш мамлакат савдо шартини савдо ҳамкорлари фойдасига яхшиланишига олиб келади.

Бошқа томондан эса, агар Ўзбекистон ва Японияда мос равишда импорт қилинадиган 2-товар ёки 1-товар ишлаб чиқариши кўпаядиган бўлса, нисбий таклиф эгри чизиғи RS нуктадан RS' нуктага кўчади. Натижада 1-товарнинг нисбий нархи (P_1/P_2)дан (P_1/P_2)'гача кўтарилади (2.3.4.-б расм), бу Ўзбекистон учун савдо шарти яхшиланиб, Япония учун ёмонлашишини англатади.

Импорт ўрнини қоплашга қаратилган ўсиш (import-biased growth) — мамлакат импорт қиладиган товар ишлаб чиқаришининг кенгайиши бўлиб, бу савдо шартини савдо ҳамкорлар учун ёмонлашиб, мамлакат фойдасига яхшиланишига олиб келади.

Импорт ўрнини қоплашга қаратилган ўсиш ҳар бир мамлакатда импорт билан рақобат қилувчи товар – бизнинг мисолимизда, Ўзбекистонда 2-товар, Японияда эса 1-товар ишлаб чиқаришининг ўсиши билан белгиланади. Бу товарлар ички ишлаб чиқаришининг ўсиши экспорт нисбий нархларининг ортишига, импорт нисбий нархларининг пасайишига олиб келади, чунки ҳар бир мамлакат мустақил равишда ишлаб чиқараётгани боис анъанавий импорт товарларини камроқ харид қила бошлайди. Импортга талабнинг қисқариши натижасида импорт товарлар нисбий нархи тушади, бинобарин савдо шарти савдо ҳамкорлари учун ёмонлашиб, мамлакат фойдасига яхшиланишига олиб келади.

Савдонинг нейтрал ўсиши (neutral trade growth) — бу мамлакатлар ўртасида савдо шартининг ўзгармаган ҳолатида халқаро савдо жисмоний ҳажмининг ортишидир.

Халқаро савдонинг масштаб самараси модели

Умумий иқтисодий назариядан маълумки, ишлаб чиқариш масштаби кенгайиб боргани сари товарнинг таннархи пасайиб боради.

Масштаб самараси орқали ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил ёки деярли бир хил таъминланган мамлакатлар ўртасидаги савдо тушунтирилади. Масштаб самараси орқали технологик жиҳатдан бир бирига яқин, ҳаттоки бир хил товар ишлаб чиқарадиган мамлакатлар ўртасидаги савдони ҳам тушунтириш мумкин.

Масштаб самараси (economies of scale) – ишлаб чиқаришининг шундай ривожланишики, бунда омиллар сарфининг бир бирликка ўсиши ишлаб чиқариш бир бирликдан кўпроққа ўсишига олиб келади.

Буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

3.4.1.-жадвал. Масштаб самараси

Меҳнат (соат)	4	5	6	7	8	9	10	11
Товар (дона)	1	2	3	4	5	6	7	8
1 товарга қилинган сарф	4.00	2.50	2.00	1.75	1.60	1.50	1.43	1.38

Масштаб самараси мамлакатдаги тармоқ ва корхоналарнинг рақобат бозоридаги ҳатти-ҳаракати ва фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ташқи ва ички масштаб самараларига ажралади.

Ташқи масштаб самараси бутун тармоқда ишлаб чиқариш масштабини ўсиши натижасида фирма доирасида товар бирлигига тўғри келадиган харажатларнинг камайиши.

Ички масштаб самараси фирма доирасида ишлаб чиқариш масштабини кенгайтириш орқали товар бирлигига сарфланадиган харажатларнинг камайиши.

Ташқи масштаб самарси шуни назарда тутадик, ҳар бир фирманинг ҳажми ўзгармаган ҳолда бир хил товар ишлаб чиқарадиган фирмалар сони ортади. Одатда ушбу ҳолатда бозор етарли даражада рақобатбардошлигини сақлаб қолади, бу эса бу модел асосидаги савдо қонуниятларини халқаро савдонинг классик назарияларига яқинлаштиради, яъни экспортёрлар ўзлари таъсир кўрсата олмайдиган бозордаги нархда хоҳлаган миқдорда товар сотишлари мумкин.

Ички масштаб самараси эса ишлаб чиқариш миқдори ўзгармаган ҳолда товар ишлаб чиқарувчи фирмалар сони камайган ҳолатни назарда тутайди. Ушбу вазият аксарият ҳолларда носоғлом рақобатни келтириб чиқаради, яъни ишлаб чиқарувчилар ўз товарлари нархига таъсир кўрсата олади ва товар нархини пасайтириш орқали сотиш ҳажмини ортиришлари мумкин. Ички масштаб самарасининг экстремал ҳолати соф монополия ҳисобланади.

Монополистик рақобат шароитида савдо

Маълумки халқаро савдода соф мукамал рақоба анча кам учрайди, бунинг сабаби жаҳон хом-ашё ва товарлар бозорининг бўлишиб олинганлиги ва халқаро бозорларда ўзига хос олигополия ва монополияларнинг вужудга келганлигидир. Монополистик рақобат асосидаги савдо назариясининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олим Пол Кругман бўлди.

Агар X — маълум фирманинг сотиш ҳажми, S — тармоқдаги умумий сотиш ҳажми, n — тармоқдаги фирмалар сони, b — фирманинг ўз товари нархига боғлиқ равишда бозордаги улушини кўрсатувчи талаб ўзгарувчиси, P — мазкур фирма товари нархи, P^* — рақобатчи товарларнинг ўртача нархи бўлса,

$X = S[(1/n) - bx(P - P)^*]$ (1) бўлади.

Агар фирма ўз товарларини ўрта нархда юқори сотса ($P > P^*$), унинг бозордаги улуши (S/n) кам бўлади ($X < (S/n)$). Агар фирма ўз товарларини ўртача нархдан паст нархда сотса ($P < P^*$), унинг бозор улуши кўпроқ бўлиши керак ($X > (S/n)$).

Монополистик рақобатнинг халқаро савдога таъсирни аниқлаш учун энг аввало фирмалар сони ва уларнинг товарлари нархи орасидаги учта асосий ўзаро боғлиқликни аниқлаш керак:

□ фирмалар сони қанчалик кўп бўлса, ҳар бир фирма ишлаб чиқарадиган товар ҳажми шунча кам бўлади, ўртача харажатлар ортиб боради;

□ Фирмалар сони қанчалик кўп бўлса, рақобат даражаси юқори бўлади ва товар тархи пасаяди;


□ Агар нарх ўртача нархдан юқори бўлса, бозордаги фирмалар сони ортади ва аксинча.

Монополистик рақобат моделида дастлабки икки боғлиқлик муҳим ҳисобланади. Халқаро савдо товар сотиш бозорлари сиғимини оширади. Фирмалар сони ва бир фирмага тўғри келадиган ўртача ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги чизиқли тенглама билан ифодаланади:

$$C^* = (F/X) + c, \quad (2)$$

$$C^* = n(F/S) + c, \quad (2a)$$

Бу ерда C^* — ўртача харажатлар, F — доимий харажатлар, c — фирманинг чегаравий харажатлари.



Монополистик рако бат шар оитида жалкаро савдо


Формуладан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш ҳажми, ўз навбатида сотиш ҳажми ортиб борган сари фирманинг ўртача харажатлари камайиб боради, чунки доимий харажатлар янада кўпроқ товарлар сонига бўлинади. Бозор мувозанатда бўлган шароитда ҳар бир фирма товари нархи бир хил бўлади, $P = P^*$. Ушбу ҳолатда 1 формула $X = S/n$ га келади. X қийматини иккинчи формулага қўйсақ, 2а формула келиб чиқади. Бу формуладан кўриниб турибдики, тармоқда фирмалар сони қанчалик кўп бўлса, ўртача харажатлар шунчалик ортиб боради. Фирмалар сони ўзгармаган ҳолда сотиш ҳажмининг ортиши ўртача харажатларнинг қисқаришига олиб келади.

Тармоқ ичидаги савдо ва тармоқлараро савдонинг фарқлари

Тармоқ ичидаги савдо – бу мамлакатлар ўртасида бир тармоқнинг дифференциялашган маҳсулотлари билан савдо қилишидир.

3.4.2.-расм. Тармоқлараро савдо

1-мамлакат
Киш/ёз



Тармоқлараро савдо мамлакатларнинг турли тармоқларнинг гомоген маҳсулотлари билан савдо қилишидир.

Тармоқ ичидаги савдо асосан дифференциялашган товарлар билан амалга ошади, баъзи вазиятларда гомоген товарлар билан ҳам амалга ошиши мумкин. Бунга сабаб сифатида транспорт харажатларини қисқартириш ва мавсумдаги фарқ бўлиши мумкин. 1 ва 2 мамлакатларда бир товарни ишлаб чиқарувчилар (S, S') ва истеъмолчилар (D и D') жуғрофий жиҳатдан расмдагидек жойлашган. SD' масофа $D'S'$ масофадан сезиларли даражада қисқа бўлганлиги сабабли иккинчи мамлакат учун товарни ўз ишлаб чиқарувчисидан сотиб олган кўра хориждан импорт қилиш фойдалироқ бўлади.

Шимолий ва жанубий ярим шарда йил фасллари турли пайтга тўғри келади, яъни Бразилия ўзининг кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғим пайтида АҚШга экспорт қилади ва АҚШда йиғим пайтида АҚШдан сотиб олади.

Дифференциялашган товарлар билан тармоқ ичидаги савдони сабаблари қуйидагилар:

- Истеъмолчилар истак ва хохишлари ҳар хил;
- Кесишувчи талаб;


□ Кенг кўламда ишлаб чиқариш эффекти

Линдернинг кесишувчи талаб назарияси

Кесишувчи талаб назарияси бу халқаро савдони талаб томонидан тушунтирувчи камдан кам назарияларнинг биридир. Бу назарияга кўра мамлакат экспорти импортёр-мамлакатдаги талабга боғлиқ.

Камдан кам товарлар фақат экспорт учун ишлаб чиқарилади. Товарларнинг асосий қисми ички бозорда сотилади, ички истеъмол тўлиқ қондирилгандан кейингина бу товар экспорт қилинади. Бу товарни хорижий мамлакатларда сотишда бу мамлакатдаги талаб таркиби ўз мамлактадаги талаб ўхшаш бўлган мамлакатни танлаш мақсадга мувофиқ. Икки мамлакатда талаб таркиби кўпроқ даромад даражасига боғлиқ бўлади, даромад қанчалик юқори бўлса сифатли товарга бўлган талаб ортиб боради.

3.1.8.-расм. Кесишувчи талаб



Кесишувчи талаб назарияси – бу турли мамлакатлардаги истеъмолчиларнинг даромадлари ва истак-хоҳишлари деярли бир хил бўлганлиги сабабли ҳар бир мамлакат учун ишлаб чиқаришда ва ички бозорда яхшироқ тажриба тўпланган товарларни экспорт қилиш осон бўлишидир.

Назариянинг график кўриниши қуйидагича: фараз қилайлик, икки мамлакат мавжуд, биринчи мамлакатда даромад даражаси A дан C гача, бу даромад даражасида ушбу мамлакатда сотиладиган товарлар сифати A' дан C' гача. Иккинчи мамлакатда эса даромад даражаси B дан D гача, бу даромад даражасида ушбу мамлакатда сотиладиган товарлар сифати B' дан D' гача. Икки мамлакат ўртасидаги савдо сифати B' дан C' гача бўлган товарлар билан амалга ошади. Чунки бу ораликда икки мамлакатдаги истеъмолчиларнинг талаби кесишади.

Таянч иборалар: ташқи савдо, халқаро савдо, экспорт, импорт, реэкспорт, реимпорт, мутлоқ устунлик, нисбий устунлик, ташқи савдо айланмаси, ГАТТ, ЖСТ.

Бобнинг қисқача хулосаси:

Меркантилистлар биринчи бўлиб халқаро савдонинг ўзига хос моделини таклиф этдилар. Улар мамлакатнинг бойлиги мамлакатда мавжуд булган олтин ва кумуш миқдори билан боглик деб ҳисобладилар. Меркантилистлар товарларни мамлакатга олиб киришга нисбатан уларни четга купрок олиб чиқиш, экспортни купайтириш ва импортни қискартириш учун ташқи савдони тартибга солиш, четга хомашё олиб чиқишни кескин чегаралаш ёки таъкиклаш, хомашёларни четдан божларсиз импорт қилишга руҳсат бериш, колонияларнинг метрополиядан ташқари барча бошқа мамлакатлар билан ҳар қандай савдосини таъкиклаш керак деб таъкидлайдилар.

Адам Смит томонидан ишлаб чиқилган мутлак устунлик назариясига мувофиқ, мамлакатлар узлари энг кам харажатлар билан ишлаб чиқарадиган товарларни экспорт қилади ва бошқа мамлакатларда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқариладиган устунликка эга булган товарларни импорт қилади.

Классик сиёсий иқтисод асосчиларидан бири Д. Рикардо товар оқимлари ҳаракатига далил сифатида нисбий устунликнинг миқдорий назариясини таклиф этди. Албатта, нисбий устунлик назарияси мавҳум ва жуда соддалаштирилган табиатга эга ва халқаро савдога бевосита таъсир қўраётган бир қатор ҳодисаларни эътиборга олмайди. Назариянинг чекланганлиги уни яратилишида қилинган фаразлар билан боглик.

Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясига кўра, омиллар сизимлиги маълум бир товарни яратиш учун ишлаб чиқариш омиллари нисбий сарфини, омиллар сероблиги мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан нисбий таъминланганлигини белгилаб беради. Турли мамлакатларда товарлар нисбий нархидаги фарк, Ўз навбатида улар ўртасидаги савдо уларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил таъминланмаганлиги билан тушунтирилади.

Халқаро савдонинг стандарт модели халқаро савдода умумий мувозанат модели ҳисобланади ва мамлакат ичида товарга булган талаб ва товар таклифини шу товарга булган хорижий талаб ва таклифни ўзаро боглайди. Бу модел турли миқдордаги товарларни экспорт қилишга хоҳиш уйғониши учун мамлакат қанча миқдорда бошқа бир товарларни импорт қилиши кераклигини ифодаловчи ўзаро талаб тушунчасига асосланган. Ушбу модел халқаро савдонинг барча асосий параметрларини ва у билан боглик булган миллий иқтисодиётнинг параметрларини ўрганиш имконини беради.

Халқаро савдода иштирок этувчи ҳар қандай мамлакат учун экспорт ва импорт нархларининг ҳар қандай узгариши реал даромаднинг узгаришини англатади. Товар нархи ошганда, бу товар экспорт қилинаётган булса, мамлакатнинг реал даромади ошади, агар бу товар импорт қилинаётган булса, аксинча, реал даромад камаяди.

Маълум бир товарнинг экспорт ва импорт нархларининг нисбати ёки экспорт ва импорт нархлари индекслари нисбати орқали аниқланувчи мамлакат экспорт ва импорт нархларининг нисбати савдо шартлари деб аталади. Унинг ўсиши натижасида мамлакат фаровонлиги ортади, пасайиши натижасида эса фаровонлик тушади. Таклифнинг ортиши (иқтисодий ўсиш) ва талабнинг ортиши (даромаднинг қайта тақсимланиши) савдо шартига таъсир қўрсатиши мумкин.

XX асрда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги экспорт-импорт операцияларнинг сифатий хусусиятларини эътиборга олувчи янги тамойиллар пайдо бўлди; кейинги йилларда бир қатор америкалик иқтисодчилар томонидан товар айирбошлашнинг турли омилларини ҳисобга олувчи «товар ҳаётий цикли», «халқаро рақобат» ва бошқа моделлар ишлаб чиқилди.

Назорат саволлари:

1.1. Ташқи савдо деганда нимани тушунасан?

1.2. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқаро савдонинг жадал ривожланишига қандай омиллар таъсир қўрсатган?

1.3. Сизнинг фикрингизча, XXI асрда ташқи савдонинг ривожланишига асосан қандай омиллар таъсир қўрсатади?

- 1.4. Минтақавий интеграцион жараёнларнинг кучайиши халқаро савдонинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатмоқда?
- 1.5. Мутлоқ устунлик назариясини тушунтириб беринг.
- 1.6. Нисбий устунлик назариясини тушунтириб беринг.
- 1.7. Халқаро савдонинг вандай янги ривожланиш назария ва моделлари бор?
- 1.8. Халқаро савдо назария ва моделларининг амалий татбиқини тушунтириб беринг.

3-мавзу. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йўллари

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Ташқи савдони тартибга солиш зарурлигини изоҳлай олади.
- 2.2. Давлат томонидан ташқи савдони тартибга солиш усуллари ва йўллари изоҳлай олади.

2.1.-асосий савол баёни:

Ҳар қандай давлатнинг ташқи савдо сиёсати ҳукуматнинг умумиқтисодий йўналишининг муҳим таркибий қисми саналади, янада торроқ маънода эса экспорт-импорт товар оқимлари ҳажми, товар таркиби ва жуғрофий йўналишини тартибга солиш билан боғлиқ бюджет-солиқ фаолияти соҳаларидан биридир. Ташқи савдо сиёсати хўжалик ривожланишининг ички жиҳатлари билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун унинг бош вазифаси мамлакат ичкарасида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва миллий бойликни кўпайтириш учун зарур бўлган қулай ташқи иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш ҳисобланади. Эркин савдо сиёсати (ёки фритредлик — инглизча free trade) иқтисодий ҳаётнинг бир ҳодисаси сифатида XVIII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Унинг назарий жиҳатдан асосланишида А. Смитнинг машҳур асари - «Халқлар бойлиги табиати ва сабаблари» ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Фритредлик назарияси бошқа бир инглиз иқтисодчиси Д. Рикардо асарларида ривожлантирилди ва деярли ниҳоясига етказилди. Д. Рикардо Адам Смитнинг рақобат шароитида эркин тадбиркорлик аҳамияти ва мамлакат иқтисодиётини «кўринмас қўл» ҳукмронлигига, яъни бозорнинг ўз-ўзини бошқариш қонунлари ихтиёрига топширувчи жамиятнинг «тунги қоровули» сифатидаги давлат роли ҳақидаги ғояларини ривожлантирди. Эркин савдо сиёсатининг классик намуналарини XIX асрнинг иккинчи ярмидаги инглиз-саксон мамлакатлари, айниқса, Буюк Британия ва унинг доминионлари (1947 йилгача Британия таркибига кирган, расмий жиҳатдан мустақил бўлган давлатлар) иқтисодиётида кузатиш мумкин. Ҳозирги пайтга келиб фритредлик тизимининг классик кўриниши давлат ихтиёрида бўлган бирор-бир мамлакат қолмади. Давлатнинг нуфузли ташкилотларини тартибга солиш борасида ролини сезиларли ошганлигини ҳисобга олсак, бу ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Бироқ эркин савдо сиёсатининг унсурлари кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий курсида ҳозир ҳам сезиларли, айниқса, ривожланган ва ҳудуди ҳамда ресурслари жиҳатидан кичик бўлган мамлакатларда, масалан, Сингапурда. Иқтисодий назарияда одатда эркин савдо протекционизм сиёсатига (ингл. protection — ҳимоя, ҳомийлик), яъни миллий иқтисодиётни ички ва ташқи бозор тамойилларининг салбий таъсирларидан ҳимоялаш мақсадида давлат томонидан жорий этиладиган иқтисодий ва маъмурий чора-тадбирлар тизими қарама-қарши қўйилади.

Протекционизм ўз моҳиятига кўра, илк давлатлар шаклланган пайтдан буён мавжуд. Бу сиёсатнинг принциплари назарий жиҳатдан америкалик давлат арбоби А. Гамильтон (XVIII асрнинг охири) ва таниқли немис иқтисодчиси Ф. Лист (XIX асрнинг ўрталари) асарларида ишлаб чиқилган. Бироқ протекционизм амалий чора-тадбирлар серияси сифатида сайёрамизда сўл (СССР) ва ўнг («Учинчи рейх» - фашистлар Германияси) сиёсий оқимларнинг тоталитар режими даврида ўз кульминациясига етган. Бу мамлакатларда савдо соҳасига давлат монополияси хос эди. Юқорида қайд этиб ўтилгандек, халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий тамойили сифатида янада кўп сонли мамлакатларни аҳоли турмуш фаровонлигини ошишини таъминловчи эркин савдо

сиёсатига ўтиши тан олиниб келинаётган бўлса-да, протекционизмнинг «танланган» реставрацияси деб аталган жараён ҳам кузатилмоқда.⁴

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш турли кўринишларда бўлиши мумкин. Уларни товар оқимларига таъсири табиатига кўра бир-биридан жиддий фарк қилувчи иккита асосий типга ажратиш мумкин: иқтисодий ва маъмурий. Иқтисодий (тарифли деб ҳам аталадиган) усуллардан фойдаланганда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар, энг аввало, нарх мутаносиблиги, товар ва ресурслар экспорти ҳамда импортнинг сифати ва шартларига амал қилишади. Ташқи савдони тартибга солишнинг маъмурий (мос равишда тарифсиз) усулларидан фойдаланилганда бозор механизмига давлат органлари томонидан таъсир ўтказилади, уларнинг қарорлари ва ҳатти-ҳаракатлари кўп жихатдан ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг хоҳишларини белгилаб беради. Тарифли усуллар товар нархига бевосита таъсир қилади. Бу усуллар давлатлар ташқи савдо амалиётида энг кенг тарқалган, чунки улар бирданига учта вазифани ҳал қилиш имконини беради:

- 1) фискал — бюджет учун қўшимча маблағларни олиш;
- 2) рағбатлантирувчи — хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни ривожлантириш;
- 3) протекционистик — миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун қулай шарт-шароитларни яратиш.

Ташқи савдони тарифли тартибга солиш усуллари қаторига божхона бождари, бождар, йиғимлар, шунингдек, бошқа билвосита солиқлар, мас. акцизлар киради. Тарифсиз усуллар - товар айирбошлашга таъсир қилиш дастакларини, яъни олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини чеклашни билдиради. Улар кўпроқ ривожланаётган ва ҳукумат томонидан протекционистик иқтисодий сиёсатни талаб қилувчи, бозор тузилмалари шаклланаётган ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларга хосдир. Тарифсиз таъсир қилиш воситаларига квоталаш, лицензиялаш, экспортни субсидиялаш, демпинг, картель битимлар ва мамлакатлар ўртасидаги товар оқимларининг йўлида техник тўсиқларни яратиш кабилар киритилади.

Жаҳондаги мамлакатлар ва ҳудудлар бўйича статистик ахборотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ташқи савдони давлат томонидан бошқариш тарифли ва тарифсиз усулларнинг комбинацияси ёрдамида амалга оширилади. Тарифли усулларнинг мавқеи кейинги пайтда пасайиб бормоқда, бу эса Умумжаҳон савдо ташкилот томонидан аъзо-мамлакатлар олдига қўйилган стратегик вазифа, яъни улар орасидаги ўзаро товар айирбошлашда тарифли чеклашларни босқичма-босқич бартараф этиш вазифаси билан боғлиқ. Тарифсиз чеклашларнинг аҳамияти «танловли» протекционистик савдо сиёсатининг кенгайиб бориши туфайли ортиб бормоқда.

Ташқи савдони тарифли тартибга солиш усуллари қаторига божхона тарифлари, бождар, йиғимлар, шунингдек, бошқа билвосита солиқлар, акцизлар киради.

⁴ Kenen P.B. The International Economy. Cambridge: Cambridge University Press, 2000.

Миллий хўжалигининг ҳолатига боғлиқ равишда божхона сиёсати олиб боришнинг икки вариантини ажратиш мумкин - иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги божхона сиёсатлари.

Ривожланган мамлакатлар учун куп устунли тарифлар хос бўлиб, у турли импорт божи ставкалари: барча давлатлар учун тааллуқли булган миқдори баланд умумий ставкалар, энг қулай шароит яратиш режими ставкаси (икки мамлакат уртасида келишилган ҳолда урнатилган савдо операцияларининг имтиёзли тартиби), камбағал, паст даражада ривожланган иқтисодиётли мамлакатлардан килинадиган импортлар учун белгиланган преференциал коэффицентли ставкаларни назарда тутди.

Ривожланган мамлакатлар божхона тарифларининг бошка бир хусусияти, бу тарифларнинг 1988 йилда жорий этилган «Халқаро товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими» (УТ) билан корреляцияси (ўзаро боғлиқлиги) ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи божхона сиёсатининг узига хос хусусияти экспорт божларидан кенг куламда фойдаланиш ва нисбатан юқори импорт тарифи ставкаларини ушлаб туриш (бу ставкалар ривожланган мамлакатлар учун мисли курилмаган даражага етади - 50-100 фоизгача, Миср, Эквадор, Покистонда ҳатто бундан ҳам юқори) ҳосдир.

Бундан ташқари купчилик ривожланаётган мамлакатларда, АҚШ, Япония ва Европа державаларидан фарқли равишда, эски Брюссел товар номенклатурасидан янги Уйғунлаштирилган тизимга эндигина утишмоқда. Шунинг учун уларнинг баъзилари кўп колонкали тарифларни қўллайди (Сенегалда — 9 та, Малида — 17 та). Миллий тарифлар билан бир каторда жаҳрн иқтисодиётида бир неча мамлакатларни божхона иттифоқларига бирлашиши кенг тарқалиб бормоқда. Божхона иттифоқлари ташқи савдони давлатлараро тартибга солишни турли кўринишларидан амалий фойдаланишмоқда, бунда улар турли ҳудудий ва глобал халқаро ташкилотлар кўмагига суянмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият амалиётида ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг энг кенг тарқалган усулларидан бири божхона божлари ҳисобланади. Божхона божи иқтисодий моҳияти жиҳатидан товар давлат чегарасидан ўтаётганда олинадиган маҳсус пул йиғими, солиқни билдиради.

Божхона божлари кўринишларининг турли-туманлиги уларнинг товар оқимларини тартибга солиш жараёнида бажарадиган функцияларининг ниҳоятда кенг қўламлилиги билан тушунтирилади. Эслатиб ўтамиз, божхона божларини жорий этишдан асосий мақсад: бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш ва «ноҳалол» рақобат билан курашишдир. Шунинг учун ҳам савдога таъсир ўтказишнинг бу усулидан ҳозирги кунда жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатида фойдаланилади.

Товар оқимларининг йўналишига боғлиқ равишда импорт, экспорт ва транзит божлари мавжуд.

Импорт божларини жорий қилиш миллий компаниялар (резидентлар)га ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятини беради, чунки улар жаҳон бозоридаги ўртача даражага нисбатан юқорироқ харажатлар билан маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.


Ҳозирги пайтда экспорт божлари анча кам қўлланилади. Улардан деярли барча ривожланган мамлакатлар вож кечишган, чунки уларни жорий қилиш жаҳон бозоридаги кескин рақобат шароитда экспортнинг қимматлашишига олиб келади.

Транзит божлар мамлакат ҳудудини кесиб ўтувчи товарлардан олинади ва транзит йиғимлар кўринишига эга.

Божхона божига тортишнинг иккита асосий усули мавжуд:

Маҳсус, бунда бож миқдори товарнинг оғирлиги, ҳажми миқдори бирлигидан белгиланган сумма сифатида ўрнатилади (масалан, автомобиль двигателининг 1 см³ дан).

Адвалор (лот. — ad valorem — қийматдан), бунда божхона божи сотувчи томонидан қайд этилган товар қийматидан фоиз кўринишида аниқланади.



Бундан ташкари ташки савдо амалиётида божларни ҳисоблашнинг комбинацион усули мавжуд. Унинг моҳияти шундан иборатки, маълум бир божхона ташкилоти вазиятдан келиб чиққан ҳолда махсус ва адвалор орасидаги усулни мустақил равишда танлаш ҳуқуқига эга буладилар.

Божхона божи ўрнатишнинг у ёки бу усулини танлаш товар гуруҳи табиатига боғлиқ. Хомашё товарларига одатда биринчи усул қўлланилади, экспорт божларига келсак, улар ҳам одатда махсус усулдан фойдаланган ҳолда ўрнатилади. Адвалор усулдан фойдаланиш бўлса, машинасозлик маҳсулотлари ва бутловчи қисмлар, яъни юқори даражада дифференциацияга эга буюмлар импортида қулай ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бу усул ҳиссасига барча божхона йиғимларининг 80 фоизидан кўпроги тўғри келади. Савдо алоқаларидаги мамлакатлар бир-бири билан турли шартнома муносабатларида бўлганлиги учун импорт божлари: преференциал (махсус имтиёзли) бож, шартномавий (минимал) бож ва асосий (жаҳон бозори учун максимал даражада мумкин булган) божлар бўлиши мумкин.

Иқтисодиётда давлат томонидан ташланган протекционистик қадамлар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга ҳамда қисқа ва узоқ муддатли истиқболда давлатнинг ўзига ҳам ҳар хил таъсир кўрсатади. Бундай сиёсатнинг ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи миллий компанияларга таъсирини кўриб чиқишдан бошлаймиз.


3.2.1-расм. Импорт божининг миллий иқтисодиётга таъсири.

4.2.1-расм ёрдамида импорт божининг кичик иқтисодиёт (ички нарх жаҳон нархига таъсир кўрсата олмайдиган иқтисодиёт)га таъсирини баҳолашимиз мумкин. Савдо бошланмасдан олдин, мамлакатда 100 та товар ишлаб чиқариляпти ва истеъмол қилиняпти, мувозанат нархи 8 долларга тенг (талаб ва таклиф қизиқлари E нуқтада келишган). Агар товарнинг жаҳон нархи ички нархдан паст бўлса, мамлакатга жаҳон нархида (5 доллар) 120 та товар кириб келади, ички нарх жаҳон нархи даражасигача тушиб кетади. Бунинг натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар фақатгина 40 та товар таклиф қилади, истеъмол эса 160 тага етади. Миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш мақсадида ҳукумат 2 доллар миқдорида божхона божи жорий қилса, экспортёрлар ўз товарини 7 доллардан сотишга мажбур бўлади ва ички бозордаги нарх кўтарилади. Бунинг натижасида ички ишлаб чиқариш 80 та товарни ташкил қилади, импорт эса 40 тагача қисқаради. Истеъмолчилар жами 120 та товар сотиб олади. Божхона божи ўрнатилиши натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар а трапециянинг юзига тенг бўлган қўшимча фойда кўради. С тўғри тўртбурчакнинг юзига тенг бўлган сумма божхона божи сифатида давлат бюджетига тушади.

Бошқача қилиб айтганда, миллий компанияларнинг ички бозор учун ишлаб чиқарган маҳсулотлари божхона солиғидан озод бўлганлиги сабабли унинг нархи импорт қилинаётган ана шундай товардан сезиларли даражада паст бўлиши мумкин, бундай шароитда хўжалик юритувчи субъектлар янги технологиялар, хомашё ва материалларни тежаш ҳисобига харжатларини камайтириш заруриятига эҳтиёж сезишмайди. Амалда импорт ўрнини қоплашга йўналтирилган соҳалардаги миллий фирмалар ўз товарларини импорт тарифига яқин нархларда сотади, натижада қўшимча фойда кўради. Миллий компанияларнинг даромадларини ўсиши ва миллий ишлаб яқаришнинг кенгайишини сабабларидан бири ана шунда.

Тарифнинг катта мамлакат иқтисодиётига таъсири

Катта мамлакат учун импорт тарифи фақатгина ички ишлаб чиқаришни ҳимоялаш эмас, балки ташқи дунё билан савдо шартини яхшилаб олиш воситаси ҳамдир. Дарҳақиқат, катта мамлакат импортни қисқартирса, бу мамлакат ана шу товарнинг асосий харидори бўлганлиги сабабли экспортёр мамлакат ушбу товар нархини пасайтиришга мажбур бўлади. Экспорт товарлари нархи ўзгармаган ҳолда импорт товарлар нархининг пасайиши импортёр мамлакат учун савдо шартининг яхшиланишига олиб келади. лекин катта иқтисодиётли мамлакат ҳам импорт божини жорий қилишдан соф фойда кўрмаслиги мумкин.



Катта мамлакат ҳукумати ички ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш мақсадида импортга бож жорий қилди. Бож ўрнатилиши натижасида товарнинг жаҳон нархи тушади. Лекин ушбу товарнинг ички нархи бож миқдорига кўтарилади (t) P_w дан P_{w+t} га. Жами таклиф чизиги юқорига янги S_{d+w+t} даражага сурилади. Таклифнинг янги даражасида ички талаб ва жами таклиф G нуқтада мувозанатга келади. натижада ички ишлаб чиқариш Q_1Q_2 га ортади, ички талаб Q_5Q_4 га камаяди. Импорт Q_1Q_5 дан Q_2Q_4 га қисқаради.

Импорт тарифи жорий қилиниши натижасида истеъмолчиларнинг зарари $a+b+c+d$ га тенг бўлди. Кичик мамлакатда бўлгани каби импорт божининг таъсирини иккига ажратишимиз мумкин: қайта тақсимланиш эффекти ва йўқотиш эффекти..

Катта мамлакат мисолида даромад эффекти иккига ажралади: ички даромад эффекти ва савдо шarti эффекти.

3.2.2.-расм. Тарифнинг катта мамлакат иқтисодиётига таъсири


Ички даромад эффекти — бу даромаднинг ички истеъмолчилардан.

Савдо шarti эффекти — бу даромаднинг хорижий ишлаб чиқарувчилардан давлат бюджети фойдасига қайта тақсимланиши.

Импорт божи ички қарама-қаршиликка эга. Яъни ишлаб чиқарувчилар бир тарафдан халқаро рақобатдан қутилиш мақсадида бундан манфаатдор бўса, иккинчи томондан иш вақтидан ташқари пайтда истеъмолчи сифатида импорт тарифига қаршидирлар. Бу зиддият қисман тариф квотасини жорий қилиш орқали ҳал этилади..

Тариф квотаси — ўзгарувчан божхона божи кўриниши бўлиб, бож ставкаси миқдори импорт қилинадиган товар ҳажмига боғлиқ бўлади: маълум чегарадаги импортга пастроқ миқдордаги бож, бу чегарадан ошиб кетганда юқорироқ бож ўрнатилади.

3.2.3.-расм. Тариф квотаси



Фараз қилайлик, ички талаб (D_d), ички таклиф (S_d) ва жаҳон таклифи (S_w) чизиқлар билан ифодаланган. Савдо бошланмасдан олдин товар нархи 540 долларга тенг. Эркин савдо шароитида товар нархи 400 долларга тушади. Бу нархда мамлакат 5 бирлик товар ишлаб чиқаради ва 40 бирлик товар истеъмол қилади. Бинобарин, 35 бирлик товар импорт қилади. Ички ишлаб чиқарувчиларни химоялаш мақсадида дастлабки 5 бирлик товар импортга 10 фоизлик, ундан ортиғига 20 фоизлик импорт божи жорий қилинади. Илгари мамлакат сезиларли даражада кўпроқ


товар импорт қилганлиги боис, товарнинг ички нархини 480 долларгача кўтарувчи икки қаватли тариф юзага келади. Натижада ички ишлаб чиқариш 15 бирликка етади, истеъмол 30 тага, импорт 15 тага камаяди. Чегаравий эффект а га тенг бўлади, тўғридан тўғри иқтисодий зарар тарифдаги бўлгани каби $b+d$ га тенг бўлади.

Даромад сегменти с бир неча сегментчаларга бўлинади. Дастлабки 5 бирлик товарга 10 фоизлик, яъни 40 долларга тенг бож жорий қилинган, 200 долл. ($c_1=5 \times \$40 = \200) миқдоридagi фойда бюджетга тушади. Кейинги 10 бирлик товарга 80 долларлик бож ўрнатилган, демак 800 доллар ($c_2+c_3=10 \times \$80 = \800) ҳам бюджетга тушади. c_4 ($c_4=5 \times \$80 - 5 \times \$40 = \$200$) сегмент эса маҳаллий компанияларнинг кўзда тутилмаган фойдасидир. Яъни бу компаниялар товарни 440 доллардан сотиб олиб 480 доллардан сотиш имкониятига эга бўлади. Агар экспортёрлар товар нархини 480 долларга оширишса, кўзда тутилмаган даромадга хорижликлар эга бўлади.

Экспорт божлари экспорт товарлари мамлакат чегарасидан чиқиб кетаётганда олинadиган мажбурий тўловдир.

Фараз қилайлик, ҳукумат экспортни бож орқали чекламоқчи. Кичик мамлакат мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, экспорт божини жорий қилиниши жаҳон нархига таъсир кўрсатмайди. Бинобарин савдо шarti ўзгармайди. Товар экспортининг фойдалилиги пасаяди ва ишлаб чиқарувчилар товарларнинг бир қисмини ички бозорга қайтаришади, натижада бу товарнинг ички нархи бож миқдоридa P_w дан P_{w+t} га тушади. Жами талаб чизиғи экспорт тарифи миқдоридa пастга кўчади S_{d+w+t} . Талабнинг янги даражасида ички таклиф ва жами талаб мувозанатига G да эришилади, бу вазиятда экспорт тарифи ёрдамида ички истеъмол Q_1Q_2 га ортади, ички таклиф Q_5Q_4 га камаяди.

3.2.4.-расм. Экспорт тарифи.



Экспорт миқдори эса Q_5Q_1 дан Q_4Q_2 га қисқаради. Демак, экспорт тарифи жорий қилиниш натижасида ички истеъмол ортди, ички таклиф ва экспорт миқдори қисқарди.

Экспорт тарифи ўрнатилиши натижасида истеъмолчилар а сегмент миқдорида фойда кўришди. Давлат экспорт бож ёрдамида с га тенг миқдордаги фойдани ишлаб чиқарувчилардан ўз фойдасига қайта тақсимлайди. b+d сегментлари ишлаб чиқарувчиларнинг соф йўқотишларидир. Умуман олганда экспорт тарифи ўрнатилганда ҳам импорт божи жорий қилингандаги каби эффектлар юзага келади: қайта тақсимлаш эффектлари ва йўқотиш эффектлари .

ТИФ соҳасидан чеклашлар сиёсатини кенг кўламда ва фаол амалга ошириш давлатга қисқа муддатда муваффақият олиб келиши мумкин. Бу ютуқларни қуйидаги жиҳатлар билан боғлаш мумкин: миллий корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, бож, солиқ, йиғимлар ҳисобига бюджет даромадининг кўпайиши, иқтисодий хавфсизлик ва мудофаа қобилиятининг таъминланиши.

Бироқ ҳақиқатда эса, бу тактик устунликлар стратегик, узоқ муддатли истикболдан келиб чиқсак, қарама-қарши томонга ўзгаради. Давлатнинг тариф миқдорида кўпайтирилган импорт миқдорида тенг иқтисодий ютуғи истеъмолчилар томонидан давлат фойдасига трансферт тўлов ҳисобланади. Албатта, маблағларнинг бир қисми ижтимоий эҳтиёжлар (ойликларни ошириш, нафақалар тўлаш)га сарфланиши мумкин, бироқ уларнинг катта қисми бюрократик ўзбошимчалик ва маблағларни давлат ташкилотлари орқали ўтиши билан боғлиқ харажатлар туфайли қайтариб берилмайди.

Бундан ташқари, бошқа мамлакатларнинг протекционистик жавоб тадбирларини ҳам унутмаслик лозим. Бу тадбирлар туфайли товар айланмаси камайиб кетади, иш жойлари қисқаради, охир-оқибат бир қатор компанияларнинг маҳсулотлари миллий бозордан арзонроқ ва сифатсизроқ товар ишлаб чиқарувчи фойдасига суриб чиқарилади.

Истеъмолчилар масаласига тўхталадиган бўлсак, уларнинг асосий қисми «белбоғларини маҳкам бойлаб олишлари» керак бўлади, чунки оддий одамларнинг даромадлари ишлаб чиқарувчилар фойдасига қайта тақсимланади, зеро божхона тарифи жорий этилишидан олдинги ва кейинги ички нархлардаги фарқ меҳнаткашлар (истеъмолчилар) елкасига тушади. Фақатгина импортни ўрнини қоплаш соҳасидаги компанияларнинг акцияларига эга бўлган унча катта бўлмаган айрим гуруҳларга кирувчи истеъмолчилар олиб кириш божларидан даромад кўриши мумкин. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида протекционистик сиёсатни амалга ошириш нарх юқирлиги сабабли ички истеъмолнинг камайишига, солиқ базасининг қисқаришига ва жамият учун умуман олганда соф йўқотишларга олиб келади.

Босқичма-босқич протекционистик сиёсат тоталитар режимлар томонидан маъмурий-буйруқбозлик тизимида чекланган макон ва замонда олиб борилган.

Протекционизмнинг салбий хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Аҳоли турмуш даражасида соф йўқотишларнинг ортиб кетиши. Импорт божлари киритилганидан кейин харидорлар олиб кирилган товарлар учун янада юқорироқ ҳақ тўлашга мажбур бўлишади. Бу инвестицияларга айланиши мумкин бўлган истеъмолдан ортадиган жамғармаларни камайишига олиб келади.

Янада кўпроқ мамлакатлар томонидан тариф чеклашларини жорий этилишининг занжир реакцияси билан боғлиқ халқаро кўпайтирувчи эффектнинг пайдо бўлиши.

Миллий иқтисодиётда носамаравий соҳалар ва корхоналарнинг сақланиб қолиши. Миллий корхоналарга имтиёзлар берилиши шароитида ишлаб чиқарувчиларда харажатларни камайтириш ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга рағбат бўлмайди.

Иқтисодий соҳада коррупция ва ўз амалидан фойдаланишнинг бошқа кўринишлари кенг тарқалади. Миллий иқтисодиётнинг «ёпиқлиги» одатда ТИФнинг криминаллашуви учун озука муҳитини яратади.

Ҳукуматнинг ТИФни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар комплексини жорий этишга мажбур этувчи омиллар (ижобий омиллар) ичида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Иқтисодиётнинг янгидан шаклланаётган соҳалари қудратли хорижий компаниялар рақобатидан ҳимоялаш.
- Давлат қўмагисиз тузилмасини қайта қуришнинг иложи бўлмаган жаҳон бозорида рақобатбардош бўлмаган «эски» соҳаларни қўллаб-қувватлаш.
- Дискриминацион савдо сиёсати олиб бораётган мамлакатлар ёки компанияларга жавоб тариқасида демпинг ва хорижий рақобатнинг бошқа ноҳалол усуллари билан курашиш.
- Жаҳон бозор конъюнктурасидаги тебранишларнинг миллий иқтисодиётга таъсирини камайтириш. Бу омил хомашё ва табиий ресурслар экспорт қилувчи мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади.
- Бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш - ўтиш даври иқтисодиётли ва ривожланган мамлакатларда давлат бюджети кўпинча протекционистик сиёсатнинг таркибий унсурлари бўлган божхона божлари ва бошқа эгри солиқлар ҳисобига амалга оширилади.

Шундай қилиб, протекционизм ташқи савдо операцияларига турли-туман чеклашларни жорий этувчи давлатга вақтинчалик, тактик ютуқ келтирса-да, стратегик, узоқ муддатли режада истиқболсиз сиёсат ҳисобланади. Бу сиёсат XX аср тажрибасидан маълумки, ҳаёт даражасининг ва аҳоли турмуш фаровонлигининг пасайишига олиб келади. Шундай бўлса-да, иқтисодий эркинлаштириш курсини сақлаган ҳолда протекционизмнинг айрим унсурларидан оқилона фойдаланиш маълум вақт оралиғида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Нотариф усуллар - товар айирбошлашга таъсир килиш дастакларини, яъни олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини чеклашни билдиради. Нотариф усуллар микдорий, молиявий, яширин ва ноиқтисодий усулларга ажратилади. Улар кўпроқ ривожланаётган ва ҳукумат томонидан протекционистик иқтисодий сиёсатни талаб қилувчи, бозор тузилмалари шаклланаётган утиш даври иқтисодиётли мамлакатларга хосдир.

Жаҳондаги мамлакатлар ва ҳудудлар бўйича статистик ахборотлар таҳдили шуни курсатадики, ташқи савдони давлат томонидан бошқариш тарифли ва нотариф усулларнинг комбинацияси ёрдамида амалга оширилади. Тарифли усулларнинг мавқеи кейинги пайтда пасайиб бормокда, бу эса Умумжаҳон савдо ташкилоти томонидан аъзо-мамлакатлар олдига қуйилган стратегик вазифа, яъни улар орасидаги ўзаро товар айирбошлашда тарифли чеклашларни босқичма-босқич бартараф этиш вазифаси билан боғлиқ.

Нотариф таъсир килиш воситаларига квоталаш, лицензиялаш, экспортни субсидиялаш, демпинг, картел битимлар ва мамлакатлар ўртасида товар оқимлари йўлида техник тўсиқларни яратиш кабилар киритилади.

Умуман олганда, бошқа мамлакатлар билан савдони давлат томонидан тартибга солишнинг нотариф усулларининг 50 дан ортиқ тури мавжуд. Уларнинг ичида энг кенг тарқалгани квоталардир. Агар тарифли усуллар аниқ бир товар гуруҳи бўйича экспорт ёки импорт ҳажми масаласини очиқ қолдирса, квоталар олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулотнинг қиймат ёки микдорий ҳажмини тўғридан тўғри чеклаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Импорт квоталарини жорий қилишда давлат миллий ишлаб чиқарувчиларга хорижий рақобат таъсирини бартараф қилишга интилади. Бундай квоталарнинг ҳаракат механизми импорт тарифларидан фойдалангандаги ҳолатни эслатади, яъни импорт товарлар таклифи чекланганда ички баҳолар жаҳон нархига нисбатан ўсиб боради. Бироқ тарифдан фарқли равишда, импорт квоталари хорижий рақобатнинг ички нархларга таъсир қилишига йўл қўймайди, бу орқали импортдан келадиган фойдани кўпайтиради ва мамлакат тўлов балансини мувозанатга келтириш жараёнини осонлаштиради. Халқаро битимлар орқали қатъий белгиланувчи тариф ставкалари ўрнатилган вазиятда мамлакат юқоридаги масалани ҳал эта олмайди, УСТ экспорт-импорт операцияларга микдорий чеклашлар жорий қилишга рухсат беради.

Ўз навбатида, экспорт квоталари миллий ишлаб чиқарувчиларни етарли табиий ресурслар билан таъминлаш, жаҳон бозоридаги экспорт баҳоларини кўтариш ва ҳарбий-стратегик мақсадларга эришиш кабиларга қаратилган.

Импорт квоталари каби экспорт квоталари ҳам мамлакат ҳукумати томонидан бир томонлама тартибда ёки манфаатдор ҳамкор билан халқаро келишув хулосаси орқали жорий этилиши мумкин. Улар глобал ёки маълум даврда амал қилувчи мавсумий бўлиши мумкин.

Квоталаш жараёни (бошқача қилиб айтганда, контингентлаш), одатда, лицензиялаш, яъни махсус рўйхатга киритилган ресурслар ва маҳсулотлар билан ташқи савдо операцияларини амалга оширишга ваколатга эга бўлган давлат ташкилотлари (вазирликлар ва маҳкамалар) томонидан рухсат бериш билан биргаликда кузатилади.

Кўпчилик давлатларда ташқи иқтисодий фаолиятни лицензиялашни жорий қилиш халқаро ҳуқуқий актларга асосланади, уларнинг ичида энг асосийси 1947 йилда имзоланган Савдо ва тарифлар бўйича Бош битим (ГАТТ) ҳисобланади. Кейинчалик ГАТТ доирасида баъзи бир бошқа шартномалар имзоланган.

Ташқи савдони лицензиялаш турли кўринишларни олиши мумкин: бош лицензия, бир марталик лицензия ва автоматик лицензия. Бош лицензиялар унинг эгасининг маълум товар гуруҳи билан маълум вақт оралиғида (одатда бир йилдан уч йилгача) экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини билдиради. Бир марталик лицензия компанияларга хорижий ҳамкор билан аниқ бир битимни амалга ошириш учун берилади. Автоматик лицензия давлат томонидан харидни, яъни харид ҳажмини ҳам, товар оқимларининг жуғрофий йўналишини ҳам доимий равишда назорат қилишни назарда тутди.

Лицензияларни жойлаштиришнинг асосий усуллариға қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Очик конкурс — бунда максимал нарх таклиф қилган фирма лицензияға эға бўлади;
- яққол афзаллик тизими - бунда давлат ана шу соҳадаги энг обрўли компанияларға лицензия беради;
- ҳаражатлар усули - бу рақобатчиларига нисбатан каттароқ ишлаб чиқариш қувватларига ва бошқа ресурсларға эға корхоналарға лицензия беришни англатади.

Ўз-ўзидан тушунарлики, келтирилган усуллар ичида энг афзали коррупция ва ошна-оғайнигарчиликдан холи бўлган очик конкурс усулидир.

Европа Иттифоқиға аъзо-мамлакатлар орасида экспорт-импорт операцияларини лицензиялаш товар айланмаси умумий ҳажмининг 5-6 фоизи даражасиға етади (квоталаш ва лицензиялаш бўйича ўзига хос «лидер» Франция ҳисобланади).

Лицензиялашни талаб этадиган товарлар рўйхатиға биринчи навбатда экспортға мўлжалланган квоталанадиган маҳсулотлар, шунингдек, баъзи бир махсус гуруҳдаги товарлар: стратегик аҳамиятға эға товар ва ресурслар, дори-дармонлар, болалар ассортименти ва бошқалар киради.

«Кўнгилли» экспорт чеклашлари

Мутахассисларнинг фикрича, экспорт квоталарининг муҳим турларидан бири кўнгилли экспорт чеклашлари (КЭЧ) ҳисобланади. КЭЧ ҳолатида экспортёр-давлат «кўнгилли» равишда бошқа мамлакатға олиб чиқадиган маҳсулоти ҳажмини чегаралайди ва ҳамкор тазийқи остида минимал импорт нархларини ўрнатади. Бундай амалиёт АҚШ ва Европа Иттифоқида Япония товарлари (автомобиллар, электроника, пўлат)ға нисбатан кенг қўлланилади. Ҳозирги пайтда жаҳонда бундай турдаги 100 дан ортиқ битимлар имзоланган, бироқ УСТ аъзо-мамлакатлар олдиға улар ўртасидаги савдода XXI аср бошларига келиб КЭЧни умумий бекор қилиш вазифасини кўймоқда.

Махсус, мантикий ниҳоясига етказилган квоталаш усули иқтисодий санкция кўринишидаги эмбарго ҳисобланади. Бу усул бир мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи билан савдо операцияларини бутунлай таъқиқлашни билдиради. Одатда сиёсий мақсадларни кўзлаган ҳолда эмбаргони жорий қилиш бутун номенклатурадаги ёки алоҳида гуруҳдаги товарлар экспорти ёки импортини чеклашни назарда тутди. XX асрда савдони тартибга солишни бундай усулига етарли даражада мисоллар келтириш мумкин. БМТ қарорига кўра эмбарго сиёсати Ироққа, қисман собиқ Югославия, Ливан, Эрон ва баъзи бошқа мамлакатларга нисбатан амалга оширилган.

Яширин протекционизм кўринишлари

Жаҳон амалиётида ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф усуллари ичида микдорий ва молиявий усуллардан ташқари яширин протекционизм усулларидан фойдаланилади. Яширин протекционизм усуллари моҳияти жиҳатдан марказий ҳукумат ва ҳатто маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ташқи савдо йўлига божхона табиатига эга бўлмаган турли туман тўсиқларни ўрнатишини англатади. Яширин протекционизм усулларида кўпчилиги халқаро савдо мувофиқлаштирилган тамойилларини бузишнинг яққол намунаси.

Алоҳида мамлакат импорт ёки экспортни бир томонлама чегаралашида фойдаланадиган яширин протекционизм усулларида юздан ошдиқ тури мавжуд. Бу усулларни тўртта катта гуруҳга ажратиш мумкин:



- Техник тўсиқлар;
- Ички солиқлар ва йиғимлар;
- Давлат харидлари доирасидаги сиёсат;
- Маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлигига талаблар.

Техник тўсиқлар – бу яширин протекционизм усули бўлиб, миллий техник, маъмурий ва меъёрлар ҳамда қоидалар шундай ишлаб чиқиладикки, улар товарларни ташқаридан олиб киришга тўсқинлик қилади. Техник характердаги тўсиқларнинг энг кенг тарқалганлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Миллий стандартларга риоя қилишни талаб қилиниши;
- Импорт маҳсулотни сифати ҳақида сертификат олинишини талаб қилиниши;
- Махсус қадоқлаш ва маркировкалашни талаб қилиниши;
- Маълум санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилишни талаб қилиниши;
- Атроф-муҳитни ҳимоялаш бўйича тадбирлар ўтказишни талаб қилиниши;
- Муракаблаштирилган божхона расмийчиликларига риоя қилинишини талаб қилиниши;
- Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисидаги қонунларга риоя қилишни талаб қилиниши ва ҳоказолар.

Ички солиқлар ва йиғимлар (domestic taxes and charges) – бу яширин протекционизм усули бўлиб, улар импорт товарнинг ички нархини кўтаришга ва бу орқали унинг ички бозордаги рақобатбардошлигини пасайтиришга йўналтирилгандир. Улар ҳам марказий ҳукумат, ҳам маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жорий қилиниши мумкин. Импорт товарлардан олинадиган солиқлар жуда хилма хил, бу солиқлар тўғри солиқлар (қўшимча қиёмат солиғи, акциз солиғи, сотишдан олинадиган солиқ) ёки эгри солиқлар (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар, регистрация учун ва бошқа расмийчиликлар учун йиғимлар, порт йиғимлари) бўлиши мумкин.

3.2.5.-расм. Маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлигига талаблар



Давлат харидлари доирасида сиёсат (state procurements) - бу яширин протекционизм усули бўлиб, унга кўра давлат органлари ва корхоналардан фақат миллий ишлаб чиқарувчилар товарларини (бу товарлар импорт товарлардан қиммат бўлса ҳам) сотиб олиш талаб қилинади.

Маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлигига талаблар (local content requirement) – бу давлат сиёсатининг яширин усули бўлиб, унга кўра ички бозорда сотиладиган пировард товарда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг улуши қонуний равишда белгилаб қўйилади.

Савдо сиёсатининг яширин усуллари кўпчилигини миқдоран баҳолаш жуда қийин, бу эса уни оқибатларини иқтисодий талқин қилиш ҳам қийинлашади. Қуйида маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлигига талаблар мисолида яширин усулларнинг иқтисодий эффектини кўриб чиқамиз (3.5.3-расм).

Фараз қилайлик, мамлакатда товар таклифи S_d , товарга талаб эса D_d ни ташкил қилади. Эркин савдо шароитида P_1 нархда хориждан товар таклифи S_1 ни ташкил қилади. Ушбу мамлакатда ишлаб чиқариш таннархи хорижга нисбатан юқори бўлганлиги сабабли маҳаллий товарлар таклиф қилинадиган нарх ҳам юқоридир. Агар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хориждан таклиф қилинаётган товарлар миқдорини ҳар бир нарх учун қўшиб чиқсак, ушбу мамлакат бозориди ана шу товарнинг жами таклиф тўғри чизиғига - S_2 эга бўламиз. Ички талаб жами талаб билан А нуктада мувозанатга келади. Бу мувозанат нуктада P_1 нархда Q_6 та товар сотилади, бу товарларнинг Q_1 таси ички ишлаб чиқарувчилар, Q_5 таси хорижликлар томонидан сотилади (1-а-расм).

Ҳукумат маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишга қарор қилади ва маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлигини талабларни жорий қилади. Чекловларга рўпара келмаслик учун хорижий компаниялар ўз ишлаб чиқаришини ушбу мамлакат худудига кўчириб ўтказади, бу эса уларнинг харажатларини ошишига олиб келади. Харажатлар ошиши натижасида товар қимматлашади хориждан таклиф чизиғи S_1 дан S_3 га кўчиб ўтади. Бунинг натижасида жами таклиф чизиғи ҳам S_2 дан S_4 га кўчиб ўтади ва В нуктада мувозанатга келади. Натижада товар нархи P_2 гача ошади ва сотиш ҳажми Q_4 гача камаяди. Сотилган товарларни Q_2 таси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, Q_3 таси эса мамлакатга кўчиб ўтган хорижликлар томонидан ишлаб чиқарилади.

Хорижийга нисбатан қимматроқ маҳаллий компонентларни сотиб олиш талабига мувофиқ ишлаб чиқариш харажатлари ошиб кетди ва нарх P_1 эса дан P_2 га кўтарилди, истеъмолчиларнинг зарари эса $a+b+c+d+e$ га тенг бўлди. Бу ерда a сегмент чегаравий эффект (маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қайта тақсимланадиган сумма), b сегмент — химоялаш эффекти (маҳаллий ишлаб чиқаришнинг хорижий ишлаб чиқаришга нисбатан носамаравийроқлиги сабабли йўқотишлар) d сегмент — истеъмол эффекти (нарх ошиши натижасида истеъмол миқдоридаги йўқотишлар). Икки сегментнинг йиғиндиси $c+e$ даромад эффекти (хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг нарх кўтарилиши натижасида олган кўшимча даромади)ни ифодалайди, бу ерда c сегмент ушбу мамлакатда жойлашган хорижий ишлаб чиқарувчилага тегади, e сегмент эса ишлаб чиқариш харажатларининг ортисини ифодалайди. Мамлакатнинг жами иқтисодий зарари $b+e+d$ ни ташкил қилади.

Савдо сиёсатининг молиявий усуллари: Субсидиялар

Лицензиялашга кўшимча равишда, давлат миллий товар ишлаб чиқарувчиларни бевосита ва билвосита субсидиялар тизими, яъни мамлакат бюджетидан айрим корхоналарга ва маҳаллий ҳокимият органларига дотациялар бериш орқали рағбатлантириши мумкин. Бундан мақсад арзон импорт товарлари рақобатидан химоя қилиш, энг асосийси - миллий саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижга экспорт қилишни рағбатлантиришдан иборат. Бу вазиятда бевосита субсидиялар пул кўринишидаги маблағни, билвосита субсидиялар эса имтиёзли шартларда кредитлаш, солиққа тортиш, хавф-хатарни суғурталаш бўйича давлат томонидан кафолатлаш, давлат хазинаси ҳисобидан экспорт қилинадиган товарларни ташқи бозорларда реклама қилиш кабиларни назарда тутади.

ГАТТ (УСТ) қоидаларига мувофиқ, аъзо-мамлакатлар ўртасидаги савдода бевосита экспорт субсидияларидан фойдаланиш таъқиқланган. Европа Иттифоқи доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бевосита экспорт субсидиялари бериш бундан мустасно. Юқорида кўрсатилган қоидаларнинг бузилиши импорт қилаётган мамлакатга компенсацияловчи импорт божлари олиш орқали жавоб чоралар кўришга асос бўлади. Бу бошлар УСТ арбитражида баҳс ҳал этилгунга қадар сақланади.

Экспорт субсидиялари миқдори ривожланган мамлакатларнинг қайта ишлаш саноати экспорти қийматининг 1 фоизидан ошмайди, бироқ айрим товар гуруҳлари учун, айниқса, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларда бу меъёр жуда катта миқдорга етиши мумкин.

Савдо сиёсатининг молиявий усуллари: Экспорт кредитлари

Экспорт кредитлари ташқи савдо сиёсатининг молиявий усули бўлиб, у миллий фирмалар экспорти ривожланишини давлат томондан молиявий рағбатлантиришни назарда тутади.

Экспорт кредитлари куйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

- Миллий экспортёрларга субсидиялашган кредитлар — давлат банклари томонидан бозор ставкасидан паст ставкада кредитлар берилиши;
- Хорижий импортёрларга давлат кредитларини берилиши, яъни кредит берган мамлакат товарини сотиб олиш шарт билан;
- Миллий экспортёрларни экспорт рискларидан суғурталаш.

Экспорт кредитлари: қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Экспорт кредитлари бўйича энг йирик уюшмалардан бири Экспорт кредити гуруҳи – Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида экспортни кредитлаш бўйича ҳукумат ва агентликлар вакиллари гуруҳи ҳисобланди. Бу гуруҳ 2 йил ва ундан ортик муддатли экспорт кредитларини тартибга солади. Иккинчи йирик ташкилот Берн иттифоқи, яъни кредитлар ва инвестицияларни суғурталаш бўйича халқаро иттифокдир.

Экспорт кредитларига баъзи ҳолларда бошқа давлатларга ташқи ёрдам сифатида қаралади.

Савдо сиёсатининг молиявий усуллари: Демпинг

Ташқи савдони нотариф усуллар билан тартибга солиш амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, экспорт субсидиялари кўпинча демпингга - хорижий бозорларда экспортёр мамлакат ички бозоридаги ўртача нархга нисбатан паст баҳоларда сотишга моддий асос бўлади.

Мутахассислар демпингнинг қуйидаги вариантларини ажратиб кўрсатишади:

- Тасодифий — экспортёрда тасодифий ортиқча товарларни пайдо бўлиши билан боғлиқ;
- Вақтинчалик — экспортёр томонидан бошқа мамлакат бозорига тезлик билан кириб бориш учун қўлланилади;
- Доимий — монополист компания томонидан, унинг ташқи иқтисодий фаолияти давлатнинг доимий қўллаб-қувватлаши шароитида, ташқи бозорларда фойдани максималлаштириш учун қўлланилади, бунда ички бозорда нисбатан юқори нарх сақлаб турилади.

Демпингдан, энг аввало, даврий пасайишлар ва ички талаб камайганда, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш даврида фойдаланилади. Масалан, 30-йилларда шунга ўхшаш ҳодиса Шарқий Европа мамлакатларидан импорт қилинувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида кузатилди, 70-йилларда АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан Японияга нисбатан демпингдан фойдаланиш айблови илгари сурилди.

Вақтинчалик ва айниқса, доимий демпингга қарши импортёр-мамлакатлар ГАТТ моддаларига асосланган ҳолда импортга қарши импорт божларини жорий этиш ҳуқуқига эга бўлганлиги сабабли кейинги пайтда яширин демпинг кенг тарқалмоқда. Бу экспортёр ва импортёрлар ўртасида импортёрлар томонидан ўз миллий бозорида товарларни экспортёр етказиб берган нархдан паст баҳоларда сотиш ҳақида ошқор бўлмаган келишувни назарда тутди. Яширин демпинг йирик ТМКлар томонидан фирма ичида қўлланиладиган бутловчи қисмларни трансферти амалиётида кенг тарқалган (мас. япон ТМКлари ичида).

Назорат учун саволлар:

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ташқи савдонинг тутган ўрни ва аҳамиятини гапириб беринг.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг 2003-2004 йиллардаги кўрсаткичларини гапириб беринг.
- 2.3. Ташқи савдо структурасида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда?
- 2.4. Республикамиз қайси халқаро ташкилотлар билан ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириб бормоқда?
- 2.5. Ташқи савдони эркинлаштириш деганда нимани тушунасиз?
- 2.6. Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиш истиқболларини характерлаб беринг?
- 2.7. Кейинги йилларда ташқи савдо соҳасида рўй бераётган ўзгаришларни кўрсатиб беринг.
- 2.8. Республикамизнинг экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш моделини танлаши ташқи савдони ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини тавсифлаб беринг?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий мустақиллигини қўлга киритишга қадар, мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти собиқ СССРнинг тегишли ва вазирликлари ихтиёрида бўлган эди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон 160 дан ортиқ хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйди. Ўзбекистон 1994 йилнинг июнида ЖСТ нинг кузатувчи мақомини олди. Республикамиз МДХ, ЕИ, Шанхай гуруҳи каби ўнлаб минтақавий давлатлар билан савдо-иқтисодий мунасабатларни кенгайтириб, ривожлантириб бормоқда. Ушбу жараёнларни боришида республикада ташкил топган ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизматини ташкил топиши ва шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ва унинг идора-ташкilotларида тегишли ташқи иқтисодий фаолият бўлимларининг фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида (РФ, АҚШ, Буюк

Британия, ГФР ва бошқалар) Ўзбекистоннинг савдо- саноат палаталари фаолият кўрсатиб турибди.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 196 б.
2. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.
3. Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик.- Т.:ТДИУ, 2011.- 276 б.
4. Мировая экономика и международный бизнес: учебник/ кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р. К. Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.
5. Внешнеэкономическая деятельность: учебник, для студ. сред. проф. учебник, заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Симитенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.
6. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. - М.: Магистр, 2007. - 429 стр.
7. Назарова Г, Иминов З. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан ўқув-услугий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. - 2010. - 319 бет.
8. Назарова Г. Г., Ҳайдаров Н. Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар / академик С. С. Ғуломов тахрири остида (ўқув қўлланма), ТДИУ, 2005 й. 272 бет.
9. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник / Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 стр.

4-мавзу. Ҳалқаро ишчи кучи миграцияси

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Жаҳон хўжалигида инсон ресурслари. Бандлик ва ишсизлик.
2. Жаҳон ишчи кучи бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш сабаблари. Меҳнат миграциясининг асосий йўналишлари ва марказлари.
3. Халқаро ишчи кучи миграциясининг миллий иқтисодиётга таъсири

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Ишчи кучи миграцияси, ишсизлар, ишга лаёқатли шахслар, ишчи кучини экспорт-импорт қилувчи мамлакатлар, “ақлли кишилар”нинг кетиб қолиш муаммоси.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий шаклларида бири халқаро ишчи кучи миграциясир. Шунга сиз қандай фикр билдирасиз?
2. Халқаро ишчи кучи миграциясининг бир қатор ижтимоий-иқтисодий сабаблари мавжуд. Сиз қандай изоҳлайсиз?
3. Халқаро ишчи кучи миграцияси малкатлар иқтисодиётига салбий ва ижобий таъсир кўрсатади. Шунга сиз қандай фикр билдирасиз?

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда жаҳон хўжалигида инсон ресурслари, бандлик ва ишсизлик тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Жаҳон хўжалигида инсон ресурсларининг иқтисодий баҳосини аниқлашни изоҳлай олади.
- 1.2. Бандлик ва ишсизлик муаммосини изоҳлай олади.

1-асосий савол баёни: Жаҳон иқтисодиётда демография – аҳоли сонининг ҳаракати ва меҳнат ресурслари билан шуғулланувчи фан бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий, биологик ва географик омиллар асосида аҳоли таркибини, динамикасини, шунингдек, жойлашуви ва кўчишининг умумий қонуниятларини ўрганади. Шулар асосида турли

мамлакат ва минтақаларда аҳоли сонининг ўзгаришлари, истиқбол даври учун тахминлар ишлаб чиқилади. Демографик статистикада туғилиш коэффиценти (ҳар 1000 кишига туғилганлар сони), ўлим коэффиценти (ҳар 1000 кишига ўлганлар сони), никоҳ коэффиценти, табиий ўсиш коэффиценти, яъни туғилиш ва ўлим коэффиценти ўртасидаги фарқлар каби кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади.

Туғилиш ва ўлим натижасида аҳолининг узлуксиз янгиланиш жараёни давом этади ва у аҳолини такрор ишлаб чиқариш деб номланади. Бу жараён эса икки тушунча билан, яъни аҳолининг табиий қўшимча ўсиши ва авлодлар алмашуви билан боғлиқдир. У ёки бу аҳоли динамикасини ўрганишнинг энг оддий усули - бу унинг йиллик қўшимча ўсишини аниқлашдан иборат. Йиллик қўшимча ўсиш коэффиценти - бу мазкур йил давомида (яъни икки кетма-кет 1 январь орасида) аҳолининг ўртача арифметик қўшимча ўсишидир.

Йиллик қўшимча ўсиш коэффиценти $R_k = R_k \times R_m$

Бу ерда R_k - йил давомида қўшимча ўсиш; R_m - аҳолининг ўртача йиллик сони.

Авлодлар алмашинуви қанчалик таъминланганлигини билиш учун айрим олинган авлодни туғилган вақтидан бошлаб то насл яратишгача бўлган даврини кузатиш зарур бўлади. Агар маълум бир авлоднинг 1000 кишиси 1000та фарзандни дунёга келтирган бўлса, демак авлод алмашинуви тўла таъминланган бўлади. Аҳоли динамикасини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина Европа мамлакатларида ва шунингдек Шимолий Америка давлатларида XIX ва XX асрларда аҳоли ўртасида ўлим даражаси камайганлигини кўришимиз мумкин. Дунёнинг бошқа мамлакатларида эса ўлимнинг камайиши асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда колониал империяларни тугатилишидан кейин бошланди. Ўлимнинг камайиши қуйидаги сабабларга асосланади:

- аҳоли турмуш даражасининг ўсиши;
- медицина хизматининг яхшиланиши;
- юқумли ва бошқа касалликлар олдини олувчи чора-тадбирларнинг ўтказилиши ва ҳ.к.лар.

Шундай қилиб, аҳоли ўртасида ўлимнинг камайиши аҳолининг кескин ўсиш жараёнини келтириб чиқарган омиллардан бири бўлди. 2000 йилга келиб Ер шари аҳолиси сони 6 млрд. кишига етиб, 2030 йилларга бориб эса 10 млрд. кишига етиши кутилмоқда. Аҳоли ўзгаришини ўрганиш динамикасининг таҳлили асосида кўрсатилган демографик коэффицентлар натижасида қуйидаги ўзига хос босқичлар ёки популяцион циклларни ажратиш мумкин:

1. Дастлабки популяцион характердаги циклга қуйидагилар хос:

- юқори даражада туғилиш;
- юқори ўлим ва бунинг натижасида аҳоли ўсишининг секин бориши;

Бундай хусусиятлар кам ривожланиб бораётган мамлакатларга, жумладан, Африканинг бир қатор тропик давлатлари (Габон, Нигерия) ва баъзи бир Жанубий-Шарқий Осиё (камрок даражада) мамлакатларига хосдир.

Иккинчи популяцион характердаги циклга қуйидагилар хос:

- юқори даражада туғилиш;
- ўлимнинг пасайиши ва натижада аҳолининг кескин ўсиши;

Бундай хусусиятлар Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларига, Шарқий Осиёнинг кўпгина давлатларига, нисбатан ривожланган баъзи бир Лотин Америкаси давлатларига (Парагвай ва Аргентина) хосдир.

Учинчи ўзига хос популяцион циклга қуйидагилар хос:

Туғилишнинг пасайиши;

ўлимнинг қисқариши;

Бундай популяцион характерда туғилиш ўлимга нисбатан (унча катта бўлмаган ҳолда) юқорироқ бўлиши сақлансада, аҳолининг ўсиш даражаси доимо пасайиб бориши кузатилади. (Масалан, Замонавий АҚШ).

4. Тўртинчи популяцион характердаги циклга қуйидагилар хос:

Туғилишнинг пастлиги;

ўлимнинг камлиги ва натижада нисбатан барқарорлашув ёки аҳоли ўсиш динамикасининг минимал ривожланиши. Буларга кўплаб Европа давлатларини кўрсатса бўлади.

Шу билан бир қаторда баъзан демографияда ўзига хос кўринишга эга бўлган популяцион характердаги цикллар ҳам намоён бўлмоқда. Яъни ўлим туғилишга нисбатан ошиб бориши билан аҳолининг табиий характерда минус белгисига эга бўлган коэффицент пайдо бўлади (депопуляция, яъни мамлакатларда аҳолининг табиий қисқариши юз беради). Бундай тенденция ҳозирги кунда Россияда аниқ кўринмоқда.

Ер шари аҳолисининг ўсиш даражаси борган сари давом этиб, XXI асрнинг охириги йилларига келиб тахминан 10,5 млрд. кишига етиши ва барқарорлашуви кутилмоқда. Хуллас, дунё аҳолисининг ўсиш даражаси пасайиб бораётган бўлсада, абсолют миқдорда унинг ўртача йиллик ўсиши 80 млн. кишидан ортиқроқни ташкил этмоқда (Буни биз асосан Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги баъзи мамлакатлар мисолида кўришимиз мумкин).

Маълумки, халқаро статистикада “иқтисодий фаол аҳоли” ва “иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли” категориялари кенг қўлланилади. Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияномасига биноан иқтисодий фаол аҳолига товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда қатнашувчи барча кишилар киради. Булар қаторига ёлланма меҳнат кишилари - ишчилар ва хизматчилар, мустақил ишчилар, оиланинг ҳақ тўланмайдиган аъзолари, мавсумий ва тасодифий ишчилар, объектив сабабларга кўра (касаллик, таътил) вақтинча ишламаётган кишилар, тўлиқсиз иш вақти режимида ишлаб ўқишни давом эттираётган ўқувчилар, стипендия ёки иш ҳақи олиб ишлаб чиқаришда касб ўрганаётган шогирдлар киради.

Ҳозирги вақтда бозор иқтисодиёти мамлакатларида иқтисодий фаол аҳоли - ишчи кучи деб юритилади. Иқтисодий фаол аҳолининг меҳнат статуси миқдорий жиҳатдан маълум муддат (1 йил) ичида ишлаган ҳафта ёки кунлари сони билан аниқланади. Шунга кўра иқтисодий фаол аҳоли - бандлар, ишсизлар ва қисман бандларга бўлинади.

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳолига ёшидан қатъий назар иқтисодий фаол аҳоли категориясига кирмайдиган кишилар таалуқлидир. Бундай аҳоли таркибига кундузги бўлим талабалари, уй бекалари, қариллик ва ногиронлик бўйича нафақахўрлар, ижтимоий ташкилотлар ва хусусий шахслардан моддий ёрдам олувчи кишилар ва бошқалар киради. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳолига шунингдек бир қанча алоҳида функционал гуруҳлар киради. Ҳақ тўланмайдиган ижтимоий иш билан машғул кишилар, ихтиёрий текин хизматлар кўрсатувчи кишилар, субъектив ва объектив сабабларга кўра иш қидирмаётган меҳнатга яроқли ёшдаги кишилар ҳам киради.

Меҳнатга яроқли аҳолининг ижтимоий маҳсулот яратишдаги фаолияти бандлик дейилади. Бундан ташқари ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳоли тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, уларга ишсизлар ва мажбурий банд бўлмаган кишилар киради.

XX асрнинг 70-йилларида саноати ривожланган мамлакатларда иқтисодий фаол аҳолининг асосий қисми (30-45 %) саноат ва қурилишларда банд бўлган эди. Аммо кейинчалик бу муносабат нисбатан ўзгариб бориши билан боғлиқ ҳолда бу тармоқларда аҳоли сонининг аввал нисбий, кейинчалик абсолют бандлиги кескин камайиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Шу билан бир қаторда аҳолининг иқтисодий фаоллигини пасайиши қишлоқ хўжалигида ҳам кузатилмоқда.

Халқаро Меҳнат ташкилотининг таърифига кўра ишсизлар деб - охириги 4 ҳафта ичида иш қидираётган ва ишга эга бўлмаган ёки ишга жойлашиб хали ишга киришмаган кишиларга айтилади. Бу категория турли мамлакатларда турлича талқин этилади. Турли мамлакатларда ишсизлар сонини аниқлашда икки хил ёндашув мавжуд. Биринчиси - 1 ҳафталик текширишда ишсизлар статусига жавоб берувчи кишилар сонини аниқлайди, бу усул АҚШ, Японияда ишлатилади. Буюк Британияда бу усул қиммат ҳисобланиб, ишсизлар сони давлат бандлик хизматларига ишсизлик нафақасини олишга топширилган талабномалар асосида ҳисобланади.

Ишсизларнинг асосий қисмини иш стажига эга ишдан бўшатишган кишилар ташкил қилади. Бу категорияга иқтисодий ва ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар натижасида корхоналарнинг бекилиши, янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиши, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашуви натижасида ишини йўқотган ишчилар киради. Бола тарбияси билан машғул аёллар, ўқишни тугатиб иш қидираётган ёшлар ишсизлар сафига киритилмайди.

Замонавий саноати ривожланган мамлакатлар учун характерли тенденциялардан бири ишсизликнинг ўсиб боришидир, 2004 йилда улар иқтисодий фаол аҳолининг 8-10% ни ташкил этган.

Ривожланаётган мамлакатларда ишсизлар сонини аниқлаш ҳозирги кунда энг қийин муаммолардан бири бўлиб турибди. Халқаро Меҳнат ташкилотининг берган маълумотида кўра, 2003 йилда саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ишсизларнинг умумий сони 600 млн. кишидан ортиб, бу Ер шари аҳолисининг 10дан бир қисмини ташкил қилган.

Назорат саволлари:

- 1.1. Жаҳон миқёсида ишчи кучи ресурсларининг нотекис тақсимланиш сабаби нимада?
- 1.2. Жаҳон мамлакатларида бандлик ва ишсизлик даражасини аниқлаш қандай мақсадларни кўзда тутади?

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Ишчи кучи миграцияси моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва асосий марказлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Ишчи кучи миграцияси мазмун моҳиятини изоҳлай олади.
- 2.2. Ишчи кучи миграцияси сабаблари ва марказларини моҳиятини изоҳлай олади.

2-асосий савол баёни: Жаҳон аҳолиси ёшига боғлиқ равишда икки типдаги одамларни ўз ичига олади: меҳнатга лаёқатли - 15-60 ёшлилар, меҳнатга лаёқатсиз - болалар ва қариялар. Аҳоли умумий ҳажмининг тахминан 70 фоизи биринчи типга тегишли, бироқ бу улуш турли ҳудудларда ўзгариб туради. Масалан, Осиё ва Африкада вояга етмаганлар, Европа ва Шимолий Америкада қариялар улуши юқорирок.

Ўз навбатида меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳам иккига ажратилади: иқтисодий фаол ва фаол бўлмаганлар. Уй бекалари, талабалар (таътил пайтида), давлат қарамоғидаги фуқаролар, шунингдек, фуқаролиги бўлмаганлар иқтисодий фаол бўлмаганлар қаторига киради. Бизни иқтисодий фаол аҳоли, яъни меҳнатга лаёқатли ва унга интилувчи одамлар қизиқтиради. Фуқароларнинг айнан шу тоифаси мамлакат ичкарасида ва хориждан иш қидириш жараёнида фаол иштирок этади.

Халқаро ишчи кучи миграцияси узоқ тарихга эга бўлсада, фақатгина XX асрга келиб ишлаб чиқариш омиллари ҳаракатининг етакчи кўринишларидан бирига, бинобарин ХИМнинг алоҳида соҳасига айланди.

Буни қуйидаги сабаблар билан боғлаш мумкин:

- хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви;
- ижтимоий-демографик ўзгаришлар;
- фан-техника ва ахборот соҳасидаги инқилоб;
- интеграция жараёнларининг ривожланиши;
- трансмиллий корпорациялар фаолияти.

Бу барча омиллар меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳаракатчанлигини кучайтишига сабабчи бўлди, зеро инсонлар мамлакатлар ва қитъалараро кўчиш учун ривожланган коммуникация инфратузилмасидан фойдаланишади. Ҳозирги кунга келиб жаҳон ишчи кучи бозори (ЖИКБ) вужудга келдики, бу бозор асосини миллий хўжалик тизимлари ва жаҳон иқтисодиёти доирасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси, табиати ва жойлашувига сезиларли таъсир этувчи иқтисодий фаол аҳолининг мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида жами миграция айланмаси ташкил этади. XX асрнинг охирига келиб меҳнатқаш-мигрантларнинг бир йилдаги ўртача миқдори 35 млн. кишига етди (1960-йилда 3,5 млн.). ЖИКБ фақатгина мигрантларни эмас, балки турли даражадаги миграция хизматларини, шунингдек, хорижий меҳнатқашлар ҳуқуқий статуси, уларнинг меҳнатини ҳимоялаш, уларга ижтимоий кафолатлар бериш ва бошқа масалалар билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларни ҳам ўз ичига олади.

Мазкур мавзуда аҳолининг кўчиши жараёнлари ичида ижтимоий-иқтисодий мақсадлар келтириб чиқарган меҳнат миграцияси тўғрисида сўз боради. Фуқароларни ўз ватанидан ташқарида иш қидиришга мажбур этувчи омиллар ичида энг асосийси турмуш даражасини яхшилаш ва ўз қобиляларидан унумли фойдаланишга интилишлари ҳисобланади. Айни пайтда ишсизлик, қишлоқ хўжалигида аҳолининг кўпайиб кетиши каби салбий ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ҳам яшаш жойини вақтинча ёки доимий ўзгартиришга сабабчи бўлади. Ҳозирги пайтда давлатлар меҳнат миграциясини тартибга солиш борасида ўз ҳаракатларини кучайтириб боришмоқда. Мигрантларни жўнатувчи (экспортёр-мамлакатлар) ва қабул қилувчи (импортёр-мамлакатлар) томонларнинг ўзаро манфаатларини ҳуқуқий ифодаси одатда икки ва кўп томонлама келишувлар кўринишида амалга оширилади. Бу соҳада халқаро конвенцияларни тайёрлашда аҳоли бўйича БМТ Комиссияси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Миграция бўйича халқаро ташкилот каби глобал ташкилотлар сезиларли кўмак бериб келмоқда. Ишчи-мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи ҳудудий тузилмаларга мисол сифатида Ғарбий Европадаги Миграция масалалари бўйича ҳукуматлараро қўмитани келтириш мумкин. ЖИКБ доирасидаги муносабатларни тартибга солишнинг асосий халқаро меъёрий ҳужжатлари Халқаро меҳнат ташкилотининг 1962, 1975, 1982 йиллардаги Конвенциялари ҳисобланади. Бу ҳужжатларнинг моддалари мигрантларни ёллаш, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, миграциянинг яшириш каналлари билан кўрашиш каби масалаларни тартибга солади.

Меҳнат миграциясининг асосий йўналишлари ва марказлари

Меҳнат миграцияси деярли барча миллий иқтисодийётларга хос жараён дир. Бирок унинг жадаллик даражаси жаҳоннинг у ёки бу ҳудудларида сезиларли фарқ қилади. Меҳнаткаш-мигрантларнинг энг жадал оқими ишчи кучини экспорт/импорт қилувчи мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасида ва табиий демографик ўсиш суръатида жиддий фарқ бўлганда кузатилади. Миграциянинг асосий тўртта йўналишлари ичида жами миграция оқимининг ҳажми бўйича ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатлар томон ишчи кучларини кўчиши биринчи ўринда туради. Мутахассислар қуйидаги миграция оқимларини алоҳида кўрсатиб ўтишади: Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари ўртасида, собик социалистик мамлакатлардан бозор иқтисодийётли мамлакатларга, ривожланаётган ёки ўтиш даври иқтисодийётли давлатлар ўртасида (мас. Жанубий Америка чегарасида, Украинадан Россияга).

Ишчи кучи миграциясининг яна бир йўналиши, яъни ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган ёки ўтиш даври иқтисодийётли давлатларга миграция учраса-да, бу йўналишни танловчи мигрантлар сони унчалик кўпчиликни ташкил этмайди ва улар ТМҚларнинг шаҳобчалари ва шуъба корхоналарида банд бўлган кадрлар, турли хайрия ташкилотлари ва фондлари аъзолари, шунингдек, саргузашт изловчилар ҳамда таваккалчилардан иборат. Ишчи кучини ўзига тортувчи марказлар ичида энг йирик ва уч юз йилдан бери мавжуд бўлган марказ Шимолий Америка (АҚШ ва Канада) ҳисобланади. Америкалик статистларнинг маълумотларига кўра 90-йиллар давомида АҚШга белгиланган квота 675 минг киши бўлишига қарамай йилига 1 млн.дан ортиқ мигрантлар кириб келган.

Мигрантларни ўзига тортувчи бошқа бир «оҳанграбо» Европа Иттифоқи мамлакатларидир. Уларга хорижий ишчи кучи жами айланмасининг тўртдан бир қисмидан кўпроги тўғри келади. Бу ҳудудда Франция (мамлакат аҳолисининг 8 фоизи хорижликлар), Германия (7,5 фоиз) етакчилик қилмоқда. Булардан ташқари Буюк Британия, Белгия, Нидерландия, Швеция, Австрия ҳам ишчи кучи қабул қилишда олдинги ўринларда туради. Меҳнат миграциясининг учинчи йирик марказ -Австралиядир. Австралия ҳукумати мамлакат ҳудудининг катта қисмида аҳоли зичлиги даражаси пастлиги ва унинг таркибида хитой этносининг улуши кўпайиб бораётганидан хавотирда. Шунинг учун ҳам Канберра томонидан Австралия мамлакатига - китъага оқ ирқга мансуб аҳолини, асосан фертил (турмуш қуриш ва фарзанд қуришга қодир) ёшдаги аёлларни кўчиб ўтишини рағбатлантириш борасида чора-тадбирлар мажмуасини эълон қилган.

Муҳим миграция марказлардан бири сифатида Исроилни эсга олишимиз ҳам мақсадга мувофиқ. Исроил барча яҳудийларни ўзларининг тарихий ватанларига қайтаришга ҳаракат қилмоқда. Яҳудийларнинг «Жаннатмакон ер»га миграцияси умуман олганда сиёсий сабаблар туфайли бўлсада, унинг иқтисодий жиҳатлари ҳам мавжуд, турмуш даражаси паст бўлган мамлакатлардан Исроилга келаётган мигрантлар оқимининг жадаллиги ҳам бундан далолат бериб турибди.

Кейинги йигирма йил ичида мигрантларни ўзига жалб этувчи янги марказлар вужудга келди. Уларнинг ичида Форс кўрфази мамлакатлари (Саудия Арабистони, Қатар, Қувайт, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирлиги) ва Лотин Америкаси (Аргентина, Бразилия, Мексика) ҳамда Осиёнинг (Индонезия, Малайзия, Сингапур, Тайван) янги индустриал мамлакатларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Африка қитъасида эса бундай марказ ЖАР ҳисобланади.

МДҲ доирасида Россия йирик марказ бўлса-да, у ҳам экспортёр, ҳам импортёр мамлакат саналади. Россиядан МДҲдан ташқари ишчи кучи экспорт қилинса (йилига 10 минг киши), МДҲ мамлакатларидан - асосан Украина, Белорусия, Молдавия, Қозоғистондан (йилига 300-500 минг киши) импорт қилинади.

Халқаро миграция айланмаси таркибини тушуниб етиш учун меҳнат миграциясининг кўринишларини белгилаб чиқиш зарур, уларни турли мезонларга кўра синфлаш мумкин. Миграциясининг асосий кўринишлари қуйидагилар:

- давомийлигига кўра - вақтинчалик, мавсумий ва доимий;
- ижтимоий таркибига кўра - малакасиз ишчилар, ўрта техник ва сервис ходимлари, талабалар (таътил пайтида), мутахассислар, фан, маданият ва спорт арбоблари, тадбиркорлар;
- табиатига кўра - бевосита ва билвосита (ТМК доирасида фирма ичида);
- меҳнат шартномаси кўринишига кўра - шахсий ва жамоавий;
- қабул қилувчи мамлакатда ҳуқуқий ҳолатга кўра - ассимиляцияцион (кейинчалик фуқаролик берилиши) ва неассимиляцияцион.

Халқаро статистика маълумотларига кўра, мигрантларнинг асосий қисмини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган кам малакали ишчилар ташкил этади. Шундай бўлса-да, мутахассисларнинг, яъни ТМКлар тузилмасида эътиборли ва юқори ҳақ тўланадиган мансабларни эгаллаган юқори малакали ишчи кучининг миграцион оқими ўсиб бормоқда (гап «ақллиларнинг кетиб қолиши» тўғрисида бормоқда). Бундан ташқари йилдан йилга Европа Иттифоқи каби интеграцион бирлашмаларда аёллар ва ёшларнинг сафарбарлиги кучаймоқда.

ХИМда миграция оқимларини кучайиб бориши туфайли уларнинг қабул қилиб олувчи ва жўнатувчи давлатлар иқтисодиётига таъсири янада сезиларли бўлиб бормоқда. Шунинг учун жаҳон ишчи кучи бозорини ана шу нуқтаи назардан кўриб чиқиш жоиз.

Назорат саволлари:

- 2.1. Ишчи кучи миграцияси моҳиятини изоҳлаб беринг?
- 2.2. Ишчи кучи миграцияси асосий сабабларини ёритиб беринг?
- 2.3. Ҳалқаро ишчи кучи миграцияси асосий тортиш марказларини санаб ўтинг?
- 2.4. Ишчи кучи миграцияси мамлакатлар иқтисодиётига қандай таъсир қилади?


3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда ишчи кучи миграциясининг қабул қилувчи ва донор мамлакатларга таъсири тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 3.1. Ишчи кучи миграциясининг миллий иқтисодиётга таъсирини изоҳлай олади.
- 3.2. Ишчи кучи миграциясининг қабул қилувчи ва донор мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини изоҳлай олади.

3-асосий савол баёни: Ишчи кучи кўчиб юришининг иқтисодий сабаби меҳнатга тўланадиган ҳақнинг турли давлатларда турличалигидир. Халқаро ишчи кучи ҳаракатининг асосий бош сабаби, демак, турли давлатларда ўртача реал иш ҳақи даражасининг ҳар хиллигида.

4.3.1-расм. Меҳнат миграциясининг иқтисодий самарадорлиги.



Тасаввур қиламизки дунёда "А" ва "В" давлатлари мавжуд. "А" давлат LA миқдорда меҳнат ресурслари билан, "В" давлат эса AL^* миқдорида ресурслар билан таъминланган. Иккала давлатнинг умумий меҳнат ресурслари LL^* га тенгдир.

S_1 ва S_2 тўғри чизиқлари бу ишчи кучи эвазига яратилган маҳсулот ҳажми. Агарда, халқаро меҳнат миграцияси намоён бўлмаса, "А" давлат ички меҳнат ресурслари захирасидан фойдаланиб уларга ўртача реал иш ҳақи LC тўлайди. "В" давлат ҳам ўз меҳнат ресурслари захирасидан фойдаланиб L^*D миқдорида ўртача реал иш ҳақи тўлайди. "А" давлат бор ички меҳнат ресурсларидан фойдаланган ҳолда $a+b+c+d+e$ миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаради. "В" давлатнинг ишлаб чиқарадиган маҳсулоти ҳажми $i+j+k$ га тенг бўлади. "В" давлат "А" давлатга қараганда ишчи кучига бир мунча кўп ҳақ тўламоқда. $LC < L^*D$, яъни "А" давлатдаги иш кучи баҳоси "В" давлатникига қараганда паст.

Давлатларнинг реал ўртача иш ҳақлари турлича бўлганлиги муносабати билан "А" давлатнинг бир қисм АВ ишчилари "В" давлатга ўтишади. Натижада, иккала давлатнинг иш ҳақи даражалари BR мувозанат ҳолатга эришади. "А" давлатда қолган меҳнат ресурслари ва "В" давлатга ишлаш учун кетган ишчи кучи эвазига яратилган ялпи маҳсулот ҳажми $a+b+c+d+e+h$ га кўпайган. Бу ерда $a+b+c+d$ "А" давлатдан кетмаган ишчи кучига тегишли яратилган маҳсулот бўлса, $e+h$ "В" давлатга эмиграция қилинган ишчи кучи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ташкил этади. Расмга эътиборни қаратадиган бўлсак, "А" давлат, меҳнат унумдорлигини оширгани холда ва кўчиб ўтган ишчилар томонидан яратилган ялпи маҳсулот x сегментига ортган. Бу эса ишловчилар даромадини ошишига олиб келмоқда. "В" давлатдаги ўзгаришни қарайдиган бўлсак, "А" давлатдан келган мигрантлар ҳисобига, "В" давлатнинг ўртача реал иш ҳақи $L \cdot D$ дан $L \cdot F = BR$ гача пасайганлиги кузатилади. Аммо ўз навбатида "В" давлатда яратилган ички маҳсулот ҳажми $i+j+h$ дан $i+j+h+g+e$ га кўпайган. Бунда $h+e$ сегментлар, хорижий ишчи кучидан яратилган маҳсулот ҳажмига тўғри келади ва бир қисми даромаддан ушлаб қолинадиган солиқни айириб ташлаган холда хорижий ишчи кучига маош тарзида тўланади. Соф ички ишлаб чиқариш ҳажми эса $8 \sim$ сегментни ташкил этади. Реал ўртача иш ҳақи даражаси пасайганлиги муносабати билан "В" давлатдаги ишловчилар даромадлари $j+k$ данга қисқаради. Бошқа ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг даромади i -дан $i+g+j$ га кўтарилади. Бир давлатдан иккинчи давлатга ишчиларни миграция қилиш натижасида яратилган ялпи умумий ишлаб чиқариш ҳажми $[a+b+c+d+e] + [k+j+I]$ дан $[a+b+c+d] + [e+g+h+i+j+k]$ га кўпайган. Бу ерда h , "А" давлатнинг бир қисм меҳнат ресурсларининг "В" давлатга эмиграция қилиш туфайли ва қолган ишчи кучидан самарали фойдаланган холда оширилган ишлаб чиқариш ҳажмини англатади. g - сегмент эса "В" давлатнинг, хорижий ишчи кучидан фойдаланилган холда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидир. Шундай қилиб, ишчи кучининг халқаро миграцияси туфайли иккала давлат ҳам ўзаро манфаатли натижаларга эришишга муяссар бўлишди.

Ўзбекистон ҳам халқаро савдо ва молия-кредит муносабатларини ривожлантириш билан бир қаторда ишчи кучининг халқаро миграциясида ўзининг иштирокини кенгайтирмоғи лозим.

Ишчи кучининг халқаро миграциясининг экспортёр-импортёр мамлакатларга иқтисодий таъсири

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ишсизликни камайтириш, эмигрант-ишчилардан валюта маблағларини кириб келиши, қабул қилувчи мамлакатда уларга етарли даражадаги турмуш шароитини таъминлашга кўмак бериш учун эмиграцион сиёсат олиб борилиши қайд этилади. Мигрантларнинг асосий қисмини 30-40 ёшдагилар ташкил этади, уларнинг хорижга чиқиши ички меҳнат бозоридаги рақобатни юмшатиш имкониятини беради. Бинобарин, миллий иқтисодиётнинг беқарорлиги шароитида ижтимоий кескинлик юмшатилади.

Эмигрантларнинг ўтказмаларидан келиб тушадиган валюта маблағлари жаҳондаги асосий ишчи кучи экспортёрлари (Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатлари, шунингдек, баъзи собиқ социалистик давлатлар) учун миллиардлаб доллар билан ўлчанади. Бундай мамлакатлар ўнгла атрофида. Ўттиздан кўпроқ мамлакат йилига 100 ва ундан кўпроқ миллион доллар миқдорида эмигрантларнинг пул ўтказмаларини олади. Бунда канал орқали валюта даромадлари олишда ишлаб чиқариш харажатлари билан кузатилмайди, зеро бундай харажатлар товар савдосига хосдир. Натижада ишчи кучи экспортдан иқтисодий самара товарлар ёки хизматлар савдосидадиган тахминан беш марта юқори бўлади. Мутахассислар мигрантларнинг чет элга чиқишидан келадиган валюта даромадларининг бешта манбасини кўрсатиб ўтишади: воситачи-фирмалар фойдасидан солиқлар, мигрантларнинг ўз юртига пул ўтказмаларидан солиқлар, мигрантларнинг шахсий инвестициялашлари, ишчи кучини импорт қилувчи мамлакатлардан экспортёр мамлакатларга давлатлараро каналлар орқали келиб тушадиган капиталлар, хайрия фондлари ва халқаро ташкилотларнинг субсидиялари.

Бундан ташқари мигрантлар чет элда ишлаб кайтгандан сўнг, одатда икки-етти йил давомида валюта ўтказмаларига эквивалент миқдорда қимматли буюмлар ва жамғармалар олиб келишади. Ишчи кучи экспортининг ўзига хос ижобий томонларига узоқ вақт давом этган хорижий фаолиятдан сўнг бу ишчиларнинг умумий касб маҳорати даражаси ортади ва улар ўз ватанларида иқтисодий ҳаётнинг янги соҳаларида ишлашга тайёр бўлишини киритиш мумкин.

Ишчи кучининг чет элга юборилишининг салбий жиҳатлари ичида энг асосийси меҳнатга лаёқатли ва юқори малакали мутахассисларнинг йўқотилиши ҳисобланади.

Ишчи кучини импорт қилувчи мамлакатлар одатда, мигрантлар сони ва сифатий таркибини тартибга солиб борувчи иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлардир. Тартибга солиш дастаклари сифатида иммиграцион квоталар ва турли чеклашлардан (мигрантнинг ёши, маълумотлилиқ савияси, касб маҳорати даражаси, соғлиги кабилар) фойдаланилади. Шунинг учун ҳам хориждан ишчи кучини жалб этишга танлов тамойилидан фойдаланиш тўғрисида гапириш мумкин.

Ички меҳнат бозорида кўшимча ишчи кучини пайдо бўлишининг шубҳасиз ижобий жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- иммигрантлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарларнинг харажатларни камайиши (хорижликлар импортёр-мамлакат фуқароларига нисбатан фаолроқ ва камроқ иш ҳақига ишлашга тайёр бўлишади) ҳисобига рақобатбардошлиги ошади;
- мигрант-ишчилар томонидан товар ва хизматларга ички талабни рағбатлантирилиши;
- малакали мутахассислар тайёрлаш, ижтимоий дастурлар, шунингдек, бошқа давлатлардан патентлар, лицензиялар ва ноу-хаулар сотиб олишга зарур маблағларни тежалиши;
- ишчи кучи таклифи соҳасида рақобатни кучайтириш орқали ички меҳнат бозорига кўшимча эгилувчанликни бериш.

Бироқ ишчи кучини экспорт қилишдаги сингари унинг импортида ҳам салбий жиҳатлар мавжуд. Хусусан, резидентлар ва мигрантлар ўртасидаги иш жойи учун кўшимча рақобат ишсизликни кучайишига олиб келади. Иммигрантлар оқимини кенгайтириши билан боғлиқ равишда мамлакатдан валюта маблағларини хорижга чиқиб кетиши ортиб боради. Бундан ташқари хорижий ишчи кучи, айниқса, африкалик ва осийликлар Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада миллий, ирқий ва диний негиздаги тўқнашувларни келтириб чиқаради, иқтисодиёт криминаллашади.

Шундай қилиб миграция жараёнларининг жаҳон мамлакатлари иқтисодиётига таъсири етарли даражада зиддиятлидир, унинг салбий ва ижобий томонларини нисбий баҳолаш мазкур мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият ва унинг ХИМ тизимидаги ҳолатига бевосита боғлиқ бўлади.

«Ақлли кишиларнинг кетиб қолиш» муаммосининг моҳияти

Ишчи кучи экспорти миллий иқтисодиётда ижобий оқибатлар билан бир қаторда салбий оқибатлар ҳам қолдиради. Бу энг аввало «ақлли кишиларнинг кетиб қолиши» деб аталувчи юқори малакали мутахассисларнинг хорижга кетиб қолиши билан боғлиқдир. Бу жараённинг моҳияти шундаки, мутахассислар турмуш даражаси паст давлатлардан юқори иш хақи, яхши меҳнат шароитлари, ижодий имкониятларни амалга оширишга етарли шарт-шароит ва ниҳоят ижтимоий кафолатлар яратиб бера оладиган мамлакатларга кетиб қолади.

Ишчи кучини жўнатувчи давлат учун салбий бўлган жиҳатлар қабул қилиб олувчи мамлакатлар учун ижобий ҳисобланади. Чунки кириб келувчи ишчиларнинг аксарият қисмини юқори даражада ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаол бўлган ёшлар ташкил этади. Бунга мисол сифатида Польшадан 1983-1987 йилларда ёш кадрларни чиқиб кетиши билан боғлиқ вазиятни келтириш мумкин: бу мамлакатни тарк этганларнинг 15 фоизини (50 минг киши атрофида) олий маълумотлилар ташкил этган, бу Польша олий ўқув юрларининг бир йиллик битирувчиларига тўғри келади. "Интеллектуал миграция" жами ишчи кучи миграцияси миқдорининг 3—5 фоизига тенг бўлса-да, ҳозирги пайтда бу улушнинг йилдан-йилга ортиб бориши кузатилмоқда, бинобарин жўнатувчи мамлакат учун иқтисодий зарар миқдори ҳам ошиб борапти. Бу зарар баъзи бир мамлакатларнинг миллий даромадининг 10 фоизигача тенг бўлмоқда. Мутахассисларни четга чиқиб кетиши жаҳон бозоридаги рақибларнинг мавқеини кучайтиради, чунки бу мутахассисларнинг кўпчилиги йирик трансмиллий корпорацияларга ишга жойлашади.

«Юқори сифатли» ишчи кучини ўзига жалб қилувчи асосий марказлар энг бой мамлакатлар: АҚШ, Канада, Германия, Франция, Буюк Британия, Швеция, камроқ даражада Япония, Сингапур, Тайван саналади. Ақлли кишиларни чиқиб кетишининг асосий каналлари биринчидан, хорижий талабалар ва аспирантларни чет элдаги университетлари томонидан жалб этилиши, иккинчидан, тажрибали мутахассисларни халқаро компанияларда ишга таклиф этилиши ҳисобланади.

Назорат саволлари:

3.1. Ишчи кучи экспортининг жўнатувчи мамлакатлар ижобий ва салбий жиҳатларини тушунтириб беринг.

3.2. Ишчи кучи импортидан олинadиган иқтисодий самара қандай?

3.3. «Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши» муаммосининг моҳияти нимада?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Жаҳон ишчи кучи бозори (ЖИКБ) ўзининг ҳозирги кўринишига сўнгги эллик йил давомида шаклланди. ЖИКБ таркибига ҳам мигрантлар -меҳнат қобилиятли ёшдаги иқтисодий фаол одамлар, ҳам хорижда иш қидиришга интилаётган одамларга кўмаклашувчи миграция хизматлари ва халқаро ташкилотлари киради. Меҳнат миграциясининг асосий йўналиши ишчи кучининг ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга чиқиши саналади, хорижий ишчиларни ўзига тортувчи асосий халқаро марказлар Шимолий Америка, Ғарбий Европа, Австралия ва Исроил ҳисобланади. Булар билан меҳнаткаш-мигрантларни ўзига тортувчи янги ҳудудий «кутблар»: баъзи араб давлатлари рақобат қила бошлади. Меҳнат миграциясининг миллий иқтисодиётларга таъсири даражаси турлича бўлиб, кўп жиҳатдан ҳукумат томонидан олиб бориладиган сиёсатга боғлиқ. Ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар асосий фойдани хориждан валюта трансферти оқимларини кенгайтишидан олади, аммо бунда кўпчилик ҳолларда юқори малакали кадрларини йўқотади. Импортёр мамлакатлар эса меҳнат иммиграциясининг миқдорий ва сифат даражасини квоталар ва чеклашлар жорий қилиш орқали тартибга солишга ҳаракат қилади, ҳозирги пайтда малакали кадрларни ва илмий-техника соҳасидаги экспертларнинг кириб келиши мақсадга мувофиқдир.

Ақлли кишиларни кетиб қолиши муаммоси ХИМда кейинги йигирма-ўттиз йиллар ичида энг долзарб муаммога айланди. Муаммонинг моҳияти шундаки, ишга жойлашиш мақсадида хорижга чиқиб кетган малакали кадрларни йўқотиш экспорт қилувчи мамлакат учун маълум миқдорда иқтисодий зарар етказди.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 196 б.
2. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.
3. Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик.- Т.:ТДИУ, 2011.- 276 б.
4. Мировая экономика и международный бизнес: учебник/ кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р. К. Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.
5. Внешнеэкономическая деятельность: учебник, для студ. сред. проф. учебник, заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Симитенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.
6. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. - М.: Магистр, 2007. - 429 стр.
7. Назарова Г, Иминов З. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. - 2010. - 319 бет.
8. Назарова Г. Г., Ҳайдаров Н. Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар / академик С. С. Ғуломов таҳрири остида (ўқув қўлланма), ТДИУ, 2005 й. 272 бет.
9. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник / Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 стр.

5-мавзу. Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Капитал экспорти - халқаро иқтисодий муносабатларнинг илғор шакли сифатида
2. Капитал экспортининг асосий шакллари ва унинг ўзига хос томонлари
3. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: капитал миграцияси, портфель инвестициялар, тўғри инвестициялар, ТМК, трансмиллашувнинг жаҳон иқтисодиёти ва мамлакатлар иқтисодиётига таъсири.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Халқаро капитал миграцияси ХИМ бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган шакли ҳисобланади. Шунга сиз қандай фикр билдирасиз?
2. Халқаро капитал миграциясининг асосий сабаблари ва шакллари қандай изоҳлайсиз?
3. Халқаро корпорацияларнинг капитал миграциясидаги ролини сиз қандай изоҳлайсиз?

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда халқаро капитал миграцияси

тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Халқаро капитал миграциясининг мазмунан изоҳлай олади.
- 1.2. Капитал экспорти сабабларини изоҳлай олади.

1-асосий савол баёни: Капитални хорижга чиқариш, унинг давлатлар орасида фаол миграцияси замонавий жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим ажратиб турувчи томонига айланди. Капитал олиб чиқиш жаҳон хўжалигининг чуқур ривожланиши даврида товар олиб чиқиш монополиясини синдирди.

Товар олиб чиқишни тўлдирувчиси ва унинг воситачиси бўлиб, капитал олиб чиқиш халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида аниқловчи омилга айланиб бормоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (ИХРТ) баҳолашига қараганда, 80-йиллардан бошлаб тўғридан-тўғри йўнатирилган инвестицияларнинг йиллик ўсиши тахминан 34-35% ни ташкил этиб, халқаро савдо ўсишидан қарийб 5 марта кўпроқдир. Капитал олиб чиқиш маълум бир миллий давлат ўз айланмасидан бир қисм капитални олиб, уни бошқа бир давлатнинг ишлаб чиқариш жараёнига ва айланмасига товар ёки пул формасида жойлаштиришида намоён бўлади.

Дастлабки йилларда капитал олиб чиқиш жаҳон хўжалиги перифериясига капитални экспорт қиладиган кам сонли саноати ривожланган давлатларга хос бўлган холос эди. Жаҳон хўжалигининг ривожланиши эса бу жараён доирасини сезиларли равишда кенгайтди, натижада капитал чиқариш ҳар қандай муваффақиятли, динамик ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётнинг функцияси бўлиб қолди. Ҳозирги кунда капитални илғор саноати ривожланган давлатлар ҳам, ўртача ривожланган давлатлар ҳам, ривожланаётган, айниқса “янги индустриал” давлатлар ҳам чиқармоқдалар. Капитал олиб чиқишнинг асосий сабаби унинг маълум бир давлатларда “нисбатан” ортиқча бўлиб қолишигидир. Ишбилармонлик фойдаси ёки фойза олиш мақсадида капитал чет элга чиқарилади. Капитал экспорти ички инвестиция учун капитал етишмаган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин. 90-йилларда умумжаҳон бўйича ортиқча капитал 180-200 млрд. долларга тенг деб баҳоланган эди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг четга капитал чиқариш тинимсиз ўсиб борди. Капитал экспорти ҳозирги кунда ўсиш суръатлари бўйича товар экспортини ҳам, саноати ривожланган давлатларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражасини ҳам орқада қолдирмоқда. Капитал олиб чиқиш масштабининг кескин кенгайиши халқаро миграциянинг кучайишига олиб келмоқда. Халқаро капитал миграцияси- капитал эгаси учун фойда келтирувчи, давлатлар орасидаги қарама-қарши ҳаракатдир. Ҳар бир давлат бир вақтнинг ўзида капиталнинг импортёри ва экспортёри бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида катта фойда учун капитал олиб чиқишнинг энг муҳим сабаблари қуйидагилардан иборатдир:

- капитал олиб чиқилаётган давлатда унинг ортикча тўпланганлиги;
- жаҳон хўжалигининг турли звеноларида капитал талаби ва таклифининг мос келмаслиги;
- маҳаллий бозорни монополизация қилиш имконияти мавжудлиги;
- капитал экспорт қилинадиган давлатда арзонроқ хом-ашё ва ишчи кучининг мавжудлиги;
- барқарор сиёсий ҳолат ва умуман қулай инвестицион муҳитнинг мавжудлиги.

Амалий ҳаётда инвестиция қилиш зарурияти ўзида инвестицион муҳитнинг барча қисмларини мужассамлаштирган сабаблар комплекси ва шунингдек айрим бозорларнинг нисбий устунлиги тамойиллари билан белгиланади. Капитал олиб чиқишга сабаб бўлувчи ва уни рағбатлантирувчи омиллар қуйидагилардир:

1. Капитал олиб чиқишни фаоллаштирувчи, ҳаракатлантирувчи куч бўлиб миллий иқтисодийларнинг ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви халқаро капитал ҳаракатига катта таъсир кўрсатади. Капитал экспортининг бош омили бўлиб, тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар ишлаб чиқаришни халқаро ишлаб чиқаришга айланиши ва шунингдек халқаро маҳсулот яратишидир. Халқаро маҳсулот-глобал халқаро бозорда сотиладиган маҳсулотдир. У унификация қилинган ва географик жойлашиши, миллий ёки бошқа ўзига хосликлардан қатъий назар сотилади (автомобиллар, самолётлар, радиоэлектроника, компьютерлар, асбоб-ускуналар ва ҳ.к.лар).

2. Халқаро саноат кооперацияси, трансмиллий корпорацияларнинг шўъба корхоналарига қўйиладиган қўйилмалари.

3. Саноати ривожланган давлатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларини ушлаб туриш, саноатнинг илғор соҳаларини ривожлантириш, бандлик даражасини сақлаш учун сезиларли ҳажмда капитал жалб қилишга йўналтирилган иқтисодий сиёсати.

4. Хорижий капитал жалб қилиш ёрдамида ўз иқтисодий ривожини учун сезиларли туртки бериш, “камбағаллик доирасидан” чиқиб кетишга ҳаракат қилаётган ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ўз-ўзини тутиши.

5. Экология омиллари сезиларли таъсир кўрсатади. Халқаро корпорациялар қаттиқлашаётган экологик нормалар туфайли ишлаб чиқаришни саноати ривожланган давлатлардан ривожланаётган мамлакатларга кўчириши.

6. Капитал оқимини йўналтирувчи ва тартибга солувчи халқаро молиявий ташкилотлар муҳим рол ўйнаши.

Назорат саволлари:

1.1. Капитал экспорти нима?

1.2. Халқаро капитал миграцияси моҳиятини тушунтиринг?

1.3. Капитал миграциясига таъсир қилувчи омилларни санаб ўтинг?

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Капитал миграциясининг асосий шакллари ва сабаблари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Капитал миграциясининг шаклларини изоҳлай олади.

2.2. Капитал миграциясининг сабабларини изоҳлай олади.

2-асосий савол баёни: Жаҳон хўжалигида капитал олиб чиқиш асосан қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- саноат, савдо ва бошқа корхоналарга тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар;
- портфель инвестициялар (хорижий облигациялар, акция, қимматбаҳо қоғозлар);
- ссуда капиталининг саноат ва савдо корпорациялари, банк ва бошқа молиявий ташкилотларига ўрта ва узоқ муддатли кредитлари ёки заёмлари;
- иқтисодий ёрдам- текинга ва имтиёзли кредитлар шаклида (фоизсиз, кам фоизли).

Жаҳон иқтисодиётида капитал кўчиши ва хорижий инвестициялар ўртасида аниқ фарқ белгиланган. Капитал кўчиши қуйидагиларни ўз ичига олади: хорижий ҳамкорлар билан операциялар бўйича тўловлар, заёмлар бериш (5 йилдан ортиқ бўлмаган мудатда), фақат капитал жойлаштириш мақсадида хорижий компанияларнинг акция, облигация ва қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш, қимматбаҳо қоғозлар портфелини диверсификация қилиш ва х.к.лар.

Хорижий инвестициялар бу капитал қабул қилувчи давлатда компания устидан назорат ўрнатиш ва уни бошқаришда иштирок этиш мақсадида капитал кўчиришдир. Тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар шаклида капитал олиб чиқиш бу капитал қабул қилувчи давлат ҳудудида капитал экспортёри томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этишини билдиради. Бу шунингдек, кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга рақобатчилик таъсиридир.

Тўғридан-тўғри инвестициялар халқаро корпорацияларнинг жаҳон хўжалигидаги хукмронлигининг асосини ташкил қилади. Улар корпорацияларнинг хорижий корхоналарига тўлиқ эгалик қилиши ёки акционерлик капиталининг амалда эгалик қилишига имконият беради. Одатда, бу шундай инвестицияларки бунда хорижий инвестор компаниянинг акционерлик капиталининг 25% дан кам бўлмаган миқдорига эгалик қилади. АҚШ, ГФР, Япониянинг статистика бошқармалари акционерлик капиталининг 10% и ва ундан кўпроғини ўзига олган инвестицияларни Тўғридан-тўғри инвестициялар деб ҳисоблайди. П.Х.Линдертнинг фикрича, “Тўғридан-тўғри инвестициялар ва портфель инвестициялари орасидаги фарқ авваламбор капитал кўйиладиган фирма устидан назорат қилиш муаммосига бориб тақалади”.

Портфель инвестициялари йирик корпорациялар, марказий ва хусусий банклар томонидан чиқариладиган облигация заёмларини молиялаштириш учун хорижий капитални жалб қилувчи муҳим манбадир. Хорижий портфель инвестицияларини жалб қилишда одатда йирик инвестицион банклар воситачилик қилади. Портфель инвестицияларнинг ҳаракатига кўп жиҳатдан алоҳида давлатларда облигациялар учун тўланадиган фоиз ставкаларидаги фарқ таъсир қилади.

Жаҳон иқтисодиётида 50-йиллардан кейинги даврда капитал экспорти структурасида сезиларли ўзгаришлар рўй бериб жаҳон хўжалиги ривожланишининг ўзига хос томонларини намоён қилди. Улардан энг муҳими 70-80-йилларда халқаро кредитларнинг ўсиши ва капиталнинг кредит-молия соҳасини пайдо бўлганлигидир. Иқтисодиётда ссуда капиталининг роли кескин ошди.

Халқаро ссуда капитали бозори: а) пул бозори; б) капитал бозорига бўлинади. Пул бозори – бу асосан қисқа муддатли кредитлар (1 йилгача) бозоридир. Бундай кредитлар одатда айланма маблағлар етишмовчилигини қоплаш учун ишлатилади. Капитал бозори эса ўзида банк кредитлари ва узоқ муддатли кредитларни намоён қилади. Улар асосан облигациялар чиқариш ва сотиб олишда намоён бўладилар.

Саноати ривожланган давлатлар томонидан текин ёки имтиёзли кредитлар шаклида кўрсатиладиган иқтисодий ёрдамни биз жаҳон давлатларига ёрдам бериш бўйича дунёда иккинчи ўринда (Япониядан кейин) турадиган АҚШ мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. Масалан, “Хорижий давлатларга ёрдам ҳақидаги” қонунга мувофиқ, АҚШ 1998 молиявий йилда ёрдам учун 13 млрд. доллардан ортиқ ассигнация қилган эди (унинг 76% иқтисодий ва 24% ҳарбий мақсадларга ажратилган). Бу даврда кредит олувчилар рўйхатида биринчи ўринда Исроил (3 млрд. долл.) турган бўлса, иккинчи ўринда Миср (2,1 млрд.долл.) турган. Кўрсатилган ушбу ёрдамнинг 65% ни текин ва 35% ни имтиёзли кўринишдаги кредитлар). Хорижий мамлакатларга иқтисодий ёрдамнинг кўрсатишдан мақсад АҚШ миллий хавсизлигини таъминлаш, давлатларга очик бозор иқтисодиёти тизимини ўрнатиш ва шунингдек демократияни ривожланишига ёрдам беришдир.

Жаҳон иқтисодида капитал олиб чиқиш асосан саноати ривожланган давлатлардан олиб чиқилади. Саноати ривожланган давлатлар ўртасида ҳам капиталнинг фаол миграцияси рўй бермоқда. Саноати ривожланган давлатлар доирасида рўй бераётган капитал миграциясини бир неча ҳолатларида кўриб чиқишимиз лозим:

“Учлик” давлатлар ўртасидаги капитал миграцияси (АҚШ - Ғарбий Европа-Япония) ўртасида.

Алоҳида саноати ривожланган давлатлар ўртасидаги капитал миграцияси.

Саноати ривожланган давлатларнинг бир хил соҳалари ўртасида рўй бераётган капитал миграцияси.

Капитал миграция ўз субъектлари нуқтаи назаридан макро ва микро даражалар билан фарқланади. Макродаража- бу, капиталнинг давлатлараро оқими бўлиб, статистикада у давлатларнинг тўлов балансида тасвирланади. Микродаража – бу, капиталнинг халқаро монополиялар ичида корпорациялар ички каналлари орқали рўй бераётган ҳаракатидир. Жаҳон таснифида энг йирик капитал “донорлари” бўлиб Япония (53%), Швейцария ва Тайвань ҳисобланаса, энг йирик “заёмчилар” эса – АҚШ (27%), Буюк Британия, Мексика ва Саудия Арабистони ҳисобланади.

Капитал олиб чиқишнинг замонавий аломатлари орасида ишлаб чиқариш капитали экспортнинг ўсиб бораётган аҳамиятини ажратиб кўрсатиш лозим. Ишбилармонлик фаолиятида портфель инвестициялар қатнашишдан тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларга ўтди. 50-йиллардан бошлаб тўғридан-тўғри йўналтирилган хорижий инвестицияларни қазиб чиқариш саноатидан қайта ишлаш саноатига, шунингдек хозирги кунда йиллик ҳажмининг 50%дан ортиғи тўғри келаётган хизмат соҳаларига йўналтирилиши рўй бермоқда. Тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг тенденциясида сезиларли ўзгаришлар рўй бера бошлади: 1990 йилда банк заёмлари суммаси 468 млрд. долл.ни ташкил этди, қимматли қоғозлар бозорида эса инвестициялар 756 млрд. долларни ташкил этиб, 1993 йил охирида бу нисбат хусусий капитал тўпланган фонд бозори ҳисобига кескин ўзгариб, 2.3 трлн. долл. капитал бозорини ташкил этди.

90-йилларда капитал бозорларини байналминаллашуви жараёнининг асосий хусусияти намоён бўлди. Агар 70-80- йилларда байналминаллашув жараёни асосан ривожланган бозор иқтисодиётидаги давлатларни қамраб олган бўлса, 90-йилларда у ривожланаётган давлатларни ҳам биринчи навбатда Осиё-Тинч океани минтақиси ва шунингдек, Лотин Америкаси давлатларига ҳам тарқалди. Бу эса албатта ушбу давлатларнинг молиявий салоҳияти, валюта аҳволининг мустақамланиши ва уларнинг кредитга лаёқатлигини ўсиши, миллий молиявий бозорларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган эди.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда 80-90 йилларнинг муҳим томонларидан бири ривожланаётган давлатлар ўртасида ва айниқса “янги индустриал давлатлар” ўртасида капитал миграциясининг фаоллашувидир. Капиталлар бозорида ҳамон нефть экспортёр - давлатлари ташкилоти (ОПЕК) фаолдир. Масалан, Қувайт хусусий секторининг хориждаги инвестициялари 1995-йилда 100 млрд. долл.ни ташкил этиб, ўз навбатида давлат кўйилмалари 30 млрд. долл.га етган. 90-йилларда тўғридан-тўғри йўналтираётган инвестицияларнинг ҳажмлари асосан ривожланаётган давлатларга тўғри келиб 1993-йилда 65 млрд. долл.ни, 1994 йилда 74 млрд. долл.ни ташкил этган. Бу 1991 йилга нисбатан икки баробар кўп демакдир. Инвестицияларнинг асосий қисми Осиё ва Лотин Америкасининг 10-15 та ривожланаётган давлатларида тўпланган. Хитой хорижий инвестицияларни жалб қилишда анча ютуқларга эришди. Бу кўрсаткич бўйича у АҚШдан кейинги иккинчи ўринни эгаллаб 1993 йилда 26 млрд. долл.ни (1991 йилга нисбатан 6 марта кўп) ташкил этди.

Хорижий капиталнинг аҳамиятини аввало биз Хитойнинг юқори иқтисодий суръатларда ўсиши билан таъминланганлигида ишончлигида ва шунингдек сиёсий барқарорлигида кўришимиз мумкин. Хитой ЯММнинг ўсиши 10-13% га тенг. Худди шундай ўсишлик даражасини биз баъзи бир Осиё “аждарҳо”лари давлатларида ва шунингдек баъзи бир Лотин Америкасининг “Янги индустриал давлатлари”да ҳам кўриш мумкин.

Айни бир пайтда камбағал давлатлар қаторига кирувчи баъзи бир ривожланаётган мамлакатлар экспертларнинг фикрича саноати ривожланган давлатларнинг инвесторлари учун озроқ қизиқиш уйғотмоқдалар. Бундай давлатлар қаторига тобора камайиб бораётган тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар оқими тўғри келади. 90-йилларда кам ривожланган давлатлар қаторига хорижий инвестицияларнинг 5-6%ти тўғри келган эди холос.

Урушдан кейинги 50-йилларда капитал олиб чиқиш жараёнининг муҳим аломатларидан бири давлатнинг тартибга солувчи, назорат қилувчи, рағбатлантирувчи функциялар билан бу жараёнга фаол аралашувидир.

Саноати ривожланган давлатларнинг капитал миграциясига таъсири, миллий ва давлатлараро даражада капиталнинг экспорт ва импортини рағбатлантириш йўли билан амалга оширилади. Заём, портфель инвестициялари шаклидаги капитал кўчиши асосан давлат сиёсатининг ҳаракати йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш асосида олиб борилмоқда. Давлат тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга нисбатан иқтисодиётда миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳар қандай чекланишларни қўллаш ҳуқуқи сақлаб қолинган. Характерли томони шундаки капитални хорижга олиб чиқиш, хорижий капитални олиб киришдан кўра кўпроқ тартибга солинади. Давлат қуйидаги тартибга солиш чораларидан кенг фойдаланади:

1. Молиявий тартибга солиш усуллари. Ушбу усулларга тезлаштирилган амортизацияни, солиқ имтиёзларини, субсидия ва заёмлар беришни, кредитларни суғирталаш ва кафолатлашни киритиш мумкин.

2. Номолиявий усуллар. Ушбу усулларга ер майдонларини бериш, керакли инфраструктура билан таъминлаш, техник ёрдамларни кўрсатишни киритиш мумкин.

Хорижий капитал қўйилмаларни тартибга солишнинг муҳим амалий хужжати бўлиб Осиё-Тинч океани ҳамкорлик ташкилоти доирасида ишлаб чиқилган “Кўнгилли кодекс”дир (1994 йил Жакарта). Мутахасисларнинг фикрича истиқболда Жаҳон савдо ташкилоти томонидан фойдаланиладиган ушбу “Кодекс” да қуйидаги инвестицион тамойиллар белгилаб берилган:

- донор давлатларга дискриминациясиз ёндашув;
- хорижий инвестициялар учун миллий режим;
- инвестицион рағбатлантиришлар соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва атроф-муҳит ҳимояси соҳаларидаги талабларнинг кучсизланишига йўл қўймаслиги керак;
- савдо ва капитал соҳалар чекловчи ва тартибга солувчи инвестицион талабларни минималлаштириш;
- етарли ва самарали компенсация тўлаш шарти билан ижтимоий жамият мақсадларига, миллий қонун ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ дискриминациясиз инвестицияларни экспроприация қилишдан воз кечиш;
- рўйхатга олиш ва конвертация имкониятини таъминлаш;
- капитал олиб чиқишдан чеклашларни олиб ташлаш;
- хорижий инвесторни миллий инвесторлар билан тенг равишда давлат қонунларига, маъмурий қоида ва ҳолатларига риоя қилиниши;
- инвестицион лойиҳани амалга ошириш муносабати билан хорижий персоналга келиш ва вақтинчалик туришга рухсат бериш;
- келишмовчиликларни консултациялар ва музоқаралар ёки хўжалик судлари орқали ҳал қилиш.

Иқтисодий амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, инвестицияларни жалб қилишда рағбатлантириш сиёсати бозор омилларига нисбатан камроқ таъсир кўрсатади. Иқтисодий эркинлик, бозор механизмларининг тўсиқсиз ишлаши ташқи инвестицияларни жалб қилишда муҳим критерий ҳисобланади. Америка иқтисодчилари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий эркинликнинг интеграл кўрсаткичи у ёки бу мамлакатда давлат хўжалик субъектларига нисбатан канчалик фаол аралашувининг 10 дан ортиқ турли кўринишдаги хусусий кўрсаткичларининг агрегация қилинган ҳарактеристикаси ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидаги соҳалардаги ҳолларда намоён бўлади:

- савдо сиёсати соҳасида;
- солиқ сиёсати соҳасида;
- монетар сиёсати соҳасида;
- банк тизимининг ишлаши соҳасида;
- хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида;
- мулк ҳуқуқи соҳасида;
- мамлакатда ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар соҳасининг умумий ҳажмида давлат истеъмолининг улуши;
- иқтисодий рағбатлантириш сиёсати соҳасида;
- давлатда мавжуд “қора бозор”нинг миқёси;
- нархнинг ташкил топиши ва иш ҳақини тартибга солиш соҳасида ва бошқалар.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича давлат 1 дан 5 баллгача олиши мумкин (давлатнинг иқтисодиётга энг кам ва энг кўп аралашувига мувофиқ). Тадқиқотлар натижасига кўра 1995 йилда энг эркин (банк иши ва монетар сиёсатдан бошқа барча кўрсаткичлар бўйича бир бал олган) Гонконг иқтисодиёти тан олинди. Айтилган бир пайтда Хитой юқоридаги диаграммада охириги ўринни эгаллайди. Аммо бу Хитойга ҳар йили миллиардлаб хорижий инвестицияларни жалб қилишига ҳалақит бермайди.

Назорат саволлари:

- 2.1. Четга капитал чиқаришнинг қандай шакллари мавжуд?
- 2.2. Капитал миграциясини тартибга солишнинг қандай усуллари мавжуд?
- 2.3. Четга капитал чиқаришнинг асосий сабаблари қайсилар?

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда ҳалқаро корпорациялар ва уларнинг тузилмаси тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 3.1. Ҳалқаро корпорациялар моҳиятини изоҳлай олади.
- 3.2. Ҳалқаро корпорацияларнинг капитал миграциясидаги ролини изоҳлай олади.

3-асосий савол баёни: Ўз таркибига бош бошқарувчи марказ орқали ривожланишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқарувчи ва амалга оширувчи, икки ёки ундан ортиқ мамлакатда ҳўжалик бирликларига эга бўлган ҳамда катта миқдорда хорижий активларга эга халқаро компания мутахассислар томонидан трансмилий корпорация (ТМК) номини олган.

Жаҳон иқтисодиётининг ўзига хос «умуртқа поғонаси» бўлган замонавий ТМКларнинг характерли белгилари куйидагилар ҳисобланади:

- Ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятининг катта қисмини бош штаб-квартира жойлашган мамлакат иқтисодий макони чегарасидан ташқарига олиб чиқиш;
- Турли давлатларда шаҳобчалар, шуъба ва ассоциацияланган компанияларнинг катта тармоғини шакллантириш;
- Иқтисодий фаолиятни самарали башоратлаш ва режалаштириш шароитида ташқи ва ички инвестицион оқимларни бошқариш;
- Капиталлар, ишчи кучи, ахборот кўчиши (трансферти)нинг фирма ичкарисидаги каналларининг кўплиги.

Ишлаб чиқариш қувватларини ва сервис марказларини жаҳоннинг турли худудларига бўлиб-бўлиб жойлаштириш(диверсификациялаш), бундай корпорацияларга халқаро меҳнат тақсимоли шартлари ва ички миллий бозор хусусиятларидан келиб чиқувчи устунликлардан фойдаланиш ҳисобига катта даромад олиш имкониятини беради.

Миллий компанияни халқаро компанияга айланишига конкрет мисол сифатида «Электрлюкс» гуруҳини келтириш мумкин. «Электрлюкс» электр ускуналари ишлаб чиқиш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи икки швед фирмасининг қўшилиш йўли билан 1912 йилда ташкил этилган. 50-йилларда бу компания аввал Швецияда сўнгра бошқа Скандинавия мамлакатларида ҳам етакчи мавқега эга бўлди. Тайёрланаётган маҳсулотлар номенклатурасини узлуксиз кенгайтириб борган ҳолда компания Фарбий Европада савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини яратишга киришди. 80-йилларда «Электрлюкс» ўз тузилмасига АҚШ («Уайт Консолидейтид» электр ускуналари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 3-ўринда турарди), Германия («АЕГ» - 1-ўрин), Италиянинг («Занусси» - 1-ўрин) каби бир неча йирик компанияларини қўшиб олди. Ҳозирги пайтда уни жаҳоннинг 75 мамлакатида бўлимлари мавжуд, бу ТМКнинг персонали 110 минг кишидан ортиқ, йиллик айланмаси 16 млрд. долл.дан ошади.

ТМКнинг намунавий тузилмасини бош компания (ушбу мамлакатда рўйхатдан ўтган корпорациянинг бош штаб-квартираси) ва бошқа давлатларда жойлашган шаҳобчалар, шуъба ва ассоциациялашган компаниялар тизими. Кўпинча ТМК тузилмасига молия-кредит муассасалари (банклар, инвестиция фондлари ва суғурта компаниялари) ҳам киритилиш мумкин. Бундан ташқари йирик халқаро корпорациялар одатда ўзининг муҳофаза хизмати, кадрлар тренинги, транспорт ва бошқа хизматларига эга бўлишади.

Шаҳобчаларнинг шуъба корхоналардан фарқи шундаки, улар ўз баланси ва иқтисодий мустақилликка эга эмас. Ассоциациялашган компанияларга келсак, улар бош компания томонидан одатда шартнома муносабатлари тизими (пудрат, траст кабилар) орқали назорат қилинади.

ТМК кўринишлари танланган мезонга боғлиқ равишда турлича синфланади. Энг кенг тарқалган аломат халқаро корпорациянинг бош тузилмаси низом фондидаги капитал улушини белгиловчи миллий мансублик белгиси ҳисобланади. Бу ҳолатда куйидагилар ажратиб кўрсатилади:

- мономиллий компаниялар (миллий компания, масалан — Швейцариядаги "Нестле" концерни);
- мултимиллий компаниялар (байналмилал компания, масалан — англиз-голланд "Ройял Датч Шелл" корпорацияси);
- консорциумлар (узоқ муддатли капитал сиғимли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бир неча корпорациялар активларининг бир қисмини вақтинчалик мақсадга йўналтирилган бирлаштириш).

Жаҳон иқтисодиёти қайд этилган гуруҳларнинг солиштирма оғирлиги доимо ўзгариб туради. 70-йилларда мономиллий ТМКлар кўпчиликни ташкил этган бўлса, 80-йилларга келиб консорциумлар пайдо бўлди. Сўнгги ўн йил ичида рақобат кўрашининг кучайиши ва глобал бозорлардаги инкирозли вазиятлар туфайли миллий компаниялар бир-бири билан қўшилиб мултимиллий ТМКларга айланди.

Хўш, трансмиллий корпорацияларни пайдо бўлишига сабаб нима? ТМКлар пайдо бўлишининг асосий сабаби миллий-давлат чегараларидан чиқиб кетган ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши асосида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашувидир. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви йирик компаниялар томонидан хорижий мамлакатларда ўз бўлимларини ташкил этиб, миллий корпорацияларнинг ТМКга айланиши орқали экспансия характериға эға бўлади. Жаҳон иқтисодиётида капитал олиб чиқиш халқаро корпорацияларнинг шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим омилларидан биридир.

Трансмиллий корпорациялар вужудға келишининг сабабларидан яна бири ҳаддан ташқари фойда олишға бўлган интилишидир. Ўз навбатида, кучли рақобат бу курашда ғалаба қозониш зарурияти, халқаро миқёсда ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрацияси ҳам ТМКларнинг пайдо бўлишиға олиб келди.

Жаҳон хўжалигида рўй бераётган иқтисодий жараёнларнинг объектив натижасиға кўра вужудға келган трансмиллий корпорациялар ўзига хос хусусиятға эға. Жаҳон иқтисодиётида ТМКлар халқаро меҳнат тақсимотининг фаол иштирокчиси бўлиб, унинг ривожланишиға ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.⁵

Трансмиллий корпорацияларда капиталининг ҳаракати, одатда, корпорация жойлашган давлатда бўлаётган жараёнлардан мустақил равишда содир бўлади.

Жаҳон хўжалигида трансмиллий корпорацияларнинг роли БМТ экспертларининг фикрича трансмиллий корпорациялар (ТМК) “жаҳон мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишидаги асосий двигателлари” дан бири бўлиб ҳисобланади. 90-йилларнинг ўрталарига келиб жаҳон хўжалигида 40 мингдан ортиқ ТМКлар мавжуд бўлиб, улар ўз давлатларидан ташқарида фаолият кўрсатиб келаётган 250 мингта яқин шўъба корхоналарни ҳам назорат қилиб туришган. ТМКларнинг сони охириги йигирма йиллар мобайнида 5 баробар кўпайган эди (1970 йилда 7 мингта бундай фирмалар рўйхатға олинган). Ҳозирги кунда жаҳон хўжалигида мавжуд бўлган 100 та энг йирик халқаро компанияларнинг 40% мулки (шу жумладан молиявий мулки ҳам) бошқа давлатлар худудига тўғри келади.

Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорацияларнинг асосий қисми АҚШ, ЕИ давлатлари ва Японияда жойлашгандир. ТМК жаҳон хўжалигида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 40% ни халқаро савдони эса 50 – 55%и устидан ўз назоратини ўрнатган. ТМКнинг корхоналарида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларнинг йиллик миқдори 1 трлн. АҚШ долларидан ошиқроқни ташкил этиб, уларда 73 млн.дан ортиқроқ киши ишлайди (яъни жаҳонда иш билан банд аҳолининг 1/10 қисмини ташкил этади).

БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича комиссияси (ЮНКТАД) томонидан хар йили компаниялар акцияларининг бозорда капиталлаштирилишини баҳолаш орқали ўтказиладиган рейтингда қуйидаги ўнта компания етакчилик қилишмоқда (5.3.1.-жадвалға қаранг).

⁵ James H. The End of Globalization: lesns from the great Depression. Harvard College, 2001.

5.1-жадвал. Дунёнинг йирик компаниялари

Рейтингдаги мавқеи 2002й.	Компания	Бош офис қайд қилинган мамлакат
1	Vodafone	Буюк Британия
2	General Electric	АҚШ
3	Exon Mobil	АҚШ
4	Vibendi	Франция
5	General Motors	АҚШ
6	Royal Dutch/Shell Group	Нидерландия, Буюк Британия
7	British Petroleum	Буюк Британия
8	Toyota Motor	Япония
9	Telefonika	Испания
10	Fiat	Италия

Жадвалдан кўриниб турибдики, етакчи ўринларни Америка, Ғарбий Европа ва Япония ТМКлари эгаллаб туришибди. "Faynenshnl Taume" энг ишончли ва эътиборли Европа ТМКлари қаторига «АВВ» Швеция-Швейцария машинасозлик концернини, Буюк Британиянинг «British Eyryeuz» компаниясини, Швейцариянинг «Nestle» гуруҳини, «BMW» немис автомобил концернини ва «Simens» электротехника корпорациясини киритади

Ҳозирги кунда трансмиллий корпорацияларнинг ҳукукий филиаллари ва шўъба корхоналари жаҳоннинг турли давлатларида фаолият юритиб келмоқда. Бу компаниялар нисбатан мустақил бўлиб, ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотларни сотиш, илмий тадқиқот ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш каби ишларни бажаради. Умуман улар ягона ишлаб чиқариш-сотиш мажмуини ташкил этиб, бу мажмуада ҳиссадорлик капиталга фақат таъсисчи давлат эгалик қилади. Шу билан бирга ТМКларнинг филиал ва шўъба корхоналари аралаш корхоналар кўринишида ҳам бўлиши ва уларда миллий капитал устунлик қилиши ҳам мумкин.

Жаҳон хўжалигида трансмиллий ва кўпмиллий корпорациялар қаторига халқаро компаниялар ичида ажралиб турувчи глобал корпорацияларни (ГК) ҳам киритиш мумкин. Ушбу компаниялар XX асрнинг 80-йилларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда кучайиб бормоқда. Глобал корпорациялар замонавий жаҳон молия капиталининг бутун кудратини намоён қилади. Жаҳон иқтисодиётида глобализация жараёнлари ҳозирги кунда кўпроқ химия, электротехника ва электрон соҳаларда нефть ва автомобиль соҳаларида ахборот, банк ва бошқа бир неча соҳаларда рўй бермоқда.

Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорациялар йирик инвестиция ва юқори малакали мутахасисларни талаб қилувчи юқори технологияли, илмталаб соҳаларга кириб боради. Ушбу соҳаларни трансмиллий корпорациялар томонидан монополия қилиш тенденцияси рўй бермоқда. Ҳозирги кунда 500 дан ортиқ энг кучли трансмиллий корпорациялардан 90 га яқини хорижий мамлакатлардаги инвестицияларнинг 70-75% и устидан ўз назоратини ўрнатган бўлиб, бу 500 дан ортиқ гигант ТМКлар ҳиссасига жаҳон бозорларига чиқарилаётган электроника ва химия саноатининг 80-82% и, фармацевтиканинг 93-95%, машинасозликнинг 76-80% саноат маҳсулотлари тўғри келмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида кучли ишлаб чиқариш базасига эга бўлган трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқаришни, товар бозорларини самарали режалаштиришни таъминловчи ишлаб чиқариш-савдо сиёсатини юргизадилар. Режалаштириш бош компания доирасида амалга оширилади ва шўъба корхоналарига тарқатилади.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро корпорацияларни вужудга келиши ва ривожланишига мисол қилиб, ўз қўлида жаҳон кундалик электр жиҳозлари ва саноат ускуналари бозорининг 25% ини ушлаб турган “Электролюкс” ТМКни кўрсатиш мумкин. 1912 йилда икки швед компанияларининг бирлашиши натижасида вужудга келган “Электролюкс” 20-йиллардаёқ Австралия ва Янги Зеландия бозорига чиқиб, у ерда ишлаб чиқаришини ташкил қилган эди. Охириги ўн йилликларда “Электролюкс” АҚШда учинчи ўринда турувчи, “Вестингауз”, “Гибсон” ва бошқа маркалар остида кундалик техника ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи “Уайт Консолидейтед” компаниясини, Италия ва бутун жанубий Европада энг йирик электр товарлари ишлаб чиқарувчи “Занусси” фирмаси ва шунингдек ГФРда асосий электр товарлари ишлаб чиқарувчи “АЭГ” фирмасини акцияларини сотиб олган эди. Хуллас, бу уч фирмани кушиб олганидан кейин Шведларнинг “Электролюкс” компанияси жаҳоннинг 75 мамлакатида кундалик электротехника буюмларини ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш бўйича ривожланган тизимга эга бўлган лидер компанияга айланди. 90-йилларнинг ўрталарида ушбу трансмиллий корпорациянинг корхоналарида 110мингдан ортиқ киши ишлаб, унинг йиллик айланмаси ўртача 16 млрд. АҚШ долларни ташкил этган эди.

Жаҳон иқтисодиётида ўз экспансиясини кенгайтира бориб, трансмиллий корпорациялар жаҳон бозорини ўзлаштиришнинг турли шаклларида фойдаланадилар. Бу шакллар кўп жиҳатдан шартномага асосланади ва ҳиссадорлик капиталида бошқа фирмаларнинг қатнашишига боғлиқ бўлмайди. ТМК иқтисодиётининг бундай шаклларига кўпинча қуйидагилар киритилади:

- лицензия бериш;
- франчайзинг;
- бошқарув шартномалари;
- техник ва маркетинг хизматларни кўрсатиш;
- корхоналарни “калит остида” топшириш;
- вақт бўйича чекланган қўшма корхоналар тузиш ҳақидаги шартномалар ва алоҳида операцияларни амалга ошириш бўйича келишувлар ва бошқалар.

Лицензион келишув юридик шартнома бўлиб, унга кўра лицензиар лицензиантга бир қанча муддатга маълум тўлов эвазига маълум ҳуқуқлар беради. Лицензия бериш трансмиллий корпорациянинг ички фирма шартномалари бўйича ҳам, технология беришнинг ташқи каналлари бўйича ҳам амалга оширилади.

Франчайзинг – узоқ муддатга мўлжалланган лицензион келишувдир. Бунда франчайзер клиент-фирмага маълум ҳуқуқлар беради. Бу ҳуқуқлар ўз ичига маълум тўлов эвазига савдо маркаси ёки фирма номидан фойдаланиш, шунингдек техник ёрдам кўрсатиш, ишчи кучи малакасини ошириш, савдо ва бошқариш бўйича хизмат кўрсатиш соҳаларини олади.

80-йиллардан сўнг жаҳон иқтисодиётида охиридан бошқарув ва маркетинг хизматларини кўрсатиш каби трансмиллий корпорациялар экспансиясини шакли кенг тарқалди. Бошқарув хизматларини кўрсатиш бўйича шартномага кўра, корхонани оператив назорат қилиш маълум тўловлар эвазига бошқа корхонага берилади. Техник хизмат кўрсатиш ҳақидаги шартномага кўра трансмиллий корпорациялар ушбу фирма фаолиятининг қандайдир махсус томонига боғлиқ бўлган техник хизматларни амалга оширадилар. Кўпинча бундай шартномалар машина ва ускуналарни ремонт қилиш, “ноухау” дан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар, аварияларни тугатиш ва сифатни назорат қилиш билан боғлиқ бўлади.

Жаҳон иқтисодиётида заводларни “калит остида” топшириш ҳақидаги шартномалар кенг тарқалди. Бунда трансмиллий корпорациялар маълум объектни режалаштириб кўриш учун зарур бўлган барча (асосий ишни) фаолиятни амалга ошириш жавобгарлигини бўйнига оладилар.

Трансмиллий корпорациялар томонидан халқаро бозорларни эгаллашнинг энг муҳим шаклларида бири хорижда махсус инвестицион компаниялар ташкил қилишдир. Бу компанияларнинг вазифаси ТМКнинг шўъба ва ҳамкорликдаги корхоналарининг маҳсулотларини минтақавий бозорларга чиқаришни рағбатлантириш учун уларни инвестициялашдир. Бундай усулдан ҳозирги кунда алкоғолсиз ичимликларни сотиш бўйича энг йирик халқаро компаниялар “Пепси-кола” ва “Кока-кола” Африкада фойдаланишмоқда.

Маълумки, трансмиллий корпорациялар замонавий жаҳон хўжалигининг муҳим иштирокчиларига айланиб бормоқда. Саноати ривожланган давлатлар учун айнан ТМКларининг хориждаги фаолияти уларнинг ташқи иқтисодий алоқаларинг характерини белгилаб беради. Бу давлатлар экспортида миллий компанияларнинг узларининг хориждаги филиалларига товар етказиб беришлари ва хизмат кўрсатишларининг улуши каттадир. 80-йилларнинг иккинчи ярмида бундай фирма ичидаги савдонинг улушига АҚШ экспортининг 14-20% и, Япония экспортининг 23-29% и ва ГФР экспортининг 24-28% и тўғри келган эди. ТМК жаҳондаги хусусий ишлаб чиқариш капиталининг 1/3 қисми устидан, хориждаги тўғридан-тўғри инвестицияларнинг эса 90% ини назорат қиладилар.

Трансмиллий корпорацияларнинг соҳавий структураси ҳам турли тумандир. Халқаро корпорацияларнинг 60% и ишлаб чиқариш соҳасида, 37% и хизмат кўрсатиш соҳасида 3% и қазиб чиқариш ва кишлоқ хўжалиги соҳасида банддир. Американинг “Форчун” журнали маълумотларига қараганда жаҳоннинг энг йирик 500 дан ортиқ корпорацияси ичида 4та мажмуа - электроника, нефтни қайта ишлаш, химия ва автомобилсозлик саноат тармоқлар асосий рол ўйнайди. Улар жаҳон иқтисодиётида ТМКларнинг олиб бораётган ташқи савдо фаолиятининг 80%ти ана шу тармоқларга тўғри келади.

Трансмиллий корпорацияларнинг жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги фаолиятининг яхши томонларини айтганда, уларнинг фаолият кўрсатаётган давлатлар иқтисодиётига салбий таъсирини ҳам айтиб ўтиш лозим бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

- ТМК фаолият кўрсатадиган давлатларнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишга халақит бериши;
- давлат қонунларини бузиши;
- монопол нархлар ўрнатиши, ривожланаётган давлатларнинг ҳуқуқини чекловчи шартларга мажбур этиши ва бошқалар.

Хуллас, жаҳон иқтисодиётида ТМКлар хўжаликлараро алоқаларнинг ривожига доимо эътибор бериб, ўрганиш ва етарли даражада халқаро назорат талаб қилувчи мураккаб ва доимий равишда ривожланиб бораётган феномендир.

Назорат саволари:

- 3.1. Капитал миграциясининг асосий сабабларини тавсифлаб беринг.
- 3.2. Капитал миграциясига таъсир кўрсатувчи омилларни кўрсатинг.
- 3.3. Халқаро капитал бозорларида рўй бераётган ўзгаришларни характерлаб беринг.
- 3.4. Трансмиллий корпорацияларни тавсифлаб беринг.
- 3.5. ТМКларни жаҳон бозорларига кириб бориш усулларини очиб беринг.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Капитални хорижга чиқариш, унинг давлатлар орасида фаол миграцияси замонавий жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим кўринишларидан биридир. Капитал олиб чиқиш жаҳон хўжалигининг чўқур ривожланиши даврида ривож топиб келаётган тавор олиб чиқиш монополиясини инқирозга учратмоқда. Товар олиб чиқишни тўлдирувчиси ва унинг воситачиси бўлиб капитал олиб чиқиш халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида аниқловчи омилга айланиб бормоқда.

Жаҳон капитал бозорининг замонавий кўриниши асосан XIX асирнинг охири XX асирнинг бошларида шаклланди. Яъни, бу даврда капитални эчки муомаладан олиб (асосан ТМКлар орқали) максимал даражада фойда олиш мақсадида хорижга чиқариш учун шарт-шароит етилди. Жаҳон иқтисодиётида ривожланган капитал бозорларини

молиявий ресурслар билан таъминлашда Жаҳон Банки ва унинг бўлимлари муҳим роль ўйнамоқда.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 196 б.
2. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.
3. Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик.- Т.:ТДИУ, 2011.- 276 б.
4. Мировая экономика и международный бизнес: учебник/ кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р. К. Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.
5. Внешнеэкономическая деятельность: учебник, для студ. сред. проф. учебник, заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Симитенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.
6. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. - М.: Магистр, 2007. - 429 стр.
7. Назарова Г, Иминов З. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. - 2010. - 319 бет.
8. Назарова Г. Г., Ҳайдаров Н. Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар / академик С. С. Ғуломов таҳрири остида (ўқув кўлланма), ТДИУ, 2005 й. 272 бет.
9. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник / Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 стр.

6-мавзу. Жаҳон иқтисодидида эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг моҳияти ва кўринишлари
2. Эркин иқтисодий ҳудудларни яратишда жаҳон тажрибалари
3. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш имкониятлари ва мавжуд истиқболлар таҳлили

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Эркин иқтисодий ҳудуд, саноат ишлаб чиқариш ва молиявий эркин ҳудудлар, маъмурий-иқтисодий имтиёзлар, инвестицион сиёсат, қулай инвестицион муҳит, Ўзбекистондаги Навоий ЭИИЗ.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Эркин иқтисодий ҳудудлар ХИМ замонavi шаклларида биридир. Шунга сиз қандай фикр билдирасиз?
2. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг қандай шакллари мавжуд?
3. Ўзбекистон республикасида эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш истиқболлари қандай?

 фойдаланишни асосий кўрсаткичлари ва сув ресурсларининг экологик-иқтисодий хусусиятлари, улардан фойдаланиш тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг моҳиятини изоҳлай олади.
- 1.2. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг асосий шакллари изоҳлай олади.

1-асосий савол баёни: Эркин иқтисодий ҳудуд хўжалик юриштишнинг янги шакилларида бири бўлиб, халқаро майдонда 1950 – йилларнинг охири ва 60 – йилларнинг бошларида пайдо бўлган. 1970 - йилларнинг ўрталарига келиб эса жаҳон майдонида кенг оммалаша бошлади. Бундай ҳудудлар дастлаб саноат ишлаб чиқариши ривожланган мамлакатлар ҳисобланган – АҚШ, Япония, Германия ва Буюк Британияда кейинчалик эса Польша, Венгрия, Болгария каби мамлакатларда ташкил этилди. Жаҳон тажрибасидан маълумки эркин иқтисодий ҳудудлар даставвал дарё ва денгиз портларида, халқаро аэропортларда, темир ва автомобил йўлларида яқин жойларда, сайёҳлик ва алоҳида олинган саноат марказларида ташкил этилган. Чунки тоавр моддий бойликларни чет эл бозорларига олиб чиқишда ва чет эл инвестицияларини иқтисодиётга жалб этишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг роли муҳим аҳамият касб этади. Халқнинг фаровонлиги, ҳаётнинг кўркамлашиб бориши, кўп жихатдан шу мамлакат эркин иқтисодий ҳудудларининг ташкил этилиши ва муваффақиятли фаолият кўрсатиши билан боғлиқдир. Чунки бундай ҳолатларни иқтисодиёти ривожланган ва эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этган мамлакатлар фаолиятида кўплаб кузатиш мумкин. Нега – ки қайси мамлакатда чет эл инвесторлари ва тадбиркорлар фаолияти учун кенг имтиёзлар яратилса, уларнинг ўзларини тиклаб олишлари учун амалий ёрдам берилса ва имкониятлар яратилса – инвестиция миқдори ҳам, тадбиркорликнинг ишчанлик қобилияти ҳам ўша ерда юқори бўлади.

Эркин иқтисодий ҳудуд ҳақида тушунча биринчи марта 1973 йил 18 майдаги Киото конвенциясида берилган. Унга кўра эркин иқтисодий ҳудуд деб – мамлакатнинг бир қисмини яъни товарлар импорти ва экспорти, божхона ва солиқ чекловларисиз олиб кириш мумкин бўлган ҳудудга айтилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 5 – сессиясида қабул қилинган “эркин иқтисодий ҳудуд тўғрисида”ги қонуннинг 1 – моддасида эса қуйдагича тариф берилган: - “Эркин иқтисодий ҳудудлар деб – минтақани жадал ижтимоий иқтисодий ривожлантириш учун ички ва ташқи капитални, истиқболли технологиялар ва бошқарувга оид тажрибаларни жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудудга айтилади”.

Умуман олганда эркин иқтисодий ҳудудларнинг 30 га яқин тури бўлади. Улардан кенг тарқалганлари: эркин савдо ҳудудлар, эркин божхона, эркин ишлаб чиқариш, эркин илмий – техник ҳудудлардир. Буларнинг ҳар бири эркин иқтисодий ҳудуд тоифасига киргани билан ўз функциясига кўра бир биридан фарқ қилади.^{6[2]}

Эркин иқтисодий ҳудудлари – консигнация (яъни товарларни сотиш учун бериш) омборларини, эркин божхона зоналарини, шунингдек товарларга ишлов бериш, уларни ўраш – жойлаш, саралаш, сақлаш ҳудудларини ўз ичига олади.

Эркин божхона ҳудудлари – чет элда ишлаб чиқарилган ва мамлакатга кириб келаётган махсулотларни имтиёзли тўлов асосида сақлаш, маркалар ва сортларга ажратиш, ишлов бериш, агар керак бўлиб қолган ҳолда комплектлаштириш ва сотиш каби вазифаларни бажаради. Бундай эркин божхона ҳудудлари дарё ва денгиз портларида, чегарадош темир йўл тармоқларида ва аэропортларда чет эл валютасида даромад олиш мақсадида ташкил этилади.

Эркин савдо ҳудудлари АҚШда кўплаб ташкил этилган бўлиб, улар ташқи савдо зоналари (Foreign Trade Zones) деб номланади. Бугунги кунда АҚШда 200 га яқин зона ва субзоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу ҳудудларнинг фаолиятини назорат қилиш ташқи савдо зоналари Департаментига юклатилган бўлиб, тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Департамент томонидан зона очилиши учун руҳсат берилгандан сўнг унинг фаолият кўрсатгунига қадар 6 ойдан – 3 йилгача вақт керак бўлади.

6.1.1 – Жадвал

^{6[2]} Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная экономика: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 474 с.

Халқаро майдонда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган корхоналар сони динамикаси

№	Мамлакат-нинг номи	Қайд этилган корхона-лар сони	Сўнги уч йил мобайнидаги ўсиши % ҳисобида	Корхона-лар сони	Сўнги уч йил мобайнидаги ўсиши % ҳисобида
1	Британ – Виргин ороллари	43000	48.2	208000	100
2	Ирландия	16000	14.3	150000	36.4
3	Панама	15201	1.7	337004	20
4	Багама ороллари	12000	33.3	50000	127.3
5	Мэн ороллари	5776	16.3	38536	20.5
6	Кипр	4400	89.9	26900	136.9
7	Люксембург	3600	1.8	55000	17.5
8	Кайманово ороллари	3565	14.7	38716	39.6
9	Гибралтар	3260	6.8	59600	17.3
10	Лжерси	3100	1.3	30500	8.2
11	Теркс ва Кайкос	3000	56.6	15000	36.4
12	Нидерландия – Антиль ороллари	2200	10.0	22500	18.4
13	Маврикий	1550	219.6	4550	574.1
14	Гернси	1148	6.5	14550	3.8
15	Белиз	1430	104.3	4810	270.0
16	Барбадос	1293	546.5	12804	1064.0
17	Антигуа	1000	33.3	5500	120.0
18	Бермуд	988	28.6	8659	19.1
19	Мадейра	600	50.0	2210	84.2
20	Гонконг	570	26.7	4429	34.2

Манба: ХХР статистик қундалиги. 2006.

Эркин ишлаб - чиқариш зоналари мақсадли социал – иқтисодий дастур бўлиб, янги ишлаб чиқариш муносабатлари асосида алоҳида территорияда тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устивор тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни эркин рақобат, маъмурий – иқтисодий мустақиллик ва ўзини – ўзи маблағ билан таъминлаш тамойиллари асосида жорий этилишидир. Бу мақсад учун ижара, кооператив, кўшма ва чет эл корхоналарини куриш ва уларни эксплуатация қилиш эвазига эришилади.

Шуни қайд этиш лозим – ки, халқаро майдонда эркин экспорт ишлаб чиқариш худудлари ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Фикримизнинг далили сифатида айтиб ўтишни истардикки Ирландиядаги “Шенон” аэропорти эркин экспорт – ишлаб чиқариш худудларининг типик вакили ҳисобланиб, бу аэропортнинг ўзига хос хусусиятлари яъни туристларнинг кўплиги ва жуда кўплаб мамлакатларнинг хаво йўллари кесишганлиги, бошқа кўплаб қулай имкониятлари учун бу ерда сотувга қўйишнан чет эл фирмаларининг товарлари фирма эгаларига кўп фойда келтиради.

Эркин ишлаб чиқариш зоналарида ишлаб чиқарувчиларга баҳоларни эркин рақобат ва бозордаги талаб – таклиф асосида белгилаш, шерикни танлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сони ва турларини белгилаш, ишчиларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш масалаларини хал этиш ва уларга тўланадиган иш хақи миқдорини миллий ва чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари эркин иқтисодий ҳудудларда ташкил этилган ишлаб чиқариш муносабатларига мос келувчи – молия ва ҳисоб олийгоҳлари тизими ҳам ташкил этилади. Бу тизим таркибига миллий ва чет эл валюталарида операциялар олиб боровчи давлат ва тижорат инвестиция банклари, тижорат – хўжалик судлари, валюта ва фонд биржалари киради.

Эркин илмий – техник ҳудудлар, илмий ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланган ҳозирги кунда ишлаётган ва ривожланган инфраструктурага, чет эл илмий – техникавий ва технологиясига, ишлаб чиқариш ва молиявий жиҳатдан потенциалга эга бўлган ва махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатиладиган алоҳида ажратилган ҳудудлардан иборат бўлади.

Эркин илмий техник зоналар юксак технополислар, технопарклар, минтақавий иновация марказлари – технополислар ишлайдиган зоналар шаклида ташкил этилади. Бундай ҳудудларни ташкил этишда мақсад фан ва техника ривожланишида муҳим йўналишларни олиб бориш ва уни халқаро майдондаги нуфузини оширишдан иборатдир.

Эркин илмий техник ҳудудлар ташқи иқтисодий масалаларни хал этиш билан бир қаторда мамлакатнинг ички умумий хўжалик масалаларини ечишга ҳам қаратилган бўлиши лозим. Бундай ҳолатда бу зоналарда илмий тадқиқотларни амалга оширувчи ва атроф муҳитга зиён – захмат етказмайдиган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш ресурсларини ўзлаштириш учун юқори имкониятлар мавжуд бўлади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар ўзларининг божхона ҳудудига эга бўлиб, бу ҳудуд тереториясига кириб – чиқиш ўрнатилган тартибга амалга оширилади. Эркин иқтисодий ҳудудлар географик жиҳатдан жойлашишига қараб, “ташқи” яъни икки ёки бир неча мамлакат ҳудудида жойлашган – халқаро ва бир мамлакат ҳудудида жойлашган “ички” эркин иқтисодий ҳудудларга бўлинади.

Шу билан бирга эркин иқтисодий ҳудудлар халқаро майдонда хўжалик ихтисослиги ва ташкил этиш турларига қараб ҳам классификация қилинади. Бу классификация асосида эркин иқтисодий ҳудудлар хўжалик ихтисослиги бўйича:

1. Эркин савдо ҳудуди.
2. Саноат ва ишлаб чиқариш зонаси.
3. Техник ва технологияни жорий этиш ҳудудлари.
4. Хизмат кўрсатиш зоналари.
5. Комплекс зоналар.

Ташкил этиш турларига қараб эса:

1. Худудий зоналар.
2. Махсус тартибот зоналарига бўлинади.

Эркин иқтисодий оффшор ҳудудлари деб махсус солиқ тизими ўрнатилган ҳудудга айтилади ёки бу ҳудудни чет эл инвестицияси учун солиқ имтиёзлари қўлланиладиган ҳудуд деб ҳам аташ мумкин. Маълумки халқаро ҳамжамиятдаги давлатларда солиқ тизими бир – биридан анчагина фарқ қилади. Масалан: Швецияда компания фойдасининг 63 фоизи солиққа тортилса, АҚШнинг Делавар штатида эса бу салмоқ олинадиган фойда миқдоридан қатий назар 400 АҚШ долларини ташкил этади.

Шунинг учун ҳар қандай компания рўйхатга олиниш даврида солиққа тортилиш шароитларига қараб 2 турга:

1. Оддий компаниялар.
2. Оффшор компанияларга бўлинади.

Биринчи оффшор хуудлар 1960 йилларда ташкил этилган бўлиб, бунинг асосий сабаби мустақилликка эришган мамлакатлар чет эл инвестицияларини жалб этиш учун солиқ имтиёзларини жорий эта бошлади. АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги қаттақ банк назоратидан азият чеккан йирик корпорациялар бу хуудларда ўзларининг филиалларини ташкил этишга киришдилар. Бу билан оффшор тадбиркорларнинг структураси ҳам ривожлана бошлади. 7[3]

Оффшор тадбиркорлиги ўзининг хусусиятлари жихатдан бир қанча турга:

1. Банк – оффшор марказлари.
2. Савдо – оффшор компаниялари.
3. Суғурта – оффшор кэптик.
4. Инвестиция – оффшор компаниялари.
5. Туристтик – рекреацион хуудларга бўлинади.

Бундай компаниялар бир қанча имтиёзларга эга бўлиб, улар биринчидан: - солиқ ставкаларининг минимал миқдори; иккинчидан: - маъмурий назоратнинг юмшоқлиги ва ҳисобларни топшириш муддатларининг узоклиги; учинчидан: - оффшор компаниялар фаолиятининг конфеденциаллиги ёки сир сақлаш муҳимлиги бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда халқаро ҳамжамиятда катта мавкега эга бўлган оффшор зоналари бўлиб: Мальта ороллари, Мэн ороллари, Британ – Виргин ороллари, мингта банка эга Науру ороллари, Гонконг, Кипр, Багама ороллари, Бермуд ороллари, Сингапур давлати, Лихтенштейн, Люксембург, Швецария, Панама, Гибралтар Бўғози мамлакатлари ҳисобланади.

Юқоридаги мамлакатлар иқтисодиёти тахлили ва уларда ташкил этилган эркин иқтисодий хуудлар ривожланиш динамикасидан кўриниб турибдики, бу мамлакатлардаги макро ва микро иқтисодий кўрсаткичларга эркин иқтисодий хуудлар катта тасир ўтказди.

Назорат саволлари:

- 1.1. Эркин иқтисодий хууд деганда нимани тушунаси?
- 1.2. Эркин иқтисодий хуудларни ташкил этишдан мақсад нима?

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда эркин иқтисодий хуудларни яратишда жаҳон тажрибалари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Эркин иқтисодий хуудларни яратишда жаҳон тажрибаларини изоҳлай олади.
- 2.2. Хитой Ҳалқ Республикаси эркин иқтисодий хуудлари изоҳлай олади.

^{7[3]} Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная экономика: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 474 с.

2-асосий савол баёни: Хозирги кунда дунёда 400 тадан 2000 тагача эркин иқтисодий худуд мавжуд деб ҳисобланади. Биринчи эркин иқтисодий худудлар АҚШда 1934 йили эркин савдо худуди кўринишида ташкил этилган. Уларнинг асосий йўналиши ташқисавдони фаоллаштириш бўлган. Бунга эса божхона божларининг пасайтирилиши ва эркинлаштирилиши сабаб бўлган. Бу худудларнинг энг қизиқарли жойи шундаки, импорт қилинган ярим тайёр маҳсулотлар – агар тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилинса божхона тозалашларидан ўтмаган ва агар импорт қилинган ярим тайёр маҳсулотлар – тайёр бўлганидан кейин АҚШбозорига кирса тўла божхона тўловларига ва тозоловларига тортилган.

Буюк Британия кўшма қироллиги – худудида ташкил этилган компаниялар фаолияти ва солиқ тизими халқаро майдонда такомиллашган системалардан бири бўлиб, бу қонун қоидалар айниқса оффшор зоналарнинг роивожланиши учун муҳим аҳамият касб этади. Бу қонун 1965 йилда Молиявий қонун (Finance act) асосида қабул қилинган бўлиб, Буюк Британия иқтисодиётида фаолият кўрсатувчи барча компаниялар учун амал қилади. Бу солиқ туридан фақатгина нокорпоратив корхоналар, “ўртоқчилик” компаниялари ва маҳаллий хокимиятгинаозод этилган. Солиқ солиш базаси бўлиб компания фойдаси ҳисобланади. Бу тизимнинг ўзига хослиги солиқ ставкаси даромад солиғи тамойиллари асосида фойда ортиши билан солиқ ставкаси ҳам ортиб боради. Бу қонунга 1972 йилда ўзгартириш киритилиб 1973 йил 1 январидан бошлаб амал қила бошлаган ва “солиқ системасининг классик” тури деб номланган янги тури ҳисоблашнинг шартли системаси асосида юритилади.

Ҳисоблашнинг “классик системаси” икки тамойилга асосланади. Биринчидан: фойдани солиққа тортиш даврида – акциядорлар томонидан олинган дивидентлар солиқ базасига қўшилмасдан – алоҳида акциядорларга тарқатилиш вақтида даромад солиғига тортилади; иккинчидан: - майда корхоналарни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш мақсадида, ёпиқ майда корхоналар тоифаларини ташкил этилиши билан.

Белиз мамлакатининг жанубий қисми ҳисобланмиш Корсол районида 1994 йилда эркин савдо зонаси ташкил этилди. Мазкур савдо зонасининг асосий мақсади қуйдагилардан иборат бўлиб ҳисобланади:

биринчидан: чет эллик дипломатларга улгуржи ва чакана савдо хизматларини ташкил этиш;

иккинчидан: чет элга сафарга кетаётган ссудноларга товарларни сотиш ёки айрибошлаш;

учинчидан: божхона хизматларининг назорати асосида товарларни сувда, қурукликда ва ҳаво линиялари орқали экспорт қилишни ташкил этиш;

тўртинчидан: улгуржи товарларни божхона хизматларининг худудида сақлаб бериш ва олиб киришни амалга ошириш;

бешинчидан: товар маҳсулотларини бир тадбиркордан олиб иккинчи тадбиркорга сотиш яъни воситачилик функцияларини бажариш.

Шу билан бирга мазкур ташқи савдо худудида чет эл валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш қаттиқ назорат қилинмайди, чет эл ишлатганлиги учун ҳеч қандай солиқ олинмайди. Мазкур иқтисодий зонадаги тадбиркор, шу ерда жойлашган банкларнинг бирида, ҳар қандай давлатнинг пул бирлигидан қаътий назар ҳисоб – рақамини очиши мумкин. Ташқи савдо худудига олиб кирилган товар моддий бойликларидан солиқ ёки божхона тўловлари олинмайди, янги ташкил этилган корхоналар ёки фирмалар 5 йил мобайнида солиқдан озод этилади, бу муддат давлат томонидан 10 йилга узайтирилиши мумкин. Экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар учун эса солиқдан озод қилиш муддати 25 йилга ҳам узайтрилиши мумкин.

Хозирги кунда энг тез ривожланаётган иқтисодиётлардан бири бўлмиш - Хитой Халқ Республикаси иқтисодиёти ҳам асосан эркин иқтисодий ҳудудларда амалга оширилган ислохатлар туфайли юзага келган ва айнан Хитой Халқ Республикаси хозирги кунда эркин савдо ҳудудларини ташкил этишда энг яхши натижаларга эришган мамлакат ҳисобланади. Хитой ЭИХ модели хусусиятлари

Хитой мамлакати – ўзининг ривожланиши, тарихи ва мукамаллиги, ишбилармонлиги борасида фақатгина бизнинг Республикамиз ишбилармонлари учун эмас, балки бутун дунё ишбилармонлари учун ҳам сирли бир мамлакат бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга хозирда бу мамлакат дунёда иқтисодий ўйғониш ва ривожланиш соҳаларида ҳам муваффақиятга эришмоқда. Фикримизнинг далили сифатида шуни айтиб ўтмоқчи эдик – ки Хитойнинг ЯММси хозирги кунда деярли АҚШнинг ЯММси билан тенглашиб қолганю Бу кўрсаткичга эса асрлардирки ҳеч қайси мамлакат иқтисодиёти яқинлаша олмаган.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш Хитой Халқ Республикасида Хитой Коммунистик партияси томонидан 1979 йилнинг ўрталарида кўриб чиқилган. Ташкилотчиларнинг фикрига кўра эркин иқтисодий ҳудудлар “ташқи дунёга ойна” бўлиши керак эди. Хозирги кунда Хитой Халқ Республикасида ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудлар дунёдаги энг омадлиларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар орқали мамлакатга: капитал, юқори технологиялар, билим, бошқариш усуллари кириб келиши ва ўзлаштирилгандан кейин мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ишлатилиши кўзда тутилган эди. Бундан ташқари: эркин иқтисодий ҳудудлар бозор иқтисодиёти механизмини синашга, чет эл фирмалари билан янги алоқалар ўрнатишга ва мулкчиликнинг хар хил шакллари аниқлашда полигон бўлиб хизмат қилиши керак эди.

2008 йилнинг биринчи чорагида Хитой Халқ Республикаси иқтисодиётининг ўсиши 10,6 фоизни ташкил этди. Умуман олганда 2010 йилга бориб Хитой Халқ Республикаси иқтисодиёти АҚШ иқтисодиётига етиб олади деган тахминлар тўғрилигига ишонч ҳосил қилсак бўлади.

Охирги 10 йил ичида Хитой Халқ Республикаси ЯММсининг ўртача ўсиши 10,4 фоизни ташкил этган. Бу 1978 – 96 йилга қараганда 0,6 фоизга кўп, лекин 1991 – 95 йилга қараганда 0,6 фоизга камдир. 1991 – 95 йилларда ЯИМнинг ўртача ўсиши 11 фоизни ташкил этган, бу кўрсаткич жаҳон ўртача кўрсаткичидан (3,4%) анча юқори бўлган. Хитой Халқ Республикаси ҳукумати иқтисодиётнинг “қизиқ” кетмаслиги учун уни ривожланишини сунъий 8 фоизгача туширишни ржалаштириб чора – тадбирлар кўра бошлади, лекин 10 фоиздан пастга тушира олмади. Бу ривожланиш айниқса аграр секторни қайти куриш сраҳасида бўлиб, ташқи савдо балансининг мисли кўрилмаган даражада ўсишига олиб келди. Бу савдо обороти 2007 йилда 2 трлн. 173,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Шу билан аҳолининг иш билан таъминланиш даражаси ҳам юқорилиги қайд этилмоқда. 798,1 млн. ишга яроқли аҳолининг деярли 96 фоизи иш билан таъминланган. Бундан ташқари миллий валютанинг қадри ҳам ортиб бориши чет эл инвестициясини жалб қилиш борасида экспортга мўлжалланган товарларни ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларнинг кўплаб курилаётгани мамлакат иқтисодий фаолиятида кузатилмоқда. Шу билан Хитой Халқ Республикасида иқтисодий ривожланиш модели барқарор бир кўринишга эга эканлигини ҳам кўриш мумкин. Лекин шуни қайд этиш лозимки, Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаларининг иқтисодий, социал – ижтимоий ривожланиш тамойиллари бир – бирига ўхшаб кетади. Масалан хар иккала мамлакат ҳам бозор иқтисодиётига ўтишнинг революцион йўлини эмас, балки бир неча босқичда ривожланишяъни эволюцион йўлини танлаганлиги, ўтказилган ва ўтказиладиган иқтисодий реформаларда давлатларининг асосий реформатор эканлиги ва иқтисодий ривожланишнинг “эсакиратувчи муложа” ҳолатидан воз кечганлиги бу икки мамлакатни “Буюк ипак йўли”нинг 1000 йиллик тарихи ҳам ўзаро боғлаб турганлиги билан ўхшаб кетади.

Хозирги кунда Хитой Халқ Республикасида 5 та махсус эркин иқтисодий худудлар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан учтаси: Шеньчжень, Чжухай ва Шаньтоу Бутун Хитой Халқ вакиллари йиғилишининг Доимий комиссияси қарори билан 1980 йилда ташкил этилган бўлиб, Гуандун провинциясида фаолият кўрсатмоқда. Ўша йилнинг октябрь ойида Фуцзянь провинциясида Самень эркин иқтисодий худудди ташкил этилди. Бешинчи иқтисодий худуд бўлиб хисобланган Хайнань провицияси – Бутун Хитой Халқ Вакиллари йиғилишининг 7 – чақириқ 1 – сессияси қарорига асосан 1988 йилнинг апрель ойида ташкил этилган.

Шу билан бир қаторда 1984 – 93 йиллар давомида ХХРнинг ҳукумат қарорига асосан 32 та техник – иқтисодий ривожлантириш худудлари ташкил этилган бўлиб, моҳияти жиҳатдан эркин иқтисодий худудларга яқин туради. Бундан ташқари муҳим аҳамиятга эга бўлган “Пудун – янги иқтисодий ривожлантириш худуди” Шанхай районида 1990 йил сентябрь ойида Хитой ҳукуматининг қарорига асосан ташкил этилди. Эркин иқтисодий худудлар ва техник иқтисодий ривожланиш худудлари бир – биридан фақатгина маҳаллий жойлашашига қараб ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзаро фарқ қилиши мумкин. Бу 5 та эркин иқтисодий худудлар Хитой Халқ Республикаси иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этмоқда. 2007 йилда бу худудларда 480 млрд. АҚШ долларлик операциялар ўтказилди. Бу миқдор Хитой Халқ Республикаси ташқи савдо оборотининг 20 фоиздан юқорироқ қисмини ташкил этади. Бу Эркин иқтисодий худудларда 100 мингдан ортиқ чет эл инвестицияси билан корхоналар ташкил этилиб, шулардан фақат 15 фоизи Хитой Халқ Республикаси компаниялари хисобланади. Жалб қилинган инвестициялар миқдори 40 млрд. АҚШ долларига яқин бўлиб Хитой Халқ Республикасига киритилган инвестицияларнинг 12 фоизини ташкил этади.

Хитой Халқ Республикаси Техник – иқтисодий ривожлантириш худудлари

№	Худудлар номланиши	Жойлашган жойи
1	Янги тажрибали технологияларни ривожлантириш худуди	Пекин ш.
2	Экспортга мўлжалланган юқори технологияларни ривожлантириш худуди	Ухань ш.
3	Янги саноат – технологияларини ривожлантириш худуди	Нанкин ш. Цукоу райони
4	Фан ва технологияларни ривожлантириш худуди	Шеньянь ш. Наньху райони
5	Янги саноат технологиялари худуди	Тяньцзинь ш.
6	Экспортга мўлжалланган юқори технологияларни ривожлантириш худуди	Сиань ш.
7	Юқори индустриал – технологияларини ривожлантириш зонаси	Чэнду ш.
8	“ВЭЙХАЙ” юқори индустриал технологияларни ривожлантириш худуди	Вэйхай ш.
9	“Чжуншань” юқори индустриал – технологияларни ривожлантириш худуди	Чжуншань ш.
10	Янги саноат технологиялари худуди	Чаньчунь ш.
11	Юқори технологияларни ривожлантириш худуди	Харбин ш.
12	Фан-техника ютуқларини тажрибадан ўтказиш худуди	Чанша ш.
13	Фан – техника худуди	Фуцжоу ш.
14	Юқори индустриал – технологияларни ривожлантириш худуди	Гуаньчжоу ш.
15	Фан ва техникани ривожлантириш худуди	Хэйфэй ш.
16	Юқори индустриал технологияларни ривожлантириш худуди	Чунцин ш.
17	Юқори индустриал технологияларни ривожлантириш	Чанчжоу ш.

	худуди	
18	Янги технологияларни ривожлантириш худуди	Гуйлинь ш.
19	Юқори технологияларни ривожлантириш худуди	Чженжоу ш.
20	Янги технологиялар тажрибасини ривожлантириш зонаси	Ланьчжоу ш.
21	Юқори индустриал технологияларни ривожлантириш худуди	Шицзячжуан ш.
22	Юқори индустриал технологияларни ривожлантириш худуди	Цзинань ш.
23	Янги технологияларни ривожлантириш худуди	Шанхай ш.
24	Юқори технологиялар саноат худуди	Далянь ш.
25	Фан ва техникани ривожлантириш худуди	Шеньчжень ЭИХ
26	Юқори индустриал технологияларни ривожлантириш худуди	“Сяминь” ЭИХ
27	Халқаро фан – техника ривожлантириш худуди	Хайнань ЭИХ

Манба: Capital Access Index. Milken Institute, Policy Brief. Santa Monica, USA, May 2006.

Хитойда ташкил этилган техник иқтисодий ривожланиш зоналарида эса чет эл инвестициялари билан биргаликда ташкил этилган корхоналар сони 30 мингга ташкил этган (шулардан 4 минггаси Пудунда ташкил этилган), жалб қилинган чет эл инвестициялари эса қариб 25 млрд. АҚШ долларини ташкил этган (шу жумладан 2 млрддан ошқроғи – Пудун махсус худудига тўғри келади). Экспорт миқдори бу худудларда 90 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб бутун Хитой Халқ Республикаси экспортининг 7 фоизини ташкил этади. Шундан 36 млрд. АҚШ доллари Пудун махсус худудидан экспорт қилинган, демак 3 фоиз экспорт қилинган товар ва хизматлар Пудун эркин иқтисодий худудига тўғри келмоқда.

Хитой Халқ Республикаси иқтисодий ривожланишининг асоси бўлиб 1979 йилда ҳукумат томонидан ўтказилган ва иқтисодиётни интеграциялаш, ташқи иқтисодий алоқаларни юксалтириш ва чет эл инвестициясини жалб этиш борасида “очиқ эшиклар” сиёсатининг ўтказилиши бўлиб хизмат қилади. Бу сиёсат ўз ўрнида бир неча даврлардан ташкил топган.^{8[4]}

Ташкил этилган эркин иқтисодий худудлар асосан мамлакатнинг жанубий – шарқда жойлашганлиги учун бу худудда саноат ишлаб чиқариш ва савдо фаолияти, ташқи савдони ривожлантириш халқаро иқтисодий ва технологик кооперация жараёнларида қатнашишни йўлга қўйиш учун хизмат қилади. Биз юқорида Хитой Халқ Республикасига жалб қилинган инвестициялар фаолияти ва уларнинг иқтисодиётга таъсирини кўриб ўтган бўлсак, энди ўша инвестицияларнинг эркин иқтисодий худудларга қанчалик таъсир этишини кўрамиз.

^{8[4]} Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007

Бу эркин иқтисодий ҳудудларга иқтисодий бошқарув тизимидан қатий назар ҳуқуқлар берилган. Инвесторлар учун бу ерда камайтирилган солиқ ставкалари, кириш ва чиқиш учун махсус қоидалар амал қилади. Бу ҳудудлардаги барча саноат ишлаб чиқариш ва савдо кохоналари чет эл инвестицияси ҳисобига, бир қисми эса Хитой Халқ Республикаси меҳнат ресурслари ҳисобига ташкил этилган. Бу ҳудудларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тенг ярми халқаро бозорларда реализация қилинади. Эркин иқтисодий ҳудудларда меҳнатни ташкил қилиш ва муҳофазаси масалаларида мамлакатнинг бошқа корхоналарига қараганда бир мунча фарқланади. Чет эл техникаси ва технологиясини ишлаб чиқаришга жалб этиш борасида Шеньжень иқтисодий ҳудуди қўшма корхоналарида меҳнат унумдорлиги 5-6 баробар, капитал қўйилмаларининг самарадорлиги эса давлат секторига қараганда икки баробар юқоридир. Ишчиларнинг яшаш шароити ва хизмат кўрсатиш даражаси юқорилиги ва янги хўжалик усуллариининг қўлланилиши учун барча шароитлар яратилгандир. Чет эл инвесторлари учун меҳнат унумдорлигини ошириш – фойда нормасининг ошиши учун хизмат қилганлиги боис кучли ҳуқуқий ва иқтисодий асосланган бўлиши лозим. Эркин иқтисодий ҳудудлар иқтисодиётининг ривожланиш динамикаси шуни кўратмоқдаки 2006 йил маълумотларига кўра – ЯММ нинг ўсиши Пекинда 11,3 фоизга, Шанхайда 21,4 фоизга, Гуандунда 31,5 фоизга ва Шандунда 33,4 фоизга ўсган. Ички ялпи маҳсулот эса бу 5 эркин иқтисодий ҳудудларда 180 млрд. юанни ташкил этган бўлиб, экспорт ва импорт ҳажми охириги беш йилликда 3 баробар ўсган. Унинг ҳажми эса 55 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Қолган 30 та эркин иқтисодий ва технологик ривожланиш ҳудудларида ишлаб чиқарилган ЯИМ эса 76 млрд. юанга тенг бўлиб, уларнинг экспорти эса 3,8 млрд. АҚШ долларига тенгдир. Жами эркин иқтисодий ҳудудлар ва эркин ривожланиш ҳудудларига жалб қилинган чет эл капитали – саноатда 60 фоиз қўшма қиймат ва нодавлат секторларида саноатдаги қўшимча мулк асосида 61 фоиз қайта ишлаб чиқарилган қўшимча қийматнинг ташкил топишига олиб келди. Қўшимча қиймат чет капитали билан ташкил этилган корхоналарда 48,8 фоизга ўсган бўлса, чет эл инвесторлари жалб қилинмаган жамоа корхоналарида 28,5 фоизга, давлат корхоналарида эса 14,4 фоизга ўсди холос.

Эркин иқтисодий ҳудудлар ривожланиш динамикасини тахлилидан кўришиб турибдики бу ҳудудларнинг ташкил этилиши ҳақиқатдан ҳам иқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Буни Пудун иқтисодий ҳудуди мисолида исботлаш мумкин.

Пудун иқтисодий ҳудудининг ривожланиш асосларини юқорида айтиб ўтдик. Қўшимча сифатида шуни такидлаш жоиз – ки, 1996 йилдан бошлаб бу иқтисодий ҳудуд учун янги имтиёзлар белгиланган меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бу меъёрий ҳужжатлар асосида ҳудудларда корхоналарнинг фаолият кўрсатиши учун лицензиялар бериш Пудун райони маъмуриятининг ўзида амалга ошириладиган бўлди. Район маъмуриятига шу билан бирга 30 млн. АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар тақдирини мустақил ҳал этиш ҳуқуқи ҳам берилди. Шу билан бир қаторда бу районда чет эллик тадбирколар кўчмас мулкларни, ерни ижарага олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ерда ўзлари учун офислар ва бошқа қурилиш ишларини амалга оширишлари мумкин. Қишлоқ хўжалиги учун керакли бўлган ишлаб чиқариш воситалари, кўмир, металллар ва қиммат баҳо қоғозлар савдоси учун 10 млрд. АҚШ доллари ҳажмигача бўладиган жараёнлар учун умумий асосдаги форврд биржалари ташкил этилди. Бир йил давомида 4 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги жараёнлар учун валюта маркази ва валюта жараёнларини суғурта қилиш компаниялари, чет эллик тадбирколар учун Хитой Халқ Республикасидаги компаниялар акцияларини тарқатувчи қўшма банклар фаолият кўрсатмоқда. Ташкил этилган кўпчилик корхоналар экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бўлиб, чет эллик инвесторларни хизмат кўрсатиш соҳасига, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини ва унинг инфраструктураларини ташкил этиш учун сарфламоқдалар.

Пудун иқтисодий худудининг фаолият кўрсатаётгалиги сабабли Шанхай райони халқаро иқтисодий - савдо ва банк марказига айланиб, йирик компанияларнинг 130 таси фаолият кўрсатмоқда. ЯИМнинг ўсиш суръатлари эса 1980 йилдагига нисбатан 1990 йилда 15 фоизга ўсган бўлса, чет эл инвестицияларининг салмоғи 2 баробарга ўсиб 3.5 млрд. АҚШ долларин ташкил этди. 1995 йилда бу районда ЯИМ 41.2 млрд юанни ташкил этиб, 1994 йилга нисбатан 22 фоизга ўсган. Шу билан бирга 3.5 минг дона чет эл инвестицияси билан ишлайдиган корхоналар ташкил этилган бўлиб, жалб этилган инвестициялар салмоғи 1995 йилда 14.2 млрд.АҚШ долларни ташкил этди. Бу корхоналардан экспорт қилинган маҳсулот хажми эса 2.5 млрд. АҚШ доллари миқдоридадир.

Эркин иқтисодий худудлар билан бир қаторда Хитой Халқ Республикасида юқори технологиялар зонаси ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.Бундай зоналарнинг ташкил этилиши, фан – техника ютуқларини sanoat ишлаб чиқаришга тезроқ жалб этиш учун муҳим аҳамиятга эга омиллардан биридир. Бундай зоналарнинг ташкил этилиши 1985 йилда Хитой Халқ Республикаси Фанлар Академияси раёсати томонидан Пекин шаҳрига яқин бўлган Чжунгуанцунда “Электрон кўчалар” деб аталган зона ва Шеньчженда илмий – техник sanoat зонасининг ташкил этилиши билан асос солинди.

Эркин юқори технологияли ривожланиш зонаси мамалакат худудида бир текисда тақсимланмаган. Бу тақсимланиш мамлакатда фан – техника ютуқларини барча эркин иқтисодий ривожланиш худудларида тажрибадан ўтказиш имконини беради. Бу худудларнинг барчаси ўз – ўзини маблағ билан таъминлаш, иқтисодий мустақиллик тамойиллари асосида ташкил этилган. Бу зоналарга чет эл инвестицияларининг киритилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бир қаторда бу зоналарда жойлашган корхоналар солиқ ва божхона имтиёзларига эгадир. Бу корхоналарда бошқарув аппаратининг рационал формаларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг турли хил усулларидан барча мулк кўринишларида фойдаланиш лойиҳалари синовдан ўтказилади. Давлат томонидан молиялаштириш миқдори кўп эмас, шунинг учун бу корхоналар кўпчилик холларда банк кредитларидан фойдаланилади. Албатта бу ташкил этилган зоналарда ўзига хос муаммолар мавжуд. Бу муаммолар мажмуасини 1997 йилда Хитой Халқ Республикасига қайтариб берилган – Гонконг иқтисодий оффшор худуди фаолиятини тахлил қилиш орқали олиш мумкин.

Назорат саволлари:

2.1.ЭИХ ташкил этишнинг жаҳон тажрибалари тўғрисида нималарни биласиз?

2.2.ЭИХ ташкил этишда Хитойнинг ютуқлари тўғрисида нималарни биласиз?

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда Ўзбекистон республикасида эркин иқтисодий худудлар ташкил этиш истиқболлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1.Ўзбекистонда ЭИХ ларни ташкил этиш истиқболларини изоҳлай олади.

3.2.Навоий ЭИИЗ ни ташкил этиш мақсади ва имкониятларни изоҳлай олади.

3-асосий савол баёни:

Эркин иқтисодий худудларини ташкил этишда мамлакатимизда ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Энг асосийлари сифатида 1996 йил 25 апрельда қабул қилинган “эркин иқтисодий худудлари” тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони (02.12.2008 й. N ПФ-4059) кабиларни келтириш мумкин.

Маълумки, сайёрамиз минтақаларида аҳоли жойлашуви ва иқтисодий фаолият жараёнлари нотекис тақсимланган. Бунини космосдан туриб туширилган фотосуратлар мисолида яққол кўришимиз, осон билиб олишимиз мумкин. Ушбу суратларда Ғарбий Европа, Япония, Жануби-Шарқий Хитой ва океан чегараларида жойлашган АҚШда аҳолининг кўплиги, уларнинг зичлиги ва юқори урбанизациялашгани, автомобиль

йўллариининг мўллиги, серкатновлиги ҳамда бир-бири билан юқори даражада кесишувчанлигини кузатиш мумкин. Аини пайтда Африка, Тибет ва Сибир, Австралия минтақаларининг катта қисми сувсиз чўлу биёбонлар, қоп-қора ўрмонлар, у ерларда ҳаёт унча ривожланмагани, аҳолининг сийрак жойлашганига гувоҳ бўламиз. Бунинг боиси – минг йиллардан буён инсонлар қулай иқлим ва юқори унумдорликка эга ерларни ўзлаштиришга, у ерларда ўтроқ ҳаёт кечиришга ҳаракат қилишган. Табиийки, айнан ўша ҳудудларда инсониятнинг цивилизацияси ҳам пайдо бўлган. Кейинчалик, яъни саноатлаштириш даврига келиб, фойдали қазилмалар топилган ҳудудларга кўчиб ўтиш, арзон хомашё ресурсларига эга бўлишга ҳаракатлар бошланди.

Бугунги замонавий дунёда эса, иқтисодий ривожланиш юқори концентрациялашувга эга бўлган агломерацияларда кечмоқда. Агломерация – билимлар ва инновацияларни яратувчи, молиявий, бошқарув ва логистик марказлар, транспорт қатновлари ва юқори истеъмол товарлари бозорларига эга бўлган мегаполис ва юқори урбанизациялашган ҳудудлар.

Муайян бир мамлакат миқёсида кўрадиган бўлсак, аҳолининг сони, зичлиги ва иқтисодий кучларнинг жойлашуви минтақалар ва ҳудудлар бўйича турлича тақсимланган. Ҳудудлар ўзининг шарт-шароити, табиий ресурсларга эгалик ҳажми, ер унумдорлиги, сув ресурсларининг узоқ-яқинлиги жиҳатидан бир-биридан анча фарқланади. Мамлакат бўйича бир неча иқтисодий марказлар мавжудлиги ва марказдан узоқ ҳудудлардаги реал аҳвол улардаги иқтисодий ривожланишнинг табақаланганини кўрсатади. Буни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот мисолида ҳам сезиш мумкин. *Айнан юқорида келтирилган омиллар сабаб инвесторлар ўз капиталини юқори потенциалга эга бўлган мамлакат ёхуд унинг ҳудудларига киритишга, у ерда самарали фаолият олиб бориб, зарурий фойда (даромад)ни қўлга киритишга ҳаракат қилишади.*

Марказларда асосий билимлар ва инновацияларнинг тўплангани, ишлаб чиқариш кучларининг қулай жойлашуви, юқори инфратузилма объектларининг мавжудлиги аксарият ҳолда ушбу ҳудудларда инвестициялар оқимининг ҳам юқори бўлишини таъминлайди. Ва аксинча, ижтимоий-иқтисодий қашшоқ ва экологик жиҳатдан нобоп ҳудудларда ижтимоий кескинликнинг кучайиши, ҳар хил жиноятларнинг авж олиши, диний ва ҳатто сиёсий тўқнашувларнинг юз бериши кузатилади. Аксарият сармоядорлар эса бундай ҳудудларга инвестиция йўналтиришга таваккал қилмайди. бундай салбий ҳолатларнинг юзага келишини бартараф этиш, уларнинг олдини олиш учун давлат томонидан минтақавий-ҳудудий сиёсат олиб борилади.

Бугунги кунда юртимизда 7 та эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) ташкил этилган. (Навоий, Ангрен, Жиззах, Ургут, Гиждувон, Қўқон ва Ҳазорасп). Улардан 4 таси, яъни Ургут, Гиждувон, Қўқон ва Ҳазорасп ЭИЗларининг ташкил топганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ.

Ангрен ЭИЗ. 2012 йилда ташкил этилган бўлиб, шу пайтга қадар 23 та лойиҳага жами 457,76 миллион долларлик инвестиция киритилган бўлиб, шундан 155, 26 миллион доллари Хитой, Корея, Австрия, Сингапур, Россия, Буюк Британиядан жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Мазкур инвестицияларнинг самараси ўлароқ, Ангрен ЭИЗда 1600 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирда Ангрен ЭИЗда 20 дан ортиқ маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда. Биргина 2016 йил давомида ЭИЗ қайнашчилари томонидан 929,0 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Жиззах ЭИЗ. 2013 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда қадар 91 миллион долларлик инвестиция эвазига 19 та замонавий корхона ишга туширилган. 2016 йилда жами 255,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 11,9 миллион доллари экспортга йўналтирилган.

Навоий ЭИЗ. 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 19 та корхона фаолият юритмоқда. Навоий ЭИЗ ташкил этилгандан буён жами 122 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилган. Киритилган инвестицияларнинг 35 фоизга яқини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади. 2015 йил якуни билан 184,4

миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва 5,1 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган.

Бундан ташқари, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 май куни мамлакатда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган еттига эркин иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисидаги фармонни тасдиқлади. Мазкур Фармонга биноан, Тупроқ ва иқлим шароитлари ноёблигини инобатга олиб, Қорақалпоқистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш тўғрисида киритилган таклифга биноан «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинди.

Инвестиция фаолиятини тартибга солишда энг муҳим ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири – чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ҳудудлар бўйлаб мақбул даражада бир текис жойлаштиришдир. Ҳудудларнинг табиий шарт-шароити, яратилган бизнес муҳит, ижтимоий-сиёсий, ташкилий-бошқарув принципларининг адолатли йўлга қўйилгани, аҳолининг бизнес юритишга ва тадбиркорликни амалга оширишга бўлган иштиёқи, рискка мойиллиги ҳамда меҳнат ресурсларининг малакаси, турли институционал тузилмаларнинг мавжудлиги, уларнинг ривожлангани каби омиллар инвестицион жозибадорликни намоён этадиган муҳим шартлардан ҳисобланади.

Зонал сиёсат –бу мамлакатда эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИХ)ларни яратиш бўйича ҳамда регион, тармоқ, соҳа ва алоҳида корхоналарнинг потенциални чуқур ўрганиб, ушбу потенциални реализация қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича давлатнинг олиб борадиган чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, унга мамлакатда шаклланган меҳнат тақсимооти самарали ривожланишини режалаштиришнинг бир қуроли, деб қараш керак.

ЭИХларни мамлакатда мавжуд ресурсларнинг самарасиз ишлатилаётган соҳа, тармоқ ва регионлардан самарали ишлатиб бўладиган соҳа, тармоқ, регионга оқишига кўмаклашувчи восита, деб қараш зарур. Зонал сиёсат мамлакатда ЭИХлар эркин ва самарали фаолият юритиши учун умумдавлат миқёсида шароитни яратишга хизмат қиладиган сиёсатдир, бунинг учун эса:

- ишловчан, самарали норматив-ҳуқуқий базани яратиш;
- ҳудудлар ташкил этишнинг умумий тамойил ва шарт-шароитларини ишлаб чиқиш;
- ҳудудни ташкил этиш ва ликвидация қилиш тартибларини белгилаш;
- солиқ солиш ва солиқ имтиёзлари тизимини белгилаш;
- валюта тартибини аниқлаб бериш;
- ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини белгилаш;
- божхона чегаралари ва тартибини белгилаб бериш;
- бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этишнинг иқтисодий механизминини яратиш;
- ҳудудда кредит сиёсатининг тамойилларини белгилаш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

ЭИХларни яратиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ўзига хослиги кўплаб омилларга боғлиқ: ташкил этиш хусусиятлари, бошқаришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизми, жойлашган мамлакат ва регионнинг географик муҳити, ҳудуднинг типичлиги, майдоннинг катта-кичиклиги ва ҳоказолар.

Эркин иқтисодий ҳудуд яратиш мамлакатнинг иқтисодий рақобатдошлигини оширишнинг синалган ва энг самарали қуролидир. ЭИХ –бу мамлакатнинг имиджи ҳам. ЭИХлар, ҳатто, ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатнинг либераллашувига хизмат қилади. ЭИХга оқилона ёндашилганда, унинг фаолият юритиш механизмлари чуқур ўрганилиб, оқилона жорий этилганда, у мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан юқори даражага олиб чиқиш имконини беради. ЭИХ қайси мамлакатда, унинг қайси

худудда яратилмасин, у ижтимоий лойиҳадир. Худудни яратиш нафақат худуд учун кўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали қайтим беради, жумладан:

- хорижий инвесторлар билан мулоқот қилишга имкон берувчи фирмалараро коммуникацияни яратади;
- иқтисодий маданиятни, шу жумладан, тадбиркорлик маданиятини халқаро даражага кўтаради;
- худудда янгича ишлаётган мутахассис кадрлар илғор тажрибани ўзлаштириб, секин-аста уни худуддан ташқаридаги корхоналарга ҳам ёяди;
- мамлакатдаги инфратузилманинг фойдали иш коэффициенти кўтарилади;
- мамлакатда рақобат самараси юзага чиқади, яъни, худуддаги корхоналар худуддан ташқарида жойлашган корхоналарни ўзлари билан рақобат қилишга мажбур қилади;
- “Тадбиркорлик сифати самараси” ни беради, яъни ЭИХ атрофида халқаро стандартлар таркиб топади, ривожланади (маҳсулот сифатида, инфратузилма даражасида, бизнес муносабатларида, профессионал менежмент масалаларида).

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 196 б.
2. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.
3. Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик.- Т.:ТДИУ, 2011.- 276 б.
4. Мировая экономика и международный бизнес: учебник/ кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р. К. Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.
5. Внешнеэкономическая деятельность: учебник, для студ. сред. проф. учебник, заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Симитенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.
6. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. - М.: Магистр, 2007. - 429 стр.
7. Назарова Г, Иминов З. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан ўқув-услугий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. - 2010. - 319 бет.
8. Назарова Г. Г., Ҳайдаров Н. Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар / академик С. С. Ғуломов таҳрири остида (ўқув қўлланма), ТДИУ, 2005 й. 272 бет.
9. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник / Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 стр.

7-маву. Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлари

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Халқаро валюта тизимининг моҳияти ва таркиби.
2. Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичлари.
3. Халқаро резерв валюта бирликлари.
4. Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Минерал хом ашё, қайта тикланмайдиган ресурс эканлиги, уларнинг иқтисодий хусусиятлари, экологик жихатлари, иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари, ресурссини аниқлаш, самарали фойдаланиш, узок муддатли ва қисқа муддатли башоратлаш, рекультивация қилиш, тоғ кон саноати, чиқиндилар, унимли фойдаланиш.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

- 1.Халқаро валюта тизимининг моҳияти ва таркиби сиз қандай изоҳлайсиз?
- 2.Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичларини изоҳланг?
- 3.Халқаро резерв валюта бирликларини сиз қандай изоҳлайсиз?
- 4.Халқаро валюта ва молия-кредит бозорларига сиз қандай фикр билдирасиз?

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда халқаро валюта тизимининг моҳияти ва таркиби тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1.Халқаро валюта тизимининг моҳиятини изоҳлай олади.

1.2.Халқаро валюта тизимининг таркибини изоҳлай олади.

1-асосий савол баёни: XX асрнинг 50-60-йилларида халқаро иқтисодий, молиявий ва валюта муносабатларини ривожланишида янги давр бошланди. Очиқ иқтисодиётнинг умумий тенденцияси савдо айирбошлашувининг тезлашишига, халқаро молиялаштиришнинг ривожланишига, янги валюта бозорларини ҳосил бўлишига, турли мамлакатлар орасида валюта-молия муносабатларининг кенгайишига имкон берди.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро валюта муносабатлари пулнинг жаҳон пули функцияси билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни намоён қилади. Пул жаҳон пули сифатида ташқи савдо ва хизматлар, капитал миграцияси, фойданинг инвестицияларга кўчиши, заём ва субсидиялар бериш, илмий-техник алмашув, туризм, давлат ва хусусий пул кўчиришларига хизмат қила бошлади.

Валюта муносабатлари одатда миллий ва халқаро даражаларда амалга оширилади. Миллий даражада улар миллий валюта тизимлари (МВТ) соҳасини қамраб олади. Миллий валюта тизими - бу валюта қонунчилиги билан белгиланадиган давлат валюта муносабатларини ташкил қилишнинг шаклидир. МВТнинг ўзига хос томони у ёки бу давлат иқтисодиётининг, шунингдек ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиш даражасини ва ўзига хослиги билан аниқланади. Жаҳон иқтисодиётида миллий валюта тизими қуйидаги ҳолатлари билан характерланади

- миллий валюта бирлиги билан;
- расмий олтин ва валюта захираларининг таркиби билан;
- миллий валюта паритети ва валюта курси шаклланишининг механизми билан;
- валюта қайтиши шароитлари билан;
- валюта чекланишларининг мавжудлиги ёки йўқлиги билан;
- давлатларнинг ташқи иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга ошириш тартиби ва бошқалар.

Жаҳон иқтисодиётида миллий валюта тизимларини боғловчи звено бўлиб валюта курси ва валюта паритети хизмат қилади. Валюта курси алоҳида мамлакатларнинг валюталарига бўлган нисбати ёки маълум бир давлат валютасининг бошқа бир давлатлар валютасида ҳисобланган “нархи”ни намоён қилади. Валюта паритети - валюталарнинг улардаги олтинга мос келувчи нисбатидир. Валюта курси амалда ҳеч қачон паритет билан мос келмайди.

Халқаро валюта тизими (ХВТ) жаҳон хўжалиги доирасида валюта муносабатларини ташкил қилишнинг шаклидир. У жаҳон капиталистик хўжалиги эволюцияси натижасида пайдо бўлиб, ҳуқуқий жиҳатдан давлатлараро келишувлар билан расмийлаштирилган. Халқаро валюта тизимининг асосий элементлари қуйидагилардан иборатдир:

- валюта бирликларининг миллий ва коллектив заҳиралари;
- халқаро ликвидли активларнинг таркиби ва структураси;
- валюта паритетлари ва курслари механизми;
- валюталарнинг ўзаро алмашув шартлари;
- халқаро ҳисоб-китоб шакллари;
- халқаро валюта бозори ва жаҳон олтин бозори режими;
- валюта-молия ташкилотларини (ХВФ, ХТТБ ва бошқалар) тартибга солувчи давлатлараро валюта-кредит ташкилотларининг мақоми.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро валюта тизимининг асосий вазифаси - муҳим иқтисодий ўсишни таъминлашдан, инфляцияни камайтиришдан, ташқи иқтисодий алмашув ва тўлов оборотининг тенглигини қўллаб-қуватлаш учун халқаро ҳисоб-китоблар ва валюта бозори соҳасини тартибга солишдан иборатдир.

Назорат саволлари:

- 1.1. Халқаро валюта тизими деганда нимани тушунаси?
- 1.2. Халқаро валюта тизимининг таркибига қайсилар киради?
- 1.3. Миллий валюта тизими таркибига қайсилар киради?

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичларини изоҳлай олади.
- 2.2. Валюта тизимларининг хусусиятларини изоҳлай олади

2-асосий савол баёни: Жаҳон иқтисодиётида халқаро валюта тизими динамик ривожланиб борувчи тизимдир. У эволюцион ривожланиш босқичларда доимо ўзгаради ва ривожланиб боради. Ўзининг эволюцион ривожланишида Халқаро валюта тизими тўртта халқаро валюта тизимларини ўзида намойиш қилувчи тўрт босқични босиб ўтган.

Халқаро валюта тизимида олтин стандарт деб аталувчи биринчи тизим стихияли равишда XIX аср охирида вужудга келди. Унда қатор давлатларнинг валюталари ўз давлатларининг ички бозорида эркин равишда олтинга тенглаштирилган. Олтин стандарт тизими қуйидагилар билан ажралиб турган:

- валюта бирлиги маълум миқдорда олтин қийматига эгаллиги билан;
- валютанинг олтинга конвертацияланиши алоҳида бир давлатнинг ичида ҳам ташқарисида ҳам таъминланганлиги билан;
- олтин қўймалар эркин равишда тангаларга алмаштирилиши мумкин, олтин эркин экспорт ва импорт қилинади, халқаро олтин бозорларида сотилиши билан;
- миллий олтин заҳираси ва ички пул таклифи ўртасида кучли нисбатнинг сақланиши билан.

Олтин стандартга асосланган халқаро ҳисоб-китоблар механизми қайд қилинган курсни ўрнатади. Олтин танга, олтин ёмби, олтин девиз стандартлари олтин стандартнинг турларидир. Олтин стандартнинг бир туридан иккинчисига эволюцион ўтиши халқаро капиталистик тизимининг ривожланиши мобайнида рўй берган эди.

Капиталистик хўжалик фаолиятининг аста-секин мураккаблашуви, жаҳон хўжалиги алоқаларининг кенгайиши ва чуқурлашиши, даврий рўй бериб турган иқтисодий инкирозлар иқтисодиётни тартибга солишни, давлатнинг иқтисодий жараёнларни бошқаришга аралашувини кучайтиришни объектив заруриятга айлантди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг кучайиб бориши билан эркин рақобатчилик капитализм ривожланишининг аломатларига жавоб берувчи олтин стандарти механизми билан аниқланадиган валюта курслари тизимлари ҳам ўзгара бошлади.

Иккинчи тизим - олтин-девиз стандарти Генуя конференцияси (1922 й.) қарорлари натижасида вужудга келди. Кейинчалик у кўпчилик капиталистик давлатлар томонидан тан олинди. Бунда банкноталар олтин эмас, балки кейинчалик олтинга алмаштирилиши мумкин бўлган бошқа давлатлар девизига (банкнота, вексель, чеклар) алмаштирилган. Девиз валюта сифатида доллар ва фунт стерлинг танланди. Олтин-девиз стандарти амалда

тартибга солувчи валюта курслари стандарти тизимини олтин валюта стандарти тизимига ўтиш босқичи бўлди. Олтин-валюта стандарти тизими 30-йилларда ташкил топди ва 50-йиллар охирида тўлиқ шаклланди. Бу тизим шароитида коғоз пуллар олтинга алмаштирилмайдиган бўлди. 1944 йилда бўлиб ўтган Бреттон-Вудс (АҚШ) халқаро конференциясида бу тизим ҳуқуқий мақомни олди. Бреттон-Вудс валюта тизимининг ўзига хос томонлари қуйидагилардан иборатдир:

- олтин давлатлар орасида якуний пул ҳисоб-китоблари функциясини сақлаб қолди;
- олтин билан бир қатор турли давлатлар валюталари қиймати ўлчови, шунингдек тўловнинг халқаро кредит воситаси сифатида тан олинган АҚШ доллари резерв валюта бўлди;
- доллар бошқа давлатларнинг марказий банклари ва ҳукумат идоралари томонидан АҚШ хазинасида 1 троя унцияга (31,1г.), яъни 35 долларга тенг бўлган курс (1944 и) бўйича олтинга алмаштирилган. Бундан ташқари ҳукумат органлари ва хусусий шахслар олтинни хусусий бозорда сотиб олишлари ҳам мумкин бўлган. Олтиннинг валюта қиймати расмий қиймат асосида шаклланиб борди ва у 1968 йилгача сезиларли ўзгармади;
- валюталарни бир-бирига тенглаштириш. Уларнинг ўзаро алмашуви олтин ва долларда белгиланган расмий валюта паритетлар асосида амалга оширилган;
- ҳар бир давлат ўз валютасининг бошқа валютага нисбатан курсини барқарор сақлаши керак бўлган. Валюталарнинг бозордаги курслари қайд қилинган олтин ёки доллар паритетидан у ёки бу томонга 1% дан ортиқ ўзгармаслиги керак эди. Паритетларнинг ўзгариши тўловлар балансининг доимий бузилиши содир бўлганда амалга оширилиши мумкин бўлган
- валюта муносабатларини давлатлараро тартибга солиш асосан Бреттон-Вудс конференциясида ташкил қилинган Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) орқали амалга оширилди. У аъзо давлатлар томонидан расмий валюта паритетлари, курслари ва ўзаро эркин валюта алмаштиришга амал қилишлари таъминланган.

Бреттон-Вудс келишуви халқаро валюта тизимининг ривожланишини энг муҳим босқичи ҳисобланади. Биринчи марта халқаро валюта тизими ҳукуматлараро келишувларга асослана бошлади. Олтин-доллар стандарти тизимини мустаҳкамлаган Бреттон-Вудс тизими халқаро савдо оборотининг кенгайишда, саноати ривожланган давлатлар ишлаб чиқаришининг ўсишида ҳам муҳим рол ўйнади.

60-йилларнинг охирига келиб Бреттон-Вудс тизими жаҳон ҳўжалигининг кучаяётган байналминаллашуви билан, трансиллий корпорацияларининг валюта соҳасидаги фаол чайқовчилик фаолияти билан қарама-қарши чиқа бошлади. Олтин-доллар стандарти режими амалда аста-секин доллар стандарти тизимига айлана бошлади. Шу билан бирга 60-йиллар охирида долларнинг жаҳондаги мавқеи Ғарбий Европа давлатлари ва Япониянинг иқтисодий қуввати ва таъсир доирасини ошиши натижасида сезиларли ёмонлашди. АҚШдан ташқаридаги доллар заҳиралари жаҳон иқтисодиётида жуда катта суммада бўлиб, йирик евродоллар бозорини ташкил қилган эди. АҚШ тўлов балансининг камомади (дефицити) мумкин бўлган нормалардан ортиб борди. Бреттон-Вудс тизимининг долларни олтинга айлантириш ҳақидаги талаби АҚШ учун оғирлик қилиб қолди, чунки ўз заҳиралари ҳисобидан олтиннинг паст нархини сақлаб туриши керак эди. 70-йиллар бошида Бреттон-Вудс тизими амалда ўз фаолиятини тўхтатди. АҚШ долларни олтинга расмий нархларда алмаштиришдан бош тортди. Натижада жаҳон бозорларида олтиннинг баҳоси кескин кўтарилиб кетди.

1976 йилда Кингстонда (Ямайка) бўлиб ўтган ХВФнинг навбатдаги мажлисида дунёда халқаро валюта тизимининг асослари аниқланди. Ямайка келишувидан келиб чиққан ҳолда халқаро валюта механизмини ташкил этувчилар деб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1.Олтиннинг қиймат ўлчови ва валюта курсларини ҳисоблашнинг бошланғич нуқтаси сифатидаги вазифаси бекор қилинди. Олтин эркин нархли оддий товарга айланади. Шу билан бир қаторда у алоҳида ликвидли товар бўлиб ҳам қолди. Яъни, зарур бўлганда олтин сотилиши мумкин, олинган валюта эса тўлов учун ишлатилиши мумкин бўлиб қолди.

2.Асосий захира валюта қилиш ва бошқа резерв валюталарнинг ролини камайтириш мақсадида СДР (Special drawing rights - SDR) - “махсус ўрнини олиш ҳуқуқи” стандарти киритилди.

3.Давлатларга валюта курсининг хоҳлаган режимини танлаб олиш ҳуқуқи берилди. Давлатлар ўртасидаги ўзаро валюта муносабатлари уларни миллий пул бирликларининг сузувчи курсига асосланадиган бўлди.

Халқаро молиявий қонунларда курсларнинг ўзгариши икки асосий омил билан белгиланади:

- а) давлатларнинг ички бозорларида валюталарнинг реал қийматлари нисбати билан;
- б) халқаро бозорларда миллий валюталарга бўлган талаб ва таклифлар нисбати билан.

Назорат саволлари:

2.1.Халқаро валюта тизимининг асосий босқичлари қайсилар?

2.2.Халқаро валюта тизими босқичларининг хусусиятларини тушунтиринг?

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда халқаро резерв валюта бирликлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1.Халқаро резерв валюта бирликларини изоҳлай олади.

3.2.Европа валюта тизимини изоҳлай олади.

3-асосий савол баёни: 90-йилларнинг бошига келиб сузувчи курслар факторини амалга оширилиши муносабати билан қуйидаги элементлар асосида етарли даражада мураккаб бўлган халқаро валюта тизимини ташкил қилиш схемаси вужудга келди:

1. Асосий устун бирликлар танланади. Бу билан улар миллий валюталар муносабатларини, аниқроғи ўз валюта курсларини сақлаб қолдилар;

2. Валюта курсларининг ўзгариш даражаси бир хил бўлмасдан, диапазони кенг эди. Бунда маълум диапазон доирасида фақат айрим валюталарга нисбатан валюта курси сақланади, бошқа валюталарга нисбатан курс эркин ўзгариб туради.

Амалда давлатлар эълон қилган валюта режимлари хилма-хилдир. 1988 йилда жаҳоннинг 58 давлати ўз валюталарининг асосий ҳамкорларидан бирининг валютасига нисбатан курсини ўрнатишга қарор қилдилар. Булар АҚШ доллари (39 та давлат), француз франки (франк зонасининг 14та давлати) ёки бошқа валюталарда (5 та давлат). Айрим давлатлар ўз валюталарини СДРга (17 та давлат) ёки бошқа валюталар саватчасига (29 та давлат) боғладилар. Бундан ташқари, 4 та давлат ягона валютага нисбатан чекланган мослашувчанлик режимини маъқулладилар. Ўз навбатида ЕИ нинг 8 давлати ўзлари учун валюта ҳамкорлиги механизмининг таъсис этишиб, ўз валюта курсларини барқарорлаштирдилар. Жаҳоннинг 19та давлатлари шу жумладан, АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Япония мустақил сузиш режимини танладилар.

Ямайка келишуви жамоа валюта бирлиги сифатида “махсус ўрнини олиш ҳуқуқи” (СДР) ни тан олди. СДР 1969 йилда оддий кредит воситаси сифатида яратилган эди. Бирок кейинчалик СДРни “халқаро валюта тизимининг захира активи” га айлантириш вазифаси қўйилди. Олдинига СДР бирлиги долларнинг олтин қиймати (1970 й.) мос равишда олтинга тенглаштирилади. 1974 йилнинг июлида валюталарнинг сузувчи курсга ўтиши билан СДРнинг олтин қиймати бекор қилинди. Бу валюта бирлигининг курси валюта саватчаси - ташқи савдоси жаҳон савдосининг 1% дан кам бўлмаган 16 давлат валюталарининг ўртача курси асосида аниқланарди. 1981 йилдан бошлаб СДР 5та давлат валютаси (АҚШ доллари, ГФР маркаси, япон иенаси, француз франки ва Англия фунт стерлинг) тўпламидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган бўлди.

Валюта корзинаси - бу бир валюта ўртача ҳисобланган курсининг бошқа валюталарнинг маълум тўпламига нисбатан солиштириш усулидир. Валюта курсини ҳисоблаш унинг таркиби, валюта компонентларининг ўлчови, валюталарнинг долларга нисбатан бозор курсига боғлиқ.

СДР фоизлар келтиради. Мамлакат агарда СДРдаги авуарлар ассоциацияларидан кўп бўлса фоизлар олади ва аксинча СДРдаги авуарлари асосиацияларидан кам бўлса фоиз тўлайди. СДР бирлиги бирликдир. У ХВФнинг махсус счегларида ХВФга аъзо давлатларга ажратилган квоталар асосида келтирилади. Бу квоталардан конвентирланадиган валюта сотиб олиш ёки тўлов баланси дефицитини тўлаш учун фойдаланилади. Аммо уларнинг капиталистик дунё умумий валюта захираларидаги улуши -6%га яқин бўлиб унча катта эмас.

Валюта	Валюта қиймати (валюта бирлиги)*	15 августдаги алмаштириш курси**	Доллар эквиваленти:* **
Немис маркаси ДМ	0,4530	1,55150	0,291787
Француз франки	0,8000	5,32800	0,150150
Япон иенаси	31,8000	100,370000	0,316828
Буюк Британия Фунт стерлинги	0.0812	1,54400	0,125373
АҚШ доллари	0,5720	1,00000	0,572000
ЖАМИ			1,456138

Изоҳ: 1 СДР=1,45 614 АҚШ долл. АҚШ долл.= 0,686748 СДР***

СДР саватчасининг валюта компонентлари.

** Валюта бирликларида АҚШ доллари учун алмашув курси, бир фунт учун АҚШ долларида ҳисобланган фунт стерлинги курсидан ташқари.

*** валюта компоненти аҳамиятининг алмашув курси аҳамияти нисбатининг натижаси сифатида ҳисобланган АҚШ долларидаги эквивалент.

**** АҚШ долларининг СДРдаги расмий қиймати-доллар эквиваленти суммасига тескари катталиқ яъни вергулдан сунг олтинчи белгигача 1/1,456138.

Кўпгина иктисодчилар СДРни камроқ захира валюта сифатида, кўпроқ кредит сифатида кўриш мумкин деб ҳисоблайдилар. Хуллас, СДР ҳам захира валюта ҳам кредитдир. Уни яратувчилардан бири айтганидек СДР “айримлар қора йўлли оқ айримлар оқ йўлли қора жонивор сифатида кўрадиган” - зебрага ўхшайди.

Валюта саватчаси қиймати асосида белгиланадиган яна бир жамоа захира валюта бирлиги ЭКЮдир. ЭКЮ (Europe an curren cy unit) ЕИга кирувчи Европанинг илғор 12 давлати валюталарига асосланган эди. Улар бир валютанинг саватчадаги оғирлиги аъзо-давлатларнинг ЕИ ЯММси ва Иттифоқ ичидаги экспортдаги улушига мувофиқ белгиланади. 1 ЭКЮ тахминан 1,3 АҚШ долларида тенглаштирилган эди. СДРдан фарқли улароқ ЭКЮнинг расмий эмиссияси қисман нақд олтин ва долларга айланттирилган. ЭКЮ эмиссиясининг ҳажми СДРдан кўп.

Худди СДР каби ЭКЮ ҳам нақдсиз шаклда - улар бўйича нақдсиз кўчиришда марказий банклар (ёки тижорат банклари) счегларида ёзув сифатида намоён бўлади.

Европа валюта тизимида (ЕВТ) ЕИ ҳар бир аъзоси валютасининг ЭКЮда ҳисобланган асосий курси белгиланган. Мана шу асосий курс негизида валюталарнинг ўзаро курси ҳисобланади. Бу курсдан курслар амалда 2,25% дан ортиқ фарқ қилиши мумкин эмас. ЕВТга қўшилган испан песети учун имтиёзли режим ва Италия лираси учун 1993 йил августидан 15% гача ўзгаришлар чегараси ўрнатилган.

ЭКЮ яратишдан мақсад - айрим ЕИга аъзо давлатларни валюта курсларининг барқарорлигига эришиш эди. ЭКЮни яратишнинг ундаги муҳим томонларидан бири АҚШ долларининг олтинни ўрнини босиш учун етарли даражада ишончли эмаслигидир. Бундан ташқари ЭКЮни яратиш Европа валюта тизимини доллар ўзгариши ва АҚШнинг иқтисодий тотал диктатига боғлиқликдан озод қилиниши ҳам кўзда тутилди. ЭКЮ қўшма фондлар ва халқаро валюта-кредит молия ташкилотларида валюта бирлиги сифатида, ягона қишлоқ хўжалиги нархлари, ЕИ аъзолари марказий банкларининг валюта интервенциясини ўтказишда ҳисоб-китоблари валютаси сифатида намоён бўлади. 500дан ортиқ йирик халқаро ташкилотлар ЭКЮдан кредит беришда фойдаланадилар.

Европа валюта тизими

Европа иқтисодий ҳамжамиятининг тузилиши ягона Европа валютасини яратишни кўзда тутмаган эди. Аммо 70-йилларнинг ўрталарига келиб ягона валюта иттифоқини тузиш йўллари кидириш фаоллашди. Европа ҳамжамияти лидерлари нафақат АҚШ долларига муқобил валюта бирлигини яратиш, балки валюта интервенциясини амалга ошириш, валюта ўзгаришларини давлат томонидан назорат қилишни амалга оширишга ҳаракат қилдилар.

Мураккаб музоқаралар натижасида ЕИ доирасида 1979 йилнинг мартада Европа валюта тизими (ЕВТ) ташкил топди. ЕВТ - умумий иқтисодий муносабатларни намоён қилувчи, иқтисодий интеграция доирасида миллий валюталарнинг ишлаши билан боғлиқ бўлган халқаро (минтақавий) валюта тизимидир. ЕВТ - жаҳон валюта тизимининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Европа валюта тизимини яратилиш тарихининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат. 1972 йилда ЕИХнинг, Вазирлар Кенгаши ҳамжамиятига кирувчи давлатлар валюталарининг бир-бирига нисбатан ўзгариши амплитудасини чеклаш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу мақсадга эришиш учун Марказий банклар валюта бозоридаги интервенцияларини мувофиқлаштиришлари лозим эди. Шундай қилиб “Европа валюта илони” туғилди. ЕИХ, давлатлари валюталарининг бир-бирига нисбатан курсининг ўзгариши турли йилларда $\pm 4,5\%$ гача рухсат берилди. График тасвирда “илон” ЕИХга аъзо бта давлат (ГФР, Франция, Италия, Нидерландия, Бельгия, Люксембург) валюталарининг ўзаро курсининг ўзгаришларини энг кам миқдорини билдирган. Агар мамлакат валютасининг курси мумкин бўлганидан пастга тушиб кетса, Марказий банк миллий валютани чет эл валютасида сотиб олиши лозим бўлган.

“Валюта илони” аъзо-давлатларнинг у ёки бу таркиби билан 1979 йилда В.Жискар д, Эстен ва Г. Шмидт таклифи билан Европа валюта тизими киритилгунича амалда бўлди. ЕВТ ўзида уч муҳим элементни (ЭКЮ - ЕВТ асосига, валюта курслари ва интервенциялари механизми, Ҳамжамият давлатлари валюталари нисбатида ҳар икки томонга $\pm 2,25\%$ дан ортиқ ўзгариши мумкин эмаслигини) қамраб олади. Европа валюта тизимида валюта интервенцияси билан боғлиқ вақтинчалик тўлов баланси дефицити ва ҳисоб-китобларни қоплаш учун Марказий банкларга кредит бериш йўли билан давлатлараро минтақавий валютани тартибга солиш амалга оширилаган. Европа валюта тизими олдида қуйидаги мақсадлар қўйилган:

- ЕИ ичида юқори валюта барқарорлигини ўрнатиш;
- барқарорлик шароитида ўсиш стратегиясининг асосий элементи бўлиш;
- иқтисодий ривожланиш жараёнларининг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш ва Европа жараёнига янги туртки бериш;
- халқаро иқтисодий ва валюта муносабатларига барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатиш.

Европа валюта тизими ҳаракат механизми ЭКЮ ташкил қилиш ва барқарор, аммо тартибга солинувчи ЕИ давлатлари орасида валюта курслари орқали қийматни ўзаро ўлчаш негизини ўрнатишни кўзда тутди. ЕВТ валюта резервларини умумий фойдаланишга берилишини кафолатлайди. Яратилган тизим ЕИ ичида кредит механизмларининг бутун бир арсеналини ҳаракатга келтиради. Европа валюта тизимининг фаолият жараёни ва ривожланиш “Делар режаси” билан чамбарчас боғлиқ. 1989 йилда ЕИнинг атоқли арбоби (ЕИК раиси) Ж.Делар Европа валюта бирлашувининг уч босқичли режасини тасвирлаган ҳисоботни тақдим қилди. Бу план қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) алоҳида ЕИ давлатларининг мувофиқлаштирилган иқтисодий ва валюта сиёсатини амалга ошириш; 2) ЕИ Марказий банкни ташкил қилиш; 3) Миллий валюталарни ЕИ нинг ягона валютасига алмаштириш.

1990 йилда Европа валюта тизими кенгайди. Унга Англия, Испания, Португалия кирди. 1991 йилда ягона Европа ҳудудини ташкил қилиш ҳақидаги Маастрихт шартномаси имзоланди. Бу шартномага мувофиқ ЕИ аъзоларининг ҳукумат бошлиқлари валюта иттифоқини тузиш ҳақида келишиб оладилар.

Ғарбий Европа валюталари ўзгаришини тартибга солиш мақсадида тузилган Европа валюта тизими қарийб 15 йил мобайнида ўз вазифаларини муваффақиятли бажарди. Аммо 1992 йилнинг кузидан у издан чиқа бошлади. Бир йил мобайнида 1992 йил сентябридан ЕВТ дан Англия фунт стерлинги, Испания песети ва Португалия эскудоси девальвация қилинди.

Бунинг асосий сабабларидан бири - қайд қилинган давлатлар марказий банкларининг валюта девальвациясига умид қилиб, курсни пасайишига ўйнаётган биржа олиб-сотарларининг тобора кучаяётган ҳужумларига дош беришга қодир эмасликларидадир. Натижада 1993 йил эзида ЕВТ га кирувчи 8 пул бирлигидан 5 таси - Франция ва Бельгия франки, Дания кронаси, Испания песети ва Португалия эскудоси ўрнатилган энг паст даражага тушиб қолди. Марказий банклар томонидан ўз валюталарини сунъий равишда ушлаб туриш мумкин эмас деган қарор қабул қилинди. Улар белгиланган курслар атрофида у ёки бу томонга 15%га ўзгаришлари мумкин. Марказий банклар шунингдек алмашиш курсларини қўллаш мақсадида юқори даражада сақлаб турган ҳисобга олиш ставкаларини пасайтиришлари мумкин.

Маастрихт шартномаси қарорига мувофиқ ЕИ давлатлари томонидан валюта иттифоқи тузишнинг охири, яъни миллий валюталар бир-бирига нисбатан яқуний қайд қилинадиган босқичи 90-йиллар охирида рўй бериши керак эди.

ЕИ режасига биноан валюта иттифоқни ташкил қилиниши уч босқичда амалга оширилиши керак эди.

1998 йилда бошланадиган биринчи босқичда валюта иттифоқига кириш учун рухсатнома берадиган мезонга жавоб берадиган давлатлар аниқланади. Маастрихт шартномаси томонидан белгиланган бу мезонли қарорга қуйидагиларни - инфляция даражаси, давлат бюджети камомади (3%дан ортиқ эмас), ҳисобга олиш ставкасининг ўлчами, миллий валютанинг барқарорлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ушбу мезонларга тўлиқ жавоб берувчи давлатлар биринчи гуруҳга кириб, бу гуруҳ давлатлари, валюта иттифоқини ташкил қилади. Аввалига бу мезонларга фақат Германия, Люксембург, Ирландия ва Австрия жавоб берган эди. 1998 йилнинг охиригача Марказий Европа банки ташкил қилиниб, Европа Марказий банклар тизими ҳаракатга келтирилди.

Иккинчи босқичда (1999-2001 йй.) Марказий Европа банки, биринчи қадам сифатида валюта алмаштириш бўйича операцияларда ягона валютани ишлата бошлади. Тижорат банклари ва молиявий ташкилотлар ундан валюта бозорларида кенг фойдаланишга бошладилар.

Кейинги учинчи боскичда (2002 й.) миллий танга ва қоғоз пулларни янги Европа пул бирлиги ЕВРО билан алмаштирилди. Янги ягона валюта нақд пул муомаласига киритилди. Миллий валютада амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар тизимига мос ўзгартиришлар киритилди. Бошланишида (6 ой мобайнида) янги валюта миллий валюталар билан бир вақтда муомалада бўлди. Бу даврнинг охирига келиб, режага мувофиқ миллий валюталар “тўлов воситаси статусини йўқотдилар”. Учинчи боскичда Европа валюта-иқтисодий иттифоқи худудида барча банк счётлари Европа валютасига конвертирланадиган бўлди.

Ягона Европа валютаси, иқтисодчи олимларнинг фикрича, дунёда энг кучлилардан бири бўлиши учун барча имкониятларга эга. У инфляция билан кўрашишни енгиллаштириб, АҚШ ва Япония билан бозорлар учун кўрашда ЕИ давлатлари товар ва хизматларининг рақобатбардошлилигини ошириб ЕИ барқарорлигининг муҳим омилига айланиб боради.

ЕВРОнинг пайдо бўлиши қимматли қоғозлар билан боғлиқ барча келишувлар ҳажмининг ошишига олиб келиши лозим. Ягона валютанинг киритилиши бутун дунё инвесторларининг ЕИ га бўлган қизиқишлари тобора ошириб бормоқда. ЕВРО ни жуда муҳим бўлган валюта бозорига айлантириш керак. Ягона валютанинг ўзи эса капитал бозорида долларнинг ўрнини эгаллаш учун барча имкониятларга эга. ЕВРО га ўтиш бутун дунёдаги молиявий ҳолатга муҳим ўзгартиришлар киритмоқда. Ягона Европа валютаси доллар ва иена билан тенг рақобат қилиши мумкин. Банклар, қонунга кўра, келишувлар сонининг кескин ўсиши ва инвестицияларнинг янада байналминаллашуви сабабли молиявий бозорларда оладиган фойдаларининг ошишига умид қилишлари керак.

Янги пул бирлиги, шунингдек бор валютани бошқа валютага алмаштириш билан боғлиқ бўлган сезиларли ҳаражатларни юқотиш имконини беради. Бу ҳаражатлар баъзи ҳисоб-китобларга қараганда йилига 40 млрд. АҚШ долларида 50 млрд. долларгача борган. Масалан, 2 минг доллар билан 10-12 кун Фарбий Европа давлатлари бўйлаб юрган француз сайёҳи бир валютани иккинчи валютага алмаштиришда бу сумманинг қарийб 40-50%ини йўқотган. Айни пайтда, ЕВРОнинг пайдо бўлиши билан негизда ЕИ ичида энди тенглаштириладиган ҳисобга олиш ставкалари фарқи ётадиган операциялар ҳам йўқолади.

Назорат саволлари:

3.1. Ҳалқаро резерв валюта бирликларини таърифланг?

3.2. Европа валюта тизими таркиби нималардан иборат?

4-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда ҳалқаро валюта ва молия-кредит бозорлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

4.1. Ҳалқаро валюта ва молия-кредит бозорларини изоҳлай олади.

4.2. Молия бозорларида ҳалқаро заёмлар муаммосини изоҳлай олади.

4-асосий савол баёни: Ҳалқаро валюта ва молия-кредит бозорлари жаҳон хўжалигида, ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг жуда муҳим бўғинларидан биридир. XX – XXI асрлар бўсағасида жаҳон мамлакатларида молия бозорлари гуркираб ривожланди. Дунёнинг илғор давлатлари умумий молия активлари, уларнинг ялпи ички маҳсулотига (ЯИМ) нисбатан 2,5 баробарга ўсди. Жаҳон валюта ва савдо операциялари қийматларининг нисбати эса дунёнинг илғор давлатлари умумий активлари, уларнинг ялпи ички маҳсулотига нисбатан 2,5 баробар тез ўсди. Жаҳон валюта ва савдо операциялари қийматларининг нисбати 1980 йилдаги 10:1 дан 1992 йилдаги 60:1 гача ўсди. Шу билан бирга, хориж экспертларининг фикрича, давлат облигацияларининг ҳалқаро бозори баъзи бир катталиклар бўйича фақатгина 1920 йилдагидек фаолдир. Капитални ҳаракатчанлиги аср бошидаги даражага яқинлашмоқда, холос.⁹

Жаҳон иқтисодиётида фаолиятидаги капитал даврий обороти қонунияти молиявий бозор ривожланишининг объектив асосидир. Жаҳоннинг баъзи жойларида ортиқча эркин

⁹ James H. The End of Globalization: lesns from the great Depression. Harvard College, 2001.

капитал пайдо бўлади, баъзи жойларда унга талаб пайдо бўлади. Жаҳон валюта молия-кредит бозорлари бу карама-қаршиликларни жаҳон хўжалиги даражасида ҳал қилади. Жаҳон валюта, кредит, қимматли қоғозлар бозорлари ташкил топишининг кўриниши қуйидагиларда намоён бўлади:

- капиталнинг ишлаб чиқариш ва банк ишида концентрациясида;
- хўжалик алоқаларининг байналминаллашувида;
- банклараро телекоммуникацияларининг ривожланишида.

Валюта бозорлари - хорижий валютанинг миллий валютага бўлган талаб ва таклифи асосида ҳосил бўлувчи курс бўйича олди-сотдисини амалга ошириладиган марказдир. Миллий валюта бозорлари ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган барча давлатларда мавжуд. Миллий бозорлар ва уларнинг ўзаро алоқалари ривожланиб бориши билан ягона жаҳон валюта бозори вужудга келади. У ўз ичига жаҳон, минтақавий, миллий (маҳаллий) валюта бозорларини ўз ичига олади. Бу бозорлар валюта операцияларининг ҳажми, характери ва операцияларда қатнашаётган валюталар миқдори билан бир-бирдан фарқ қилади. Жаҳон валюта бозорлари жаҳон молия марказларида (ЖММ) тўпланади.

Жаҳон молия марказлари - бу банклар, ихтисослашган кредит-молия институтлари йиғиладиган жой. Унда халқаро валюта, кредит, молия операциялари, қимматли қоғозлар, олтин олди-сотдиси амалга оширилади. Халқаро молия марказлари орасида Лондон, Нью-Йорк, Франкфурт, Париж, Цюрих, Токиодаги бозорлар ажралиб туради. 1973 йилдан 1992 йилгача валюта операциялар ҳажми кунига 10-20 млн. АҚШ долл. дан 900 млрд. АҚШ долл.га ўсди.

90-йилларнинг бошида халқаро валюта савдосининг 50% га яқини уч жаҳон валюта бозорида амалга оширилади. Жумладан, Лондон валюта бозорида кунига 187 млрд. долл., Нью-Йорк - кунига 129 млрд. долл., Токио валюта бозорида эса кунига халқаро валюта савдосининг 115 млрд. доллари амалга оширилди. 90-йиллар ўртасига келиб, халқаро валюта операцияларининг умумий кунлик ҳажми 1 трлн. 230 млрд. долл. га етди. Минтақавий ва маҳаллий валюта бозорларида маълум бир конвертирланадиган валюталар билан операциялар ўтказилади. Масалан, Хитойнинг валюта марказларида 5та асосий саноати ривожланган давлатларнинг валюталари билан операциялар ўтказилади. Замонавий жаҳон хўжалигида валюта бозорлари учун қуйидагилар ўзига хосдир:

1. Жаҳон хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви, валюта савдоси амалга оширишда автоматик алоқа воситаларидан кенг фойдаланиш асосида валюта бозорларини байналминаллашуви;
2. Валюта операцияларининг номарказлашуви ва глобал миқёси;
3. Валюта операцияларининг унификацияси;
4. Чайқовчилик савдосининг кенг миқёсидалиги.
5. Валюта курсларининг барқарорлиги.

Валюта бозорлари халқаро ҳисоб-китобларни оператив амалга ошириш, халқаро валюта бозорларининг кредит ва молия бозорлари билан ўзаро алоқасини таъминлайди. Валюта бозорлари ёрдамида банклар, корхоналар, давлатларнинг валюта заҳиралари тўлдирилади. Бундан ташқари, валюта бозорлари механизмидан иқтисодиётни давлат томонидан бошарилишида, шу жумладан макродаражада давлатлар гуруҳи доирасида (масалан, ЕИ) фойдаланилади. Институцион нуқтаи назарида, валюта бозорлари - бу биржа, брокерлик фирмалари, банклар, корпорациялар ва шунингдек трансмиллий корпорациялар умумийлигидир. 80-йилларнинг охирида банклараро бозорда ўзаро бир-бирлари билан, шунингдек савдо-саноат миждозлари билан 85-90% атрофида валюта савдосини амалга оширилган бўлса, 90-йиллар ўрталарида савдо келишувларининг тобора кўпчилиги банклар эмас, инвестицион фондлар томонидан амалга оширилган эди.

Халқаро кредит-молия муносабатлари ссуда капиталининг жаҳон кредит ва молия бозорларидаги ҳаракати билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизимини қамраб олади. Халқаро кредит бозорида давлатлар ўртасида қайтариш, вақтли, фоиз тўлаш шартлари

бўйича пул капиталининг ҳаракати рўй беради. Жаҳон кредит бозори - ссуда капиталининг бир қисмидир. Ссуда капитали бозори ўз ичига биринчидан, жаҳон пул бозорини олса (1 кундан 1 йилгача қисқа муддатли депозит-ссуда операциялари, шунингдек Евровалюталар бозорини ўз ичига олади), иккинчидан, жаҳон капитали бозорини (ўрта ва узоқ муддатли хорижий кредитлар ва Еврокредитлар бозорини-1 йилдан 15 йилгача) ўз ичига олади.

Жаҳон молия бозори - бу ссуда капиталлари бозорининг бир қисми бўлиб, унда асосан қимматбаҳо қоғозларнинг эмиссияси ва савдо-сотиғи амалга оширилади. Жаҳон ссуда капитали бозори миллий ссуда капитали бозорларининг халқаро операциялари асосида пайдо бўлади, уларнинг байналминаллашуви давомида ривожланади. Жаҳон ссуда капиталлари бозори охириги ўн йилликда тез ривожланди. Бунга сабаб ссуда капитали ҳаракатининг узоқ муддатли анъаналари, бу ҳаракатни миллий даражада тартибга солувчи давлатларнинг ҳуқуқий нормаларининг либераллашуви, қимматли қоғозлар ҳаракатининг кенгайиши, интеграцион жараёнлардир. Жаҳон ссуда капитали бозори жаҳон хўжалигида ссуда капитали ҳаракатини таъминловчи турли компания, банк валюта-кредит муносабатлари бирлигини қамраб олади. Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланишининг XX аср охиригидаги муҳим тенденцияси шундаки, халқаро кредит-молия муносабатлари ўсиш суръатлари бўйича саноат ишлаб чиқариш ва халқаро савдодан анча олдиндадир.

XX асрнинг 50-йиллари охиридан бошлаб халқаро кредит-молия бозорининг ривожланиши жаҳон ссуда капитали бозорининг ўзига хос томони - Евробозорнинг вужудга келиши ва кенгайишига сабаб бўлди.

Евробозор - бу Евровалютада кредит заёмлар бўйича операциялар амалга ошириладиган бозордир.

Евровалюта - мамлакатнинг бирор бир хорижий банк ҳисобига ўтказилган ва шу банклар томонидан барча давлатларда, шу жумладан, эмитент давлатда ҳам операциялар амалга оширишда фойдаланадиган конвертирланадиган валютасидир.

Евробозорлар - давлат, ҳукумат бозори деган мақомга эга эмас. Уларнинг пайдо бўлишига корхоналар, инвесторлар, шунингдек баъзи бир давлатларнинг эҳтиёжи сабаб бўлади. Евробозорлардаги операциялар айрим давлатларни давлат томонидан валютани тартибга солинувига ва солиқ қонунчилигига бўйсунмайди. Жаҳон иқтисодиётида евробозорлар 50-йиллар охирида юзага келган бўлиб, бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборатдир:

1. Долларни АҚШдан ташқарида жойлаштириш таклифининг пайдо бўлиши.
2. Европада долларга бўлган талабнинг катталиги.
3. АҚШдаги тартибга солишнинг бу давлатда доллар билан валюта операцияларини ўтказишнинг эркин бозордагига нисбатан мушкуллаштирилганлиги.
4. Европа банкларининг халқаро операцияларини молиялаштириш куралини топишга бўлган истаги ва бошқалар.

Евробозорларнинг ривожланиши жаҳон миқёсида молиявий ресурсларга талаб ва таклифнинг эркин нисбатини яратишга имкон берди. Евробозорлар корхоналарга молиялаштиришга бўлган эҳтиёжларини ички капитал бозорига мурожаат қилмасдан қондириш имкониятини беради. Улар молиявий ресурсларни рационал жойлаштириш имкониятини беради.

Шундай қилиб, евробозорлар ўз фаолиятларини диверсификация қилиб жаҳон миқёси ўлчамларини олади. Улар капитал жойлаштириш ва кредитлаш бўйича операцияларни барча халқаро операторларга таклиф қилади. Евробозорлар барча йирик халқаро банкларни, жаҳон молиявий марказларни ва барча конвертирланадиган валюталарни мобилизация қилади. Евробозорларнинг ривожланиши янги молиявий марказларни (Сингапур, Гонгконг, қувайт, Кайман ороллари ва бошқалар) пайдо бўлишига олиб келди. 1981 йилнинг декабрида Нью-Йоркда халқаро банк хизматлари бўйича эркин зона пайдо бўлган бўлса, 80-йилларнинг охирига келиб янги жаҳон молия

марказларида бутун дунё халқаро валюта-молия операцияларининг учдан бир қисми тўпланган эди. Шундай қилиб, Евробозорларни ривожланиши ва халқаро молиявий бозорларни байналминаллашуви халқаро иқтисодий муносабатлар учун товарлар бозорини ривожланиши ва байналминаллашувида халқаро меҳнат тақсимооти каби аҳамиятга эга бўлди.

Назорат саволлари:

4.1.Халқаро валюта-молия бозорларини таърифланг?

4.2.Евробозорнинг таркиби нималардан иборат?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

XX асрларнинг 50-60-йилларида халқаро молия ва валюта муносабатларининг ривожланишида янги давр бошланди. Очиқ иқтисодиётнинг умумий ривожланиш тенденцияси савдода товар айирбошлашнинг тезлашишига, халқаро молиянинг ривожланишига, янги валюта бозорларини ҳосил бўлишига, мамлакатлар орасида валюта-молия муносабатларини кенгайтишига имконият яратмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида валюта муносабатлари пулнинг жаҳон пули функцияси билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларда намоён бўлади. Валюта муносабатлари одатда миллий ва халқаро даражада амалга оширилади. Миллий даражада улар миллий валюта тизимлари (МВТ) соҳасини қамраб олади. МВТ – бу валюта қонунчилиги билан белгиланадиган давлат валюта муносабатларини ташкил қилиш шаклидир. МВТнинг ўзига хос томони у ёки бу давлат иқтисодиётининг, шунингдек ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиш даражасини хусусиятлари билан ажралиб туради.

Халқаро валюта тизими (ХВТ) жаҳон хўжалиги доирасида валюта муносабатларини ташкил қилиш шаклидир. У жаҳон капиталистик хўжалик эволюцияси (4 босқични босиб ўтган) натижасида пайдо бўлиб, ҳуқуқий жиҳатдан давлатлараро келишувлар билан расмийлаштирилган. Жаҳон иқтисодиётида ХВТнинг асосий вазифаси иқтисодий ўсишни таъминлашдан, инфляцияни камайтиришдан, ташқи иқтисодий алмашув ва тўлов балансининг мутаносиблигини қўллаб-қувватлаш учун халқаро ҳисоб-китоблар ва валюта бозори соҳасини тартибга солишдан иборатдир.

Жаҳон иқтисодиётида евробозорларни ривожланиши ва халқаро молия бозорларини байналминаллашуви халқаро иқтисодий муносабатлар учун товарлар ва бозорларни ривожланиш ва байналминаллашувида халқаро меҳнат тақсимоотини ривожланиши каби муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 196 б.
- 2.Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.
- 3.Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик.- Т.:ТДИУ, 2011.- 276 б.
- 4.Мировая экономика и международный бизнес: учебник/ кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р. К. Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.
- 5.Внешнеэкономическая деятельность: учебник, для студ. сред. проф. учебник, заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Симитенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.
- 6.Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. - М.: Магистр, 2007. - 429 стр.
- 7.Назарова Г, Иминов З. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. - 2010. - 319 бет.
- 8.Назарова Г. Ғ., Ҳайдаров Н. Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар / академик С. С. Гуломов тахрири остида (ўқув қўлланма), ТДИУ, 2005 й. 272 бет.

8-мавзу. Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни
2. Ривожланган мамлакатларнинг интеграцион бирлашмалари
3. Жаҳон машинасозлик саноати ва унинг ривожланиш хусусиятлари

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: катта еттилик”, ЯИМ даражаси, ташқи савдо ҳажми, ресурсларга эҳтиёж, ТМК, саноатлашиш даражаси, постиндустриализация, хизматлар соҳаси улушининг ортиб бориши

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

- 1.Саноати ривожланган мамлакатлар жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида муҳим роль ўйнайди. Шунга сиз қандай фикр билдирасиз?
- 2.Ривожланган мамлакатлар саноати характеристикаси қандай изоҳлайсиз?
- 3.Ривожланган мамлакатларнинг интеграцион бирлашмалари мавжуд. Шунга сиз қандай фикр билдирасиз?

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда ривожланган мамлакатларнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1.Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти моҳиятини изоҳлай олади.
- 1.2.Ривожланган мамлакатларнинг жаҳон хўжалиги ва сиёсатида тутган ўрнини изоҳлай олади.

1-асосий савол баёни: XX-XXI асрлар бўсағасида жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни жуда катта бўлиб, бундай гуруҳга кирувчи давлатлар асосан Европа қитъаси ва Шимолий Америка материгида жойлашгандир.

Маълумки, ривожланган “катта еттилик” давлатлар (ҳозирги кунда ушбу давлатлар гуруҳига Россия Федерациясини қўшилиши билан “катта саккизлик” давлатлар деган сўзлар ҳам жаҳон иқтисодиётида ишлатилмоқда) иқтисодиётини ривожланиши асосан табиий ресурслардан қандай фойдаланишлик даражасига ва шунингдек узоқ йилларга мўлжалланган замонавий илмий-техникавий тараққиётдаги ўзгаришларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу мамлакатлар иқтисодиётида табиий ресурслардан тежамли фойдаланилади, ишлаб чиқаришда эса энергетика қуввати пасайишига йўл қўйилмайди. Масалан, АҚШ ишлаб чиқаришида асосан кам ҳаражат қилиш эвазига ялпи ишлаб чиқарилаётган маҳсулот 1900-1990 йиллар давомида 8-9 бараварга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш эса 4-5 бараварга ортган эди.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда саноат тармоқларининг ривожланиши қанчалик юқори бўлмасин нарх-навонинг кўтарилиши ушбу давлатларда юқориликча қолмоқда. Бу ҳолат албатта хизмат кўрсатиш соҳалари ва шунингдек илмий-техникавий инқилобга асосланган янги тармоқли саноат корхоналарининг вужудга келиши билан боғлиқдир.

Жаҳон хўжалигининг ривожланишида ривожланган мамлакатларнинг қай даражада саноат энергетикаси билан таъминланганлиги ҳам муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги кунда бир қатор ривожланган мамлакатлар ўзлари ишлаб чиқараётган саноат энергетикаси маҳсулотларидан тежамкорлик билан самарали фойдаланиб келмоқдалар. Масалан, 1970-1990 йиллар давомида АҚШ саноат энергетикаси истеъмолини 40% га, Япония ва Франция давлатлари эса, 30% га қисқартириш имкониятига эга бўлишган эди.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг барчасида қайта ишлаш соҳалари яхши йўлга қўйилган бўлиб, улар асосан тежамкорлик билан самарали фойдаланишнинг ижтимоий дастурлари асосида амалга оширилмоқда. Масалан, 90-йиллар бошида АҚШда

калайнинг 72-73% хом-ашёга бўлган талаби, миснинг 60% и, пўлатнинг 50% и, олтиннинг 47%и, рухнинг 43% и қайта ишлаш саноат корхоналари ҳисобига қондирилган эди. Хуллас, ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларнинг ишлаб чиқаришида қимматбаҳо нодир металллар ўрнини босувчи маҳсулотларни кенгроқ ишлатилиши муҳим рол ўйнамоқда.

Жаҳон хўжалиги ривожланишида етакчи саноати ривожланган мамлакатлар (АҚШ, ГФР, Япония, Буюк Британия, Франция, Канада, Италия) иқтисодиёти муҳим рол ўйнамоқда. Ушбу мамлакатлар улушига ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларнинг 79-80%и ва дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларнинг 59-60%и, товарлар экспортининг 60-61%и ва хизмат кўрсатиш соҳаларнинг 49-50%и тўғри келмоқда.

Ривожланган мамлакатлар гуруҳи ҳозирги кунда ўз таркибида жаҳоннинг 30 дан ортиқ давлатини бирлаштирган бўлиб, бу давлатлар дунё мамлакатлари хўжалигида тутган ўрнига кўра бир неча классификация бўлиб ўрганилади. Улар қуйидагилардан иборат:

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми бўйича ривожланган катта “еттилик” давлатлар гуруҳи (ушбу давлатлар гуруҳига Россия Федерациясини қўшилиши билан “катта саккизлик” давлатлар гуруҳи деган сўзлар ҳам ишлатилмоқда). Ушбу гуруҳга АҚШ, Япония, ГФР, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада каби давлатларни киритиш мумкин.

Европа Иттифоқи кирувчи давлатлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга ГФР, Бельгия, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Буюк Британия, Франция, Швеция, Финландия, Австрия каби давлатларни киритиш мумкин.

Европа Эркин Савдо ассоциацияга (ЕАСТ) кирувчи давлатлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга Исландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швецария каби давлатларни киритиш мумкин.

Бенилюкс гуруҳига кирувчи давлатлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга Бельгия, Нидерландлар ва Люксембург каби давлатлар киради.

Шимолий Америка Эркин савдо шартномасига (НАФТА) кирувчи давлатлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга АҚШ, Канада, Мексика киради

90-йиллар бошида аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) тўғри келиши бўйича жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қуйидагича тавсифланган эди: Япония дунёда ушбу кўрсаткич бўйича учинчи ўринда турган бўлса, Канада 11, Норвегия 6, Швецария 1, Швеция 5, АҚШ 10, Австрия 20, Франция 13, Нидерландия 17, Буюк Британия 21, Исландия 9, ГФР 8 ўринда турган. Хуллас, жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатлар ўз ривожланиш соҳалари бўйича катта имкониятларга эга бўлиб, жаҳон мамлакатларини ривожланишида асосан генераторлик ролини ўйнаб келмоқда.¹⁰

Жаҳон хўжалиги ва ХИМда Ғарбий Европа мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши алоҳида ўрин эгаллайди. ҳозирги кунда Ғарбий Европа давлатлари ҳиссасига жаҳонда ишлаб чиқарилаётган жами ялпи миллий маҳсулотнинг 28-29% и, дунё аҳолисининг 7-8% и тўғри келади.

Ғарбий Европа давлатлари гуруҳига жами 25 давлат кириб, бу давлатлар гуруҳи ўз ҳудудларининг катта-кичиклиги, аҳолисини оз-кўплиги ва турли-туманлиги, бой табиий ресурсларга эгаллиги билан бир-биридан кескин фарқ қилади. Ғарбий Европа давлатлари базасида 1957 йилда “Умумий бозор” ҳамкорлик ташкилоти ташкил топди. 1962 йилда Европа Эркин Савдо Ассоциацияси тузилди. Ушбу давлатлар ўртасида саноат товарлари билан эркин савдо алоқаларни олиб бориш тўғрисида қатор шартномалар тузилди. “Европа иқтисодий кенгаши тўғрисида”ги шартномага мувофиқ 1992 йилнинг майида Ғарбий Европа Эркин Савдо зонаси ва минтақавий иқтисодий комплекси тузилди. Ушбу минтақавий иқтисодий комплекс Ғарбий Европанинг 19 давлатини ўз таркибига бирлаштирган бўлиб, Ғарбий Европа ва дунё мамлакатларида товарларнинг эркин

¹⁰ International Yearbook of Industrial Statistics. UNIDO. Vienna.

ҳаракатини, хизмат кўрсатиш соҳаларни, капитал ва аҳоли миграциясини доимо назорат қилиб туради.

Ғарбий Европа Эркин Савдо зонаси ҳиссасига жаҳон савдоси айланмасининг 48-50%и тўғри келиб, бу иқтисодий зона ҳозирги кунда 400 млн. га яқин истеъмолчига эгадир.

Ғарбий Европа давлатларининг иқтисодий тараққиётида жаҳон мамлакатлари билан олиб борилаётган ташқи савдо алоқалар муҳим рол ўйнайди. Ўтган асрнинг 70-йиллардаги Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатлари дунёда энг йирик савдо блокдан бирига айланган эди. ЕИ давлатларининг товарлар экспорти даражаси АҚШнинг товарлар экспорти даражасига нисбатан уч баробар юқори бўлиб, 90-йилларда бу мамлакатлар ҳисобига жаҳон савдосининг 41-42% и, валюта захираларининг эса 36-37%и тўғри келган.

Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларининг хўжалик алоқаларида товарлар экспортини капитал экспорти билан алмашуви ҳолатлари кенгайиб бормоқда. Агар Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳиссасига тўғридан-тўғри йўналтирилган капитал экспорти 1961-1964 йилларда 8,7% ни, 1974-1975 йилларда 37,4% ни ташкил этган бўлса 1980-1995 йилларда эса 60-65% ни ташкил этган эди. 1970 йилда жаҳон товарлар экспортида Ғарбий Европа ҳамжамияти давлатларининг ҳиссаси 34,4% ни ташкил этган бўлса, 1995 йилда 45,8% ни ташкил этган.

Назорат саволлари:

- 1.1.Ривожланган мамлакатлар гуруҳи тўғрисида нималарни биласиз?
- 1.2.Ривожланган мамлакатлар саноатига қандай характеристика бера оласиз?
- 1.3.Ривожланган мамлакатлар жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида қандай ўрин тутади?

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда ривожланаган мамлакатларда интеграцион бирлашмалар тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1.Интеграцион бирлашмалар моҳиятини изоҳлай олади.
- 2.2.Ривожланган мамлакатлардаги интеграцион гуруҳларнинг ривожланишини изоҳлай олади.

2-асосий савол баёни: Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ). Иккинчи жаҳон урушидан кейин жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти ва шунингдек халқаро иқтисодий муносабатларни кескин ривожланиб бориши билан боғлиқ ҳолда бир қатор бирлашган умумиқтисодий ташкилотлар ташкил топди. Ана шундай ташкилотлардан бири Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотидир. Бу ташкилот дунёда энг йирик умумиқтисодий ташкилотлардан биридир. Унинг таркибида жаҳоннинг 24 та давлати, яъни, барча ривожланган капиталистик (Жанубий Африка Республикаси ва Исроилдан ташқари) давлатлари бирлашган. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (аъзолари - АҚШ, Япония, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Исландия, Норвегия, Швейцария, Туркия давлатлари, шунингдек ЕИ мамлакатларига кирувчи 25 мамлакат) 1961 йилда ягона иқтисодий сиёсатни назорат қилиш мақсадида тузилган бўлиб, қуйидаги мауммоларни ҳал этиб келмоқда.

1. Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг аҳволи ва келажакда уларнинг ривожлантириш йўллари;
2. Жаҳон мамлакатлари ўртасида рўй бераётган халқаро савдони эркин қўйиш ва тартибга солиш;
3. Валюта-кредит тизимини барқарорлаштириш;
4. Саноати ривожланган мамлакатларнинг ривожланган давлатлар ва шунингдек бозор иқтисодиёти асосида ривожланиб бораётган янги мустақил давлатлар билан иқтисодий муносабатларни олиб бориши ва ҳ.к.лар.

Ривожланган “катта еттилик” давлатларининг вакиллари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Ижроия қўмитасининг доимий аъзолари бўлиб ҳисобланади.

80-йиллардан сўнг жаҳон хўжалиги ва ХИМда пайдо бўлган кучли халқаро уюшмалардан бири Осий-Тинч океани минтақаси давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти

(1989 й.) ва 1994 йилда ташкил топган Шимолий Америка мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (НАФТА) ҳисобланади.

Осиё-Тинч Океани минтақаси давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти шу ҳудуддаги 20 дан ортиқ мамлакатни (Япония, Филиппин, Таиланд, Бруней, Янги Зеландия, Гонконг, Хитой, Австралия) бирлаштирган бўлиб, бу давлатлар ҳиссасига жаҳон мамлакатларининг ялпи миллий маҳсулотини 23-24% и, жаҳон савдосининг 40-42% и ва дунё аҳолисини 40-41% и тўғри келади. Бу ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган давлатлар 1991 йилда Осиё зонасида эркин савдони ривожлантириш ва савдо соҳасидаги самарадорликни янада кўтариш мақсадида 15 йилга (2005-йилга қадар) савдо чегараларини ва чегара божларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишган. Ҳозирги кунда Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари жаҳоннинг кўплаб минтақаларида молиявий ишларни ривожлантириш, воситачилик, ахборотлаштириш ва шунингдек транспорт хизматларини кэнгайтириш ишларига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Хуллас, ҳозирги кунда Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти нафақат Осиё минтақаси, балки жаҳон мамлакатлари ичида ҳам етакчилик ролига даъвогарлик қилиб турибди.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида Шимолий Американинг уч йирик давлатини 1994 йилнинг 1 январидан бирлашиши (НАФТА давлатлари) муҳим аҳамиятга эгадир. Бу мамлакатлар (АҚШ, Канада, Мексика) ҳиссасига жаҳон мамлакатларининг ялпи маҳсулотининг 31-32% и, дунё аҳолисининг 7-8% и тўғри келади (НАФТА давлатлари ҳудудида 370 млн.дан ортиқ аҳоли яшайди). Бу давлатлар томонидан ишлаб чиқарилган йиллик товар ва хизматлар ҳажми 7 трлн. АҚШ долларини ташкил қилади. НАФТА давлатлари улушига жаҳон савдоси умумий ҳажмининг 19-20% и тўғри келади.

НАФТА давлатлари томонидан имзоланган шартноманинг асосий ҳукукий ҳолатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. АҚШ, Канада ва Мексика давлатлари ўртасида савдо товарларга нисбатан божларни бекор қилиш;
2. Шимолий Америка бозорларини Мексика орқали кириб келаётган товарларга нисбатан божларни тўламасликка ҳаракат қилувчи Осиё ва Европа компанияларининг экспансиясидан ҳимоя қилиш;
3. Мексиканинг банк ва суғўрта компаниялари ичида АҚШ ва Канада компанияларини капитал қўйилмаларига нисбатан бўлиб турадиган турли тазйиқ ва таъқиқларни олиб ташлаш;
4. Экологик атроф-муҳитни ҳимоялаш билан, боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш ва ҳ.к.лар.

НАФТА давлатлари томонидан имзоланган ушбу шартномага мувофиқ 5 йил мобайнида (2005 йилга қадар), АҚШ Мексикадан импорт қилинадиган маҳсулотлар тўртининг 2/3 қисми учун божхона тарифларини бекор қилиши кўзда тутилган. Имзоланган келишувлардан энг кўп фойдани савдо блокларида қатнашувчи истеъмолчилар оладиган бўлишди, чунки рақобатнинг кучайиши ва товарларга нисбатан тарифларнинг пасайтирилиши натижасида кенг товарлар бўйича нархлар пасаяди.

НАФТА давлатлари шартномасига мувофиқ АҚШ саноатчилари арзон ишчи кучи оқимини кучайиши билан боғлиқ ҳолда кўплаб фойда кўришни мақсад қилиб қўйган эди. Кафолатланган даромаднинг ўсиши билан боғлиқ ҳолда Америка иқтисодиётининг - электроника компьютер таъминоти, қурилиш материаллари, автомобил эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш кўзда тутилган. Айни пайтда, шакар, цитрус мевалари, қишки сабзавот етиштирувчи АҚШ фермер хўжаликлари зарар ҳам кўриши мумкин. Мексика давлати НАФТА ёрдамида ўз иқтисодий ўсиш суръатларини кўтармоқчи бўлишди (тахминан йиллик ЯИМнинг ўсиш суръатлари 1,6-2,6% га). Бундай иқтисодий ривожланишлар Мексикани саноати ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш муддатини 45-50 йилдан 10-15 йилга қисқартириши мумкин эди.

НАФТА дан энг кам фойда кўраётган давлатлардан бири Канададир. Чунки, унинг иқтисодий ривожланиши АҚШ иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Мексика иқтисодиёти билан жуда кам алоқададир. Аммо, НАФТА ривожланиб бориши билан Канада интеграцион жараёнга янада кўпроқ тортилиб боради ва кенгаётган бозордан дивидендлар олади. Хуллас, НАФТАнинг дастлабки иш фаолияти даврида экспорт хажмининг ошиши ҳисобига қўшимча иш ўринларини ҳосил бўлишига бўлган умид оқланмади. Бундан ташқари АҚШ нинг Мексика билан савдодаги ижобий сальдоси йўқолиб, 1995 йилда камомад пайдо бўлди. Умуман олганда НАФТАни ташкил қилувчиларнинг режасига кўра, тўлақонли Шимолий Америка бозори 2010 йилларга бориб ташкил қилиниши башорат қилинмоқда.

Назорат саволари:

2.1. Интеграцион бирлашмалар моҳиятини тушунтиринг?

2.2. Ривожланган мамлакатларда асосий интеграцион бирлашмаларга қайсилар киради?

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда жаҳон машинасозлик саноати ва унинг ривожланиш хусусиятлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Машинасозлик саноатини изоҳлай олади.

3.2. Ривожланаган мамлакатларда машинасозлик саноатининг ривожланишини изоҳлай олади.

3-асосий савол баёни: Ҳозирги кунда дунё минтақасида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт йилдан-йилга кучайиб, ривожланиб бормоқда. Айниқса, 60-70 - йиллардан сўнг рўй берган илмий-техника инқилиби таъсирида Осиё минтақаси ўз тараққиёт жабҳасида етакчи ўринлардан бирига кўтарилди. Яқин кунларга қадар учинчи дунё мамлакатлари ҳисобланган Осиёнинг кўпгина ривожланаётган давлатлари эндиликда жаҳон бозорларида турли соҳалар ва тармоқлар бўйича асосий ўринларни эгаллашди. Хўш, бугунги кунда жаҳон мамлакатлар иқтисодиётида автомобилсозлик саноатида аҳвол қандай деган саволлар туғилиши мумкин. “Корниф” нинг хабар беришича, 90-йилларга келиб автомобилсозлик саноатида жиддий ўзгаришлар юз берган. Америка автомобилсозлик фирмалари ассоциациясининг берган маълумотига кўра, 1996 йилда дунё миқёсида автомобил ишлаб чиқариш қуйидаги тартибда рўй берган: Осиё қитъасида жойлашган мамлакатлар дунё бўйича 1996 йилдаги автомобилларнинг 33,3%ни, Ғарбий Европа мамлакатлари 32%ни, Шимолий Америка давлатлари 30,3%ни, Лотин Америкаси мамлакатлари 3,7%ни берган ҳолда жаҳоннинг бошқа барча мамлакатлари эса 1% атрофида автомобил ишлаб чиқарганлар. Агар ишлаб чиқариш фирмалар ҳисобидан қараладиган бўлса, дастлабки ўнликдан АҚШ ва Япониянинг 3 тадан, Франциянинг 2та, Германия ва Италиянинг биттадан фирмалари асосий ўринни олганлар. 1996 йилдан АҚШнинг “Женерал Моторс” (6 млн. 865 минг дона) ва “ФОРД” (5 млн. 744 минг дона) фирмалари автомобиллар ишлаб чиқариб, дунёда етакчилик қилганлар. Япониянинг “Тоёта” (4 млн. 487 минг дона) фирмаси учинчи ўринни эгаллаган. Шу йили Германиянинг “Фолксваген” фирмаси (3 млн.дан ортиқ), Франциянинг “ПСА” (2.5 млн. дона) ва “Рено” (2 млн. дона) автомобил ишлаб чиқарган. Енгил автомобиллар ишлаб чиқаришда АҚШнинг “Женерал Моторс” компанияси етакчилик қилган (5 млн.га яқин ишлаб чиқарган).

“Маграу-Хилл” компаниясининг тайёрланган маълумотига кўра, 1996 йилда дунё миқёсида сотилган автомобиллар сони 31,3 млн. донани, 1997 йилда эса 35,3 млн. донани ташкил этган. Тадқиқотчиларни фикрича 90-йилларнинг охирига бориб дунё бўйича машина сотиш даражаси 3-5%га ўсиши кузатилиб, Буюк Британия, Франция ва Испанияда эса машина савдосини кучайиши башорат қилинган.

Маълумки, 1996 йилда Ғарбий Европада янги моделдаги машиналар ишлаб чиқариш кескин камайган (11.4 млн. дона ишлаб чиқарилган). Бу эса иқтисодчилар томонидан иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги кескин камайиш деб ҳисобланади. Чунки 1996 йилда Ғарбий Европанинг 6 та автомобилсозлик фирмаларидан тўрттаси

(“Фолксваген”, “ПСА”, “Фиат”, “Форд оф Европа”) фойда ўрнига зарар кўришган, фақат “Рено” ва “Женерал Моторс оф Европа” фирмалари нисбатан фойда билан чиқишган. 1997 йилнинг дастлабки олти ойида Ғарбий Европада сотилган автомобиллар сони, 3.5 млн. донани ташкил этган. Демак, олдинги 1996 йилга нисбатан машина савдоси анча ривожланиб борганлигини кўриш мумкин. 90-йилларнинг охирига бориб Ғарбий Европа автомобилларига талаб нисбатан камайиши кузатилган (яъни 85%дан 79% га). Бунинг асосий сабаби Осиё материгидаги Япон машиналари Ғарбий Европа машиналарини жаҳон бозорларидан сиқиб чиқараётганлиги билан изоҳланади. Япон машиналарининг Ғарбий Европа бозорларига кўплаб (11%дан 15%га) кириб келиши кузатилган. Европа Иттифоқи мамлакатларига импортдаги барча чеклашлар олиб ташланди. Япониянинг “Тоёта”, “Ниссан”, “Хонда” компанияларининг Буюк Британияда жойлашган саноат корхоналарида 2000 йилдан бошлаб йилига 1 млн. дона автомобил ишлаб чиқарила бошланди. 1997 йилда Швециянинг “Вольво” компанияси билан Япониянинг “Мицубиси Моторс” компанияси ҳамкорликда тузган кўшма корхонаси 200 минг дона машина ишлаб чиқаради.

Япония иқтисодиёти ва унинг жаҳон ҳўжалигида тутган ўрни Япония Шарқий Осиёнинг Тинч океани оролларида (мамлакат 4 та йирик ва 4 мингдан ортиқ кичик ороллардан иборат) жойлашган етакчи саноати ривожланган давлатдир. Япониянинг умумий майдони 372,3 минг кв.км бўлиб, аҳолиси 128 млн. (2002 йил) кишини ташкил этади. Мамлакат территориясининг 70% дан ортиғи тоғликлардан иборат бўлиб, текислик қисми жуда камдир. Япония демографиясида 65 ёшдан ўтган аҳоли кўпчилигини ташкил этиб, жами аҳолининг 13,1% ни, аҳолининг 14 ёшдан кичиклари эса жами аҳолининг 17,2% ни ташкил этади. Аҳолининг йиллик ўсиш даражаси эса бошқа ривожланган давлатларга нисбатан анча кам бўлиб, 1991 йилга нисбатан 1992 йилда бор йўғи 0.33% ни ташкил этган. Бироқ, японлар жаҳон мамлакатлари ичида ўртача энг узок умр кўрувчи аҳоли бўлиб, ҳозирги кунда эркаклар 75 ёшни, аёллар эса 81 ёшни ташкил этади. Маълумки, “Осиё йўлбарси” деб ном олган Япониянинг дунё мамлакатларини иқтисодий ривожланишига бўлган таъсири каттадир. Япония иқтисодиёти 1868-1912 йилларда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари учун ёпилган эди. Чунки ана шу йиллар Ғарбий Европа давлатлари томонидан Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларини мустамлака қилинишидан хавотирга тушган Япония ҳукумати ташқи иқтисодий алоқаларда ва ҳатто туризм соҳасида сайёҳларнинг мамлакатга кириб чиқишлари устидан ҳам назорат ўрнатиб, денгиз савдосида ҳам маълум чекланишларни амалга оширган. Бу давр Япониянинг иқтисодий тарихида Мейдзи революцияси даври деб номланиб, мамлакат ўз ривожланишини тўхтатмаган, жумладан, Японияда эски пуллар муомаладан чиқарилиб, қиймати стандартлашган янги миллий валюта муомалага чиқарилди. 1882 йилда АҚШни иқтисодий ривожланиши модели асосида Маркази Банк ташкил топди. Парижда мамлакатда савдо айланмаси ва ишлаб чиқариш компанияларнинг эркин фаолият кўрсатишига замин яратилди. Хуллас, XIX аср охири ва XX аср бошларида “Мицубиси”, “Кавазакки”, “Явата Айрен”, “Стил Уорк” каби йирик монополистик уюшмалар ташкил топдики, ҳозирги кунда ҳам ушбу трансмиллий компаниялар (ТМК) жаҳондаги энг йирик компаниялардан ҳисобланади.¹¹

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Япония иқтисодиёти (айниқса, ташқи савдоси) катта зарар кўрди. Бироқ, 1950 ва 1960 йиллар бошида Япония саноат товарлари экспорти соҳасида бир қатор ижобий муваффақиятларни қўлга киритди. Хорижий мамлакатларнинг сармоялари эвазига Япониянинг ишлаб чиқариш корхоналари янги техник-технология билан қайта жиҳозланди. Натижада 1960 йилларнинг ўрталарига келиб, мамлакатни ташқи савдо баланси юқори кўрсаткичга кўтарилди. ҳатто 1973-1979 йилларда жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида юз берган кучли нефть кризиси Япония иқтисодиётини ривожланишига ўз таъсирини кўрсата олмади. 1987 йилда мамлакат ташқи

¹¹ International Yearbook of Industrial Statistics. UNIDO. Vienna.

савдо соҳасида энг юкори кўрсаткичга, яъни, 96,4 млрд. доллар миқдорида йиллик даромад кўришга муяссар бўлди. Хуллас, 1960 йиллардан сўнг Япония ташқи савдосининг йиллик ўсиш суръатлари 18,4% ни ташкил этган. Мамлакатнинг товарлар экспортида тўқимачилик ва энгил саноат маҳсулотлари ўрнини оғир саноат масулотлари эгаллади. 70-йилларга келиб мамлакат экспортининг асосий қисмини рангли телевизорлар, автомобил ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ташкил этган бўлса, 80-йилларга келиб бундай экспорт товарлар қаторига электрон маҳсулотлар - компьютерлар, видеомагнитофонлар қўшилди.

1973-1979 йиллардаги жаҳон мамлакатларида рўй берган нефть инқирозига қадар Япония импортининг 1/3 қисми эса Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларига тўғри келган. Бироқ, нефть кризиси йилларида бу вазият анча ўзгарди. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари Японияни 70% нефть маҳсулотлари билан таъминлаб, мамлакат умумий импортининг 30% ни ташкил этди. 1980 йиллардан сўнг Японияга Европа Иттифоқи давлатлари ва АҚШдан, Осиё-Тинч океани минтақасини ривожланаётган мамлакатларидан тайёр маҳсулотларни кириб келиши миқдори кенгайиб борди.

Маълумки, Япония иқтисодиёти иккинчи жаҳон урушига қадар секин ривожланиб жаҳон мамлакатлари ичида қолақ мамлакат бўлиб қолаверган эди. Бироқ, урушдан сўнг, айниқса, 60-йиллардан сўнг мамлакат саноати тез суръатларда ривожлана бориб, жаҳон мамлакатлари ичида саноати ривожланган етакчи давлатлардан бирига айланди. Ҳозирги кунда Япония ялпи саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш жиҳатидан АҚШ ва Европанинг баъзи мамлакатларидан кейинги ўринда туради. 80-йилларнинг ўрталарида жаҳоннинг ривожланган мамлакатларини ишлаб чиқарган ялпи саноат маҳсулотини 15% и Японияга тўғри келиб, ҳатто 1987 йилда Япония жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ичида аҳоли жон бошига ўртача ялпи миллий саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариши жиҳатидан биринчи ўринга чиқиб олган ҳам эди.

Япония иқтисодиётини ана шу йилларда тез ривожланиш сабабларидан бири ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг юкори даражада бўлишидир. Маълумки, Японияда табиий ер ости ресурслари ниҳоятда кам бўлиб, унинг саноати асосан хом-ашё маҳсулотларини келтириш ҳисобига ишлайди. Жумладан, Япония нефтнинг 99,7% ни, темир руданинг 99,9% ни, рангли металлларнинг 75%дан 99% гача, боксит, никел ва бошқа нодир металлларнинг деярли 100% ни четдан олиб келади. Япония қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан жами аҳолисининг 75-76% ни, буғдойи билан аҳолини 1/3 қисмини, гуруч ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан эса аҳолини 107% ни таъминлайди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Япония ҳукумати ва унинг парламенти ўз олдига жаҳон бозорларига сифатли рақобатбардош товарларни “экспорт қилиш ёки ҳалок бўлиш” (бу йили Туркия ва бошқа ривожланаётган давлатлар ҳам қўллашган) деган қарашлар концепциясини қўйган эди. Шунинг учун ҳам Япония ҳукумати иккинчи жаҳон урушидан сўнг, айниқса, 60-йиллардан кейин иқтисодиётни нафақат интенсив ривожлантириш йўлини, балки бир йўла жаҳон бозорларида рақобатбардош экспорт товарлар ишлаб чиқариш йўлини ҳам танлаган эди. Япония ҳукумати мамлакат иқтисодиёти учун зарур бўлган арзон ва қулай табиий ресурсларни жаҳоннинг турли хорижий мамлакатларидан олиб келиб, уларни жаҳон бозорларида рақобатбардош ўта сифатли маҳсулотлар даражасида қайта ишлаб чиқариб, фойда кўрадиган давлат бўлганлиги учун ҳам ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларига 50 дан ортиқ “ўрганиб қайтувчи” гуруҳларни чиқариб турди. Бундан мақсад, хорижий мамлакатлардаги илғор замонавий фан-техника соҳасидаги янгилик ва ютуқларни, илмий-технологияни, саноатдаги илғор бошқарув усулларни ўрганиб қайтиш ва ўзларининг ишлаб чиқариш фирма ва корхоналарида жорий қилишдир. Шунинг учун ҳам Япония ҳукумати ўз инвестициясининг асосий қисмини экспорт товарлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарни ривожлантиришга сарфламақда. Япония ҳукуматининг асосий бойлиги унинг халқи ҳисобланади. ҳақиқатдан ҳам унинг халқи “иқтисодий мўъжиза”ни мамлакатда шакллантирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Япон халқи жаҳон мамлакатлари ичида меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, тежамкорлиги, интизомлиги ва

тадбиркорлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Япония ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи ривожланган мамлакатларнинг барчасидан юқори бўлиб, ишлаб чиқаришда саноат корхоналарининг барчаси ўта автоматлаштирилган. Япония иқтисодиётининг тез суръатлар билан ривожланишининг яна бир муҳим омилларидан бири ишлаб чиқаришда чиқим даражасини бошқа ривожланган хорижий мамлакатларга нисбатан камлигидир. Японияда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришда чиқим даражаси 1.0% ни ташкил этган ҳолда (90 йиллар бошида), АҚШ да 7.0% ни, Англияда 5.0% ни, ГФРда 3.0% ни ташкил этган. 1988 йилда собиқ СССРда биргина ҳарбий соҳага сарф қилинган ҳаражат 9.0% бу ташкил қилган.

60-90 - йилларда Япония ҳукумати бюджет ҳаражатиининг 75-76% ни саноат, савдо ва коммерция ишларини ривожлантиришга, саноат корхоналарини такомиллаштириш, ЭВМ ва ахборот воситалари билан жиҳозлаш ишларига қаратди. Японияда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларнинг асосий қисми кичик ва ўрта ривожланган қайта ишлаш саноат корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Бундай саноат корхоналарга, чарм (ишлаб чиқарилган тайёр саноат маҳсулотнинг 94-95% ини беради), тўқимачилик (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 88-99% ни беради), озиқ-овқат (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 83-84% ни беради) киради. ҳозирги кунда мамлакатда 800 мингдан ортиқ қайта ишлаш саноат корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг 70-72%и бир кишидан 9 кишига қадар ишлайдиган кичик корхоналарни, 10-12%и эса 10 кишига қадар ишлайдиган йирик саноат корхоналар ташкил этади.

Японияда савдо-тижорат ишлари ҳам ниҳоятда ривожланган соҳадир. Кичик бизнес кўринишидаги дўконлар мамлакатда кўпчиликни ташкил этади. Бундай дўконлар сони мамлакатда 4 млн.дан ортиқ бўлиб, уларнинг 50-52%да бир ёки икки киши меҳнат қилади. Японияда 4 ва ундан ортиқ киши ишлайдиган оилавий бизнес дўконлар сони ҳам кўпчиликни ташкил этиб, уларни бизнес корхоналар ҳам дейилади. Япониянинг жаҳон мамлакатларига машҳур бўлган “Тоёта”, “Хонда” каби автомобилларнинг қисмлари фақатгина йирик ишлаб чиқариш заводларида йиғилади ҳолос. Унинг алоҳида деталларини эса 10 минглаб кичик хусусий корхоналар (фирмалар) тайёрлаб беради. Хуллас, Япония саноат корхоналари ҳозирги кунда замонавий илмий-техникавий ютуқларга асосланган станоклар билан, сифатли технологик ускуналар билан, электроника ва оптик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, тўлиқ компьютерлашган. Япония ҳукумати ўзининг сифатли, чиройли ва бежирим, ихчам ишлаб чиқарган саноат товарлари билан жаҳон бозорларини эгаллаб турибди. 1950-1990 йиллар давомида ишлаб чиқаришни ўртача йиллик ўсиш даражаси 7,8%ни (АҚШда 1,9%ни) ташкил этган. 1991 йилда Япония аҳоли жон бошига олганда ўртача ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқариш даражаси бўйича жаҳон мамлакатлари ичида иккинчи ўринда (Швейцарияда кейин) турди.

Япония қишлоқ хўжалиги мамлакатда рўй берган Мейдзи инқилобидан сўнг (1868-1912 йиллар) тез суръатлар билан ривожланиш даврига қадам қўйди. Мамлакат қишлоқ хўжалигида ер ислохотлари ўтказилиб, ерга бўлган хусусий мулкчилик қонунлаштирилди. 1946-1949 йиллардаги аграр ислохотлар даврида помешчик ер эгалиги мамлакатда мутлақо тугатилди. Японияда “Ер” тўғрисидаги мулкчилик қонунга мувофиқ хусусий ер эгалигининг умумий майдони 3 гектар қилиб белгиланди (Хоккайдо оролида 4 гектар). Япония қишлоқ хўжалиги тўлиқ механизациялашган бўлиб, ўз халқини гуруч, полиз-сабзавот экинлари ва боғдорчилик мевалари билан тўлиқ таъминлайди. Япония қишлоқ хўжалиги ҳозирги кунда интенсив ривожланиб бораётган соҳа бўлиб, олинаётган ҳосил юқори ва сифатли бўлишлиги билан бир қаторда жаҳон мамлакатлари ичида экологик энг тоза маҳсулотдир.

Энди биз қисқача Япониянинг йирик трансмиллий компанияларига тавсиф берамиз.

Япониянинг “Тоёта мотор компани лимитед” компанияси дунёнинг йирик капиталистик мамлакатлари ичида автомобил ишлаб чиқарувчи ТМҚдан биридир. Ушбу компания 1937 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда мамлакатда ишлаб

чиқарилаётган енгил автомобилларнинг 58-60%ни, юк машиналари ва автобусларнинг 22-23%ни ва бошқа техник маҳсулотларнинг 20-21%ни ишлаб чиқармоқда. Компаниянинг экспорт квотаси 1970-1990 йиллар давомида 20%дан 50%га қадар ўсди. “Тоёта” компанияси ўз капиталини хорижий мамлакатларга экспорт қилишни 1960 йилларда бошлаган. ҳозирги кунда компаниянинг йигирмадан ортиқ филиаллари, йиғма заводлари (Австрия, Малайзия, Индонезия, Тайланд, Филиппин, Перу, Коста-Рико, Венесуэла, Португалия, Янги Зеландия ва ҳ.к.ларда) фаолият кўрсатмоқда.

Япониянинг “Ниссан мотор компани лимитед” компанияси ўзининг катталиги жиҳатидан мамлакатнинг иккинчи энг йирик автомобил ишлаб чиқарувчи ТМКдан бири ҳисобланади. Компания 1933 йилда ташкил топган бўлиб, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг 88-90% и ушбу компания ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари компания автомобил қисмлари ва унинг узатгичлари, шунингдек текстил машиналари, денгиз двигателлари, автоюклагич машиналар, ракетага тегишли бўлган двигателларни ҳам ишлаб чиқармоқда. Компания Япониядан ташқарида 20 дан ортиқ ўз филиалларига эга. ҳозирги кунда компания йилига 3 млн.га яқин автомобилларни (30%га яқин) ишлаб чиқармоқда. Компаниянинг экспорт квотаси 1970-1990 йиллар давомида 21% дан 55%га қадар ўсган. “Ниссан” компаниясининг йиғув цехлари Тайванда (1959 й.), Мексикада (1961 й.), Чилида (1962 й.) фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек компаниянинг заводлари Малайзия, Сингапур, Тайланд, Индонезия, Ҳиндистон, Филиппин, Перу, Боливия, Венесуэла, Сингапур, Никарагуа, Коста-Рика, Австралия, Янги Зеландия, Португалия, Исландия, Жанубий Африка Республикаси, Греция, Кения каби давлатларда ҳам ишлаб турибди.

Япониянинг “Хонда мотор компани лимитед” компанияси жаҳон капиталистик дунёсида мотоцикллар ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялардан бири ҳисобланади. Автомобил ишлаб чиқариш бўйича эса компания мамлакатда 5-ўринда туради. “Хонда” компанияси 1948 йилда ташкил топган бўлиб АҚШнинг “Форд” ва “Крайслер” компаниялари билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Компания ҳиссасига мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг 60-62%и, мотоциклларнинг 28-30% и, қишлоқ хўжалик машиналарининг 12-13% и тўғри келади. “Хонда мотор” компанияси 1990 йиллар бошида 900 мингдан ортиқ кичик ҳажмли автомобилларни ишлаб чиқарган бўлиб, унинг 2/3 қисмини экспортга (асосан АҚШга) чиқарган. Компания Япониянинг автомобил бозорларини 6-8% ни эгаллаб турибди. “Хонда мотор” компаниясининг квотаси 1970-1990 йиллар давомида 32% дан 75% га қадар ўсган. Компания жаҳон мамлакатларининг олтитасида автомобил, 27 тасида эса мотоцикллар ишлаб чиқаради. Компаниянинг йирик филиаллари Тайланд, Австралия, Бразилия, Бельгия ва АҚШда ишлаб турибди. Япониянинг “Сони корпорейшн” компанияси капиталистик дунёнинг энг йирик рангли телевизор ва видеомагнитофонлар ишлаб чиқаришга асосланган компанияларидан биридир. Компания жаҳон бозорларига юқори сифатли овоз тарқатувчи аппаратлар, радиоприёмниклар ва магнитофонларни чиқаради. Компания 1946 йилда ташкил топган, 1990 йилларда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган магнитофонларнинг 19-20% и, овоз тарқатувчи кучли аппаратураларнинг 9-10% и, шунингдек бошқа электрон асбоб-ускуналарнинг 16-17% и ушбу компания ҳиссасига тўғри келган. “Сони” компанияси АҚШ, Англия, Испания, ГФР, Бразилия, Жанубий Корея ва Сингапурда телевизор ва магнитофон ленталари ишлаб чиқармоқда. “Сони” компаниясининг филиаллари Австралия, Бельгия, Франция, Голландия, Дания, Швейцария, Канада, Панама, Венесуэла, Фиджи каби хорижий давлатларда ҳам ишлаб турибди.

Япониянинг “Мицубиси электрик корпорейшн” компанияси йирик электротехника компанияларидан бири бўлиб, 1921 йилда ташкил топган. Компания 1923 йилдан бери АҚШнинг “Вестингауз электрик” технологик компанияси билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Япониянинг “Мицубиси электрик” компанияси электр машиналари (лифт, электрон компьютерлар), электрон-саноат жиҳозлари, маиший-хизмат кўрсатиш буюмлари (телевизорлар, юқори овоз чиқарувчи сифатли аппаратлар, кондиционерлари, кир ювиш

машиналари) ишлаб чиқаради. Компаниянинг экспорт квотаси 1970-1990 йилларда 7%дан 20% га қадар ўсган компаниянинг қўшма корхоналари Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Тайван, Филиппин, Тайланд, Ҳиндистон, Мексика, Коста-Рика, Канада, АҚШ ва Англияда фаолият кўрсатмоқда.

Япониянинг “Мицубиси электрик индастриал компани лимитед” компанияси электр асбоб-ускуналар ва аппаратлар ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялардан бири бўлиб, 1935 йилда ташкил топган. Компания ўзининг “Панасоник”, “Нешнл”, “Текникс”, “Квазар” савдо маркаси сифатида бутун дунёга машҳур. Компания телефон, радиоприёмник ва узаткичларни мини-компьютерлар ва рангли ксерокопия аппаратларини ва бошқа маиший аппаратларни ишлаб чиқаради. Компаниянинг экспорт квотаси 1970-1990 - йилларда 20% дан 25% га қадар ўсди. 60-йиллардан бери компаниянинг филиаллари АҚШ, Канада, Жанубий Корея, Индонезия, Тайланд, Ҳиндистон, Филиппин, Мексика, Бразилия, Перу, Венесуэла, Англия, Бельгия, Испания, Австрия, Танзания каби мамлакатларда ишлаб турибди.

Назорат саволлари:

- 3.1.Ривожланган давлатларнинг ташқи иқтисодий экспансиясини амалга оширишда ТМК қандай ўрин тутлади?
- 3.2.Саноати ривожланган давлатлар иштирокидаги қандай интеграцион гуруҳларни биласиз?
- 3.3.Япония иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи асосий омилларни санаб ўтинг?
- 3.4.Япония иқтисодиётининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги нималар ҳисобига эришилган?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни жуда катта бўлиб, бундай гуруҳга кирувчи давлатлар асосан Европа қитъси ва Шимолий Америка материгида жойлашган. Ривожланган (айниқса “катта еттилик”G7 ёки РФнинг қўшилиши билан аталувчи “катта саккизлик” G8) давлатлар иқтисодиётини ўрганиш ва уларнинг иқтисодий ривожланиш тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу мамлакатлар иқтисодиётида табиий ресурслардан тежамли фойдаланилади, ишлаб чиқаришда эса энергетика қуватини пасайишига йўл қўйилмайди.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида йирик ТМКлар ва халқаро иқтисодий ташкилотлар (ЕИ, НАФТА, АСЕАН ва бошқалар) муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар билан(айнақса, ЕИ, РФ, АҚШ, Осиё-Тинч океани давлатлари) олиб бораётган савдо- алоқалари йилдан – йилга кенгайиб бормоқда.

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 196 б.
- 2.Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.
- 3.Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик.- Т.:ТДИУ, 2011.- 276 б.
- 4.Мировая экономика и международный бизнес: учебник/ кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р. К. Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.
- 5.Внешнеэкономическая деятельность: учебник, для студ. сред. проф. учебник, заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Симитенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.
- 6.Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. - М.: Магистр, 2007. - 429 стр.
- 7.Назарова Г, Иминов З. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. - 2010. - 319 бет.

8. Назарова Г. Ф., Ҳайдаров Н. Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар / академик С. С. Ғуломов таҳрири остида (ўқув қўлланма), ТДИУ, 2005 й. 272 бет.
9. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник / Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 стр.

9-мавзу. Ривожланаётган мамлакатлар - халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари
2. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро товар алмашинувида тугган ўрни ва роли
3. Хорижий сармоялар – ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида
4. “Янги индустриал мамлакатлар” нинг жаҳон хўжалигида тугган ўрни

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: юқори даражада ривожланаётган, ўртача даражада ривожланаётган, паст ривожланган мамлакатлар, “ЯИД”, ЯИМ ўсиш суръатлари, ташқи савдо айланмасининг ўсиши, экспортга йўналтирилган ва импортни қоплаш сиёсатлари.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Ривожланаётган мамлакатлар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари мавжуд. Шунга сиз қандай фикр билдирасиз?
2. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро товар алмашинувида тугган ўрни ва роли изоҳланг?
3. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида хорижий сармоялар муҳим роль ўйнайди. Уни қандай изоҳлайсиз?
4. “Янги индустриал мамлакатлар” нинг жаҳон хўжалигида тугган ўрнига, сиз қандай фикр билдирасиз?

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда ривожланаётган мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Ривожланаётган мамлакатлар таркибини изоҳлай олади.
- 1.2. Ривожланаётган мамлакатлар ижтимоий – иқтисодий ривожланиш хусусиятларини изоҳлай олади.

1-асосий савол баёни: XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимини ривожланишининг аҳамиятли томонларидан бири, собиқ мустамлака ва қарам территорияларнинг роли ва аҳамиятини иқтисодий жиҳатдан кучайиб бораётганлигидир. Ушбу мамлакатлар аввал жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар ёки озод этилган мамлакатлар, “учинчи дунё мамлакатлари”, “жануб” мамлакатлари ёки “периферия” мамлакатлари сифатида тилга олинган бўлса, ҳозирги кунда умумий тарзда ривожланаётган мамлакатлар дея аталади.

Бу мамлакатлар иқтисодиёти турли-тумандир, уларнинг худудида 3,2 млрд атрофида аҳоли яшайди. Ушбу мамлакатларда ҳозирги кунда жуда муракаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар кечмоқда

Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларда озодликка эришган мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиши XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тобора усиб боровчи характер касб этмоқда. Уларнинг энг илгорлари 1950 йилга келиб, ривожланаётган мамлакатларнинг “ўртачаларидан” (54 мамлакат) 2,4 марта, юксакликка эришди. 50 – йилларнинг урталаридан бошлаб, юқорида зикр этилган мамлакатлар уртасидаги ривожланиш даражисидаги фарқ сезиларли даражада ортиб борди. 90 – йилларга келиб ривожланаётган мамлакатларнинг биринчи гуруҳига кирувчи (19 та мамлакат) мамлакатлардаги аҳоли жон бошига “тўғри келувчи ўртача фойда” ўртачаларига нисбатан 2,9 баробар, куйи гуруҳлариникига нисбатан эса 12,2 баробар юқори бўлди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг айнан шу гуруҳларининг таркибида ҳам, ривожланиш даражалари ўртасидаги боғлиқда ҳам ўзгаришлар вужудга келди. Жаҳон иқтисодиётида ушбу жараёнлар натижасида табақалашув ҳам иккита асосий минтақада рўй берган эди. Минтақанинг бир томонида озодликка эришган мамлакатларнинг кўпроқ ривожланганлари, жумладан, форс кўрфазидаги бир қатор мамлакатлар – Қатар, Қувайт, БАА, шунингдек Осиё – Тинч океани минтақаси ва Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатлар жойлашган бўлса, минтақанинг иккинчи томонида эса мутлақо турғунлик ҳолатидаги иқтисодий камбағал мамлакатлар жойлашгандир. Бу категорияга 48 та мамлакат тааллуқлидир. Буларга бир қатор Африка мамлакатларини, жумладан Мозамбик (ЯИМ йилига киши бошига 80 доллар), Эфиопия (100 доллар), Сьера Леоне (140 доллар), Бурунди (180 доллар), Уганда (190 доллар), Чад ва Руанда (200 доллар) каби давлатларни киритиш мумкин. Бу гуруҳга тааллуқли мамлакатлардан ташқари, гуруҳ руйхатининг янада қуйи қисмида жойлашаган бир қатор Осиё мамлакатларини – Непал (160 доллар), Бутан ва Вьетнам (170 доллар), Маянма ва бошқа давлатларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Ушбу минтақалар орасида ривожланаётган мамлакатларнинг қолган қисмлари жойлашгандир. Бу ҳам ўз навбатида, бир хил типда бўлмаган гуруҳдир. Унинг таркибига кирувчи мамлакатлар кўплаб ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича фарқланади. Бу мамлакатлардан энг ривожланганлари ҳозирги кунда иқтисодий жиҳатдан “янги индустриал давлатлар” иқтисодиётига яқинлашиб бормоқда. Жумладан, Лотин Америкаси ва Шимолий Америка ўртасидаги фарқ сезиларли равишда қисқармоқда. Шимолий Американинг ялпи миллий маҳсулоти Лотин Америкасининг ялпи миллий маҳсулотидан 4 марта кўпроқни ташкил этади (50 йил олдин бу нисбат 10:1 ни ташкил этган).

Ушбу иқтисодий ривожланишдаги фарқларга қарамасдан ривожланаётган мамлакатларнинг барчасига хос бўлган умумий хусусиятларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин бўлиб, булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: □
Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг кўп укладли характерга эгаллиги.

□ Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши паст даражада эканлиги, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий инфраструктуранинг қолоқ эканлиги (биринчи гуруҳ, “юқори кутб” мамлакатларини ҳисобга олмаганда).

□ Уларнинг иқтисодий ривожланиши жаҳон хўжалиги тизимида қарам ҳолатда эканлиги, капитализмни периферик характер касб этиши ва бошқалар.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти кўп укладли ижтимоий-иқтисодий таркибга асосланади. Бир қатор мамлакатларда капиталистик уклад билан бир қаторда ҳамон уруг-аймогчилик ва патриархал муносабатлар ҳам мавжуддир. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида давлат ва давлат хўжалик уклади муҳим рол ўйнайди. Давлат секторини ривожлантириш босқичи капиталистик ишбилармонликни кенгайтириш сиёсати билан ҳамоханг олиб борилади. Бунинг натижасида эса давлат капитализми пайдо бўлади ва ривожланади.

Миллий хусусий капиталистик хўжалик укладнинг ривожланиши ва шаклланиши жамғариш муаммолари (яъни, пул ресурсларининг етишмовчилиги) ва жамғарилган маблағларнинг сарфланиши хусусиятларига боғлиқдир. Бу маблағлар асосан савдога (ички ва ташқи), кучмас мулкларни сотиб олишга, машиналарни таъмирлашга, сугуртага, бензин қўйиш шахобчаларига, таксига, яъни сармояларни айланиши тез бўлган соҳаларга йуналтирилади.

Жаҳон иқтисодиётида озодликка эришган ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида пайдо бўлган ва ривожланиб бораётган капитализм периферик характерга эга. Бу шуни англатадики, у саноати ривожланган мамлакатлар капитализмдан нафакат ривожланиш даражаси бўйича, балки энг муҳими, ишлаб чиқариш усулларнинг модели ва моддий неъматлар тақсимооти бўйича ҳам тубдан фарқ қилади. Капитализм марказлари, жамғаришнинг органик ва узаро алоқадор доимий ўсиш жараёнида бўлган миллий заминда пайдо бўлади ва ривожланади. Мослашувчанлик (имитация) аҳолининг бой

катламларининг узлари учун зарурий бўлган барча нарсаларни қўлга кирита оладиган махсус бозорларнинг ташкил топишидан бошланди. Бундай вазиятда аҳолининг асосий қисми камбағалликка махкум этилиб, уларни бозорларда эркин муомалада бўлиш имкониятидан махрум этади.

Трансмиллий корпорациялар томонидан жорий килинган янги техник-технологиялар одатда ҳозирги кунга мос келади, аммо уларнинг бозор нархлари жуда юқори бўлиб, ривожланаётган мамлакатлар учун қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Жаҳон иқтисодиётида кўпчилик ривожланаётган мамлакатларнинг ухшашлик томонлари, яъни уларнинг қашшоқлиги, аҳолисининг қоқлиги, ишсизлик даражасининг юқорилиги, саноати ривожланган мамлакатлардан катта миқдорда карздорлиги бўлиб ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги ўзининг тулакони ижтимоий – иқтисодий ривожланиши ва аҳолисининг яшаш турмуш тарзи даражаси бўйича Ғарбий Европани саноатлашган илгор мамлакатларидан қарийб 20-50 маротаба орқада қоқмоқда.

Назорат саволари:

1.1. Ривожланаётган мамлакатлар деганда қайси мамлакатларни тушунаси?

1.2. Ривожланаётган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятини тушунтириб беринг?

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро товар алмашинувида тутган ўрни ва роли тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро товар алмашинувида тутган ўрни ва ролини изоҳлай олади.

2.2. Ривожланаётган мамлакатлар халқаро савдода ихтисослашувини изоҳлай олади.

2-асосий савол баёни: Халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш, жаҳон хўжалиги алоқаларининг ривожланиши, молиявий ресурсларнинг мамлакатлараро оқиб юриши, иқтисодий тараққиётнинг асосий шарт-шароитларига айланиб қоқди. Мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида иштирок этиш орқали, ривожланаётган мамлакатларнинг барчаси 60-70 йиллардан эътиборан халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этишга интилиб келмоқда. Уларнинг халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш зарурияти тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча нарсаларни етиштириш имкониятига эга эмаслиги билан асосланади. Ҳозирги кунда ривожланаётган мамлакатлар деярли саноати ривожланган мамлакатлар учун хом – ашё етиштириб берувчи ҳамда нисбатан арзон ишчи кучи манбаи бўлиб қоқмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимотида хўжалик фаолиятининг барча шакллари жамланган. Энг муҳими, халқаро савдонинг асосини ташкил этувчи хом – ашё ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш барча ривожланаётган мамлакатлар билан дунёнинг бошқа ривожланган давлатлари ўртасидаги товар алмашинувини таъминлайди. Халқаро савдо энг камбағал ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам ташқи даромаднинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Аммо, материал ва энергия сифимининг кейинги йилларида камайиши муносабати билан ривожланган мамлакатнинг ўсишида табиий хом – ашёларнинг халқаро савдодаги тутган ўрни пасайиб бориш тенденциялари намоён бўлмоқда. Шунга мувофиқ у 1991 йилда жаҳон экспорти умумий улушининг 25% ни ташкил этган эди. Жаҳон иқтисодиётида 70-90 йилларда Африканинг ривожланаётган мамлакатларини умумий экспорт ҳажмидаги улуши қисқариб борганлиги қайд этилади. Осиё мамлакатларидан жўнатилаётган саноат ва қишлоқ хўжалик молларининг доимий ўсиб борганлигига қарамасдан у 2 баробарга пасайиб кетган эди. Экспортини асосини ташкил этувчи хом- ашёлардан иборат бўлган ривожланаётган мамлакатларда, уларнинг жаҳон бозорида эгаллаб турган позицияларининг ёмонлашувини тухтатиш имкониятига эга бўлган кушимча экспорт ресурсларини излаб топишга бўлган кучли эҳтиёж сезилмоқда. Бунинг учун, экспортнинг хилма-хиллигини таъминлашга, яъни чиқариладиган хом-ашёларни қайта ишлаш, бошқа турдаги саноат маҳсулотларни жаҳон

бозоридаги эркин харакатини таъминлаш, энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Анъанавий товарлар экспорти ҳажмини кенгайтириш борасидаги кўпчилик муаммоларга қарамасдан, ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги умумий улуши аста-секинлик билан ўсиб бормоқда. Шунингдек, у 1987 йилдаги 22% ўрнига 1992 йилга келиб 24,7% га етган эди. 1993 йилда ривожланаётган мамлакатларнинг экспортини физик ҳажми, саноати ривожланаётган мамлакатларда 1,2 % га қисқарганига қарамасдан, яна 10% га ортган эди. Ривожланаётган мамлакатларда жами экспортни таркиблаштириш жараёнлари ҳам содир бўлмоқда. Шунингдек, ривожланаётган мамлакатлар экспортдги саноат молларининг улуши (рангли материалларни ҳисобга олганда) 1991 йилда 57,7% га етган эди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг экспортидаги саноат молларининг улуши ҳам ушиб борди. Агар у 1970 йилда – 7,6% ни ташкил этган бўлса, 1980 йилда 11% ни , 1991 йилда 19,5% ни , 1995 йилда 25%, 2003 йилда эса 30%ни ташкил этган эди. Хуллас, жаҳон ҳўжалигида 90 йиллар ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги улуши доимий ўсишлик тенденциясига эга, бўлганлиги билан характерланади.

Саноат махсулотлари экспорти ҳажмининг ўсишида, машина ва асбоб – ускуналар энг муҳим роль ўйнамоқда. Уларни экспорт қилиш 1970-1990 йилларда 85-90 маротабага ушиб, саноатнинг умумий улуши 35-36% ни, товарлар экспортининг умумий ҳажми эса 22% ни ташкил этган эди. Ривожланаётган мамлакатларнинг баъзи бирлари (Эрон, Конго, Боливия, Парагвай каби 12 давлат) 1980-1990 йиллар мобайнида хом-ашё махсулотларни четга чиқариш ҳисобига узларининг халқаро меҳнат тақсимотида катнашиш имкониятларини кучайтиришга эришдилар. Бошқа мамлакатлар эса, узларининг жаҳон экспортидаги шахсий улушларини, саноатда қайта ишланадиган махсулотларнинг ташки бозордаги актив харакати ҳисобига ошириб борган эди. Ўз навбатида, мазкур гуруҳлар уртасидаги алоҳида мамлакатлар эришган муваффақиятларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳон иқтисодиётида олдинги ўринлардан бирида “янги индустриал мамлакатлар” бораётган бўлса, бошқа ривожланаётган мамлакатлар эса, экспортнинг асосини ташкил этувчи саноатни кучайтириш ва кенгайтириш борасида энг кам улушни қўлга киритишган. Баъзи бирлари эса, масалан, Африканинг энг йирик мамлақати ҳисобланмиш Нигерия ўзининг саноат экспортидаги улушини тобора қисқартириб бормоқда.

Халқаро савдо мисолида, ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишини баҳолаш орқали жаҳон ҳўжалиги тизимининг бутунлай нотенглик асосида қурилганлигини қуришимиз мумкин. Баъзи бир ривожланаётган мамлакатлар илмий технологик ютуқлардан кам фойдаланаётган бир пайтда, ривожланаётган дунёнинг қолган қисми олдиндек анъанавий индустриаллашувга, баъзи бир қисми эса индустриаллашувгача бўлган технологик ютуқларга асосланиб тараккий этмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳволи билан боғлиқ бўлган умумий ҳолатларни характерлаш орқали шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, қоқ ривожланаётган мамлакатлар борган сари халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидан “ажратиб” қўйилмоқда. Бундай фикрлар 1996 йилда халқаро савдонинг ривожланишига бағишлаб ўтказилган БМТ нинг конференциясида (ЮНКТАД) қилинган маърузаларда келтириб ўтилган эди. Доклад авторларининг фикрича, Уругвай, Раунди, доирасида амал қилувчи глобал савдо битими мақомини олган ГАТТ – кишлоқ ҳўжалиги махсулотларини экспорт қилишда субсидияларни қисқартириш кераклигини таъкидлаб ўтади. Бундай вазият, кучсиз ривожланган мамлакатларга нисбатан берилган кучли зарба эди. Ҳозирги кунда жоҳон иқтисодиётида буғдой, қанд, гўшт ва бошқа турдаги озиқ-овқат

махсулотларининг бозор нархлари ошиб бормоқда. 2000 йилда 300-600 млрд. долларни ташкил этган эди.¹²

Дунё савдосида хом-ашё ва озиқ-овқат махсулотларининг улуши тобора қисқариб бориши ролини йўқотмоқда. Иқтисодий ўсишни кўллаб-қувватлаш мақсадидаги хом-ашёвий ихтисослашув эса вақтинча ўзининг ёрдамчилик ролини бажаришга кодирлигини кўрсатмоқда халос. Халқаро савдонинг ривожланиш тенденцияларини гувоҳлик беришича; сўнгги ўн йилликларда турли хилдаги хизматларнинг ҳажми ва аҳамияти бекиёс даражада ўсиб бормоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг бу йўлдаги имкониятларидан самарали фойдаланмоқдалар. Масалан, сайёхлик ва меҳнат билан боғлиқ хизматлар, турли хилдаги “ифлос” ва паст маош тўланадиган ишлар учун ишчи кучларини экспорт қилиш шулар жумласидандир.

Сайёхлик кўп йиллардан буён, ривожланаётган мамлакатлар учун хорижий валюталар тушумининг асосий манбалардан бири бўлиб қолмоқда. Миср учун туризм соҳасидан келаётган даромад хорижий мамлакатларда вақтинчалик банд бўлган мисрлик ишчилар ҳисобидан келадиган валюталар ва хорижий ёрдамлардан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Сўнгги йилларда туризм Туркияда юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу кўрсаткич туризмнинг умум жаҳон миқёсидаги 4% ли ўсиш кўрсаткичи билан таққосланганда, йилига 8%ни ташкил этади. Туркия кўпроқ миллий иқтисодиётнинг туризм тармоғини динамик ривожланиши билан фарқ қилувчи беш мамлакат қаторига киритилган. Шу нарса кутилмоқдаки, 2005 йилларнинг охирига бориб Туркия сайёхликдан тушадиган даромаднинг ўлчами бўйича дунёда олтинчи ўринни эгаллаши башорат қилинмоқда.

Назорат саволлари:

2.1.Халқаро савдо таркибини тушунтириб беринг?

2.2.Ривожланаётган мамлакатлар халқаро савдода ихтисослашувини изоҳлаб беринг?

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда хорижий сармоялар–ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1.Хорижий сармоялар моҳиятини изоҳлай олади.

3.2.Хорижий сармояларнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги ўрнини изоҳлай олади.

3-асосий савол баёни: Жаҳон иқтисодиётида “қашшоқлик ботқоғи”дан кутилишга бўлган интилиш, иқтисодиётнинг илғор тармоқларини ривожланишга бўлган имкониятни яратиш ва такомиллаштириш ривожланаётган мамлакатлар учун хорижий сармояларни изчил жалб қилишни талаб этади. Ана шу мақсадларда, инвестицион муҳитни кафолатлайдиган шарт-шароити мавжуд бўлган махсус минтақавий иқтисодий зоналар ташкил этилади.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда инвестицион муҳитни кучайтириб бориш жараёнлари осонлик билан кечаётгани йўқ. 1992 йилда ривожланаётган мамлакатларга киртилган тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг миқдори 51,5 млрд. долларни ташкил этган эди. 90-йиллар бошида жаҳон банкининг маълумотига қараганда, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хусусий капиталнинг жалб қилиниши янада кучайиб, 1994 йилда 173 млрд. долларни ташкил этган. Янги фонд бозорларидаги акцияларга банд этилган портфель кўйилмалар 1993 йилда 46,9 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 1994-йилда 39,5 млрд. долларни ташкил этган эди. Ўз навбатида банкларда депонинтланган ва облигацияларга қўйилган хусусий сармояларнинг киймати 1993 йилда 45,7 млрд. доллардан 1994 йилдан 55,5 млрд. долларга ўсган. Тўғридан-тўғри йўналтирилга хорижий инвестициялар миқдори эса 1993 йилда 66,6 млрд. доллардан 1994 йилда 77,9 млрд. долларга ўсган . Кайд этиб ўтиш жоизки, 1993 йилда баъзи-бир

¹² James H. The End of Globalization: lesns from the great Depression. Harvard College, 2001.

ривожланаётган мамлакатларнинг ўзлари ҳам 14 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги сармояни хорижий мамлакатларга экспорт қилишган.

“Эрнест ва Янг” америка консолтинг фирмаларнинг берган баҳоларига кўра яқин ўн йилликларда ривожланаётган мамлакатларнинг энг кузга кўринганлари - Хитой, Хиндистон, Индонезия, Мексика ва Бразилия каби мамлакатлар бўлиши башорат қилинмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хусусий сармоялар жалб қилинар экан, энг муҳими, улар динамикали ўсиш имкониятига эга бўлиб, истикболи порлок бўлган мамлакатлар томон илгарилаб бормоқда. Бугунги кунда 75-80% тўғридан-тўғри йўналтирилган хусусий инвестицияларнинг 20-25% и ривожланаётган мамлакатларга тугри келмоқда. Бунда асосий ўринни Шаркий Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари эгалламоқда. Кучсиз ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг тургунлиги ва шунингдек улардаги сиёсий вазиятнинг борқарор эмаслиги, кўпинча саноати ривожланаётган мамлакатларнинг ишбилармон доираларини чучитиб қўймоқда. Ушбу мамлакатлар томонидан уюштирилаётган давлат ёрдамлари, сунги 70-80 йилларда етарли даражада амалга оширилган бўлсада, 90 йилларининг урталаридан этиборан уларнинг миқдори сезиларли даражада қисқариб бормоқда. Халқаро валюта фондининг аналитикларининг фикрига қараганда 1994 йилда бутун дунё бўйича инфляциянинг олдини олиш мақсадида давлат йўллари орқали 59 млрд. АҚШ доллари тенг бўлган расмий ёрдамлар уюштирилган (бу кўрсаткич 1993 йилдагига нисбатан 3 млрд. АҚШ доллари камдир). Ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатлар билан давлат миқёсидаги ўзаро ҳамкорлиги ўзининг мёърига етган 1990 йилдаги даражаси билан такқослаб қурилганда, бу ракам 12 млрд. АҚШ долларига қамайган. Бу пайтда иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан уюштирилаётган ёрдам жами ялпи миллий махсулротнинг 0,3% ни ташкил этган халос Муҳим томони шундаки, Африка мамлакатларига уюштирилаётган барча ташқи ёрдамлар қарзларнинг фоизлари шаклида Ғарбий Европа томон қайтиб кетмоқда. 90- йилларнинг урталарида Африканинг Сахарасидан жанубгача бўлган минтақасидаги барча мамлакатларнинг ташқи қарзлари 211 млрд. долларни ташкил этган бўлиб, 1984-1994 йилларда Африка давлатлари ушбу кредит қарзларининг 150 млрд. АҚШ доллари яқинини тулашга мувофак бўлишган халос. 1994 йилда Африканинг барча минтақаларида жойлашган давлатларнинг умумий қарзлари тахминан 303 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, у Африка мамлакатларини йиллик экспорт даромадининг 204% га тенгдир.

1994 йилда энг катта ташқи қарз Мексика ва Хитойда бўлиб, унинг миқдори Мексикада 5 млрд. долларни, Хитойда 111 млрд. долларни ташкил этган. Тайланд, Жанубий Корея, Хиндистон, Филиппин каби Осиё давлатларининг ташқи қарзлари тез сурутлар билан ўсиб бормоқда. Осиё минтақасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзларини миқдори 1994 йилда 1,7 трлн. АҚШ долларни ташкил этган бўлиб, 1993 йилги даражага нисбатан 10% га ўсган эди.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда Лотин Америкаси мамлакатларининг ташқи қарзларини ўсиб бораётганлигини биз ташқи қарзларни аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланганда мазкур мамлакатлар бошқа мамлакатларга қараганда анча олдинда турганлигини кўришимиз мумкин (бу кўрсаткич Осиёда 250 долларга тенг бўлса, Лотин Америкасида эса 1000 долларни ташкил этади).

Ривожланаётган мамлакатларнинг амалдаги қарзлари хусусий капитал қўйилмаларнинг ҳисобидаги мулкый муносабатлар орқали тўпланиб боради. 1995 йилда кредитор мамлакатлар орасида Япония биринчи ўринни эгаллаган бўлиб, унинг ривожланаётган мамлакатлардаги (биринчи навбатда Осиё мамлакатларида) кредитларнинг умумий миқдори тахминан 236 млрд. долларни ташкил этган. Кейинги ўринни – 147 млрд. доллар миқдоридаги кўрсаткич билан АҚШ эгаллаган бўлиб, уларнинг ярмиси Лотин Америкаси мамлакатларига тўғри келган эди. Учинчи ўринда эса Германия туриб, у 106 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги сармояларни четга чиқарган. Ўз навбатида

Франция ҳам хорижий мамлакатларга унча катта миқдордаги кредитларни берувчи давлат ҳисобланади (103 млрд. доллар). Унинг қарздорлари бўлиб, асосан Африка ва Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар томонидан қарзларнинг қайтарилиши энг оғир муаммо бўлиб турган бир пайтда, қарздорликка қарши курашнинг бирдан-бир йўли, бу кредитор мамлакатларнинг қарзларини кечиб юбориладиган умумий миқдорини 75-100%га етказиш кўзда тутилганлигидир. Бундан кўзланган бош мақсад, 80-йиллардан буён қарзларнинг миқдори юқори суръатлар билан ўсиб келаётган мамлакатларга нисбатан енгиллик беришдир.

Трансмиллий корпорациялар кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда юксак иқтисодий ўзгаришларни вужудга келтираётганлиги билан бир қаторда, ушбу корпорациялар техник тараққиётининг ички омилларига ҳам жуда катта имкониятлар очиб бермоқда. Амалиёт натижалари шуни кўрсатмоқдаки, трансмиллий корпорациялар “учинчи дунё” мамлакатларининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Булар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Бир қатор ишлаб чиқариш саноат тармоқларда (енгил саноат, тўқимачилик саноати, электрон саноати) қўлланиладиган техника ва технологияларни етказиб беришда ТМКлар инвестор-сармоячи сифатида ҳам, шунингдек инвестиция товарларини ёки технологияларини (лицензияларини) етказиб берувчи корпорациялар сифатида ҳам муҳим роль ўйнайди.

2. Ривожланаётган мамлакатларни жаҳон бозорига хом-ашё экспорт қилувчи давлатлардан тайёр маҳсулотларнинг сотувчиларига айлантириш. Бунда, бевосита кўйилма, ривожланаётган мамлакатларни ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлари учун тўғридан – тўғри йўналишидаги инвестициялар молиявий ресурсларни оддий жойлаштиришга нисбатан анча муҳим ҳисобланади.

3. Трансмиллий корпорациялар анъанавий жараёнларнинг тезлашувини таъминлайди. Технологик инновацилар ҳозирги кунда асосан саноати ривожланган мамлакатларда тўпланган бўлиб, сўнгги ўн йилликларда улар бир қатор мамлакатларда, айниқса “янги индустриал давлатлар” иқтисодиётида муҳим роль ўйнамоқда. Технологияларни қўлланиши, атроф-муҳит билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ТМКларнинг филиалларини фаолияти улар танлаган мамлакатларнинг табиати учун, шунингдек инсонларнинг манфаати ва уларнинг ҳаётига таҳдид солмаслиги лозим. Шу муносабат билан хусусий шунингдек хорижий корхоналар устидан назоратни ўрнатиш мақсадида ривожланаётган мамлакатлардаги тартибот миллий органларининг фаолиятини кучайтириш талаб этилади.

4. ТМКлар ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд иш билан бандлик муаммоларини ҳам бартараф этади. Шунга қарамадан, таъкидлаб ўтиш жоизки, тўғридан –тўғри йўналтирилган инвестициялар билан бевосита боғлиқ бўлган ишчи ўринлар унчалик кўп бўлмасдан ривожланаётган дунёдаги иқтисодий актив аҳолининг 1% дан камроқ қисмини таъминлай олади, халос.

5. Халқаро ташкилотлар ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдамларини кўрсатишда ТМКлар имкониятидан кенг фойдаланишмоқда. Ўз навбатида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукумат раҳбарлари ҳам ТМКларни ўз иқтисодиётига жалб этиш борасида ўзаро кураш олиб бормоқдалар. Масалан, АҚШнинг “Женерал моторс” компанияси 2005 йилда ўзининг Осиё –Тинч океани минтақаси бозоридаги улушини икки баробарга ошириш мақсадида, унинг 10% га қадар кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Хуллас, жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг объектив қонунларига бўйсунган ҳолда, ривожланаётган мамлакатлар хусусий мақсадлар билан бир қаторда ижтимоий – иқтисодий муаммоларнинг ҳамда ТМКларнинг мамлакатлар иқтисодиётидаги манфаатларига мос келувчи зарурий параметрларини излаб топмоқдалар.

Назорат саволлари:

3.1. Хорижий сармоялар нима нима?

3.2. Четга капитал чиқаришнинг қандай шакллари мавжуд?

3.3. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида ташқи қарз муаммоси қандай?

4-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда “Янги индустриал мамлакатлар” нинг жаҳон ҳўжалигида тутган ўрни тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

4.1. Янги индустриал мамлакатлар моҳиятини изоҳлай олади.

4.2. Янги индустриал мамлакатлар иқтисодий ривожланиш сабаблари моҳиятини изоҳлай олади.

4.3. Янги индустриал мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини изоҳлай олади.

4-асосий савол баёни: Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда “Янги индустриал мамлакатлар” (“ЯИМ”) ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигидан иқтисодий параметрларининг барча системалари бўйича ажралиб туради. “ЯИМ”ни ривожланаётган мамлакатлардан фарқлашиб турувчи хусусиятларидан бири уларни ривожланган капиталистик мамлакатлардан ҳам ажратиб туришлидир. Яъни, уларнинг ривожланиши “Янги индустриал” ривожланиш модели сифатида мавжудлигидир. Бундай характерли томонлар, Лотин Америкасидаги ва шунингдек Осиёдаги “ЯИМ”нинг ривожланиш тажрибасини чуқур анализ қилиш жараёнида кўзга ташланган эди.

Лотин Америкасидаги “ЯИМ”ларнинг ривожланиш тажрибаси ва шунингдек Осиёдаги “ЯИМ”ларнинг кўпчилиги озодликка эришган жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари учун халқ ҳўжалигининг ички ривожланиш динамикаси бўйича ҳам, ташқи иқтисодий муносабатларининг экспансияси бўйича ҳам, ривожланишнинг ўзига хос намунаси бўлиб қолмоқда. Одатда, ривожланаётган “Янги индустриал мамлакатлар” қаторига Осиёдаги Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, Малайзия шу билан бир қаторда Лотин Америкасидаги “ЯИМ”лар –Аргентина, Бразилия, Мексика каби мамлакатлар таалуққлидир. Юқорида санаб ўтилган барча мамлакатлар “ЯИМ”ларнинг биринчи авлодлари ёки биринчи қалдирғочлари ҳисобланади. Уларнинг орқасида “ЯИМ”нинг сўнгги авлодлари (Филиппин ва Хитойнинг жанубий чегаралари ва бошқалар) етишиб чиқмоқда. БМТ томонидан ишлаб чиқарган методика бўйича “ЯИМ”лар қаторига кирувчи давлатлар у ёки бу критериялар бўйича алоҳида ажралиб туради. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг миқдори бўйича.
- Ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари бўйича.
- Ялпи ички маҳсулот таркибидаги қайта ишлаш саноатининг умумий миқдори бўйича (20% атрофида бўлиши керак).
- Чиқариладиган товарларнинг умумий миқдорига нисбатан саноат маҳсулотларининг улуши ва экспорт миқдори бўйича.
- Хорижий мамлакатларга чиқариладиган тўғридан–тўғри инвестицияларнинг умумий миқдори ва ҳ.о.лар

“ЯИМ”лар ушбу кўрсаткичлар бўйича нафақат ривожланаётган мамлакатлардан ажралиб туради, балки айрим ҳолларда бир қатор саноати ривожланган мамлакатлардан ҳам ушбу кўрсаткичлар бўйича устунликка эгадир. Масалан, Тайвань, 1952-1995 йилларда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмини 170 маротаба ўстирган эди. (аҳолининг ўсишига нисбатан 2,5 маротаба ортиқроқдир). Ташқи савдо ҳажмини эса 544 маротабага оширди. Мамлакатнинг инфляция даражаси ўртача 3,6%ни, иқтисодий ўсишнинг ўртача йиллик суръати 8,7%ни ташкил этган эди. Тайвань иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича дунёнинг илғор мамлакатлари қаторига киритилган бўлиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад тахминан 12 минг долларни ташкил қилган эди.

Шундай қилиб, 1960-1990 йилларда Осиё минтақасидаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш суръати ҳисоблаб кўрилганда унинг миқдори йилига 5%ни

ташкил этганлигини кўришимиз мумкин (бу кўрсаткич Европа мамлакатларида 2%га тенг бўлган). Ана шу йилларда Тайванда йиллик ўсиш суръати жуда юқори бўлиб 8,7%ни ташкил этган. 90- йилларда Жанубий Корея ва Сингапурда йиллик ўсиш суръатлари 8%ни, Малайзияда эса 9%ни ташкил этган.

Жаҳон иқтисодиётида “Янги индустриал мамлакатлар”нинг иқтисодий ривожланиш суръатининг юқорилиги аҳолининг яшаш турмуш тарзини, яхшилаб бораётганлиги билан уйғунлашиб бормоқда. 1960-1990 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад ривожланаётган “ЯИМ”да 4 маротаба ўсган эди. Хуллас, халқаро экспертларнинг башорат қилишича, 2010 йилга бориб Шарқий Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари Ғарбий Европанинг ялпи миллий маҳсулотининг ҳажми бўйича қувиб ўтиши, 2020 йилларга бориб эса Шимолий Америкадан ҳам ўзиб кетиши башорат қилинмоқда.

Осиё – Тинч океани минтақасининг “ЯИД”ларидан бири Сингапур ҳақида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, у 1995 йилда минтақа давлатлари ичида биринчи бўлиб “индустриал ривожланган мамлакат” статусини кўлга киритди. Бундай унвон унга Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (ИХРТ) томонидан расман эълон қилинди. Барқарор иқтисодий ўсишнинг 5-10 йиллиги давомида ўзига нисбатан паст ривожланган 10 мамлакат доирасидан ажралиб чиқиб, дунёнинг бой давлатлари қаторидан жой олди. (аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ҳисобига). Сиёсий барқарорлик шароитида мамлакатнинг саноатида йиллик ўсиш суръати ўртача 8,4%ни ташкил этди. Мамлакат аҳолисининг яшаш турмуш тарзи эса ўртача етти маротабага ортди. Сингапурдаги ҳар бир аҳолининг ўртача статистик даромади 1995 йилда 22,3 долларни ташкил этди.

Ўз навбатида Гонконг ҳам узоқ йиллар давомида Буюк Британиянинг собиқ колонияси бўлиб, кейинчалик у ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўзининг метрополияли даражасидан юқори поғонага кўтарилган эди.

“ЯИМ”нинг иқтисодий ривожланиш модели ва унинг муваффақиятли тараққий этиш томонлари қараб чиқилганда, унинг ташқи ва ички омиллари хусусида ҳам тўхталиб ўтилади. Кўриниб турибдики, омилларнинг бу икки грухлари, “ЯИМ”ларнинг ҳукумат раҳбарлари томонидан олиб борилаётган нозик мақсадли сиёсатлар орқали тўлдириб турилади. “ЯИМ”ларнинг ички тузилишидаги муаммоларга, ҳамда уларнинг хўжалик механизмларига асосий эътиборни қаратмасдан туриб, “ЯИМ”ташқи иқтисодий омилларининг ўзига хос томонларини очиб бера олмаймиз. Энди биз Лотин Америкасининг “ЯИМ”нинг ривожланиши хусусида тўхталиб ўтамиз.

Жаҳон тажрибаси гувоҳлик бермоқдаки, жаҳоннинг у ёки бу мамлакатлари халқаро иқтисодий ҳамкорликка фаол актив киришаётганда асосий ишни хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда ташқи савдонинг ўсишига хос ҳисобланадиган шарт-шароитларни яратишдан бошлайди. Шундай экан, бу мамлакатлар ўз иқтисодий ривожланишлари доирасида технологик ишлаб чиқаришнинг барча буғинларидан кенг фойдаланган ҳолда таркибий қайта қурилишларга, ишлаб чиқаришда тайёр хом-ашёлардан технологик сифими юқори бўлган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўта бошлайди. Жаҳон иқтисодиётида тармоқларни ривожлантириш ва қайта таъмирлаш учун экспортдан тушган даромадлардан кенг фойдаланиш, халқаро меҳнат тақсимоти кўламида анча истиқболли ва “фойдали” усул ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида АҚШ, Германия, Япония каби бир қатор саноати ривожланган мамлакатлар худди мана шу йўллар орқали тараққий этган эди. АҚШ ўз иқтисодий фаолиятини дастлабки йилларида асосан хом-ашё, мевалар, пахта, асал, кўмир ва шунга ўхшаш бир қатор саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларни экспорт қилишдан бошлаган бўлса, ГФР 50-йилларда кўмир, қора металлургия, химиявий саноат маҳсулотларни экспорт қилишдан, Япония эса тўқимачилик, металлургия, химиявий саноат маҳсулотларни экспорт қилишдан бошлаган эди.

60-йилларда Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатлар, яъни “ЯИМ”лар ҳам худди ана шу йўллар орқали ривожланиш босқичига қадам қўйган эди.

Ушбу давлатларнинг барчаси иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларидан самарали фойдаландилар. Шу ўринда, саноати ривожланган мамлакатлардан хорижий сармоялар-техника ва технологияларни кенг миқёсда жалб қилинганлигини таъкидлаб ўтиш лозимдир. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида шундай савол туғилди қайси сабабларга кўра “янги индустриал мамлакатлар”ни ривожланаётган дунёдаги бошқа мамлакатлардан ажратиб ўрганиш мумкин?

Маълумки, бир қатор сабабларга кўра, “янги индустриал мамлакатлар” нинг баъзи бирлари саноати ривожланган мамлакатнинг муҳим сиёсий ва иқтисодий манфаатлари таъсир доирасига тушиб қолганлигини кўришимиз мумкин. АҚШнинг сиёсий манфаатлари асосан Шарқий Осиё мамлакатларининг “коммунистик таъсирига” қарши турувчи Тайвань ва Жанубий Кореянинг сиёсий манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам ушбу мамлакатларга чексиз иқтисодий ёрдам уюштирилиб ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.(масалан, Тайванга 1,5 млрд.АҚШ доллари миқдоридан ёрдам кўрсатилган эди). 1950-1960 йилларда АҚШнинг ёрдами, Тайванда жалб этилган жами инвестицияларнинг 34%ни ташкил этган бўлиб, унинг 74%ни инфраструктурага, 59%ни қишлоқ хўжалигига ва 13%ни эса саноатга жалб этилган эди.Хуллас буларнинг барчаси Тайван иқтисодиётининг ривожланишида ташланган ижобий қадам бўлди.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда “ЯИМ”ларни замонавий иқтисодий таркибининг шаклланишида, тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг таъсири катта бўлди. 80- йилларнинг биринчи ярмида “ЯИМ”ларни иқтисодиётидаги тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг миқдори, ривожланаётган мамлакатлардаги тўғридан-тўғри йўналтирилган сармоя қўйилмаларининг 42%га етган эди. Саноати ривожланган мамлакатлар орасида АҚШ “янги индустриал мамлакатлар” даги ишбилармонлик сармояларининг энг кўзга кўринган инвестори бўлиб ҳисобланади. Улардаги тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиши, хорижий мамлакатлардаги худди шундай инвестициялар умумий миқдорининг 10%ни ташкил этади. Япония ҳозирги кунда “ЯИМ” даги тўғридан-тўғри йўналтирилган миқдори бўйича иккинчи ўринда туради.

Япония инвестициялари, “ЯИМ” нинг индустриаллашувига ва уларнинг экспорт таварларнинг рақобатбардошлигини оширишга имконият яратиб, “ЯИМ”лар саноатида қайта ишланадиган маҳсулотларнинг йирик экспортёрларидан бирига айланишида муҳим роль ўйнамоқда. Япония инвестицияларини кириб келиши биргина 1982-1985 йилларнинг ўзида Тайванда 2,1 мартага , Гонконгда эса 61%га ўсган эди.

Япония сармояларининг иштирокида, ушбу мамлакатлар юқори сифатли тайёр маҳсулотларнинг экспортёрлари бўлиб қолишига имкон берувчи йирик ишлаб чиқариш базаси ташкил этилди. 80-йилларнинг бошидан, Япония инвестициялари умумий миқдорининг ярмисидан кўпроғини ташкил этган эди. Хуллас, Япон инвесторлари иштирокида “ЯИМ”ларда замонавий станоклар, электроника жиҳозлари, денгиз кемалари ва бошқаларни ишлаб чиқариш бўйича комплекслар барпо этилган эди.

Жаҳон иқтисодиётида Осиёнинг “ЯИМ”лари учун шу нарса характерли бўлдики, улардаги тадбиркорлик сармоялари, биринчи галда қайта ишлаш саноати ва хом ашё тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Ўз навбатида, Лотин Америкасининг “ЯИМ” ларидаги ишбилармонлик сармоялари эса, кўпроқ савдо, хизмат кўрсатиш сохалари ва қайта ишлаш саноат тармоқларига жалб этилган эди. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида хорижий сармояларнинг кенг миқёсда тарқалиши шу нарсага олиб келдики, “ЯИМ”ларда хорижий сармоялар иштирок этмаган бирорта ҳам иқтисодий тармоқ қолмаган эди. 1998 йилда Лотин Америкаси ва Осиёнинг “ЯИМ”ларининг бозорларидаги қўйилмаларининг даромадлилик (%ҳисобида) қуйидагича характерда бўлган эди. Аргентинада 58%, Бразилияда 83,5% ни, Мексикада 40% ни, Чилида 39% ни, Индонезияда 79%ни, Жанубий Кореяда 26,1% ни, Тайванда 104% ни, Таиландда 121,3% ни, Филиппинда 165,2% ни ташкил этган эди.

Ушбу статистик манбалардан кўриниб турибдики, Осиёнинг “ЯИМ”ларидаги инвестицияларнинг даромадлилик даражаси Лотин Америкаси мамлакатлариникидан сезиларли даражада юқорироқ бўлган. Конуний шундай савол тугилади, хўш нима учун хорижий мамлакатларнинг хусусий сармояларининг барчаси Осиё минтакасидаги баъзи бир мамлакатларга нисбатан фаолроқ кириб боради?

Маълумки, 60-йилларнинг охирида жаҳон хўжалигини ривожланишидаги вазият шу қадар мураккаблашган эдики, натижада трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиш манфаатлари ва стратегиялари Осиёдаги бир қатор давлатларнинг имкониятлари ва интилишлари билан мослашиб борган эди. Ривожланаётган мамлакатлар импортидаги турли хилдаги чеклашлар ва уларнинг унча катта бўлмаган тўлов қобилиятига дуч келаётган трансмиллий корпорациялар, жойларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида, сармояларни четга чиқариш орқали товарлар экспортини қисман янгилаш томон қадам қўя бошлади. Трансмиллий корпорацияларнинг худди ана шу йўналишлардаги фаолияти, ривожланган мамлакатларнинг тўйинган бозорларининг конъюктураси, рақобатнинг авж олиши ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш учун курашиш орқали амалга оширилмоқда. Трансмиллий корпорациялар, ўзлари фаолият кўрсатаётган жойларда ишлаб чиқаришни илмий асосда ривожлантиришга эътиборни қаратади. Характерли томони шундаки, жаҳон иқтисодиётида “Осиё аждархоси” деб ном олган халқаро иқтисодий конъюктураларининг бундай ўзгаришларни қабул қилишга ва улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга тайёр эканлиги маълум бўлди. Трансмиллий корпорацияларни, айнан Осиё минтакасига жалб қилишида қуйидаги шарт –шароитлар муҳим аҳамият касб этган эди.

1. “Янги индустриал мамлакатлар” нинг фойдали стратегик жойлашганлиги. Уларнинг барчаси жаҳоннинг савдо иқтисодий йўлларининг чорраҳасида, яъни жаҳон хўжалиги марказлари бўлмиш – АҚШ ва Япония каби ривожланган мамлакатларга яқинроқ ҳудудларда жойлашганлиги.

2. “Янги индустриал мамлакатлар” нинг барчасида саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан муносиб ҳисобланган автократик ёки шунга яқин бўлган сиёсий муҳитлар яратилганлиги. Уларда сиёсий барқарорлик таъминланиб, сиёсий ҳамда демократик ўзгаришлар, иқтисодий ислохотлар амалга оширилади. Хорижий инвесторларнинг хавфсизлиги учун юқори даражали қафолатлар таъминланади.

3. Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” аҳолисига хос бўлган меҳнатсеварлик интилувчанлик, тартиблилик, матонатлилик сингари ноиқтисодий омиллар ҳам катта аҳамият касб этди. Бу омилар маълум даражада Осиё ва Лотин Америкасидаги –“ЯИМ” ларнинг икки модели уртасидаги ўзига хос бўлган беллашувда хал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Хўш, ушбу моделларнинг ўзига хос томонларини нимада кўришимиз мумкин. Жаҳон иқтисодиётида биринчи модель миллий иқтисодиётнинг ташки бозор ва экспортга томон устивор йўналишлари орқали ривожланишини кўрсатиб берса, иккинчи модель эса импорт ўрнини эгаллашга қаратилганлигидир. Биринчи моделда кўрсатиб ўтилгандек, XIXасрнинг охири ва XX асрнинг бошларида АҚШ, иккинчи жаҳон уришудан кейин – Ғарбий Европа давлатлари ва Япония, кейинчалик эса Осиёнинг “ЯИМ” лари ҳам ривожланишининг биринчи модели йўлидан боришди. Иккинчи модель эса сезиларли даражада Лотин Америкасининг “ЯИМ” лари томонидан ўзлаштириб олинган эди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда импорт ўрнини эгаллашга қаратилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиялари бир қатор ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий тараккиётида муҳим роль ўйнамоқда. Импорт ўрнини эгаллаш стратегиялари хужалик таркибининг хилма –хиллигини таъминлаш имкониятини яратади. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда эса янги ва муҳим бўлиб ҳисобланувчи бир қатор ишлаб чиқариш тармоқлари барпо этилиши билан бир қаторда муҳим йўналишлар бўйича ўз –ўзини таъминлаш даражаси ҳам ўсиб бормоқда.

Шунингдек иқтисодиётни тубдан ислох қилишда асосий йўл бўлиб ҳисобланувчи импорт ўрнини эгаллашга мулжалланган ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришни

асосий ўринга қўйувчи барча мамлакатларда ўз-ўзидан жиддий инкирозлар бўлиб турибди. Гап шундаки, хорижий компаниялар учун имтиёзли кредитларни йўқлиги ва протекционизм сиёсатига асосланган миллий иқтисодиётнинг фаолият кўрсатишини “қўллаб–қувватлаб турганлик” муҳити жаҳон иқтисодиётида тез мослашувчан ва самарали иқтисодий тизимнинг вужудга келишига йўл қўймади. Умуман олганда, импорт ўрнини эгаллаш сиёсати, ривожланаётган мамлакатлар фаолиятининг дунё хўжалигида туб ўзгаришлар ясашига йўл қўймади.

Бундан ташқари, импорт ўрнини эгаллаш сиёсати нафакат ташки омилларни пасайишига йўл қўймади, балки унинг ўсишини ҳам таъминлайди. Импорт ўрнини эгаллаш принципларига ўзок вақт таянилганда мамлакатларда қоқоқликни бартараф этиш имконияти пайдо бўлади ҳамда кенг микёсдаги тараққиётга эришишни таъминловчи иқтисодиётдаги етакчи тармоқларни вужудга келишига халакит берувчи барча тўсиқларга барҳам берилади. Протекционизм, ички бозорларни ва бизнесни химоя қилиш чоралари сифатида қисман самарасиз ишлалётганига қарамасдан, унинг монопол ҳолати ва баҳоларининг кескин усаётганлигидан фойдаланиб фойда олаётган маҳаллий корхоналарни қўллаб–қувватлайди. Хуллас, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида импорт ўрнини эгаллаш даври, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан “янги индустриал мамлакатлар”да ҳам ўз ниҳоясига етганлигини куришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида импорт ўрнини эгаллаш стратегияси Лотин Америкасининг “ЯИМ”лари (Бразилия, Аргентина, Мексика) учун хилма–хил бўлган миллий иқтисодиётни барпо этишда ва шунингдек бир қатор товарларни ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда салмоқли ўринни эгаллаб келишида муҳим ролни ўйнамоқда. Нима бўлганда ҳам ушбу мамлакатлар саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан қоқоқлик даражасини бартараф этиш учун зарур бўлган шарт –шароитни ярата олмадилар. Шунинг учун ҳам Лотин Америкасининг “ЯИМ”лари қанчалик кучайиб иқтисодий потенциалга эга бўлишларига қарамасдан, Осиёдаги “ЯИМ”ларга нисбатан иқтисодий жиҳатдан анча қоқоқлигича қоқмоқда. Масалан, Бразилиянинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) Шаркий Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” нинг умумий ялпи ички маҳсулотига нисбатан бироз камроқдир.

Лотин Америкасининг “ЯИМ”лари экспортининг салмоқли ўсишига эга бўлмасдан туриб, ўз иқтисодиётини талаб даражасида тубдан ислох қилишга эриша олмадилар. Иқтисодий ўсиш суръатларининг натижаларига қараб, ички иқтисодий муаммоларни бартараф этиш учун бир қатор камчиликларга йўл қўйилди. Бир вақтнинг ўзида ташки муаммолар ҳам вужудга келди. Экспортнинг паст даражада ўсиши, тўлов баланси дефицитнинг ҳамда барча янги кредитларга бўлган талабларнинг ўсишига имконият яратди. Оқибатда ушбу мамлакатлар саноати тараккий этган мамлакатларнинг энг илғор бўлмаган техника ва технологияларини ўз иқтисодиётида жорий этиш сиёсатида мустахкамланиб қолаверди.

Қайд этиш жоизки, Лотин Америкасининг “янги индустриал мамлакат”лари 90-йилларнинг урталарига келиб 80-йиллардаги узоқ давом этган инкироздан чиқиб олди. Бразилия, Аргентина, Мексика, Чили каби давлатларда амалга оширилган либераль иқтисодий ўсиш суръатлари юксалиб, савдо балансини яхшилашда ижобий ютуқлар қўлга киритилди.

Лотин Америкасининг йирик “ЯИМ”ларидан бири Бразилияда олиб борилаётган сиёсат –бу очик иқтисодиётни яратишга қаратилганлигидир. Бунинг учун мамлакатнинг ички бозорида рақобат курашуви учун муҳит яратилаётган бўлиб, унга боғлиқ ҳолда импорт тарифлари пасайтирилди. 1995 йилда МЕРКОСУР мамлакатлари (Бразилия, Аргентина, Парагвай ва Уругвай) уртасида божхона тусиқлари тулик олиб ташланди.

Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” ўз иқтисодиётининг экспортга мўлжалланган анча самарали ва тез мослашувчан моделини жорий этди. Бу модель, маълум давр мобайнида бир вақтнинг ўзида импорт ўрнини эгаллаш сиёсатини ҳам ўз ичига олган эди. Экспорт сиёсати ўрнини эгаллашга мўлжалланган индустриаллашувнинг

тугалланган даврини қайта содир этишни талаб этмайди. Маълумки, жаҳон иқтисодиётида импорт ўрнини эгаллаш ва экспортга мўлжалланган иқтисодий сиёсат бир–бири билан тенгма –тенг холда ҳаракат қилиб, баъзи даврларда эса улар бир –биридан устунликка ҳам эга бўлиши мумкин. Экспортни кенгайтириш даврига еппасига ўтиш олдидан, импорт ўрнини эгаллаш учун жаҳон мамлакатлари ишлаб чиқаришининг замонавий тизимларини вужудга келтириш, халқ хўжалигини анъанавий секторини қайта қуриш каби масаларга ҳам эътиборни қаратишмоқда.

Осиёнинг кўпчилик мамлакатларида, жумладан XX асрнинг 50 ва 60 йилларида Жанубий Корея ва Тайванда, 60-йилларда Малайзияда; 60 ва 70 йилларнинг бошларида Таиландда, 50 ва 60 йилларнинг охирида Филиппинда импорт ўрнини эгаллаш сиёсати устувор йўналишга эга бўлган эди. Гонконг ва маълум даражада Сингапур, ўзларининг тарихий ривожланиш шарт –шароитлари, жугрофий жойлашуви ва ички талабнинг секланганлиги таъсирида ишлаб чиқаришни кўпроқ экспортга қаратдилар. Маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи чора –тадиблар, қайта ишлаш саноатидаги фойда меъёрини ошириш, истеъмол маҳсулотларни ва шунингдек узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг аста –секинлик билан импорт ўрнини эгаллашига сабаб бўлган эди.

60-80 - йилларда Жанубий Корея жаҳон бозорига узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган маҳсулотларнинг 2,9%ни, 3,4%ни, 9,6%ни, 9,3%ни, 11,1%ни ва 9,6%ни етказиб берган бўлиб, унинг жаҳон кемасозлик саноати экспортидаги улуши 13,1% га тугри келган эди.

Осиёнинг “янги индустриал давлатлари” саноат маҳсулотлари экспортининг юқори динамикасига асосланган холда, анъанавий айрим товарлар экспорти бўйича ташқи савдо айланмасида ҳал қилувчи ўринни эгаллаган эди. Масалан, Жанубий Корея ва Тайван экспортида хом-ашё ва озиқ-овқатнинг улуши мос равишда 7,1% ва 7%ни ташкил этган эди. Хуллас, 90-йилларда Жанубий Кореяда товарлар экспортида киймати бўйича иккинчи ўринни пойафзал маҳсулотлари эгаллаган бўлса, Тайванда эса уйинчоклар ва спорт товарлари эгаллаган эди. Жанубий Корея экспортида тўртинчи ўринда синтетик маҳсулотлардан тайёрланган текстил товарлари турган бўлса, Тайванда эса еттинчи ўринда пойафзал маҳсулотлари турган эди.

Осиёнинг “Янги индустриал давлатлари”да айникса, машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича экспортида Хиндистон ва шунингдек Лотин Америкасининг “ЯИД”ларининг кучсизлиги сезиларлидир. Агар Лотин Америкасининг “ЯИД”ларини товарлар экспортининг ривожланган давлатлар умумий экспортидаги улуши 1998 йилда 1980 йилга нисбатан унчалик камаймаган (0,5%) бўлсада, машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича улуши қарийб 1,8 баробар камайганлигини кўришимиз мумкин.. Айнан ана шу машинатехник маҳсулотлар экспорти ривожланаётган давлатларнинг халқаро меҳнат тақсмотидаги ҳолатларини яхшиланишининг энг муҳим омилдир.

90-йилларда Осиёнинг “Янги индустриал давлатлари”ни олиб бораётган фаол ташқи савдо сиёсати АҚШнинг Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари билан бўлган йиллик ўзаро савдо ҳажми (128,4 млрд. долл.) Ғарбий Европа билан бўлган савдо айланмасидан (117,1 млрд. долл.) юқори бўлган эди. Бунда Осиёнинг “ЯИД”лари (Японияни қўшиб ҳисоблаганда) АҚШ бозорида автомобиллар ва электронтехниканинг 30%ни, текстил ва тикувчилик маҳсулотларининг 50%ни эгаллаган эди.

80-90 йилларда Ривожланган мамлакатларнинг энг йирик капитал импортёри бўлган “Янги индустриал давлатлар”ўз географиясини анча кенгайтирган эди. Ҳозирги кунда илғор саноати ривожланган давлатларини капитали учун Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган давлатларнинг янги бозорларидир. Масалан, Жанубий Корея фирмалари АҚШда аниқ мақсадга йўналтирилган экспорт экспансиясини ўтказмоқда. Америка иқтисодиётига капитал қўйишиб, Жанубий Кореяликлар ўз иқтисодиёти учун энг янги технологияларни кириб келишига йўл очмоқдалар. Шунингдек Жанубий Корея фирмалари Осиёнинг “аждарҳо” деб ном олган бошқа давлатларига ҳам

капитал олиб чиқишни кўпайтирмоқда. Масалан, Тайваннинг Хитойга бўлган кизиқиши жуда каттадир. 90-йилларнинг урталарида Тайваннинг ХХРдаги инвестициялари 9 млрд. долл.дан ошиб кетган эди. Ўз навбатида Гонгконглик ишбилармонлар ХХРда руйхатга олинган кушма корхоналарнинг ярмидан кўпроғини ташкил қилишган.

XX асрнинг 50-йилларида жаҳон хўжалида байналминалаллашув жараёнларининг тезлашиши ривожланаётган давлатларни, биринчи навбатда “янги индустриал давлатлар”ни ҳам камраб олган эди. Жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришни, меҳнат ва капитал бозорларини ва товар айирбошлаш жараёнларининг байналминаллашувига молия бозорларининг байналминаллашуви ҳам қушилди. “ЯИД”ларнинг кредит имкониятини ўсиши, миллий молиявий бозорларининг ривожланиши билан ва шунингдек молиявий салоҳиятининг ошиши билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Кўпгина “янги индустриал давлатлар” ҳозирги кунда миллий молиявий бозорларни ташкил топишининг биринчи босқичидан ўтишиб уларнинг фаолиятини либераллаштиришнинг иккинчи босқичига киришдилар. Бу билан эса уларнинг халқаро молия муносабатлари тизимига фаол интеграциялашувига асос яратилди. Капитал ҳаракатининг байналминаллашиш жараёнлари ҳатто ривожланган давлатлар орасида ҳам яқунланишдан узоқдир. Шунинг учун ҳам бу ҳақда ривожланаётган давлатлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шунга қарамасдан, баъзи бир “янги индустриал давлатлар” (Сингапур ва Гонконг) бу йўлда ўзларининг сезиларли қадамларини қўйдилар. Бунга, 70-йилларда жаҳон иқтисодиётида янги халқаро молиявий марказларнинг ҳосил бўлиши ва тез ўсишини киритиш мумкин. XXI аср бошларида Тайвань Осиё-Тинч океани минтақасидаги йирик валюта-молиявий марказига айланишини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Осиёнинг “ЯИД”лари халқаро молия марказлари кредит-молия операцияларини ўтказиш мижёси бўйича Лондон, Париж, Цюрих каби йирик молия марказлари қаторига чиқиб, уларни ссуда капитали бозоридан аста-секин сиқиб чиқармоқда.

Осиёнинг “ЯИД”ларини иқтисодий эволюциясининг характерли томонларидан бири уларнинг бир-бирига бўлган кизиқишини тобора ортиб бораётганлигидир. Саноати ривожланган Ғарбий Европа давлатларига капитал йуналтиришнинг устувор тенденцияси, минтақа ва бир-бирига яқин бўлган субминтақаларда савдо-иқтисодий ҳамкорларни олиб боришлиги билан тулдирилмоқда. Аммо бу Осиёнинг “ЯИД”ларини рақобатбардошлилигини оширишга эътибор бермаяпти дегани эмас. Хуллас, 90-йилларнинг урталарида товарларнинг рақобатбардошлиги бўйича жаҳондаги биринчи бешликда Сингапур, Гонконг, Тайвань каби давлатлар турган эди.

Бу давлатларда қабул қилинган иқтисодий стратегиянинг асосий йўналиши- илмталаб махсулотлар ишлаб чиқаришдир. Меҳнатталаб ва паст рентабелли ишлаб чиқаришлар “ЯИД”ларнинг “иккинчи окими”да турган Хитой ва Вьетнамга “топширмоқда”. Натижада бу ишлаб чиқаришларни бир пайтлар содир этган саноати ривожланган давлатлардан биринчи авлод “янги индустриал давлатлар”га қучиш жараёни амалда қайтарилмоқда. Шундай қилиб “ЯИД”ларни ривожланишидаги қўлга киритилган ютуқлари, жаҳон хўжалигига интеграцияси, иқтисодий ўсишининг истиқболлари, аҳоли турмуш тарзини ўсиши ушбу давлатларнинг иқтисодиётида ташки иқтисодий экспансияларнинг роли юқори даражада дейишга имкон беради. XXI асрда ушбу давлатлар жаҳон иқтисодий ҳукмронлигида юқорирок ўринни эгаллаб, янги ва муҳим натижаларни намоиш қилмоқда. Жаҳон Банкининг башоратига қараганда, яқин 10 йиллар мобайнида ўсишнинг уртача суръатлари Жанубий Осиёда - 5,5%ни, Шарқий Осиёда - 7,7%ни, Лотин Америкасида - 3,5%ни ташкил қилар экан. 1996-2004 йилларда Шарқий Осиёда аҳоли жон бошига тугри келадиган даромаднинг йиллик ўсиши 6,6%ни ташкил этиб, ўрта ҳисобда аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад 1,9% га ўсган эди.

Назорат саволлари:

- 4.1. Янги индустриал мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш сабабларни қандай изоҳлайсиз?
- 4.2. Янги индустриал мамлакатлари иқтисодиёти умумий белгиларини ёритиб беринг ?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

XX асрнинг 50-йилларидан сўнг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларни ривожланишининг аҳамиятли томонларидан бири, мустамлака ва қарам мамлакатларнинг (Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари) роли ва аҳамиятини иқтисодий жиҳатдан кучайиб бораётганлигидир. Ушбу мамлакатлар ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар ёки озод этилган мамлакатлар, “Учинчи дунё мамлакатлари”, “жануб мамлакатлари”, “периферия мамлакатлари” сифатида тилга олинади. Ривожланаётган мамлакатларнинг барчасига хос бўлган умумий хусусиятлар – иқтисодиётнинг кўп укладли характерга эгаллиги, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг паст даражадалиги, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий инфраструктуранинг қолоклиги, иқтисодий ривожланиши жаҳон хўжалиги тизимига (айниқса – етакчи мамлакатларга) қарамлиги, капитализмни периферик характер касб этиши ва бошқалар.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда “янги индустриал мамлакатлар” (“ЯИД”) ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида иқтисодий ривожланиш параметрларининг барча тизимлари бўйича ажралиб туради. Яъни, уларнинг ривожланиши “янги индустриал” ривожланиш модели сифатида мавжудлигидир.

Трансмиллий компаниялар ривожланаётган мамлакатларда юксак иқтисодий ўзгаришларни вужудга келтираётганлиги билан бир қаторда, ушбу мамлакатларнинг техник тараққиётининг ички ривожланиш омилларининг ривожланишига ҳам жуда катта имкониятлар очиб бермоқда.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 196 б.
2. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.
3. Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик.- Т.:ТДИУ, 2011.- 276 б.
4. Мировая экономика и международный бизнес: учебник/ кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р. К. Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.
5. Внешнеэкономическая деятельность: учебник, для студ. сред. проф. учебник, заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Симитенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.
6. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. - М.: Магистр, 2007. - 429 стр.
7. Назарова Г, Иминов З. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. - 2010. - 319 бет.
8. Назарова Г. Г., Ҳайдаров Н. Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар / академик С. С. Ғуломов тахрири остида (ўқув қўлланма), ТДИУ, 2005 й. 272 бет.
9. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник / Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 стр

10-мавзу. Халқаро иқтисодий интеграция

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Иқтисодий интеграция моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар
2. Иқтисодий интеграция шаклланиши шарт – шароитлари ва унинг босқичлари
3. Иқтисодий интеграциянинг миллий давлатлар иқтисодиётига таъсири
4. Жаҳон иқтисодиётидаги асосий интеграцион гуруҳлар

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: эркин иқтисодий ҳудуд, божхона иттифоқи, тўлиқ иқтисодий иттифоқ, қонунчиликнинг унификацияланиши, Европа Иттифоқи, Маастрихт шартномаси, Ягона Европа Акти, НАФТА, “Меркосур”, ИХТ

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Иқтисодий интеграция моҳияти ва унга таъсир этувчи омилларини қандай изоҳлайсиз?
2. Иқтисодий интеграция шаклланиши шарт–шароитлари ва унинг босқичларини қандай изоҳлайсиз?
3. Иқтисодий интеграциянинг миллий давлатлар иқтисодиётига таъсирини қандай изоҳлайсиз?
4. Жаҳон иқтисодиётидаги асосий интеграцион гуруҳларга қайсилар киради?

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда иқтисодий интеграция моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Иқтисодий интеграция моҳиятини изоҳлай олади.
- 1.2. Иқтисодий интеграцияга таъсир этувчи омилларни изоҳлай олади.

1-асосий савол баёни: XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб етакчи индустриал мамлакатларнинг тез иқтисодий ривожланиши ва халқаро транспорт ҳамда коммуникация воситаларининг такомиллашиши натижасида товарлар ҳамда хизматлар алмашинувининг қизгин ривожланиши рўй берди. Ишлаб чиқариш омиллари (капитал, иш кучи ва технологиялар) халқаро ҳаракатининг турли шакллари вужудга кела бошлади, бунинг натижасида хорижга фақат тайёр маҳсулот эмас, балки уни ишлаб чиқариш омиллари ҳам кўчиб ўта бошлади. Товарнинг нархига қўшилган фойда эндиликда фақат миллий чегаралар доирасидагина эмас, балки хорижда ҳам яратила бошланди. Иқтисодий интеграция товарлар ва хизматлар халқаро савдоси ҳамда ишлаб чиқариш омиллари айланиши ривожланишининг қонуний натижаси бўлди.

Иқтисодий интеграция-мамлакатлар ўзаро иқтисодий ҳамкорлигининг натижаси бўлиб, у хўжалик механизмларининг яқинлашувига олиб келади ва бу яқинлашув давлатлараро битимлар шаклини олади ҳамда тегишли давлатлараро органлар томонидан тартибга солинади.

Ҳозирги вақда мутахассислар орасида интеграциялашув жараёнларига нисбатан ягона нуқтаи назар йўқ. Иқтисодчиларнинг бир гуруҳи интеграция жараёнида мамлакатлар ўртасида янги товар оқимларини шакллантириш ҳисобига "ресурсларнинг чекланганлиги" омилини бартараф этишни энг муҳим ҳол деб биладилар ва бу алоҳида олинган бир мамлакат ичида бир-бирига ўхшаш қимматроқ товарлар ишлаб чиқаришни бартараф этиш ёки илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишларига сарфланадиган воситаларни тежаш имконини берадиган технологик ўзаро алмашувларни кенгайтиришга имкон туғдиради деб ҳисоблайдилар.

Олимларнинг бошқа гуруҳи устунлик қилувчи шарт-шароитлар сифатида ташқи иқтисодий омиллар, масалан, коллектив мудофаа қобилятини оширишни илгари сурадилар. Учинчи гуруҳ, олимлар эса, интеграцион гуруҳлар тузилиши бу уларнинг аъзоларига ишлаб чиқаришнинг бирдек ўсиши, иж-тимой барқарорлик ва шаклий мақсадларга осон ҳамда тезроқ эришиш имконини беради деб ҳисоблашади. Интеграцияга

нисбатан бу ва бошқа назарий ёндашувларини умумлаштириб, шуни таъкидлаш жоизки, интеграция-минтақавий миқёсда сифат жиҳатидан янги иқтисодий муҳитни шакллантириш йўли билан миллий хўжалик комплексларининг яқинлашуви ва бир-бирига кириб боришини ифодалайди.

Жаҳон иқтисодиётида интеграция жараёнлари ҳар бир давлат учун фақат "ўз ишлаб чиқаришига" эга бўлиш фойда бермайдиган бўлиб қоладиган вазиятни келтириб чиқаради.

Баъзи миллий иқтисодиётлар ўз иқтисодий салоҳиятларини кучайтиришга интилиб, жаҳон хўжалигига тобора кўпроқ қўшилиб бормоқда. Жаҳон хўжалиги иш кучининг айланиши, кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни ўзаро айрибошлаш ўсиб борган сари байналмилал тус олмақда. Жаҳон хўжалик алоқалари шаклланиши ва ривожланишининг истиқболлари халқаро жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий тенденцияси сайёрамиз миқёсида то-варлар, капиталлар ва хизматларнинг ягона бозорини яратишга, алоҳида мамлакатларнинг иқтисодий яқинлашиши ва яхлит халқаро хўжалик комплексига бирлашишига интилишда намоён бўлишини кўрсатади. Бу эса халқаро иқтисодий муносабатларнинг бошқача, анча юқори босқичи ҳисобланади.

Интеграциявий тузилмаларни ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувида эришилган даражасига қараб ажратиш лозим. Бунда интеграциялашув ҳам расмий, ҳам реал хусусиятга эга бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Расмий интеграциялашув ишлаб чиқаришни шундай халқаро умумлаштиришдан иборатки, унинг асосида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар халқаро меҳнат тақсимоти асосида ўрнатилади.

Реал иқтисодий интеграция эса, ишлаб чиқаришни шундай халқаро умумлаштиришдан иборатки, бу умумлаштириш иштирокчи давлатлар асосий ижтимоий-иқтисодий ўлчамларининг маълум паритетини назарда тутаяди.^{13[6]}

Иқтисодий интеграция, ўз навбатида, иштирокчи мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини кўтариш учун шароит яратади. Иқтисодий интеграцияга олиб келадиган жараёнларни қуйидаги ўзаро боғланган занжир кўринишида ифодалаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ва капиталнинг интеграциялашуви, иқтисодий интеграция. Маълумки, кўплаб миллий ва хорижий мамлакатлар иқтисодчилоари асарларида шу ҳолатлар маълум бўлмоқдаки, интеграцион гуруҳда у ёки бу мамлакатнинг иштирок этишининг ижобий ёки салбий томонларини баҳолаш мураккаблигича қолмоқда. Бироқ, шу нарса маълумки, интеграциядан ички бозори кичик, ресурсларга бой бўлмаган, жаҳон ЯИМсида кам улушга эга бўлган давлатлар кўпроқ самара олади.

Бунга кўра иқтисодий интеграция бир қатор объектив омилларга асосланган бўлиб, улар орасида қуйидагилар муҳим ўрин тутаяди:

- 1) Хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг ўсиб бориши.
- 2) Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви.
- 3) Ўз хусусиятига кўра умумжаҳон илмий-техника инқилоби.
- 4) Миллий иқтисодиётлар очиқлиги даражасининг ошиши.

Бу омилларнинг барчаси ўзаро боғлиқдир. Интеграциялашув-мамлакатлар ўртасидаги (авваламбор, халқаро меҳнат тақсимоти асосида) барқарор ўзаро алоқалар ривожланиши жараёни ва қайта ишлаб чиқаришнинг миллий хўжалик доирасидан четга чиқишидир.

^{13[6]} Ломакин Мироя экономика: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям и направлениям / В.К. Ломакин. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007.

Интеграциявий жараёнлар ривожланишининг бошқа омили халқаро меҳнат тақсимоти тузилишидаги чуқур илгари силжишлар (илмий-техника инқилоби таъсири остидаги) ҳисобланади. Халқаро меҳнат тақсимоти мамлакатлар ўртасида меҳнатни ижтимоий-ҳудудий тақсимлашни ривожлантиришнинг маълум маҳсулот ишлаб чиқаришни алоҳида мамлакатларда барқарор жамлашни назарда тутувчи юқори босқичидир.

Назорат саволлари:

1.1. Иқтисодий интеграция нима?

1.2. Иқтисодий интеграцияга қайси омилар таъсир қилади?

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда иқтисодий интеграция шаклланиши шарт – шароитлари ва унинг босқичлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Иқтисодий интеграциянинг ривожланиш шарт-шароитларини изоҳлай олади.

2.2. Иқтисодий интеграциянинг ривожланиш босқичларини изоҳлай олади.

2-асосий савол баёни: Иқтисодий интеграция шаклланишининг шарт-шароитларини таҳлил қиламиз. Улар қуйидагилардир:

- Интеграциялашаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланиши ва бозор муносабатларидаги етуклиги даражасининг яқинлиги. Камдан-кам истеъснолардан ташқари, қолган барча ҳолларда давлатдараро интеграция ё индустриал мамлакатлар ёки ривожланаётган мамлакатлар орасида ривожланади. Ҳатто, саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар доирасида, таҳминан бир хил иқтисодий ривожланиш даражасидаги давлатлар ўртасида интеграцион жараёнлар энг фаол бўлади.

- Интеграциялашаётган мамлакатларнинг жўғрофий яқинлиги, кўп ҳолларда умумий чегара ва тарихан шаклланган иқтисодий адоқаларнинг мавжудлиги. Дунёдаги интеграциявий бирлашмаларнинг аксарияти жўғрофий жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган, транспорт алоқаларига эга бўлган ва кўпинча бир тилда гаплашадиган бир неча қўшни мамлакатлардан бошланган эди.

- Ривожланиш, сиёсий ҳамкорлик ва шакллар соҳасида мамлакатлар олдида турган иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг умумийлиги. Иқтисодий интеграция интеграциялашаётган мамлакатлар олдида мавжуд бўлган аниқ муаммолар тўпламини ҳал қилишга қаратилади. Балки асосий муаммоси-бозор иқтисодиётининг асосларини яратиш бўлган мамлакатлар бозорининг ривожланганлиги, умумий валютани жорий қилишни талаб этадиган давлатлар билан интеграциялашув мумкин эмаслиги яққол аёнлиги бунга сабабдир.

- Устунликни намойиш қилиш самараси. Интеграциявий бирлашмаларни тузган давлатларда одатда ижобий иқтисодий силжишлар (иқтисодий ўсиш суръатларининг тезлашуви, инфляциянинг пасайиши, иш билан бандликнинг ўсиши ва шакллар) рўй беради ва бу шубҳасиз ўзгаришларни кузатиб бораётган бошқа мамлакатларга маълум руҳий таъсир кўрсатади.

- "Домино самараси". У ёки бу минтақадаги мамлакатларнинг кўпчилиги интеграциявий бирлашмага аъзо бўлгач, бу бирлашма доирасидан четда қолган мамлакатлар, шубҳасиз, баъзи қийинчиликларга дуч келади. Бу қийинчиликлар мазкур гуруҳга кирувчи мамлакатлар иқтисодий алоқаларининг узвийлиги билан богликдир. Бу кўпинча, ҳатто, интеграция доирасидан ташқарида қолишдан қўрқиб, интеграция доирасидан четдан қолган мамлакатлар билан савдони қисқартиришга ҳам олиб келади.

Ҳозирги кунда халқаро иқтисодиётда юзага келаётган ва ривожланаётган кўплаб интеграцион бирлашмалар аслида ўз олдида бир-бирига ўхшаш вазифаларни қўядилар. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Кенг кўламли иқтисодиёт устунликларидан фойдаланиш. Кенг кўламли иқтисодиёт назарияси асосида бозорлар ҳажмини кенгайтириш, трансакцион харажатларни камайтириш ва бошқа бир қатор афзалликлардан фойдаланиш. Бу, ўз навбатида, катта ҳажмдаги бозорларга катта иштиёқ билан кириб келадиган тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишга бевосита имкон беради.

2. Қулай ташқи сиёсий муҳитни яратиш. Кўплаб интеграцион бирлашмаларнинг муҳим мақсади уларда иштирок этувчи давлатларнинг сиёсий, ҳарбий, ижтимоий, маданий ва бошқа ноиқтисодий соҳаларда бир-бирини тушуниши ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашдир.

3. Савдо сиёсатидаги вазифаларни ҳал қилиш. Минтақавий интеграция, кўпинча, ГААТ/БСТ доирасида иштирок этаётган мамлакатларнинг музокараси нуктаи назаридан олиб қаралади. Мамлакатлар блоки номидан келишилган ҳолдаги баёнот анча жиддий ҳисобланади ва савдо сиёсати соҳасида кутилган натижаларни беради.

4. Иқтисодий ва иқтисодий тузилмавий қайта қуришга кўмаклашиш. Ўз қўшинларини интеграция жараёнларига қўшар эканлар ривожланганроқ давлатлар ҳам ўша мамлакатлардаги тўлақонли ва катта ҳажмли бозорларни яратиш ҳамда улардаги бозор ислохотларининг илдиз отишидан манфаатдор бўлади. Европа Иттифоқининг у ёки бу шаклига қўшила туриб, кўплаб Ғарбий Европа мамлакатлари шу мақсадларни кўзлаган эди.

Миллий саноатнинг ёш соҳаларини кўллаб-қувватлаш. Ҳатто, интеграцион бирлашмалар учинчи мамлакатларга нисбатан камситувчи чораларни назарда тутмаганларида ҳам, улар фаолияти учун кенроқ минтақавий бозор очиладиган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлаш усули сифатида қаралади.

Тарихан интеграцион жараёнлар бир нечта асосий босқичлар асосида ривожланиб келди. Уларнинг ҳар бири унинг ривожланишининг маълум даражага етганлигини ифода этади. Интеграцион гуруҳлар типологиясининг асослари иштирокчи мамлакатлар миллий иқтисодийнинг макро ва микро даражада ўзаро яқинлашиши ва бир-бирига иқтисодий жиҳатдан нақадар чуқур кириб боришини баҳолашда намоён бўлади.

Жаҳон ҳўжалигидаги интеграцион жараёнларни ривожлантириш бўйича тўпланган тажриба иқтисодий интеграциянинг юзага келиши ва ривожланишида беш босқичдан ўтиш зарурлигидан далolat беради

Биринчи босқич-замонавий талқинда – переференциал савдо келишувлари. Эркин савдо ҳудудлари иқтисодий интеграциянинг бошланғич босқичи бўлиб ҳисобланади. Эркин савдо ҳудудлари амалда икки ва ундан ортиқ давлатларнинг ўзаро савдосида божлар, лицензиялар ва квоталарни музлатиш ва аста секинлик билан бекор қилиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши натижасида юзага келади.

Иккинчи босқич— иштирокчи мамлакатлар ўртасида божхона тарифлари ва бошқа чеклашларни бекор қилиб, эркин савдо ҳудудларини ташкил этиш. Иштирокчи мамлакатлар бу босқичда ўзаро савдо тўсиқларини бекор қилади, лекин учинчи мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларда тўла эркинликни сақлаб қоладилар (масалан, божхона пошлиналарини ёхуд бошқа чеклашларни бекор қилиш ёки янгиликларни киритиш ва савдо-иқтисодий шартномалар, битимлар тузиш ҳуқуқлари). Бунинг оқибатида мамлакатлар ўртасида уларнинг чегараларини кесиб ўтаётган товарларнинг келиб чиқишини назорат қиладиган ва тегишлича учинчи мамлакатлардан имтиёзли равишда товарларни олиб киришга тўсқинлик қиладиган божхона чегаралари ҳамда постлари сақланиб қолади. Бундай эркин савдо ҳудудларга (зоналарга) 1960 йилдан буён мавжуд бўлган Европа эркин савдо уюшмасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Эркин савдо ҳудудларининг ижобий томонларига иштирокчи мамлакатлар савдо сиёсатида барқарорликни ўрнатилишини киритиш мумкин. Бундай ҳудудларга аъзо мамлакатларни халқаро иқтисодий муносабатларга жалб этиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам беради, улар халқаро меҳнат тақсимотидан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Эркин савдо ҳудудларининг салбий томонларига келадиган бўлсак, улар ички бозор рақобатининг кучайиши билан белгиланади, чунки бу миллий ишлаб чиқарувчиларга салбий таъсир этиши ва банкротлик хавфини кучайтириши мумкин. Бу босқичда миллатлараро тартибга солувчи ташкилотларни ташкил этиш кўзда тутилмайди. Бу эса ўз навбатида биргаликда қарорлар қабул қилиш жараёнларини секинлаштиради.

Учинчи босқич — савдо ва ишчи кучи, капитал айланишида ягона тарифларни ўрнатган ҳолда, божхона иттифоқи тузишдир. Интеграциянинг бу босқичида давлатлар фақат ўзаро тўсиқларни бартараф этибгина қолмай, балки ташқи савдо тўсиқларининг ягона тизимини ва учинчи давлатларга нисбатан божхона пошлиналарининг ягона тизимини ташкил қиладилар. Яъни ҳуқуқий нуқтаи назардан Божхона Иттифоқи (БИ) икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасида ўзаро ва учинчи мамлакатларга нисбатан соддалаштирилган солиқ сиёсатини ўтказилишини ақс эттиради, бу ягона иқтисодий маконни шакллантириш ва ана шу макон доирасида ҳар қандай божхона чегараларини бартараф этишни аниқлатади. Бунда иштирокчи мамлакатлар чегаралари билан белгиланган ягона божхона макони вужудга келади. Бундай ташкилотлар тузилмалари қаторига Европа Иттифоқига асос бўлган Европа иқтисодий ҳамжамиятини мисол қилиб киритиш мумкин. Учинчи босқич - реал иқтисодий интеграциянинг бошланғич фазаси-Иқтисодий иттифоқнинг ташкил топишидир. Бу босқичда давлатлар ўз миллий чегаралари орқали фақат товарлар эмас, балки барча ишлаб чиқариш омиллари капитал, ишчи кучи, технология ва маълумотларни эркин ҳаракати ҳақида келишадилар. Натижада умумий бозор макони, умумий бозор шаклланади. Божхона иттифоқини умумий бозорга айлантириш жараёни фақатгина савдони эмас, балки иқтисодий сиёсатнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб олувчи қонуний меъёрларни уйғунлаштириш масалаларини ҳам ҳал этиш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ички божхона тўсиқлари ва бошқа чеклашларни бартараф этиш орқали учинчи мамлакатлар билан савдода умумий тамойилларни ишлаб чиқиш зарурки, бунинг натижасида миллий чегаралар орқали товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг ҳар қандай тўсиқларсиз ўтишига шароит яратилади. Умумий бозорни шакллантиришда жамоатчилик фондларини яратиш зарурияти туғилади. Бундан ташқари миллатлараро мувофиқлаштирувчи ташкилотларнинг тузилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Европа Иттифоқи тажрибасидан маълумки, бундай ташкилотларни ташкил этмасдан туриб миллий қонунчилик меъёрларини соддалаштириш ва интеграцион бирлашма иштирокчиларининг умумий қарорларини бажарилишини назорат қилиш тизимини жорий этиш мумкин эмас. Бунда иштирокчи мамлакатлар чегаралари билан белгиланган ягона божхона макони вужудга келади.

Бундай ташкилотлар тузилмалари қаторига Европа Иттифоқига асос бўлган Европа иқтисодий ҳамжамиятини мисол қилиб киритиш мумкин.

Бешинчи босқич — ягона иқтисодий сиёсат, умумий валюта ва миллий даражадан устун турувчи тартибга солиш ташкилотларига эга тўлиқ интеграция. Интеграциянинг бу даражасига эришиш сиёсий-иқтисодий иттифоқ унга қираётган давлатлар интеграциянинг олдинги босқичларида эришилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда, учинчи мамлакатларга нисбатан биргаликда савдо, сўнгра умуман, иқтисодий сиёсатни олиб бориш ҳамда иқтисодиётни тартибга солиш тизимини бирхиллаштириш ҳақида келишувларни ўз ичига олади. Интеграциянинг ушбу босқичи қатнашувчи мамлакатларнинг ташқи сиёсатини келишилган ҳолда олиб борилишини кўзда тутаяди. Бу эса, ўз навбатида ҳар бир қатнашувчи мамлакат ва умуман, иттифоқнинг иқтисоди ривожланиши манфаатлари йўлида бор имконият ва воситаларни ўзаро манфаатли бирлаштириш учун кенг имкониятлар яратади.

Охириги икки босқич у ёки бу интеграцион гуруҳнинг хусусияти билан боғлиқ, маълум кичик босқичларни ўз ичига олиши мумкин. Жаҳонда мавжуд бўлган интеграциявий гуруҳлар кўпинча формал интеграциявий босқичда бўлиб, интеграцион ривожланишнинг биринчи ва иккинчи босқичларидадирлар.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш шундан далолат берадики, интеграция давлатнинг жаҳон хўжалигига қўшилишини рағбатлантириш учун самарали, туб ташқи иқтисодий сиёсат эканлигини, барқарор иқтисодий ўсишни, аҳоли даромадлари ўсишини, инсон капитали жамланишини, иқтисодиётда илғор технологик ва таркибий силжишлар юз беришини, ишлаб чиқариш, инвестицияларни бошқариш ҳамда уларнинг сифати ошишини таъминлашидан далолат беради.

Назорат саволлари:

2.1. Иқтисодий интеграциянинг ривожланиш шароитларга қайсилар киради?

2.2. Иқтисодий интеграциянинг ривожланиши нечта босқичда амалга ошади?

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда иқтисодий интеграциянинг миллий давлатлар иқтисодиётига таъсири тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Иқтисодий интеграциянинг миллий иқтисодиётларга таъсирини изоҳлай олади.

3.2. Иқтисодий интеграциянинг миллий иқтисодиётлар динамик ривожланишдаги ўрнин изоҳлай олади.

3-асосий савол баёни: Европа ҳамжамияти юзага келгунга қадар иқтисодиёт фанида «иқтисодий интеграция» термини маълум эмас эди. Бироқ миллий давлатлар орасидаги «бозорлар интеграцияси» ва «сиёсат интеграцияси» каби жараёнлар узоқ вақтлардан бери мавжуд. Ягона миллий бозорлар савдонинг стихияли ривожланиши ва меҳнат тақсимооти натижасида шаклланиб келди. Бу жараёнларнинг юқори босқичи сифатида бирлашган халқ хўжалиги комплексларининг юзага келиши бўлди.

Европа интеграциялашувининг йўли ҳам шу каби бўлди: ягона ички бозор яратилди, Европа ҳамжамияти бўйлаб ягона иқтисодий қонунчилик тизими ва ягона (ёки ҳеч бўлмаганда уйғунлашган) иқтисодий сиёсат олиб борилди бошланди. Бироқ алоҳида олинган миллий давлатлар ичидаги бирлаштирувчи жараёнлар билан давлатлараро бирлаштирувчи жараёнлар орасида жиддий сифат жиҳатидан фарқлар мавжуд эди.

Фақатгина 50-йилларга келибгина тадқиқотчилар жамоатчилик диққат-эътиборини эркин савдо зоналарини ва божхона иттифоқларини ташкил этиш шубҳасиз дунё миқёсида эркин савдо парадигмасидан чекиниш эканлигига қарата бошлашди.


Интеграция - интеграцион гуруҳ ичида эркин савдонинг максимал ривожини, лекин шу билан бирга ушбу гуруҳ ва ташқи олам орасидаги протекционизмнинг кучайишини англатади. Шу сабабли, ҳудудий интеграциянинг рационаллиги ёки иррационаллиги масаласи, пировард натижада, икки ўзаро қарама-қарши самараларнинг нисбатига келтирилади

Бир томондан, агарда эркин савдо зонасини ёки божхона иттифоқини яратилиши натижасида қиммат ички ишлаб чиқаришни арзонроқ импорт билан алмаштирилса, у ҳолда «савдони ташкил этиш» (trade creation) рўй беради. Бошқа тарафдан, агарда интеграция натижасида учинчи давлатлардан олинмаган арзон импорт, эркин савдо зонаси ёки божхона иттифоқи бўйича қўшни-давлатдан олинмаган қиммат импорт билан алмаштирилса, у ҳолда «савдони чалғитиш» (trade diversion) рўй беради. Биринчи бор бу концепция Дж.Винер ва М.Бие лар томонидан 1950 йилда, яъни «олтилик»нинг божхона иттифоқи тузишига қадар, илгари сурилган эди.¹⁴[8]

¹⁴[8] Шемятенков В. Европейская интеграция М.: Международные отношения.2003. 242 стр.

Агар:

- Товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари бозорларида мукамал рақобат мавжуд;
- Барча ресурслар тўла машғул;
- Барча катталиклар бирор бир харажатсиз янги шароитларга автоматик тарзда мослашади;
- Алоҳида олинган давлат ичида омиллarning тўла мобиллиги, ҳамда давлатлараро омиллarda мобилликнинг абсолют йўқлиги;
- Харажатлар ва нархларнинг аниқ мослиги; кабилар ўринли деб қабул қилинса, у ҳолда Н (божхона иттифоқига киришни режалаштираётган мамлакат), давлатлар орасидаги савдонинг шаклланиши ва чалғитилиши орасидаги нисбат, Р (Н давлатнинг божхона иттифоқи бўйича потенциал шериги) ва W (дунёнинг барча бошқа давлатлари) қуйидаги диаграмма кўринишида тасвирланиши мумкин:



10.3.1.-расм. Савдонинг ташкил этилиши ва савдодан четланиш.

Эслатма. 10.1.-расмдаги координаталар ўқи маълум турдаги товарнинг нархи ва миқдорини англатади.

D_H - ушбу товарга Н мамлакатнинг эҳтиёжлик эгри чизиғи;

S_W – ушбу товарни жаҳон бозори ёки W мамлакатларининг таклифлари эгри чизиғи (таклифнинг буткул эластиклиги ва божхона тарифлари йўқлиги шarti асосида);

S_H – ушбу товарни Н мамлакати томонидан таклиф эгри чизиғи;

S_{H+P} - Н ва Р лар биргаликдаги (тарифлар йўқлиги шarti асосида) таклифларининг эгри чизиғи. Бунда Н ва Р мамлакатлардаги таклиф баҳоси ўрта жаҳон баҳоларидан юқори деб фараз қилинади, акс ҳолда божхона иттифоқини тузишга маъно бўлмай қолади.

Агарда Н мамлакат жаҳоннинг барча мамлакатлари билан эркин савдо режимига эга бўлса, талаб ва таклифнинг мувозанат нуқтаси шундай Р нуқта бўладики, бунда ушбу товарнинг минимал ички баҳоси (ОА) га ва ички истеъмолнинг максимал ҳажми q_5 га эришилади. Бунда Н мамлакат ушбу товарни ўзида ишлаб чиқармайди ва божхона даромадини олмайди деб фараз қилинади.

Агарда Н мамлакат AD га тенг бўлган нодискриминацион t_H тариф киритса, у ҳолда ушбу товарнинг Н мамлакатдаги самарали таклиф чизиғи BREFQT кўринишни олади: ўзининг таклиф чизиғи E нуқтагача, кейин жаҳон бозорининг $[S_w (1+t_H)]$ тариф билан чегараланган таклиф чизиғи. Товарнинг ички баҳоси бунда OD га тенг, ички ишлаб чиқариш ҳажми $-Oq_2$, ички истеъмол ҳажми $-Oq_3$, импорт ҳажми эса q_2q_3 . Н мамлакат импорт маҳсулот учун q_2 LMқ q_3 а ни тўлайди, ўз навбатида мамлакат ичидаги истеъмолчилар эса q_2 Efқ q_3 (a+b+c). Улар орасидаги фарқ (LEFMқb+c) давлатнинг божхона даромадини ташкил этади.

Фараз қилайлик, Н ва Р мамлакатлар божхона иттифоқини тузсинлар. Бу ҳолда AD тариф Р давлатдан бошқа дунёнинг барча давлатларига тааллуқли бўлади. Унда самарали таклиф BRGQT кўринишдаги чизик бўлади. Божхона иттифоқи ҳудудидаги нарх, Н мамлакатдаги ички ишлаб чиқаришнинг q_1 даражагача қисқариши натижасида, ОС даражагача тушади. Импорт эса q_1 q_4 гача, истеъмол эса Oq_4 гача кўтарилади, Қўшимча импортнинг ҳаммаси Р мамлакатдан келади.

Барча шу ўзгаришлар натижасида ҳосил бўладиган иқтисодий самарани баҳолаш, истеъмолчининг фойдаси нуқтаи назаридан амалга оширилади (бунда ишлаб чиқарувчининг қизиқишлари эътиборга олинмайди, чунки аввалдан келишиб олган шартлар бўйича ушбу соҳада банд бўлган ресурслар автоматик тарзда бошқа соҳаларда ишлатила бошлайди).

Нодискриминацион тариф шартларида мавжуд бўлган ҳолатга солиштирилганда, истеъмолчининг ютуғи CDFG (қd+e+c+f) ни ташкил этади. Ютукнинг бир қисми (d) ишлаб чиқарувчилар фойдасининг камайиши натижасида, бошқа қисми (c) - божхона даромадининг қайтиши натижасида ҳосил бўлади. Шу сабабли, божхона иттифоқини тоза ҳолда ўрганиш натижасида, фақатгина e ва f қисмларнигина ҳисобга олиш даркор.

Ички ишлаб чиқаришнинг Oq_2 дан Oq_1 гача камайиши импортнинг q_1 q_2 катталиққа ошишига олиб келади. Импортнинг нархи q_1 Jқ q_2 ни, худди шу миқдордаги товарни ички ишлаб чиқаришнинг нархи эса q_1 JЕқ q_2 ни ташкил этади. Шундай қилиб, истеъмолчиларнинг ютуғи e га тенг бўлади. Истеъмолнинг Oq_3 дан Oq_4 гача ўсиши импортнинг q_3 q_4 катталиққа ошишига олиб келади. Қўшимча импортнинг нархи q_3 HГқ q_4 га, импорт қилинган товарлар берадиган қониқтириш катталиғи (шартли миқдорий ифодаси) эса q_3 FGқ q_4 га тенг бўлади. Демак, тоза ютук f га тенг.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, эркин савдода q_2q_3 импортнинг нархи a га тенг бўлган бўлар эди. Божхона иттифоқини ташкил этилгандан кейин бу рақам a+b гача ошади., лекин бунда давлат b га тенг катталиқдаги божхона даромадини йўқотади. Шунинг учун, божхона иттифоқининг самарадорлигини хулосавий баҳолаш учун савдони ташкил этиш (ёки тоза ютук) катталигини ифодаловчи e+f зонаси билан, савдодан четланиш (ёки тоза ютқазув) ни ифодаловчи b зонани солиштириш зарур.

Винер ва Биеларнинг концепциясидан яна бир жуда муҳим хулоса келиб чиқади. Агарда божхона иттифоқи тарифнинг уни ман қилувчи даражага олиб келувчи катталиғида ташкил қилинаётган бўлса, божхона иттифоқининг ўрнатилиши батамом савдони ташкил этилишига олиб келади. Лекин агарда Н мамлакат божхона иттифоқига эркин савдо режимидан ўтса, у ҳолда божхона иттифоқининг яратилиши натижаси батамом савдодан четланишга олиб келади.¹⁵[9]

¹⁵[9] Шемятенков В. Европейская интеграция М.: Международные отношения.2003. 245 стр.

Савдони «ташқил этиш» ва «садодан четланиш» тушунчалари халқаро савдонинг «соф» назарияси доирасида пайдо бўлди. Улар бутунлай сунъий шартлар ва фаразлар асосида қурилган. Бунда Европа иттифоқи оддийгина божхона иттифоқи доирасидан анчагина кенгроқ эканлиги ҳисобга олинаётгани йўқ. Шу сабабли, европа интеграциясининг самарали батамом савдони ташқил этиш – савдодан четланиш самараси билангина аниқланиб қолмайди.

А.Купер ва Б.Ф.Масселлар 1965 йили асосли равишда таъкидлашган эдики, Н мамлакат божхона иттифоқини ташқил этишдан аввал бўлажак шеригини қўшган ҳолда барча мамлакатлар учун божхона тарифини камайтириши мумкин. У ҳолда божхона иттифоқи ОС нархда ташқил этилади. Бу эса шуни англатадики, савдони ташқил этиш натижасида $e+f$ фойда олинади, савдодан четланиш бўйича йўқотишлар эса бўлмайди, чунки самарали талаб янги язиғи ВЈГУ бўлади. Бундан эса Н мамлакатга учинчи мамлакатлардан товарлар аввалгидек а нарх бўйича келаверади. Шу билан бирга савдонинг ташқил этиши муносабати билан келиб чиқадиган барча қўшимча импорт арзонроқ бўлади Шу йили Х.Дж.Джонсоннинг иши пайдо бўлди, унда яққол кейнсианлик мотивлари янгради, хусусан, хусусий ва жамоат сарф-харажатларини ажратиш кўринди. Джонсон ҳукуматлар тарифлардан асосан иқтисоддан ташқари мақсадлар, биринчи навбатда жамият эҳтиёжларини қондириш, миллий саноат ва даромадни ҳимоя қилиш каби мақсадларга эришиш учун фойдаланишлари исботлашга ўриниб кўрди. Шундай мулоҳазаларга асосланган протекцион сиёсат ўзининг иқтисодий маъносига эга. Унинг лимити миллий саноат фаолиятининг жамият томонидан истеъмол қилинишининг максимал фойдалилиги билан ишлаб чиқаришни халқаро рақобатдан ҳимоя қилиш натижасида юзага келадиган максимал ортиқча хусусий сарф-харажатлар орасидаги мувозанат нуқтаси бўлади. Бу сарф харажатлар икки қисмдан иборат: ишлаб чиқаришнинг чегаравий сарф харажатлари, ҳамда хусусий истеъмолнинг чегаравий сарф-харажатлари. Биринчи элемент ишлаб чиқаришнинг ички сарф-харажатлари жаҳонниқидан қанчалик кўп бўлиши билан аниқланади. Иккинчиси эса божхона тарифларининг ўрнатилиши ва ички бозорда нархларнинг кўтарилиши натижасида истеъмол талабининг камайишига тенг. Иккинчи элементнинг динамикаси тариф катталиги ва талаб ва таклифнинг эластиклигига боғлиқ бўлади. Мувозанат нуқтаси саноат ишлаб чиқаришининг жамият томонидан афзал деб топилишининг миқдорий ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Агарда бу схемани фақатгина Н мамлакатга эмас, балки унинг божхона иттифоқи бўйича шеригига ҳам қўлланилса, у ҳолда иккала мамлакат ҳам нафақат савдони ташқил этишдан, балки савдодан четланишдан ҳам ютиши келиб чиқади. Бундан ташқари, савдодан четланиш Н мамлакат учун мақсадга мувофиқроқ, чунки бунда ички саноат ишлаб чиқаришини қисқартириш талаб этилмайди. Савдони ташқил этиш ҳам чалғитиш ҳам ишлаб чиқариш кўламини кегайтириш ҳисобига ижобий самара бериши мумкин.

Европа интеграциясининг жаҳон иқтисодиётида мустақил воқелик сифатида иқтисодий асосларини англаш борасидаги биринчи қадамлар 50-йилларнинг бошларида машҳур голланд иқтисодчиси Ян Тинберген томонидан амалга оширилди. У биринчи бўлиб «салбий» ва «ижобий» интеграция орасидаги фарқни кўрсатиб берди. Салбий интеграция, оддийгина, товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш факторларининг чегаралараро ҳаракатлари йўлидаги тўсиқларни бартараф этишни назарда тутди. Иқтисодий назариянинг анъанавий каноноларига кўра, бу автоматик тарзда рақобатни кучайтишига, нархларни тушиши ва товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш факторларининг сифатини ошишига, ва натижада экономиканинг самарали ўсишига олиб келади. Ижобий интеграция – бу товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш факторлари мобиллигини янада оширувчи қонунлар қабул қилиниши ва институтларнинг ташкил этилишидир.¹⁶[10]

Интеграция иқтисодий назариясининг ривожланиши йўлидаги муҳим қадам бўлиб Б.Балассанинг ишлари бўлди, у интеграциянинг динамик самараларини ва уларнинг интеграциялашувчи мамлакатлар ялпи ички маҳсулотларининг ўсиш темпларига таъсирини тизимлаштиришга ҳаракат қилди. Бу каби динамик самаралар қаторига қуйидагилар киради:

Ишлаб чиқариш масштабларини кенгайтириш ҳисобига ҳосил бўладиган иқтисод. Бундай иқтисод, агарда бозорни кенгайтириш фирмалар ва соҳаларга интеграцион жараёнлар бошлангунга қадар ишлатилмаган ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш имконини берганда юзага келади.

Фирма ва соҳаларга нисбатан ташқи бўлган иқтисод. Бундай иқтисод бутун иқтисоддаги умумий ва хусусий сарф-харажатларни камйтириш эвазига юзага келиши мумкин.

Қутубланиш самараси самараи. Бу самаранинг моҳияти қатнашувчи мамлакатларнинг бирида бошқа мамлакатда савдони ташкил этиш ёки ишлаб чиқариш факторларининг бошқа ёққа йўналтирилиши натижасида юзага келадиган иқтисодий фаолиятнинг кумулятив қисқаришидан иборат.

Реал инвестициялар ва ҳажмларни жойлаштиришга таъсир.

Умумий иқтисодий самарадорликка таъсир.

Али М.Эль-Аграанинг мулоҳазалари ҳам шу йўналишдадир. Унинг концепциясига кўра, эркин савдо ва божхона иттифоқи зоналарининг афзалликлари қаторига қуйидагилар киради:

Солиштирма афзалликлар қонунига мос равишда ихтисослашишнинг кенгайтириши натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши.

Бозор қўламининг кенгайтириши натижасида ҳосил бўладиган ишлаб чиқариш масштабининг иқтисоди самарасидан яхшироқ фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши.

Савдо шарт-шароитларини яхшилашга имконият берувчи, халқаро майдондаги музокаралар позициясининг мустақамланиши.

Кучлироқ рақобат натижасида зарур бўлиб борадиган ишлаб чиқариш самарадорлиги соҳасидаги ўзгаришлар.

Илмий-техник прогресс тезланиши натижасида пайдо бўладиган ва ишлаб чиқариш факторларида миқдор жиҳатидан ҳам, сифт жиҳатидан ҳам акс этувчи ўзгаришлар.

Иқтисодий интеграциянинг янада юқори шакллари қуйидагилар натижасида кўшимча ижобий самара беради:

Чегаралараро савдога ҳалақит қилувчи тўсиқларни бартараф этиш борасидаги ишлаб чиқариш факторлари мобиллигининг ўсиши;

Пул-кредит ва солиқ сиёсатининг координацияси;

¹⁶[10] А.Киреев Международная экономика Ч 1. М.:Международная экономика 2004.

□ Тўла бандликка ўтиш, тезкор иқтисодий ўсиш ва интеграциялашувчи мамлакатларнинг умумий мақсадларига даромадни адолатли тақсимлаш

Назорат саволлари:

3.1. Иқтисодий интеграциянинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини тушунтиринг?

3.2. Иқтисодий интеграциянинг миллий иқтисодиётларни динамик ривожланишидаги ролини тушунтиринг?

4-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда жаҳон иқтисодиётидаги асосий интеграцион гуруҳлар тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

4.1. Европа ҳамжамиятини изоҳлай олади.

4.2. НАФТА ва АСЕАН ни изоҳлай олади.

4.3. Ўзбекистоннинг иқтисодий интеграцион гуруҳларда иштирокини изоҳлай олади.

4-асосий савол баёни: Интеграция Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиётида ўзининг энг тўлиқ ривожланишига эришди. Ғарбий Европа интеграцияси объектив иқтисодий жараёнлардан ташқари В.Гюго, И.Кант каби кўплаб Европа сиёсий ва жамоат арбоблари, мутафаккирлари томонидан илгари сурилган ягона Европа ғоялари билан суғорилган эди. Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг ташкил топиши ва ривожланишининг замонавий тарихи 1951 йилдан бошланади. Шу йил апрел ойида Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси тўғрисидаги шартнома имзоланди. Унга олти мамлакат — Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландлар, Люксембург кирди. Бу Ғарбий Европа интеграциясининг ўзига хос ибтидоси эди. Ғарбий Европа интеграциясининг реал пайдо бўлиши ва ривожланиши 1957 йилга тўғри келади. Шу йили юқорида санаб ўтилган мамлакатлар Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ) ва Европа атом энергияси ҳамжамияти (Евратом) ташкил этиш тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар. Ҳамжамиятлар таркибига ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатлар кирди, бу уларнинг кейинги 15 йил мобайнида иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини белгилаб берди.

Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиши 50-йиллар охиридан бошлаб ҳозирги вақтга нотекис ва нисбатан зиддиятли кечди. Шу билан бирга Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишда олдинга қўйилган мақсад ва вазифалар етарлича изчил ва муваффақиятли амалга оширилди.

Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланиши жараёнини шартли равишда тўртта босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич (50-йиллар охири — 70-йиллар ўртаси). Ҳамжамият ҳаётидаги "олтин аср" ҳисобланади. Ушбу босқич божхона иттифоқининг муддатидан олдин ташкил этилиши ягона аграр бозорнинг нисбатан муваффақиятли шакллантирилиши, ЕИга учта янги мамлакат: Буюк Британия, Дания, Ирландиянинг кириши билан характерланади. Кўпинча "Умумий бозор" деб юритиладиган Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишнинг аниқ мақсадлари қуйидагилардан иборат эди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги савдода барча чеклашларни аста-секин бартараф этиш;
- учинчи мамлакатлар билан савдода умумий божхона тарифини белгилаш;
- "инсонлар, капитал, хизматлар" эркин ҳаракат қилиши учун чеклашларни тугатиш;
- транспорт ва кишлок хужалиги соҳасида умумий сиёсат-ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- валюта иттифоқини ташкил этиш;
- солиқ тизимини бирхиллаштириш;
- қонунчиликни яқинлаштириш;
- келишилган иқтисодий сиёсат принципларини ишлаб чиқиш. 17[12]

Қатнашчи мамлакатлар товарлари, капиталлари, хизматлари ва ишчи кучи умумий бозори ташкил этилиши вазифасининг ҳал этилишини ЕИХ ўзининг биринчи мақсади қилиб қўйди. Бунинг учун божхона иттифоқи ташкил этилди. ЕИХга айнан божхона иттифоқи асос қилиб олинган. Божхона иттифоқи доирасида:

- қатнашчи мамлакатларнинг ўзаро савдосидаги савдо чеклашлари бекор қилинди;
- учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона тарифи белгиланди;
- капиталлар, кредитлар ҳаракати, пул ўтказмалари, хизматлар кўрсатиш эркинлигига эришилди;
- иш кучининг эркин миграцияси ва яшаш жойини эркин танлаш таъминланди.

Ушбу чораларнинг барчаси саноат интеграциясининг жадаллашувига кўмаклашди. Айни бир вақтнинг ўзида компенсация йиғимлари ва кишлок хўжалиги жамғармаси орқали молиялаштириш ёрдамида умумий протекционизм ўрнатиш шаклида аграр интеграцияни амалга оширишга уриниб кўрилди. ЕИнинг аграр сиёсати ЕИ азолари бўлган мамлакатларнинг кўплаб кишлок хўжалиги маҳсулотлари учун бирдек минимал нархлар белгиланишини кафолатловчи нархларнинг ягона тизимига асосланади.

^{17[12]} Шодиев Р.Х., Махмудов Э. "Жаҳон иқтисодиёти". – Т.: "Ғофур Ғулом", 2005.- 92 бет

Умумий бозор шакллантирилиши ЕИХ миллий монополияларининг трансмиллий монополияларга айланиши жараёнини тезлаштирди, шерик мамлакатлар иқтисодиётига кириб боришга кўмаклашди. ЕИХнинг ривожланиши ҳамдустлик қатнашчиси бўлган мамлакатларнинг яққаланиб қолган миллий хўжаликлардан ташқи бозорга қаратилган очик турдаги иқтисодиётга жадал ўтишини англатар эди.

Иккинчи босқич (70-йиллар ўртаси — 80-йиллар ўртаси) ЕИ тарихига Европа валюта ҳамкорлиги дастури қабул қилинишига, ташқи сиёсий келишувларга муваффақ бўлинганлиги сифатида кирди. Бирок, барибир пайдо бўлган салбий тенденциялар ушбу даврда Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг жиддий танглигига олиб келди. Ушбу танглик "Евросклероз" деган ном олди. 70-йилларда ва 80-йиллар бошида ЕИ мамлакатлари ўртасидаги ривожланиш даражасидаги тафовут кўпайди. 1981 йилда Грециянинг ЕИ га кириши билан ушбу тенденция янада аниқроқ намоён бўлди, чунки ушбу мамлакатнинг иқтисодиёти ҳамжамиятнинг бошқа қатнашчиларига таққослаганда анча паст даражада эди.

Учинчи босқич (80-йиллар иккинчи ярми — 90-йиллар боши) — Ҳамжамият таркибининг янада кенгайиш босқичи бўлди. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг қўшилиши илгари мавжуд бўлган мамлакатлараро номутаносибликнинг кескинлашувига олиб келди. Шу билан бирга айна ушбу давр Ғарбий Европа интеграцияси ривожланишидаги янги кучайиш билан характерланади. Бу энг аввапо, Ягона Европа Акти (ЯЕА) қабул қилиниши билан боғлиқдир.

ЯЕА да ҳамжамият қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг умумий мақсади - Европа Иттифоқи ташкил этиш тасдиқланди. Европа Иттифоқи узида ҳамжамият қатнашчиларининг сиёсий альянсини ифодалар ва уларнинг иқтисодий, валюта-молиявий, инсонпарварлик ҳамкорлигининг юқори даражасинигина эмас, балки ташқи сиёсатни, шу жумладан, хавфсизликни таъминлашни келмишини ҳам назарда тутар эди. ЯЕАда ягона иқтисодий макон барпо этиш мақсади унда қайд этилган марказий қоида эди. ЕИХ қатнашчилари бўлган хар мамлакатлар ягона хўжалик организмини ташкил этиши керак эди. ЯЕА қабул қилиниши билан ҳамдустлик аъзолари бўлган мамлакатларнинг микро ва макроиқтисодиёт, сиёсат ва ҳууқуқ фан ва экология, минтақавий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги интеграция жараёнлари кучайди. 90-йиллар бошида ЕИ аъзоси бўлган мамлакатлар ягона бозор асосларини барпо этишни амалда тугалладилар ва валюта-иқтисодий ва сиёсий иттифокларни шакллантиришга жуда яқинлашиб қолдилар.

Тўртинчи босқич (XX асрнинг 90-йиллари ўртаси — XXI аср боши) да Ягона Европа Актига мувофиқ 1993 йил I январдан бошлаб ҳамжамият чегаралари ичида ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракат қилиши жорий этилди. Амалда ҳамжамият доирасида ягона иқтисодий макон пайдо бўлди, бу ЕИнинг иқтисодий интеграциянинг сифат жиҳатидан янги бооқичига кирганлигини англатар эди.

Маастрихт шартномаси асосида (1992 йил феврал) 1994 йил 1 январдан бошлаб ЕИХ қатнашчи мамлакатлари сони 15 та бўлган Европа Иттифоқига айлантирилди. ЕИ доирасида тўлиқ ягона ички бозор ташкил этиш амалга оширилди. Бундан буёнги интеграция ҳамкорлиги мақсадлари эълон қилинди. Улар ягона валюта — евро эмиссияси ҳуқуқи билан ягона Европа банки, ички чегараларсиз ягона Ғарбий Европа макони барпо этилишини ўз ичига олар эди.

Маастрихт битимлари (1991 йил, декабрь) Ғарбий Европа интеграциясининг ривожиди сифат жиҳатидан янги бир босқич ҳисобланади, зеро, унда мамлакатларни микро даражада бир-бирига яқинлаштириш вазифаси қўйилган эди.

Маастрихт битимлари Европа Иттифоқига қуйидаги вазифаларни юклаган:

- Ягона валюта яратиш ва уни бошқариш;
- ягона иқтисодий сиёсатни, айник.са, унинг бюджет ишларига тааллуқли қисмини мувофиқлаштириш, назорат қилиш, (уринли топилганда) кучайтириш;
- эркин рақбатга асосланган ягона бозорни ташкил этиш ва химоялаш;

- бой ва қашшок. минтақалар ўртасида тенгликка интилиш ҳамда (имкон бўлган жойларда) маблағларни қайта тақсимлаш;
- қонунчилик ва тартиб-қоида қўллаб-қувватлаш;
- айрим фукдроларнинг туб ҳуқуққарини эътироф этиш ва ривожлантириш;
- учинчи мамлакатларга нисбатан бамаслахат юритиладиган савдо, кейинроқ эса умумий иқтисодий сиёсат тўғрисида, иқтисодий сиёсатни ягоналаштириш борасида ҳам келишиб олишларини назарда тутати.^{18[13]}

"Ягоналашган", мувофиқлаштирилган умумий иқтисодий сиёсатни амалга оширишни тақозо этувчи мазкур қоидаларни рўёбга чиқариш йўлида эса ижроия - мувофиқлаштириш вазибалари юклатилган халқаро давлат ташкилотларига эҳтиёж туғилди.

Ҳозирги кунда 27 давлатдан иборат бўлган Европа Иттифоқи АҚШ ва Япония билан биргаликда дунёдаги асосий ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчилардан бири ҳисобланади. Евростат маълумотларига кўра жаҳон экспортнинг 57 фоизи ва импортнинг 55 фоизи унинг улушига тўғри келади. Айти вақтда ЕИ мамлакатларининг жаҳон савдосидаги улуши кейинги йигирма йилда Иттифоқ аъзолари сони кўпайганлигига қарамай, тушиб кетди.

Харид қрибияти паритети бўйича ҳисоблаб чиқилган аҳоли жон бошига йиллик ялпи ички маҳсулот миқдори ЕИ мамлакатлари учун 17,3 минг еврога ташкил этади.

ЕИнинг ривожланиб бориши Иттифоқда қарама-қаршилиқлар ва қийинчиликлар йўқ эканлигини аниқламайди. Юқорида ЕИга янги аъзолар қўшилиши натижасида мамлакатлараро ва мамлакат ичидаги номутаносибликлар пайдо бўлганлиги қайд этилган эди. Ягона аграр сиёсатни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларига ягона марказлаштирилган нархларнинг амалга оширилиши жараёнида анчагина муаммолар пайдо бўлди ва пайдо бўлмоқда. Европа Иттифоқи мафкурачиларини Европа товарларининг халқаро бозорларидаги рақобатбардошлилиги тушиб кетиши, жаҳон савдосида ЕИ улушининг қисқариши, компьютерлаштириш ва бошқаларда АҚШдан орқада қолиш ташвишга солмоқда.

Ғарбий Европадаги иқтисодий интеграция фақат ЕИ ҳудуди билан чекланиб қолмайди: 60-йиллар бошидан бошлаб Европа эркин савдо уюшмаси мавжуддир. Европа эркин савдо уюшмаси ЕИдан фарқ қилган ҳолда, миллий манфаатлардан устун турувчи функцияларга ва давлатлараро мувофиқлаштирувчи институтларга эга эмас. Европа эркин савдо уюшмаси (ЕЭСУ) иқтисодий ҳамкорликни асосий мақсад қилиб қўяди. У биринчи навбатда савдонинг эркинлашишига ва божхона тўсиқлари бартараф этилишига кўмаклашди. ЕЭСУ аъзолари бўлган мамлакатлар (80-йилларда улар еттига, 90-йиллар ўртасида тўртга — Норвегия, Исландия, Лихтенштейн, Швейцария эди) учинчи мамлакатлар билан у ёки бу савдо-иқтисодий битимларга ихтиёрий қўшиладилар, ЕЭСУ қатнашчиларидан ҳар бири ушбу мамлакатларга нисбатан исталган божхона тарифларини белгилашга ҳақлидир. ЕЭСУ аъзолари бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдода эркин божсиз савдо айланмаси режими фақат саноат товарларига нисбатан амал қилади, чунки ЕЭСУ конвенциясининг амал қилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига жорий этилмайди.

1972 йилда ЕЭСУга кирувчи ҳар бир давлат ЕИХ/ЕИ битим имзолади. Унга мувофиқ саноат товарларига бож ва миқдорий чеклашлар аста-секин пасайтирилди. Ушбу мамлакатлар ўртасидаги божсиз савдо товарнинг келиб чиқишига боғлиқ равишда ишлаб чиқилган мураккаб қоидалар тизимига асосланади. Ягона божхона тарифи мавжуд эмаслиги туфайли ЕЭСУ ичида эркин божсиз савдо фақат аъзо мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар учун мавжуддир.

^{18[13]} Шодиев Р.Х., Махмудов Э. "Жаҳон иқтисодиёти". – Т.: "Ғофур Ғулом", 2005.- 98 бет б

1994 йилда ЕЭСУ ва ЕИ ягона иқтисодий макон (ЯИМ) ташкил этиш туғрисидаги битимни имзолади. Унга Ғарбий Европа мамлакатларидан фақат Швейцария кирмади. Битимнинг асос бўлувчи принципи капиталлар, товарлар, хизматлар ва жисмоний шахсларнинг эркин ҳаракат қилишидир.

Таъкидлаш зарурки, ягона иқтисодий макон божхона иттифоқи ҳисобланмайди. ЕИ ва ЕЭСУ тузилмаси доирасида унга кирувчи давлатлар на ягона савдо сиёсати ва на учинчи мамлакатларга нисбатан умумий божхона тарифларига эга. ЯИМга битим қатнашчилари бўлган давлатлар вазирларидан иборат Кенгаш қилади.

ЕЭСУ унга кирувчи давлатлар ривожланганлигининг юқори даражасига ва ўзаро иқтисодий алоқаларга қарамай, тўлақонли интеграциявий гуруҳга айланмади. Амалда у ЕИХ ва ЕИнинг янги аъзолари учун ўзига хос "тайёргарлик синфи" бўлди.

Шундай қилиб, интеграция жараёни энг бошидаёқ, аъзо мамлакатларнинг мувофиқлашган сиёсати рўбару келди.

Европа иқтисодий ҳамжамияти қабул қилган мақсадларни рўёбга чиқариш жараёнида:

- 1) Саноат интеграциясининг жадаллашуви таъминланди;
- 2) қишлоқ, хўжалик жамғармаси фаолияти орқали биргаликда хомийлик ўрнатиш, тўлов йиғимларини жорий этиш шаклида агар интеграцияни жадаллаштиришга ҳаракат қилинди;
- 3) Европа валюта тизими юзага келди.

Ана шу чора-тадбирларнинг барчаси иқтисодий интеграциянинг кенг томир ёйишига, Европа иқтисодий ҳамжамияти таъсир доирасининг кенгайишига олиб келди.

Америка қитъасида интеграция жараёнлари ривожланишининг хусусиятлари

Жаҳон хўжалигида интеграцияон марказлардан бири Шимолий Америка худуди ҳисобланади. Шимолий Америка Эркин савдо ассоциацияси — НАФТА ташкил этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши ривожланаётган интеграция жараёнларидан биридир.

АҚШнинг Канада билан мавжуд иқтисодий интеграцияси ва уларнинг Ғарбий Европадаги шериклар билан ҳамкорлиги АҚШни қониқтирмай қўйди. Натижада Шимолий Америкадаги интеграция жараёнлари давлатлар ташқарисига чиқди. Шимолий Америка эркин савдо зонаси туғрисидаги шартнома имзоланди ва у 1994 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. НАФТАга АҚШ ва Канададан ташқари Мексика ҳам қиради. Блокнинг худуди 370 млн. аҳолини ўз ичига олувчи кенг худудни ташкил этади ва у қудратли иқтисодий салоҳиятга эга. Ушбу мамлакатлар томонидан йиллик товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш 7 триллион долларни ташкил этади. Жаҳон савдоси бутун ҳажмининг қарийб йигирма фоизи улар улушига туғри келади.

Шартноманинг асосий қоидалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- АҚШ, Канада, Мексика ўзаро савдо қиладиган товарларга божхона пошлиналарини бекор қилиш;

- Шимолий Америка бозорини ўз товарларини Мексика орқали АҚШга қайта экспорт қилиш йўли билан Америка пошлиналаридан халос бўлишга уринувчи Осие-Европа компанияларининг экспансиясидан ҳимоя қилиш;

- Мексикада банк ва суғурта ишида Америка ва Канада компанияларининг рақобати ва капитал қўйишига тақиқни қилиш;

- атроф-муҳитни қўриқлаш билан боғлиқ муаммоларни хал қилиш учун уч томонлама гуруҳлар ташкил этиш.

Савдо блоки истеъмолчилари тузилган битимдан энг кўп фойда олдилар, чунки рақобатинг кучайиши ва тарифларнинг пасайиши натижасида кенг доирадаги товарларнинг нархлари пасайди. Америка саноатчилари қулай мавқени эгалладилар, чунки арзон иш кучи оқими ўсди. Америка иқтисодиётининг электроника, компьютер таъминоти, қурилиш материаллари, автомобил эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши сингари сектор-ларида даромадларнинг кафолатли ўсиши кутилмоқда. Айни вақтда қанд-шакар, цитрус мевалар, қишки сабзавотлар етиштирувчи Америка фермерлари зарар кўрмоқдалар. Мексикага келганда эса, у НАФТА ёрдамида ўзининг иқтисодий ривожланиши суръатларини ялпи ички маҳсулот ўсишининг тахминан 1,6-2,6 фоизи миқдориди жадаллаштиришни режалаштирмоқда. Натижада Мексика ўз иқтисодиётини ислоҳ қилиш даврини ва ривожланган мамлакатлар клубига яқинлашишни ярим асрдан 10-15 йилгача қисқартиришга муваффақ бўлади.

Канада НАФТАдан энг кам фойда кўриши мумкин. Унинг иқтисодиёти АҚШ билан мустаҳкам алоқада, бироқ Мексика билан унча сезиларли алоқага эга эмас. Бироқ НАФТА ривожланиши давомида Канада интеграция жараёнларига тобора кўпроқ тортилади ва кенгаётган бозордан дивидендлар олади. НАФТА фаолият кўрсатишининг дастлабки икки йилида экспорт хажмларини кўпайтириш хисобига қўшимча ишчи ўринлари барпо этилишига нисбатан ишончини оқламади. Ундан ташқари АҚШнинг Мексика билан савдосининг ижобий савдо сальдоси 1995 йилда ўз ўрнини тақчилликка бўшатиб бериб қўйди.

Интеграция жараёнлари Жанубий Америкада ҳам фаоллашмоқда. Ўз вақтида (60-йиллар бошида) Марказий Америка умумий бозори ташкил этилган эди. Бироқ, сиёсий ва иқтисодий танглик Марказий Америка умумий бозори доирасида интеграция режаларини амалга ошириш имконини бермайди. 90-йиллар ўртасига келиб интеграция жараёнлари 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай ўртасида МЕРКОСУР савдо пакти тузилиши воситасида фаоллашди. Жанубий конус мамлакатларининг умумий бозори - МЕРКОСУР ўзи мавжуд бўлган ерларда жаҳоннинг энг динамик интеграция гуруҳларидан бирига айланди. 1998 йилдаёқ бирлашманинг тўрт қатнашчиси ўртасидаги савдо хажмининг деярли 95 фоизига пошлина солилмади.

Агар, 90-йиллар ўртасида Лотин Америкаси мамлакатлари НАФТА блокига интилкимоқдалар деб ҳисобланган бўлса, ҳозир вазият ўзгарди. МЕРКОСУРга эркин савдо тўғрисидаги битим асосида Чили ва Боливия қўшилди (ассоциацияланган аъзолар сифатида). МЕРКОСУР билан Анд гуруҳи ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги музокаралар олға силжимоқда. Унга Боливиядан ташқари Венесуэла, Колумбия, Перу, Эквадор киради. МЕРКОСУР яқин истиқболда Панама каналдан Магеллан бўғозигача бўлган ерни қамраб олувчи Жанубий Америка эркин савдо зонаси - САФТАни ташкил этиш режасига эга.

МЕРКОСУРнинг барпо этилиши ўзаро савдонинг кескин кўпайишига, бошқа минтақавий савдо гуруҳлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайишига олиб келди. Ўзаро инвестиция фаоллиги сезиларли равишда ўсди, чет элдан келувчи инвестициялар ўсмоқда. МЕРКОСУРнинг муваффақиятли фаолияти минтақада сиёсий барқарорликка сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ғарбий Европа интеграциясидан фарқ қилган ҳолда, ушбу Жанубий Америка бирлашмаси ўз даражасига кўра турлича бўлган давлатлар ягона ташкилотда мавжуд бўлишидангина эмас, балки муваффақиятли ҳамкорлик қилишидан ҳам далолат беради. Бунинг учун бундай бирлашмаларнинг барча бўғинларини пухта тайёрлаш, улар фаолиятига юқори малака билан раҳбарлик қилиш, ушбу жараёнда ҳар бир мамлакат учун унинг ўз ўрнини топиш учун, қарама-қаршиликларни юмшатиш, муросага бориш истаги талаб этилади.

Осиё-Тинч океани минтақасида интеграцион жараёнларнинг хусусиятлари

Осиё-Тинч океани минтақаси интеграцион жараёнларининг учинчи энг йирик маркази ҳисобланади.

Деярли 30 йил мобайнида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН) муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Унга Осиёдаги тўртта "аждаходан бири — Сингапур, шунингдек, "янги тўлқин" — янги индустриал мамлакатлар — Малайзия, Индонезия, Таиланд, Бруней ва Филиппин киради. Ушбу гуруҳ доирасида ўзаро ҳамкорликнинг муваффақияти АСЕАН катнашчилари бўлган кўпчилик мамлакатларнинг шиддатли иқтисодий ўсиши, улар ривожланишини таққослаш мумкинлиги, яхши йўлга қўйилган ва узоқ, тарихий анъаналарга эга бўлган ўзаро савдо алоқаларининг мавжудлиги, шунингдек, ҳамкорлик шакллариининг тартибга солиниши билан мустаҳкам боғлиқдир. АСЕАН режаларида 2000 йилгача катнашчи мамлакатлар божхона поштиналарини 38 минг турдаги товарлар бўйича ўртача 5 фоизга пасайтириш режаси мавжуд эди. 1995 йил охирида 2000 йилда, воқеалар кўнгилдагидек ривожланган тақдирда 2002 йилда эркин савдо знаси барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Шарқий Осиёда иқтисодий интеграцияни ривожлантириш истикболлари кўп жихатдан Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этиш билан боғлиқдир. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти минтақанинг 21 давлатини бирлаштирувчи ҳукуматлараро бирлашмадир.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти 1989 йилда Австралиянинг таклифи билан Тинч океани хавзасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган эди. Дастлаб унга 12 мамлакат: Австралия, Бруней, Канада, Индонезия, Япония, Малайзия, Янги Зеландия, Филиппин, Сингапур, Жанубий Корея, Тайван ва АҚШ кирди. Кейинги йилларда унга Хитой, Гонконг (Сянган), Тайван, Мексика, Чили, Папуа-Янги Гвинея, 1998 йилда Вьетнам, Перу ва Россия қўшилди.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти расман маслаҳат мақомига эга, бироқ унинг ишчи органлари доирасида савдо, инвестиция ва молия фаолиятини юритишнинг минқтакавий қоидалари белгиланади, у ёки бу соҳаларда ҳамкорлик масалалари бўйича тармоқ вазирилари ва экспертларнинг учрашувлари ўтказилади.

1993 йилда Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти етакчиларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди (Сиэтл, АҚШ). Учрашув давомида минтақада авж олаётган интеграция жараёнларидан фойда кўриш нотўғри тақсимланиши юзасидан жиддий тафовутлар борлиги аниқланди. Экспертларнинг фикрича, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятида савдони эркинлаштириш аъзо мамлакатларнинг реал даромадлари 2 фоизга ўсишига олиб келиши керак. Бироқ фойдани биринчи навбатда энг рақобатбардош мамлакатлар оладилар.

Осиё-Тинч океани минтақасида иқтисодий интеграция жараёнларига баҳо берар экан, кўпчилик мутахассислар унинг ривожланишининг ўзига хос шарт-шароити ва ўзига хослигини кўрсатадилар. Осиё-Тинч океани минтақаси интеграция жараёнининг асосий хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- *биринчидан*, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотигади интеграция жараёни давлатлараро ҳамкорлик учун негиз яратувчи трансмиллий корпорацияларнинг етакчилик роли шароитида юз бермоқда;

- *иккинчидан*, интеграция жараёни иқтисодий ривожланиши даражаси жиддий равишда турлича бўлган, маданий ва ижтимоий-сиёсий тизимлари хар хил бўлган мамлакатларни қамраб олади. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигининг ноёблиги шундаки, унда XX асрнинг икки буюк иқтисодий давлати — АҚШ ва Япония, шунингдек, XXI асрнинг иқтисодий гиганти — Хитой бирлашади.

Японияга келганда эса, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти интеграция типигади ягона халқаро тузилма ҳисобланади. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятигаў муносабатлари унча оддий бўлмаган қулай ташқи шарт-шароитларни талаб этувчи ХХР ва Тайван киришини қайд этиш муҳимдир;

- *учинчидан*, Осиё-Тинч океани минтақаси кўламидаги интеграция суб минтақавий иттифокларни (АСЕАН, НАФТА, Жанубий Тинч океани форуми ва бошқалар) ўз ичига олади, яъни интеграциянинг турли даражаларига йул кўяди, масалан, ташқи савдони эркинлаштириш даражаси бўйича;

- *тўртинчидан*, АТЭС ва Осиё-Тинч океани минтақасида Тинч океани "очиқ" регионализи мафқураси минтақавий интеграцияни иқтисодий глобализм элементи сифатида қарайди. Бунда жаҳон иқтисодиёти эволюцияси минтақавий иқтисодий иттифокларнинг аста-секин бирлашиши ва ўзаро бир-бирига қўшилиш жараёни сифатида қаралади. "Очиқ регионализм" концепцияси, шунингдек, Тинч океани минтақаси ичида товарлар, сармоялар, иш кучи, харакати, чекланиши олиб ташланишини ҳам назарда тутуди, протекционизмдан воз кечиш бўйича мажбуриятлар қабул қилинади, ички минтақавий иқтисодий алоқалар рағбатлантирилади. Умуман олганда, Осиё-Тинч океани минтақасида интеграция муносабатлари етуқлиги хали унча юқори эмас. Жумладан, АСЕАН тизимидаги савдо зонасини иқтисодий интеграция ривожланишининг биринчи босқичига, яъни тарифлар ва бошқа чеклашлар олиб ташланадиган эркин савдо зонасига киритиш мумкин. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятига нисбатаи хозирча эркин савдо зонаси сифатида эмас, балки "очиқ иқтисодий уюшма" сифатида гапириш мумкин.

Ушбу ташкилот доирасида Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятини ва интеграция жараёнларини ривожлантириш истикболлари яқин йилларда уч вариантда кўриб чиқилади.

Биринчи вариант — Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятини ривожлантириш Багор (1994 й., Индонезия)даги кенгашда қабул қилинган сценарий бўйича амалга оширилади. Унга мувофиқ эркин савдо зонаси ташкил этилади ва 2020 йилда (саноати ривожланган мамлакатлар учун 2010 йилгача) инвестиция соҳаси эркинлаштирилади. Божхона тарифларини иасайтириш ГААТ/БСТ доирасида эришилган битимларга мувофиқ, юз беради.

Иккинчи вариант — мутахассисларнинг фикрича, энг эҳтимолли вариант Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти учун минтақада савдо муаммоларини муҳокама қилиш форуми ролини мустаҳкамлайди. Ушбу холда мавжуд ахдлашувларни бажаришнинг бориши муносабати билан низолар келиб чиқиши шубҳасиздир. Бу ташкилотнинг кучсизланишига олиб келади. Бундай шароитларда бошқа интеграциялашган минтақавий гуруҳларнинг роли ошади, чунки субминтақаларида ва Осиё-Тинч океани минтақаси гуруҳларидаги айрим мамлакатларнинг интеграциялашув даражаси нисбатан юққори ва улар умуман олганда, минтақада интеграция жараёнлари жадал ривожланишининг ўзига хос ячейкалари бўлиши мумкин. Жумладан, "ўсиш учбурчаги" — Жанубий-Хитой иқтисодий зонаси (ХХР, Гонконг, Тайван); "ўсиш олтин учбурчаги" (Индонезия, Малайзия, Сингапур); Япон денгизи хавзаси мамлакатлари иқтисодий зонаси; Хинди-Хитой иқтисодий зонаси мавжуд.

Учинчи вариант — АҚШ ва ЕИда протекционистик кайфиятлар устунлик қилишини истисно этмайди, бу жаҳон савдосининг тезликда эркинлашишига тўсқинлик қилиши ва Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятида интеграция жараёнлари доирасини Осиё мамлакатлари билан чеклаши мумкин.^{19[14]}

^{19[14]} Международные экономические отношения. Учебник Под.ред.Евдокимова М.: Проспект, 2003

Осиё-Тинч океани минтақаси кўплаб мамлакатларининг тезликда барқарор иқтисодий ўсиши жаҳон иқтисодий ривожланишининг маркази Тинч океани хавзаси томонга силжимокда, деган умумий фикр шаклланишига кўмаклашди. 90-йиллар ўртасида жаҳон аҳолисининг 38,2 фоизи ва унинг ялпи ички маҳсулотининг 55,7 фоизи Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларига туғри келди (ЕИда мое равишда 6,7 ва 20,5%). НАФТА мамлакатлари ҳам ЕИга яқин салмоққа эга. жаҳон товарлар савдоси хажмининг 43,9 фоизи, хизматлар савдосининг 32,9 фоизи ва технологиялар экспортининг 64,1 фоизи Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти улушига туғри келади. Ташаи савдо соҳасида Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти ва унга кирувчи мамлакатлар доирасида ички минтақавий алоқалар 70 фоизни ташкил этади. Айни вақтда ЕИмамлакатларида ушбу кўрсаткич 55 фоизга етди. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятининг 3 асосий қатнашчиси: Япония, АҚШ ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари (Япониядан ташқари) ўртасидаги товар айланмаси тез суръатларда ўсмоқда.

Ўзбекистоннинг интеграцион ташкилотлардаги иштироки

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳада кўпгина ютуқларга эришди. Республикаимизнинг жаҳон ҳамжамиятида фаол иштирок этиши ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама сиёсат юритиши давлатимизнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрнини мустақамлашнинг муҳим шартидир.

Эндиликда Ўзбекистон ташқи сиёсат майдонида борган сари муносиб ўрин эгалламоқда. Биз кўйган кўпгина амалий қадамлар Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда узоқ муддат мобайнида яратувчилик фаолияти билан шуғулланиш истиқболига мўлжаллангандир.

Бошқа давлатлар билан бўладиган иқтисодий интеграция давлатнинг ҳар хил эҳтиёжларини қондириш ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, миллатлар ва элатларнинг яқинлашувига, аҳолининг турмуш даражасини оширишга ёрдам беради.

Ҳар қандай давлат ҳоҳ кичик ҳоҳ катта булсин, иқтисодий интеграциясиз ривожланиши тез бормайди. Буни кўпгина давлатлар ўз тажрибаларида исботлашди. Иқтисодий интеграцияни ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси сиёсати ҳам иқтисодиёти юксак даражада ривожланишига эришишга қаратилган. Иқтисодий интеграция иқтисодиётга бевосита қуйидаги натижалага эриш имкониятини беради: товарлар, капиталлар, хизматлар эркин ҳаракат қилади; рақобат кучаяди; ишлаб чиқариш кучлари ривожланади; ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади; сифатли ва арзон товарлар ишлаб чиқарилади; истеъмолчиларнинг талаби ортиб боради; таклиф қилинадиган товарлар номенклатураси кўпаяди; бозорларнинг ривожланган шакллари пайдо бўлади ва умумий бозорлар ташкил қилинади; ишсизлик даражаси пасаяди; миллий иқтисодиётдаги фарқлар йўқолиб боради; янги кучли умумий иқтисодиёт шаклланади; миллий иқтисодиёт ривожланиб боради; энг муҳими кишилар ҳаёти фаровонлиги ошади ва ҳ.к.

Бу натижаларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё, МДХ давлатлари, ривожланган ва ривожланаётган қолаверса, Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорликка эришишга ҳаракат қилиши керак.

Ўзбекистон дунё хўжалиги тизимига кириб борар экан, унинг халқаро иқтисодий алоқалари узоқ ва яқин хорижий мамлакатлари билан тараққий этмоқда.

Ўзбекистоннинг МДХ ва Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти каби интеграция уюшмаларида иштирок этиши мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў эътиборини янада орттиради.

Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлиб кирган энг мухим бирлашмалардан бири - Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) бўлиб, у 1991 йил декабрда тузилган. Хозир МДХ га Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Туркменистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва Украина киради.

Ўзбекистон собик Иттифоқ республикалари билан алоқаларга катта аҳамият бериб, аввалбошдоноқ Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш ғоясини қўллаб-қувватлади. Бундай ҳамкорликка ҳамдўстлик мамлакатларининг худудий яқинлиги ва иқтисодий жихатдан боғланганлиги эмас, балки чуқур тарихий, маданий ва маънавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимизнинг тақдири муштараклиги ҳам асос булмоқда.

Ҳамдўстлик мақсадлари куйидагилар:

- демократик ҳуқуқий давлатлар тузиш, улар ўртасидаги муносабатлар давлат мустақиллигини ва суверен тенгликни ўзаро тан олиш ва хурматлаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, тенг ҳуқуқлилиқ ва ички ишларга аралашмаслик, ҳар қандай тазйиқлардан воз кечиш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан кичик миллатлар ҳуқуқларини хурмат қилиш, мажбуриятларини ва бўшқа умум тан олинган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларини ҳалол бажариш асосида ривожланади;
- бир-бирларини худудий бутунлигини ва мавжуд чегаралар бузилмаслигини тан олиш ва хурмат қилиш;
- чуқур тарихий илдизларга эга бўлган халқларнинг туб манфаатларини ҳамда қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш;
- фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни сақлаш.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг МДХга аъзолиги унга бир қатор мухим вазифаларни миллат, иқтисодиёт манфаатларига мувофиқ ҳал этиш имконини беради:

- ишлаб чиқаришни, аҳоли таъминотини (аввало озиқ-овқат билан) қўллаб-қувватлашни таъминловчи кўламда кооператив хўжалик алоқаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- МДХнинг бир қатор товарларини бозорда, айниқса анъанавий маҳсулотларни сотиш соҳасида етакчи мавқени сақлаш;

- собик иттифоқчи республикалар эга бўлган хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш;

- Ўзбекистоннинг учинчи мамлакатларга экспорт-импорт товар оқимига хизмат кўрсатувчи транспорт коммуникацияларидан кафолатли ва ҳатарсиз фойдаланиш.

Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлиги механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари иқтисодий эркинлаштириш, уни бозор тамойилларига изчиллик билан ўтказиш, хўжалик тузилмасини қайта қуришдан иборат умумий йўл билан белгиланади.

МДХ давлатлари Ўзбекистоннинг асосий савдо иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Уларнинг ҳиссасига республика ташқи савдо умумий ҳажмининг 30% дан ортиғи тўғри келади. Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари мол айирбошлаш динамикаси тенглик ва ўзаро фойдали тамойилларга асосланган, савдо-иқтисодий муносабатларнинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради. 2000-2007 йиллар давомида Ўзбекистон билан йирик савдо алоқаларини олиб боровчи давлатлар Россия, Қозоғистон, Украина ҳисобланадилар.

Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларнинг шакли ва таркиби тубдан ўзгариб бормоқда. Ўзбекистоннинг мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. МДХдаги кўпгина мамлакатлар билан савдо-тўлов соҳасида Ўзбекистон ижобий сальдога эгадир.

Россия Ўзбекистоннинг энг муҳим савдо ҳамкори ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасидан асосан пахта толаси, озиқ-овқат, машина ва ускуналар, ёнилги маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари экспорт қилинади.

Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш минтақанинг ривожланиши ва давлатлар иқтисоди учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов интеграция ҳақида гапирар экан, манфаатлар бирикувининг хилма-хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланади. "Биз интеграция жараёнлари ва бозор ислохатларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Фақат ўзининг тор миллий қобиғида қолиб кетмаган бозоргина хорижий инвестицияларнинг катта оқимини жалб қилиб, минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлай олади" 20[15].

Ўзбекистоннинг мавқеи минтақада аҳамиятли бўлишига қарамай, бир қанча жуғрофий-сиёсий омиллар мамлакатнинг стратегик имкониятларини чеклаб қўяди. Мамлакат қолган Марказий Осиё давлатларининг барчаси сингари денгизга чиқиш йўлига эга бўлмайдиган қолмай, балки жаҳон транспорт коммуникацияларига эркин кира олмайдиган давлатлар билан қуршаб олинган. Аммо шулар билан бир қаторда сув ресурсларининг чекланганлиги, Фарғона водийсида аҳолининг зичлиги, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли салмоғи катта эканлиги республикамизда интеграция жараёнларини ривожлантиришни тўхтатмайди.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) аъзоси бўлди. ИХТ Афғонистон Ислом Давлати, Озарбайжон Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Козоғистон Республикаси, Покистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркия Республикаси, Туркменистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси каби давлатларни бирлаштиради. 1992 йилда Техронда олий даражадаги ИХТ учрашуви пайтида эълон қилинган ахборотда ИХТ аъзоларининг иқтисодий фаровонлиги йўлида кўптомонлама минтақавий ҳамкорлигини кўзда тутувчи мақсадлар ва вазифалар эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига интеграциялашуви -транспорт, алоқа савдо, инвестиция ва энергетика сингари устувор соҳаларни ривожлантириш учун имконият яратади. Бу соҳалардаги ҳамкорлик жараёнларини жадаллаштириш имконини беради. Транзит савдо, минтақа ичида халқаро ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ божхона тадбирларининг умумий тизимини яратиш юзасидан лойиҳалар амалга оширилмоқда. Туркменистон ва Ўзбекистонни Афғонистон орқали Карчи ва Гвадар портлари билан бирлаштирувчи транзит йўллари алоҳида эътибор берилмоқда. Термиз-Хирот-Кандахор-Чаман темир йўли ва унинг Хирот-Кушка, Керман-Зоҳидон, Астаре(Озарбайжон) - Решт-Казвин тармоқлари билан, шунингдек Авн кули атрофидан айланиб ўтувчи темир йўлини тугаллаш мақсадида уларга ҳам устувор аҳамият берилиши лозим. Минтақада газ ва нефть ўтказиш тармоқларини ривожлантириш режалари ишлаб чиқилди ва маъқулланди. Бунда Туркменистондан Эрон ва Туркия орқали Покистонга, шунингдек Эрондан Покистонга ўтайдиган газ қувурлари қурилиши алоҳида эътиборда турибди. ИХТ аъзоси бўлган Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар ҳам бу газ қувурларидан фойдаланишлари мумкин.

^{20[15]} И.А.Каримов "Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир". Т.: "Ўзбекистон", 2005-96 б

ИХТ аъзоси бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдони янада ривожлантириш мақсадида бошқа минтақалардаги ва жаҳон савдо муҳитидаги тажрибани ҳисобга олган ҳолда эркин савдо минтақаси (ЭКОФТА) тузишга аста-секин ўтиш кўзда тутилмоқда. ИХТ минтақасидаги мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ва уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришда тобора кўпроқ рол ўйнамоқда.

2002 йил 10 июнда Козоғистон, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат бошлиқлари томонидан Шанхай ҳамкорлик Ташкилотининг Хартияси- асосий низом ҳужжатига қўл қўйилди. Ўзбекистон бу ташкилотга 2001 йилда аъзо бўлган эди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиш Ўзбекистон ва ташкилот аъзолари учун икки томонлама манфаатли. Иштирокчи давлатлар учун Ўзбекистон муҳим стратегик шерик бўлиб ҳисобланади. Чунки тарихий «Буюк ипак йўли»нинг қайта тикланишида Ўзбекистоннинг иштироки муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон учун эса бу Европа ва Осиё-Тинч океани минтақасига чиқиш учун ишончли йўл ҳисобланади ва иштирокчи мамлакатлар билан турли йўналишдаги алоқаларни ривожлантириш имкониятини беради.

Ўзбекистоннинг турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ривожлантирилиши унинг жаҳон хўжалиги интеграциясида самарали иштирок этишини таъминлайди. Бундай халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўтиш даври муаммаларини ҳал этишни, шунингдек ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалигини шакллантиришни енгиллаштиради. Бу нарса кредитлар олишда, бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишда, маҳсулотларни жаҳон бозорларига чиқаришда катта ёрдам беради.

Назорат саволлари:

4.1. Жаҳон иқтисодиётида асосий интеграцион гуруҳларни изоҳлаб беринг?

4.2. Интеграцион гуруҳларнинг минтақалар иқтисодий салоҳиятларини ривожлантиришдаги роли тушунтиринг?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

XX асрнинг 50-йилларидан сўнг хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви замонавий жаҳон хўжалиги ривожланишининг етакчи анъаналаридан бирига айланди. Жаҳон хўжалигини глобал байналминаллашувининг асосий тенденцияларидан бири – маълум бир давлат ёки бир неча давлатлар гуруҳининг таъсир зонасини вужудга келишидир. Бу давлатлар ёки давлатлар гуруҳи жаҳон хўжалиги алоқалари таъсирида ўзига хос минтақалар ҳосил қилиб, бошқа давлатларни ўз атрофида бирлаштирувчи интеграцион марказларга (ЕИ, НАФТА, АТЭС, МЕРКОСУР, Шанхай гуруҳи ва бошқалар) айланиб бормоқда. Халқаро иқтисодий интеграция жаҳон мамлакатлари ўртасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашувига имкон беради. Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий интеграцияни қуйидаги схемали ўзаро боқлиқ бўлган занжирлар шаклида тасвирлаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши – халқаро меҳнат тақсимооти – ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви – иқтисодий интеграция. Халқаро иқтисодий интеграцияга иккита асосий омил (илмий-техника инқилоби ва трансмиллий компанияларни фаолияти) катта таъсир кўрсатади.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 196 б.
2. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.
3. Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик.- Т.:ТДИУ, 2011.- 276 б.

- 4.Мировая экономика и международный бизнес: учебник/ кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р. К. Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.
- 5.Внешнеэкономическая деятельность: учебник, для студ. сред. проф. учебник, заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Симитенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.
- 6.Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. - М.: Магистр, 2007. - 429 стр.
- 7.Назарова Г, Иминов З. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. - 2010. - 319 бет.
- 8.Назарова Г. Г., Ҳайдаров Н. Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар / академик С. С. Ғуломов тахрири остида (ўқув қўлланма), ТДИУ, 2005 й. 272 бет.
- 9.Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник / Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 стр.

11- мавзу. Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг роли

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг таснифланиши

Халқаро иқтисодий муносабатлар мураккаб иқтисодий механизм сифатида бир томондан бозорга хос ўз-ўзини бошқариш қобилиятига эга бўлса (ХИМнинг моддий асоси ҳали ҳам жаҳон бозори ҳисобланади), иккинчи томондан, айниқса ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, алоҳида мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида ўзаро алоқаларни осонлаштирувчи давлатлараро тузилмаларни яратишни талаб этади. Айни пайтда шуни қайд этиб ўтиш керакки, биринчи (1914-1918 йиллар) ва иккинчи (1939-1945 йиллар) жаҳон урушлари орасида халқаро ташкилотларни гуркираб вужудга келиш жараёни (шу даврд Халқаро меҳнат ташкилоти, ўзининг «Инкотермс» каби тижорий ҳужжатлари билан таниқли бўлган Халқаро савдо палатаси, Халқаро ҳисоб-китоблар банки ташкил этилган) ва айниқса 40-йилларда иккита тўқнашувни бошидан кечирган давлатлар тарихидаги фавқулотда ҳолатлар ва 1929-1932 йиллардаги чуқур иқтисодий таназзул билан боғлиқ. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вужудга келишининг иккинчи «тўлқини» ва ҳаракатдаги фаолиятининг фаоллашуви иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустамлакачилик тизимининг парчаланиши ҳамда 60-70 йиллардаги иқтисодий чайқалишлар билан боғлиқдир. Ва ниҳоят, 80-йилларнинг бошларида халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятида учинчи босқичнинг бошланганлигини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб сифатида тоталитар тизимларнинг (собик СССРни) инқирозга учраши ва янги минг йиллик остонасида инсониятнинг глобал муаммоларини кескин кучайиши кабиларни кўрсатиш мумкин. Жаҳонининг кўплаб мамлакатларининг ҳукумат органлари замонавий халқаро иқтисодий муносабатлардаги муаммоларни мустақил ҳал эта олмадилар ва натижада улар қайд этиб ўтилган муаммоларни ҳал этишда биргалашиб ҳаракат қилиш усуллари ишлаб чиқара бошладилар. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида иқтисодий гуллаб-яшнанш ва жаҳон халқлари фаровонлигини таъминлаш масаласи билан шуғулланвчи минглаб халқаро ташкилотлар ҳисобга олинган. Экспертларнинг фикрича жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир ўткази оладиган халқаро ташкилотлар сони 100 та атрофидадир.

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган қуйидаги омилларни келтиришимиз мумкин:

1. Инсонлар ҳаётининг бир бирига боғлиқлигининг янада ўсиши;
2. Саноат революцияси ва илмий ютуқлар инсонларни бир- биридан ажратиб турган масофаларни қисқартириши ва халқаро муносабат ва ҳамкорликни кенгайтириши;
3. Савдо, валюта- молия муносабатлари, капитал бозори умуман иқтисодий ўсиш;
4. Давлатларнинг барча соҳада бир – бирларига боғлиқлигининг ўсиши;

5. Дуёдаги умумий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг зарурлигини чуқурроқ англаш.

Давлатнинг халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиши унинг ҳар томонлама ривожланиш имкониятларини оширади. Чунки халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиш, унинг бошқа аъзо давлатлари билан ҳам кенг ҳамкорликни йўлга қўйишни таъминлайди.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар топологияси ҳақида гапирганда, иккита мезондан (жуғрофий қамрови кенглиги ва фаолият хусусиятлари) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Биринчисидан келиб чиқиб, икки томонлама, ҳудудий ва глобал тузилмалар ажратиб кўрсатилади. Иккинчи мезонни қўллаган ҳолда махсуслаштирилган (соҳалар бўйича) ва глобал ташкилотларга эга бўламиз. Буларнинг ичида айниқса 1945 йилнинг 24 октябрида ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тасарруфидаги иқтисодий ҳамкорлик органлари алоҳида ўринга эга. БМТ – иккинчи жаҳон урушидан сўнг Антигитлер коалицияси аъзолари томонидан ташкил этилган энг универсал, обрў-эътиборли ва сон жиҳатдан энг йирик халқаро ташкилот ҳисобланади.

Жаҳон хўжалигидаги глобал ташкилот Бирлашган миллатлар ташкилоти тизими

БМТ штаб-квартираси Нью-Йоркда жойлашган бўлиб, унинг таркибида 190 дан ортиқ аъзо-мамлакат мавжуд. БМТ низомининг 1-моддасида ташкилот фаолиятининг асосий мақсадлари ичида, «иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик қилиш» мақсади ҳам етакчи ўринда туради. БМТ иқтисодий соҳада асосан қуйидаги тўртта йўналиш бўйича фаолият олиб боради:

- глобал муаммоларни ҳал этиш;
- давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигига қўмаклашиш;
- мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги узилишларни енгиб ўтиш;
- ҳудудий ривожланишни рағбатлантириш.

Юқорида санаб ўтилган йўналишларнинг ҳар бири БМТ муассасаларнинг фаолиятида ахборот, техника-маслаҳат ва молия соҳасида ҳамкорликларни ҳам ўз ичига олади. БМТ бош ва ёрдамчи органлари, шунингдек, 18 та махсуслаштирилган институт ва бир қатор автоном тузилмалар бўлимлари Бош Ассамблея (БА), Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) ҳамда Секретариат ҳисобланади.

Бош Ассамблея йилида бир марта сессиялар ўтказилади (сентябр, декабр), бу сессияларнинг ҳар бирида раис, унинг ўринбосарлари ва асосий кўмиталарнинг бошлиқлари сайланади. Жаҳон иқтисодиётидаги асосий масалалар ҳам умумий мажлисларда ҳам махсус иккинчи кўмита доирасида муҳокама қилинади.

БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаш бўлими (ЭКОСОС) 1946 йилда ташкил этилган. 54 мамлакат унинг аъзолари саналади ва аъзоларнинг учдан бир қисми (Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франциядан ташқари) ҳар йили уч йил муддатга қайта саналади. Юқоридаги бешта давлат уруш ва тинчлик масалалари билан шуғалланувчи Хавсизлик кенгашида бўлгани каби доимий равишда ЭКОСОС таркибига киради. Кенгаш одатда бир йилда икки марта (ижтимоий-ҳуқуқий ва гуманитар мавзуда, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича) сессия ўтказилади. ХИМ муаммолари бўйича қарорлар ва тавсиялар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган барча ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш масъулияти ҳам ЭКОСОС зиммасидадир. Бугунги кунга келиб ЭКОСОС олти доимий кўмита, еттинчи функционал ва бешта ҳудудий комиссияларни таъсис этган. Булардан ташқари 18 та махсуслаштирилган муассаса, Жаҳон озиқ-овқат дастури ва ЮНКТАД/УСТ Халқаро савдо маркази ҳам ЭКОСОС патронажи остида фаолият олиб боради. БМТнинг иқтисодий органлари тизимида учинчи бўғин сифатида Секретариат фаолият олиб боради. Секретариат бир неча бўлимлардан (иқтисодий ва

ижтимоий масалалар бўйича Департамент) таркиб топган бўлиб, маъмурий-ижрочи тузилма сифатида иш олиб боради.

Жаҳон хўжалиги муаммоларини ҳал қилишда БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича Анжумани (ЮНКТАД) ва БМТнинг саноат тараққиёти бўйича ташкилоти (ЮНИДО) тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

1964 йилнинг охирида БМТнинг Бош Ассамблеяси халқаро савдо бўйича ҳамкорликка кўмаклашиш учун ЮНКТАДни таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Анжуманнинг олий органлари тўрт йилда бир ўтказиладиган сессия ва йилда икки марта тўпланадиган Кенгаш ҳисобланади. Кенгаш назорати остида доимий кўмиталар, вақтинчалик ишчи гуруҳлари ва Секретариат фаолият кўрсатади. ЮНКТАДга ҳозирги кунда 186 та давлат аъзо бўлиб, унинг штаб-квартираси Женевада жойлашган. ЮНКТАД раҳбарлиги остида ўтказилган ҳукуматлараро маслаҳатлар натижасида бир қатор муҳим савдо битимлари имзоланди, хом-ашё товарлари савдоси соҳасидаги ҳолатларни ўрганиш учун эксперт гуруҳлари ташкил этилди. Анжуман Европа ва Америка бозорларида ривожланаётган мамлакатларнинг маҳсулотлари учун махсус имтиёзлар бериш режимини қувватлаш йўналишида фаолият кўрсатмоқда.

1967 йилда ташкил этилган ЮНИДО 166 та давлатни бирлаштирган бўлиб, унинг штаб-квартираси Вена шаҳрида жойлашган. Бу ташкилотнинг бош вазифаси Осиё, Африка, Жанубий Америка ва Океаниядаги камбағал ва ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатлар гуруҳини иқтисодий қолоқликдан олиб чиқиш жараёнини рағбатлантириш мақсадида БМТ доирасида саноат ривожланишини мувофиқлаштиришдан иборат. ЮНИДОнинг олий органи икки йилда бир марта чақириладиган Бош Анжуман саналади. Бошқарув тузилмалари эса саноат тараққиёти бўйича кенгаш ва бюджет масалалари бўйича кўмита ҳисобланади. ЮНИДО фаолияти ҳукуматлар ва хусусий тармоқ билан ҳамкорлик асосида қурилган. Ташкилот инвестициялар, техник ва саноат ҳамкорлиги масалалари бўйича форумлар ўтказади. Хорижий инвестицияларнинг кўпайиб боришига, ривожланган мамлакатларга технологиялар етказиб беришга кўмаклашади. Бу масалаларни амалга оширишда ЮНИДОнинг Саноат ва технологик ахборотлар банки (СТАБ) самарали фаолият кўрсатмоқда.

Молиялаштиришдаги муаммолар, ортиқча қоғозбозлик ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилишнинг кучсизлигига қарамасдан, замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида БМТ тизимидаги иқтисодий ташкилотларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. БМТнинг махсуслаштирилган муассасалари ролининг кучайиб боришида халқаро меҳнат тақсимоти тузилмасининг мураккаблашуви, ахборот-технологик айирбошлашнинг янгидан-янги каналларининг вужудга келиши жаҳон хўжалик ҳаётининг жадаллашуви ва шунингдек инсоният олдида турган жиддий глобал муаммолар ва ҳ.к.лар муҳим рол ўйнамоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти. Ҳудудий иқтисодий ташкилотлар

БМТ доирасига кирмайдиган иқтисодий ташкилотга 1961 йилда ташкил топган, штаб-квартираси Парижда жойлашган Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилотини (ИХТТ) киритиш мумкин. ИХТТ иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШнинг молиявий ёрдамидан самарали фойдаланиш ва кўхна қитъадаги тикланиш жараёнини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган. Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг вориси ҳисобланади. «Бойлар клуби», жаҳон иқтисодиётининг «ақл маркази» деб аталувчи ИХТТ ҳозирги кунда жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган 29 та мамлакатини ўз таркибига бирлаштирган. Чунончи, бу ташкилотга аъзо-мамлакатлар ҳиссасига жаҳон товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг 2/3 қисми тўғри келади.

ИХТТнинг олий кенгаши бўлиб, унинг таркибига ҳар бир аъзо-мамлакатдан биттадан вакил киради. Кенгаш аъзолар ойда бир марта Бош котиб раислигида учрашишади. Бундан ташқари Кенгаш вазирликлар (ташқи ишлар вазирлиги, молия вазирлиги, иқтисодиёт вазирлиги кабилар) миқёсда йиллик мажлисларни ҳам ўтказиб туради. Доимий асосда иш юритувчи Ижроия қўмитанинг асосий вазифаси ИХТТ фаолиятини назорат қилиш ва Кенгаш мажлисларини тайёрлашдан иборат. 200 дан ортик қўмиталар, ишчи гуруҳлари ва эксперт комиссияларини ижтимоий-иқтисодий ҳарактерда бўлган кенг доирадаги масалалар билан ҳам шуғулланади.

ИХТТ тузилмаси ҳақида фикр билдирилганда албатта Европа ва ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик марказини эслатиб ўтиш жоиздир. Бу марказ 1990 йилда ташкил этилган бўлиб, ИХТТ ва Шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириб туради. ИХТТ фаолиятидаги энг муҳим жиҳат – бу ташкилотга аъзо-мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий муаммолари бўйича фикр алмашишни йўлга қўйишдир. Капитал ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, порахўрликка қарши кураш кабилар тўғрисидаги қонунлар бу сай-ҳаракатларнинг самарасидир. Ҳозирги кунда ИХТТнинг амалий вазифалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

-болалар ва аёллар меҳнати, маҳсулот баҳосини атайлаб пасайтириш кабилар фирром рақобатни чегаралаш йўлларини излаш;

-меҳнатни ҳимоялаш бўйича барча мамлакатлар учун ягона бўлган меъёрий ҳужжатлар тўғрисида конвенция қабул қилиш;

-глобал миқёсда бевосита чет эл инвестицияларни бериш режимини тартибга солиш (Инвестициялар тўғрисида кўп томонлама келишув лойиҳаси компанияларга, ўзларини нуқтаи назарича, ҳукуматнинг ноҳолис инвестицион сиёсати билан тортишиш имкониятини беради);

-саноат корхоналари фаолиятини экологик жиҳатдан халқаро назоратини амалга ошириш.

Жаҳонда интеграцион жараёнлар – ЕИ, НАФТА, МЕРКОСУР, МДҲ кабилар билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган ўнлаб ҳудудий миқёсдаги халқаро иқтисодий ташкилотлар мавжуд. Уларнинг фаолият кўрсатиш механизмларини ўрганиш мақсадида биз Ғарбий ярим шар ва Африка қитъасидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган Америка давлатлари ташкилоти (АДТ) ва Африка Бирдамлик Ташкилоти (АБТ) тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамыз.

Америка давлатлари ташкилоти (АДТ) 1948 йилда Богота шаҳрида (Колумбия) ўтказилган Америка давлатларининг 9-чи халқаро Анжуманида ташкил этилган бўлиб, ўз таркибига 35 давлатни бирлаштирган. Штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган. Ташкилотнинг фаолияти нафақат иқтисодий, балки сиёсий ҳарактерга ҳам эга. 60-йилларда «Совуқ уруш» даври сиёсати ўтгач, иқтисодий масалалар бу ташкилот фаолиятидан олдинги ўринга чиқди. АДТнинг олий бош органи Бош Ассамблея ҳисобланади, йилда бир марта чақириладиган сессияларда энг жиддий масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади. Доимий Кенгаш ташкилотнинг барча жорий фаолиятига раҳбарлик қилади ва назоратни амалга оширади, шунингдек, доимий қўмиталар ва ишчи гуруҳларга таянган ҳолда Бош Ассамблеянинг сессияларини тайёрлайди. Аъзо мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга қўмаклашишга қаратилган Америка давлатлараро иқтисодий ва ижтимоий кенгаши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1994 йилда Америка қитъасидаги 34 мамлакат (Кубадан ташқари) давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувда «тараққиёт ва ривожланиш» мақсадида ҳамкорлик тамойиллари: демократия, эркин савдо ва америкада барқарор ривожланиш тўғрисида декларация» қабул қилинди. Ушбу анжуман қатнашчилари келажакда – 2005 йилдан сўнг Панамерика эркин савдо ҳудудини ташкил этишга қарор қилишди. Африка Бирдамлик Ташкилоти 1963 йилда Аддис-Абеба шаҳрида (Эфиопия) ўтказилган Африка давлатлари раҳбарларининг бу ташкилотнинг штаб-квартираси ҳам шу шаҳарда жойлашган бўлиб,

унга Африканинг деярли барча давлатлари аъзо бўлган (Мароккодан ташқари). АБТ фаолияти АДТдаги каби комплекс ҳаракатига эга, иқтисодий масалалар ҳмиша бошқарув тузилмалари диққат марказида туради. АБТнинг олий органи Давлат ва ҳукумат раҳбарлари Ассамблея ҳисобланиб, у йилда бир маротаба сессиялар ўтказилади. Ташкилотнинг бошқа муассасалари ичида Африка давлатларининг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш юзасидан бевосита масъул бўлган Иқтисодий ва ижтимоий комиссия сезиларли мавқега эга.

АБТ ҳудудий сиёсатига тавсиф берганда, 1991 йилда аъзолар-мамлакатлар томонидан қабул қилинган Африка иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этиш тўғрисидаги битимни эслатиб ўтиш керак. Бу жараённинг умумий давомийлиги 34 йилга мўлжалланган бўлиб, у олти босқичдан иборат. Хуллас, жаҳон иқтисодиётидаги ушбу ҳудудий иқтисодий ташкилотлар глобал миқёсдаги тузилмалар билан биргаликда мамлакатларга миллий чегараланганликни енгиб ўтиш, хўжалик алоқаларини жадаллаштириш ва ХХ-XXI асрлар бўсағасида инсоният дуч келаётган жуда кўп муаммоларни ҳал этиш учун ҳаракатларни бирлаштириш имконини беради.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётида фаолият кўлами ва соҳаси турли туман муассасаларни ўз ичига олувчи халқаро иқтисодий ташкилотлар ХИМ тизимида вақт ўтган сайин янада аҳамиятлироқ бўлиб бормоқда. Халқаро иқтисодий ташкилотлар ичида БМТ тизимига кирувчи тузилмалар (ЭКОСОС, ЮНКТАД, ЮНИДО ва бошқалар) марказий ўринни эгаллайди. БМТ доирасидан ташқари жуда кўп нуфўзли, лобрули глобал ва ҳудудий миқёсдаги ташкилотлар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу ташкилотлар жаҳон иқтисодиётида кенг доирада фаолият кўрсатмоқда.

Жаҳон савдо ташкилотининг жаҳон хўжалигидаги ривожланиш йўналишлари ва уни мамлакатлар иқтисодиётидага аҳамияти

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) 1995 йилнинг 1 январидан ташкил топди. ЖСТ кўп томонлама савдо тизимларининг ҳуқуқий ва институтцион асосидир. У муҳим шартнома мажбуриятларни таъминлайди. Бу шартнома мажбуриятлари ҳукуматларга ички қонунчиликни шакллантириш ва амалга оширишда, шунингдек ташқи савдони бошқаришни аниқлаб беради. ЖСТ 1947 йилда ташкил топган ва 1948 йилнинг 1 январидан кучга кирган Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ)нинг давомчиси ҳисобланади. ЖСТ келишуви халқаро савдонинг янги қонуниятларини, Уругвайдаги кўп томонлама музоқаралар жараёнида эришилган битимларни умумий идорага жамлашни қамраб олади. Бу қоидалар ГАТТ доирасида 125 та мамлакат иштирокида етти йил давом этган ва 1993 йилнинг 15 декабрида Уругвайда тугаган кўп томонлама музоқаралар натижасидир. Вазирлар 1994 йил апрелда Марокашдаги мажлисда яқунловчи актни имзоладилар. 15 апрелдаги “Марокко декларацияси” шунини тасдиқладики, Уругвай раунди натижалари жаҳон иқтисодиётини мустаҳкамлаб, савдо ва капитал кўйилмаларини, бандликни либераллаштириб, бутун жаҳонда тушумларни кўпайтишга олиб келади. ГАТТ-ЖСТнинг қисми сифатида қуйидаги асосий қоидаларга эга:

1. Тарифлар орқали миллий иқтисодиётни химоялаш. ГАТТ эркин савдо билан шуғулланса ҳам ЖСТга аъзо мамлакатлари ўзларининг миллий саноатини ташқи рақобатдан химоя қилиш ҳуқуқига эгаллигини тан олади. Бироқ, ГАТТ мамлакатлардан тарифлар орқали химоя қилишни талаб этади. Бу тамойилни амалда бажарилишини таъминлаш учун ГАТТ қонун-қоидаларига кўра бир неча истиснолар бўйича миқдорий чекловлардан фойдаланиш ман этилди.

2. “Тарифларни алоқалаш”. Давлатлар кўп томонли савдо келишувлари орқали миллий саноатни қўллаб-қувватлашни камайитириши, иложи бўлса, тарифларни камайитириб, бошқа савдо тўсиқларини олиб ташлаши керак. Тарифлар маълум даражада камайиб “алоқа”га кирмоқда. Алоқага киришиш шунини билдирадики, аниқ бир маҳсулотни муносабатга киришишдаги тариф даражаси ЖСТ аъзосининг мажбуриятидир ва асосий савдо шериги билан компенсация ҳақидаги келишувсиз тарифни ошира олмайди.

3. “Энг қулай режим.” ГАТТ нинг ушбу қонуни ажратмаслик принципи ҳисобланади. Қонунда таъкидланишича, экспортёр ва импортёр давлатларга ўзгартирилган тариф ва бошқа меъёрлар БСТнинг аъзоси бўлган бошқа давлатларга ҳам камситишларсиз қўлланилиши керак. Ҳеч қандай давлат бошқасига алоҳида савдо фойдаси ёки камситувчи чоралар қўя олмайди. Ҳамма бир хил даражада ва ҳамма савдо тўсиқларини тушириш мақсадидаги барча чоралардан фойда олади.

4. “Миллий режим”. Агар афзал кўрилган давлатларда камситиш ман қилинган бўлса, “Миллий режим” қонинида эса бозорга чиқарилган товарлар давлат ичида ишлаб чиқарилган эквивалент товарлар билан бир хил шарт-шароитда амалга оширилиши керак.

Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш жараёни қийин ва узоқ вақтни талаб қилади. Биринчи босқичда ЖСТга қўшилишни хоҳловчи давлатларнинг ҳукумат бошлиқлари ЖСТда кузатувчилик ҳуқуқини берувчи ариза беради. Бунда ҳукумат ЖСТга юборувчи ўз меморандумида мамлакатнинг савдо ва иқтисодий сиёсатини тўлиқ қамраб олган аспектиларни тақдим этади. Бу меморандум қўшилиш тўғрисидаги сўровларни тўлиқ ўрганиш учун асос бўлади. Шундан сўнг ЖСТга ариза берувчи давлатлар бўйича ишчи гуруҳ тузилади.

Ишчи гуруҳ йиғилишларида ариза берган ҳукумат товар ва хизматлар савдосига нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб олишлари мақсадида қизиқувчи аъзо-мамлакатлар ҳукуматлари билан икки ва кўп томонлама музокаралар олиб боради. Музокаралар натижасида ЖСТга кираётган давлат товарлар ва хизматлар савдоси бўйича бажариши лозим бўлган ва ўзгартирилмайдиган аниқ бир тарифлар беради. Ариза берувчи давлатнинг савдо режимини ўрганиш ва бозорга киришга имкон берувчи музокаралар тузиш билан ишчи гуруҳ асосий қўшилиш шартларини ишлаб чиқади ва йиғилиш натижасига кўра ЖСТга кираётган давлат тўғрисида қарор тайёрлайди ва бу ҳужжатлар бош кенгаш ёки вазирлар конференциясида тасдиқлаш учун тақдим этилади. Қўшилиш тўғрисидаги қарор ЖСТ аъзоларининг 2/3 қисми овоз берган тақдирда имзоланган ҳисобланади. ЖСТга аъзо бўлган давлат Уругвай раунди қамраб олган битимларни қабул қилиши ва амалга ошириши керак бўлади.

Уругвай раунди янги кўп томонлама савдо тизими ташкил топишида муҳим роль ўйнайди. 1994 йилнинг 15 апрелида Марокашда (Марокко) 125 та аъзо-мамлакатларнинг вазирлари Уругвай раунди қуйидаги тизимлардан ташкил топганлигини тасдиқловчи битимни имзоладилар.

Жаҳон Савдо Ташкилоти тўғрисида Марокаш битими.

- Товарлар савдоси
- Хизматлар савдоси.

Тарифлар ва савдо (ГАТТ-1994) бўйича бош битим ва у билан боғлиқ бўлган битимлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзаро юк ташиш инспекцияси бўйича битим	PSI
Техник бартерлар ва савдо бўйича битим	TBT
Санитар ва фито санитар ҳолат бўйича битим	SPS
Инвестиция савдо аспекти ҳолати бўйича битим	TRIMS
Тўқимачилик ва кийим-кечак бўйича битим	ATC
Қишлоқ хўжалиги бўйича битим	
Қоидаларнинг келиб чиқиши бўйича битим	

- Хизматлар савдоси. Хизматлар савдоси бўйича бош битим (GATS)
- Интеллектуал ресурслар ҳуқуқи (IPRS). Интеллектуал ресурслар савдоси бўйича битим ўз навбатида:
 - Чегараланган иштирокчилар сонига эга секториал савдо битимга.
 - Фуқаро авиатехникаси бўйича битимга.
 - Давлат харидорлари тўғрисидаги битимларга бўлинади.

2001 йилнинг ноябрида Доха шаҳрида (Қатар) ЖСТнинг 4-вазирлар конференцияси бўлди. Унинг натижасида “Доха тараққиёт тартиби” савдо музоқараларининг янги раунди босқичи тўғрисида қарор қабул қилинди. Конференцияда дунё савдо тизимининг либерализацияси бўйича қўйидаги асосий мавзулар- хизматлар, саноат моллари савдоси тарифлари, интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо томонлари, қишлоқ хўжалигида ички қўллаб-қувватлаш ва экспортга субсидиялар бериш, “Сингапур муаммолари”, савдо ва инвестиция, рақобат борасида сиёсат, давлат харидларида транспарентлик, савдо ҳамкорлиги, савдо ва атроф-муҳит муаммолари каби мавзулар кўриб чиқилди. Бу муаммолар бўйича турли қарашлар концепцияси билан боғлиқ бўлган жаҳоннинг 148 мамлакатни савдо вазирликлари 2003 йилнинг 10-14 сентябрида Мексиканинг Канкун шаҳрида бўлиб ўтган ЖСТнинг 5-вазирлар конференцияси чоғида савдо тизимини эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган ягона фикрга кела олмадилар.

ЖСТнинг ташқи савдо операцияларини тартибга солиш услублари

Жаҳон амалиётида ташқи савдо операцияларини тартибга солишни тариф ва нотариф услублари мавжуд бўлиб, уларни қай меъёрда ва қай қўламда қўлланилиши ҳар бир давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати ва ташқи иқтисодий фаолиятидаги асосий йўналишлари билан белгиланади. ЖСТ талабларига кўра барча ташқи савдо операциялари имкон қадар тарифлар ёрдамида, яъни божхона божлари асосида тартибга солишни мақсадга мувофиқ.

ЖСТ ташкил этилгунга қадар ГАТТ 1960-йиллар охирларида нотариф услубларни ташқи савдо операцияларини тартибга солишда қўлланилиши “халқаро савдони эркин оқимига тўсқинлик қилувчи, тарифдан ўзга барча чоралар”-деб эътироф этган. Уларни туркумлаш ва тегишли гуруҳларга ажратиш бўйича ҳозирги кунгача халқаро миқёсда келишилган ва тасдиқланган умумий бир қоида йўқ. Шу туфайли ташқи савдони давлат томонидан нотариф услублар асосида тартибга солишда халқаро (универсал) меъерий ҳужжат мавжуд эмас.^{21[16]}

ЖСТ, халқаро савдо палатаси, БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича Конференцияси, Жаҳон тараққиёт ва тикланиш банки, АҚШ тариф комиссияси ҳамда турли олимларнинг нотариф услубларини туркумлашга ўзгача ендашувлари мавжуд. БМТни савдо ва ривожланиш конференцияси ташқи савдодаги нотариф услубларни (нотариф чекловларни) қўйидаги туркумларга бўлади ва у умуман олганда ЖСТнинг туркумлашига мос келади:

- а) паратариф услублар
- б) нархларни назорат этиш чоралари
- с) молиявий чоралар
- д) миқдорий назорат чоралари (квоталаш)
- е) автоматик лицензиялаш чоралари
- и) монополистик чоралар
- ф) техник чоралар

Паратариф услублар ўз мазмунига кўра тегишли давлат ҳудудида хорижий товарларни киритиш чоғидан божхона божларидан ташқари мавжуд бўлган барча тўловлар, солиқлар, акцизлардан таркиб топган бўлиб, божхона ёки бошқа савдони назорат этувчи органлар томонидан ундирилади. Бир кўришдан улар божхона божлари сингари қўлланилсада, иқтисодий мазмунига кўра нотариф услублар саналади. Масалан, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС), акцизлар, божхона ундирувлари, ички солиқлар, махсус мақсадли тўловлар. Улар ичида ҚҚС, акцизлар жуда кенг қўлланилсада, айрим давлатларда эса ўзгача тарздаги тўловлар, солиқлар тарзида белгиланган.

Масалан, Австрияда “Экспортни ривожлантириш фондига йиғим”, Данияда “Атроф муҳит химояси учун йиғим”, Швецияда “Ўсимликларни химоялаш учун солиқ”,

^{21[16]} Жаҳон иқтисодиёти. Назарова Г.Г., Халилов Х.Х., Ханова И.М., Хакимов Н.З., Бобожонов Б.Р. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007 й

Финландияда “Чиқиндиларга кураш учун йиғим” ва бошқа шу каби йиғим ва солиқлар шулар жумласидандир. Умуман олганда паратариф услублар тегишли мамлакатнинг ялпи божхона режимига билвосита таъсир ўтказилади.

Нархни назорат этиш чоралари-импорт қилинаётган товарлар нархини сунъий камайтиришига еки экспортёр давлатдаги экспорт субсидияларига қарши белгиланган барча турдаги чора тадбирларни ўз ичига олади. Бу ҳолат кўпгина импортёр давлатларга жаҳон экспорт нархларидан паст нархларда товарлар киритилишида учрайди ва антидемпинг тўловлари (пошлиналарни) қўлланилишини келтириб чиқаради.

ГАТТнинг 1994 йилларда қабул қилинган VI- моддасига (одатда у “Антидемпинг Кодекси” деб аталади) кўра, дастлаб демпинг ҳолатини (фактини) аниқлаш услуби орқали антидемпинг тўловлари (пошлиналарни) қўллаш юридик жиҳатдан асосланиши лозим. Шундан сўнг, антидемпинг тўловларни (пошлиналарни) қўллаш учун тегишли текширувлар ўтказилади ва у ҳақиқатда импортёр давлатнинг тегишли тармоғи учун моддий зарар етказганлигини аниқлаш керак.

Кўплаб давлатлар ўртасидаги савдо-сотиқ операцияларида антидемпинг текширувлари таҳлили шуни кўрсатадики, кўпгина ҳолатларда “демпингдаги айблов” тўлиқ исботланмай қолади. Лекин, ушбу текширувларни бошланиш жараёнининг ўзи давлатлар ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларига, айниқса йирик экспортёр ва импортёр ташкилотлар ўртасига совуқчилик туширади.

Бундан ташқари, кўп давлатлар экспортга кўмак бериш мақсадида дотациялар, солиқ имтиёзлари, имтиёзли тарифлар ва бошқа турдаги молиявий воситалар билан протекционистик сиёсати тадбирларини амалга оширадilar. “Янги протекционизм” деб ном олган ушбу чораларни қўллаш тартиби ЖСТ доирасида қабул қилинган “Субсидиялар ва компенсацион пошлиналар тўғрисидаги Битим”да ўз аксини топган.

Молиявий чоралар- валюта операцияларини амалга оширишнинг ўзига хос қоидалари тарзида ташқи савдо алоқаларида қўлланилади. (Масалан, ташқи савдо операцияларидан олинган валюта тушумининг бир қисмини албатта сотиш тартиби).

Микдорий назорат чоралари (квоталаш) тегишли мамлакатга муайян товарларни киритиш ва чиқаришдаги микдорий чегараларни қўлланилишида ўз ифодасини топади.

ГАТТнинг 1994 йилда қабул қилинган ҳужжатларида микдорий чораларни амалиётда қўлланилишидан воз кечиш-жаҳондаги тегишли иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш омили сифатида белгиланган бўлсада, у ёки бу товар бўйича микдорий чекловларни қўллашга руҳсат этилган. Шу туфайли, кўпгина давлатлар, мамлакатнинг тўлов балансида мувозанатни сақлаш, ички бозордаги рақобатни таъминлаш мақсадларида микдорий чеклов (квоталаш) чораларини қўллайдилар. Кўп ҳолларда у импорт қилинаётган товарнинг физик микдори бўйича чеклов, (хусусан тонна, дона, метр ва ҳ.к.) ёки товарлар гуруҳи бўйича пул микдоридаги чеклов (масалан, 5 млн. АҚШ доллари ҳажмида) белгиланди.

Автоматик лицензиялаш чоралари, тегишли товарни мамлакатга киритиш ва чиқаришда муайян ҳужжат-лицензиянинг мавжуд бўлишини талаб этади. Лицензиялаш киритилиши билан товарлар савдосини мониторинг қилиш, кузатиш имкони вужудга келади. Одатда лицензиялашнинг автоматик тарзда амалга оширилиши кўпгина давлатлар тажрибасида кенг қўлланилди. ЖСТ доирасида “Импортни лицензиялаш тадбирлари тўғрисидаги Битим” (Импортни лицензиялаш Кодекси) мавжуд бўлиб, у импорт лицензияларини беришдаги расмийчиликларни соддалаштириш ва унификациялаштиришга қаратилган.

Монополистик чоралар таркибига давлатнинг ривожланиш босқичида ички ва ташқи савдо тизимини давлат қўлида сақланишига оид бўлган ташкилий жараёнлар киради. Ташқи савдога давлат монополияси у ёки бу товар гуруҳига ёки барча тизимга ҳам таалуқли бўлиши мумкин. Бунда ушбу тадбирлар маънавий асослар, сиҳат-саломатликни сақлаш (масалан, алкоголь ва тамаки маҳсулотларига нисбатан), аҳолини узлуксиз доридармон билан таъминлаш, озиқ-овқат бўйича хавфсизлик (масалан, дон маҳсулотларига

нисбатан), санитария-ветеринария назоратини кучайтириш мақсадларида (масалан, озиқ-овақат ва гўшт маҳсулотларига нисбатан) қўлланилиши мумкин.

ГАТТнинг 1994 йилги Бош Битмининг XVII- моддаси ташқи савдода монополистик чоралар қўлланилишини назарда тутуди ва давлат савдо корхоналарининг унда фаолият юритишини ман этмайди. Лекин, улар ўз фаолиятида дискриминацияга йўл қўймасликлари ва тижорат принциплари асосида сифат ва нарх бўйича мутаносибликни таъминлашлари зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Техник чоралар ёки техник барьерлар. Импорт қилаётган мамлакат ўз миллий стандартлари асосида хавфсизлик ва товарлар сифатини назорат этиш мақсадида ушбу нотариф услубдан фойдаландилар. Ушбу туркумга чекловлар муайян бир стандартлар тарзида бўлиб, экспорт қилинаётган товарлар сифатини таъминлаш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, инсонлар ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш, атроф муҳит ҳимояси, миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан асосланган бўлиши лозим.

ЖСТ доирасида савдода техник барьерлар тўғрисидаги Битимга асосан ҳар қандай давлат мажбурий техник стандартларини белгилаши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Хусусан, у товарларни қадоқланиши, маркировкасига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Амалда қўлланилаётган техник барьерлар техник стандартлар тарзида маҳсулот сифатининг техник меъёрларини (масалан, электр токи қуввати, кучланиши, маҳсулотнинг миллий ўлчов бирликлар тизимига мослиги, экологик зарарсизлиги ва ҳ.к. талаблар) ифодалайди. Ташқи савдода техник барьерларни қўллаётган давлатлар халқаро стандартлар асосида уни белгилашлари ёки нима асосида киритилаётганликлари ҳақида ЖСТ секретариатига хабар беришлари лозим.

Ташқи савдо операцияларини тартибга солишда асосий ўринни тариф услублари хусусан, импорт божхона тарифи эгаллайди. ўз табиатида кўра импорт божхона тарифлари бир-бирига боғланган тўрт асосий элементдан таркиб топади:

□ мамлакатга киритиладиган товарлар туркумининг (номенклатураси) тизимга солинган таркиби. Одатда у Божхона ҳамкорлиги Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган ва ЖСТ/ГАТТ тизимида тан олинган “Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг комил тизими” (ингл. Harmonised Commodity Description and Coding System) асосида амалга оширилади. Кўпгина ҳолларда у содда тарзда “Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси” (русча, одатда. ТН ВЭД) деб аталади;

□ божхона қийматини аниқлаш услублари ва божлар ундириш тартиби. У тегишли давлатнинг Божхона Кодекси ва Бож тарифлари тўғрисидаги қонун ва ҳукуматнинг махсус қарорлари асосида амалга оширилади;

□ божларни киритиш ва бекор қилиш механизми (тартиби). Бу элементлар ҳам Божхона кодекси, Бож тарифлари тўғрисидаги қонун ҳамда ҳукумат ёки қонун чиқарувчи органларнинг махсус қарорлари асосида амалга оширилади;

□ товарларни келиб чиқиш механизмини аниқлаш қоидалари. ЖСТ/ГАТТ ҳамда халқаро божхона ташкилоти йўриқномалари, тавсиялари асосида товарга қайси манзилда кўпроқ қўшимча қиймат қўшилганлигига асосланиб, унга асосий ишлаб чиқарилган давлат манзилини белгилаш.

Шундай қилиб, ташқи савдони тартибга солиш услублари ўта мураккаб ва ўзаро боғлиқ бўлган қоида ва тартиблар билан бир қаторда, турли йўналишдаги чораларни ўз ичига олади. Ташқи савдода тариф ва нотариф услубларни қай меъёрда қўлланилиши тегишли мамлакатнинг ташқи савдо сиёсатига боғлиқ.

Таянч иборалар: Халқаро иқтисодий ташкилотлар, ташкилотлар таснифи, Бирлашган миллатлар ташкилоти, Бутунжаҳон савдо ташкилоти, халқаро ташкилотларнинг иқтисодий роли.

Мавзу бўйича хулосаси:

Жаҳон иқтисодиётида халқаро ташкилотларнинг ўрни жуда муҳим саналади. Чунки улар ўзлари таркибида турли гуруҳ ва давлатларни бирлаштира экан умумий мақсадларни кўзлаган ҳолда ҳаракатланиш имконини беради. Шунингдек халқаро ташкилотлар жаҳон

хўжалигини ҳамкорликда тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Ҳозирда дуёда сезиларли мавқега эга бўлган 100 дан ортиқ халқаро ташкилотлар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари сифатида БМТ тизимидаги халқаро ташкилотлар, Бутунжаҳон савдо ташкилоти, йирик халқаро банк ва молиявий ташкилотлар (ХВФ, ЖБ, ЕТТБ, ОТБ, ИТБ) ҳамда нодавлат ва ноҳукумат ташкилотларни келтириш мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 196 б.
2. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.
3. Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик.- Т.:ТДИУ, 2011.- 276 б.
4. Мировая экономика и международный бизнес: учебник/ кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р. К. Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.
5. Внешнеэкономическая деятельность: учебник, для студ. сред. проф. учебник, заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Симитенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.
6. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. - М.: Магистр, 2007. - 429 стр.
7. Назарова Г, Иминов З. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. - 2010. - 319 бет.
8. Назарова Г. Г., Ҳайдаров Н. Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар / академик С. С. Ғуломов таҳрири остида (ўқув қўлланма), ТДИУ, 2005 й. 272 бет.
9. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник / Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 стр.

12- мавзу. Жаҳон хўжалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари.
2. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларининг ривожланиши.
3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг таъсири.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: ташқи савдо, икки томонлама ва кўп томонлама иқтисодий муносабатлар, ЖСТга аъзо бўлиш, халқаро молия-кредит ташкилотлари билан иқтисодий муносабатлар.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятларини сиз қандай изоҳлайсиз?
2. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларининг ривожланиши сиз қандай изоҳлайсиз?
3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг таъсирини сиз қандай изоҳлайсиз?

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини изоҳлай олади.
- 1.2. Ўзбекистоннинг пировардида иқтисодий имкониятларини изоҳлай олади.

1-асосий савол баёни: Бутунги кунда мамлакатимиз улкан территорияга, кўп миллионли аҳолисига, турли-туман ресурсларга эга бўлсада, у бошқа мамлакатлар билан доимий ва белгиланган иқтисодий алоқаларга эга бўлмасдан туриб, якка ҳолда ривожланишнинг юқори чўққиларига эриша олмайди.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик алоқаларига қўшилиш жараёни объектив тузилмавий шарт-шароитлар етилган ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг хўжалик механизми ислоҳ қилина борган сари босқичма-босқич ривожланмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига муносиб тарзда кириб боришига йўналтирилган стратегия республиканинг иқтисодий салоҳиятига асосланиши реал вазиятидан келиб чиққан ҳолда туғилади ва у давлатимизни сиёсий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадларига эришишга қаратилган.

Жаҳон хўжалик алоқаларининг моддий-ашёвий асосларини у ёки бу минтақавий гуруҳлар ёхуд иттифоқларга бирлашган мамлакатларнинг интеграциявий салоҳияти ташкил қилади.

Мамлакатнинг интеграцион салоҳияти деганда, фикримизча, халқаро иқтисодий интеграциянинг алоҳида томонлари-субъектлари амалга оширадиган халқаро ишлаб чиқариш-иқтисодий ҳамкорлик ва алмашув предмети бўлган миллий табиий, меҳнат, ишлаб чиқариш, молия-кредит, савдо ресурслари, илмий ходимлар ва одамларнинг ақлий қобилияти мажмуини тушуниш зарур. Ўзбекистоннинг интеграцион алоқаларини жадаллаштиришга хизмат қиладиган омиллар ва шароитлар орасидан республика интеграцион салоҳиятининг қуйидаги аниқ-равшан устунликларини санаб ўтиш мумкин:-

- Ўзбекистоннинг Евроосиё қитъасидаги қулай геостратегик жойлашуви;
- ер, минерал-хом ашё ва ўсимликларнинг анча катта захираси, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай бўлган тенги йўқ тупроқ-иқлим шароитлари;
- муҳим ташқи савдо ва экспорт салоҳияти;
- тегишли давлатлараро коопрециялашув ва биргаликдаги инвестициялар мавжуд бўлганда анча қисқа муддатлар ичида тайёргарликнинг юқори даражасига эга рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилишга имкон берадиган йирик ишлаб чиқариш салоҳияти;
- инсонлар салоҳияти, тез кўпайиб бораётган меҳнат ресурслари, шунингдек, нисбатан арзон (жаҳон миқёсида олиб қараганда) иш кучининг мавжудлиги;
- ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси, биринчи навбатда республикани МДХнинг бошқа минтақалари билан боғлаб турадиган, автомобил ва темир йўл магистраллари, телекоммуникация тизимининг мавжудлиги;
- республикада чет эл капиталини инвестиция қилиш, ўзаро фойдали ташқи иқтисодий ва интеграцион ҳамкорликнинг яхши кафолати бўлган барқарор сиёсат.
- Юқорида кўрсатилган позициялар бўйича миллий иқтисодиётнинг бозор иқтисодиётига ўтаётган шароитида мамлакат интеграциявий салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиш учун бу салоҳиятнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш керак.

Биринчи навбатда, бу потенциалнинг таркибий қисмлари бўлган геостратегик жойлашув, табиий-хомашё ва меҳнат ресурслари, шунингдек экспорт имкониятлари кабиларни тавсифлаш лозим.

Республика ноёб табиий бойликларга, кудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга. Тарихнинг ўзи Ўзбекистоннинг ўрнини Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган Евроосиё йўллари чорраҳасида белгилаган. Бизнинг Республикамиз Евроосиё иқтисодий ва маданий кўприги бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу кўприк доирасида товарлар, технологиялар, сармоялар ва маданий қадриятларнинг харакати ва алмашуви учун яхши шароит яратилган.

26 миллиондан ортиқроқ аҳолиси бўлган Ўзбекистон жўғрофий жиҳатидан ҳам, сиёсий жиҳатидан ҳам Марказий Осиёнинг ўзагини ташкил этади. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири мана шу минтақада пайдо бўлган. Қадим замонларда Буюк Ипак йўли шу ердан ўтган. Халқимизнинг тарихи ўз илдизлари билан асрларга бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Мовароуннахр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган.

Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хива шаҳарлари жуда қадим замонлардан дунёга машҳур бўлган. Олис асрларда бу шаҳарлар Хитойдан Испаниягача, Европадан Ҳинд океанигача алоқа боғлаган, Бундан кўриниб турибдики, ўтмиш аждодларимиз азалдан ташқи дунё халқлари билан ҳар тарафлама халқаро алоқаларни ривожлантириб келган.

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиши ва унинг жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашуви, ўз навбатида унинг салоҳияти, дунёда тутган мавқеи билан характерланади.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой ўлка. Мамлакат ҳудудида 2 2700 дан ортиқ фойдали қазилма бойликлари кони мавжуд, улардан 900 га яқини ўзлаштирилган.

Ўзбекистоннинг келажаги қимматбаҳо қазилма бойликлари, рангли ва ноёб металллар, органик ёнилғиларнинг барча турлари - нефть, табиий газ ва газ конденсати, кўмир, уран, қурилиш материалларининг кўплаб турлари ва бошқа конларни ўзлаштириш билан боғлиқ.

Қатор фойдали қазилмалар - олтин, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфоритлар, каолинларнинг аниқланган захиралари ва истиқболли лойihalари бўйича Ўзбекистон нафақат МДХда, балки дунё микёсида ҳам етакчи ўринларни эгаллайди.

Ўзбекистон казиб олинadиган олтиннинг умумий хажми бўйича дунёда саккизинчи ўринни, уни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича эса бешинчи ўринни эгаллайди; республика 30 га яқин олтин конлар аниқланган. Мурунтодаги олтин конларини (микдори ва сифати бўйича) Колондайк (АҚШ), Витватерсранд (ЖАР), Колар (Ҳиндистон) сингари жаҳондаги энг йирик конлар билан бир қаторга қўйиш мумкин. Мустақиллик шарофати туфайли, олтин захираларини ўзи тасарруф этиш имкониятига эга бўлган Ўзбекистон, жаҳон олтин бозорида ҳам тенг ҳуқуқли ҳамкор бўла олиши мумкин.

Бутун Марказий Осиё минтақаси бўйича газ конденсати захираларининг 74 %, нефтнинг 31 %, табиий газнинг 40 %, кўмирнинг 55 %и Ўзбекистон хиссасига тугри келади. Табиий газ казиб олиш бўйича республика МДХ мамлакатлари ичида учинчи ўринда ва дунёдаги бу соҳанинг кучли етакчи 10 мамлакатлари қаторида туради.

Ўзбекистон Марказий Осиёда ва МДХ доирасида пахта етиштирувчи асосий мамлакат бўлиб ҳисобланади. Агар бутун Марказий Осиё мамлакатлари 2 млн. тонна пахта толаси етиштирса, унинг 1,4 млн. тоннаси ўзбек толасидир. Ўзбекистон пахта толаси етиштириш бўйича дунёда туртинчи ўринда, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради.

Ўзбекистон газ узатиш тизими МДХ давлатларининг ягона газқувур тизимига киради. У Марказий Осиё, Россия ва Украина каби Европа давлатларига газ узатиш техник имконияти билан биргаликда 9 та бош газ транспорт тармоғи нафақат Ўрта Осиё учун, МДХнинг Европа қисми давлатлари ва Кавказорти учун ҳам умумдавлат аҳамиятига эга.

Республикада юк ва йўловчиларни мамлакат ичкарасида ва ташқари ташишни МДХ, яқин ва узок хориж мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни таъминловчи тармокланган транспорт тизими шаклланди. Ўзбекистон Козоғистон республикаси билан мустақкам транспорт алоқасига эга. Бу алоқа орқали республикамизнинг Россия, Хитой, Осиёнинг бошқа давлатлари ва Тинч океани региони автойўлларига чиқиши таъминланади. Ўзбекистоннинг бевосита иштирокида Транссиё магистралининг бир қисми ҳисобланган, Жанубий-Шарқий Осиёни Ғарбий Европа билан туташтирадиган ва Транссибирь магистралидан 1500 км қисқа бўлган Тажан-Серахс-Машхад янги йўли ишга туширилди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларига Потти порти орқали Европа билан боғланиш имкониятини берувчи Туркменистон ва Транскавказ йўли орқали ўтган транспорт йўлаги ўзлаштирилди.

Республика автомобиль йўллари тармоғи ривожланишининг асосий кўрсаткичлари бўйича МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринда туради. Мавжуд автомобиль йўллари республика ҳудудди орқали Киргизистон, Туркменистон, Тожикистон, Афғонистон, улар орқали эса Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари йўлларига транзит юк ва йўловчиларнинг узлуксиз ўтишини таъминлайди.

Ўзбекистон миллий авиакомпанияси Боинг- 747, А-310, Ил-86, ТУ-154 ва бошқа шу каби замонавий ҳаво лайнерларига ва маҳаллий йўлларга мўлжалланган кўп миқдордаги ҳаво кемаларига эга.

Хозирги вақтда Ўзбекистон МДХнинг бир неча йирик шаҳарлари ва жаҳоннинг 20та давлати:АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Исроил, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа давлатлар билан бевосита ҳаво йўллари орқали боғланган.

Мавжуд транспорт ва телекоммуникацион тармоқларнинг ривожланиши, Ўзбекистоннинг дунё микёсидаги нуфузини оширмоқда ва унинг халқаро алоқаларини янада кучайтирмоқда.

Саёҳатни ривожлантириш учун имкониятларимиз жуда катта. Республика ҳудудида 4 мингдан ортиқ меъморлик ёдгорликлари мавжуд. Уларнинг кўпларини ЮНЕСКО ўз муҳофазасига олган.

Ўзбекистоннинг халқаро бозорга мустақил суръатда чиқиши ва дунё хўжалигига интеграциялашуви шароитларида унинг бошланғич иқтисодий салоҳияти жаҳон хўжалигига самарали қўшилиш истиқболларига умид қилиш имконини беради.

Назорат саволлари:

- 1.1.Ўзбекистоннинг табиий бойликларига нималарар киради?
- 1.2.Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига қандай баҳо берасиз?
- 1.3.Ўзбекистоннинг келажакдаги имкониятларини қандай баҳолайсиз?

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларининг ривожланиши тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви моҳиятини изоҳлай олади.
- 2.2. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини изоҳлай олади.

2-асосий савол баёни: Ҳозирда Ўзбекистон қатор обрўли ва жаҳон иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, жаҳоннинг ўнлаб давлатлари билан дўстона алоқаларини боғлаган, йирик банк ва молиявий органлар билан ҳамда нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 43 та чет давлатларнинг элчихоналари, 15 та ҳукуматлараро ва 49 та ноҳукумат ташкилотлар аккредитация қилинган.

Ўзбекистон турли даражадаги – глобал ва минтақавий интеграцион жараёнларда қатнашиш билан бир пайтда бир муҳим тамойилга риоя қилади: бир давлат билан яқинлашиш бошқа бир давлат билан узоқлашиш эвазига бўлмаслиги керак. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциясининг таркибий қисми турли давлат ва халқаро ташкилотлар билан кўп тармоқли алоқалардир.

Бунда Европа Иттифоқи муҳим ўрин эгаллайди. Европа Иттифоқининг жаҳон миқёсидаги ўрни кучайиб борган сари, жаҳон мамлакатлари ушбу интеграцион гуруҳ билан ҳамкорлик қилишга интилоқдалар. Ўзбекистон Республикаси ҳам ташқи иқтисодий сиёсатининг аҳамиятли жиҳати сифатида ЕИ билан муносабатларини белгилаб олди. Президент И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари ҳам ушбу фикрни тўла тасдиқлайди: «Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Европага йўналтирилганлиги кучаймоқда. У Европа давлатлари, ҳамда ҳудудий интеграция жараёнлари самарали амалга ошаётган Европа қитъаси билан ҳамкорликни ўз ичига олади».

Ўзбекистон Республикаси учун ЕИ билан иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни кенгайтириш мамлакат учун нафақат иқтисодий афзалликлар, балки шу билан бир қаторда Ўзбекистонни жаҳондаги мавқеини мустаҳкамлаш имкониятларини ҳам юзага келтиради. Жаҳоннинг нуфузли интеграцион гуруҳи билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ўрнатиш Ўзбекистон учун дунёнинг бошқа мамлакат ва ҳудудлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ўрнатиш кафолати бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон учун ЕИга аъзо-мамлакатлар билан алоҳида-алоҳида муносабатлар ўрнатиш ва кенгайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик 1992 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Европа Иттифоқи қўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандумнинг имзоланиши билан бошланган.

1994 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида ЕИ Қўмитасининг Ўзбекистондаги техник алоқа ҳамкорлиги бўйича бюро тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу органларнинг мақсади Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар жараёни ва бозор муносабатларига ўтишда техник ёрдам кўрсатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ЕИ Қўмитасининг ҳамкорлигини кучайтиришдир.

Ўзбекистон Республикаси билан Европа мамлакатлари ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 1996 йил 21 июндаги саммитда ЕИ аъзо давлатлари раҳбарлари билан «Ўзбекистон ва Европа Ҳамжамияти ҳамда унга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва шериклик» тўғрисида битим имзоланди. Ўзбекистон Собиқ Иттифоқ давлатлари ичида Россиядан кейин бундай битим имзолаган иккинчи давлатдир.

Ўзбекистоннинг ЕИ ва ЕИга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилади. Шунингдек, сиёсий, иқтисодий, фан-техникавий ва маданий алоқалар учун кенг имконият очади.

1999 йил майда Европарламент ва Европа Иттифоқига аъзо давлатлар билан шерикчилик ва ҳамкорлик ҳақида битим ратификацияси бўйича барча муҳим тадбирлар ниҳоясига етди. 1999 йил 1 июлда «Шерикчилик ва ҳамкорлик ҳақидаги битим» кучга кирди ва «ЕИ-Ўзбекистон» кўшма қўмитаси ўрнига Ўзбекистон-ЕИ ҳамкорлик қўмитаси тузилди. ЕИ Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ мамлакатлари ўртасидаги мол айирбошлашнинг ўсиши кўрсаткичлари савдо-иқтисодий муносабатларнинг муваффақиятли ривожланаётганлигидан гувоҳлик беради. 2007 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасининг ЕИ мамлакатлари билан икки томонлама мол айирбошлаш ҳажми 1 млрд. 65,8 млн. АҚШ долларинини ташкил этган, ундан 520,6 млн. АҚШ доллари экспорт, импорт эса 545,2 млн. АҚШ долларини ташкил этади. 2007 йил давомида мол айирбошлаш ҳажми бўйича ЕИ мамлакатлари ичида республикамизнинг энг йирик савдо шериклари: Буюк Британия (302,0 млн. АҚШ доллари), ГФР (250,8 млн. АҚШ доллари), Италия (123,8 млн. АҚШ доллари), Бельгия (95,5 млн. АҚШ доллари), Франция (91,5 млн. АҚШ доллари), Нидерландия (68,5 млн. АҚШ доллари) бўлди.

ЕИ мамлакатлари бизнинг етакчи инвесторларимиз бўлиб, ҳозирда Ўзбекистонда ЕИ аъзо давлатларининг 147 фирма ва компаниялари аккредитация қилинган. Республика ҳудудида ЕИ мамлакатлари фирма ва компаниялари капитали иштироки билан 480 корхона ўз фаолиятини амалга оширмоқда, улардан 114 таси-100% лик Европа капитали билан, 1995-2007 йиллар давомида ЕИ фирма ва компаниялари, шунингдек банк тузилмалари Ўзбекистонда умумий қиймати 8 млрд. АҚШ доллари атрофида бўлган йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этди. Шу билан бирга охириги йилларда Германия, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Португалия, Австрия, Греция, Чехия, Словакия, Руминия ва бошқа қатор давлатлар билан тўғридан-тўғри икки томонлама алоқалар изчил ва барқарор ривожланмоқда. Юқоридагиларидан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ЕИ Ўзбекистон учун ҳозирги кундаги асосий ҳамкордир. ЕИ билан иқтисодий муносабатларни қай тарзда амалга ошириш Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилайди. Шундай экан Ўзбекистон Республикасининг ЕИ давлатлари билан иқтисодий муносабатларини чуқурлашуви ўз-ўзидан сиёсий, маданий ҳамкорликни ривожланишига олиб келади.

Ўзбекистон - ЕИ муносабатлар келажиги кўп жihatдан транспорт муаммолари хал бўлишига боғлиқ. Бу соҳада ЕИ нинг ТРАСЕКА дастури алоҳида эътиборга сазовор.

Ўзбекистон - ЕИ ҳамкорлигининг истикболли соҳалари, ҳамда уларнинг амалга оширилишида ЕИ нинг қайси мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқлиги бўйича тавсиялар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Компанияларни турли инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этишга жалб этиш (Германия, Франция, Дания, Буюк Британия, Швеция ва б.);
- Кадрлар тайерлашдаги кенг камровли ҳамкорлик (Германия, Франция, Буюк Британия, Нидерландлар);
- Экспорт имкониятларини кенгайтириш мақсадида ЕИ давлатларида ўзбек савдо уйлари очиш (ЕИ барча мамлакатлари);
- Кўшма корхоналар ташкил этиш йўли билан ЕИ технология ва ноу-хауларни Ўзбекистонга келтириш (Германия, Франция, Дания, Буюк Британия, Шведция ва б.);
- Озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда ЕИ аъзолари тажрибасидан фойдаланиш (Бельгия, Нидерландлар, Дания, Ирландия, Португалия);
- Қурилиш соҳаси ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдаги ҳамкорликни кенгайтириш (Италия, Франция, Австрия, Швеция ва б.);
- Пахта толасини қайта ишлаш ва кийим-кечак, пойабзал ишлаб чиқаришда ҳамкорликни кенгайтириш (Италия, Германия, Австрия, Испания ва б.);
- Туризм соҳасидаги кенг камровли ҳамкорликни кенгайтириш (ЕИнинг барча мамлакатлари);

- Коммуникация соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш. ЕИ аъзолари портлари, автомобил ва темир йулларидан фойдаланишни йўлга қўйиш (Нидерландлар, Германия, Финляндия, Греция);
- Банк соҳасини ислоҳ қилишда ЕИ аъзолари тажрибасидан фойдаланиш (Германия, Франция, Бельгия ва б.);
- Сувни тозаловчи мосламаларга доир ЕИ етакчи технологияларидан фойдаланиш (Швеция, Дания, Германия);
- Фармацевтика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва Ўзбекистонда доридармон ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш (Бельгия, Австрия, Германия, Франция, Ирландия, Греция);
- Фойдали казилмалар ишлаб чиқариш ва кайта ишлашдаги ҳамкорликни кенгайтириш (Франция Швеция ва б.)
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва кайта ишлашдаги ҳамкорлик имкониятларидан фойдаланиш (Бельгия, Нидерландлар, Дания, Ирландия)
- Металлургия соҳасидаги ҳамкорлик (Австрия, Италия, Люксембург)
- Ўзбекистон аэропортларидан транзит учун фойдаланиш масалаларидаги ҳамкорликни ўрнатиш ва амалга ошириш. (ЕИ нинг барча мамлакатлари.)

Ўзбекистон ва АҚШ. Йирик сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга дунёнинг етакчи давлати - АҚШ билан кўп томонлама муносабатларни чуқурлаштириш ва ривожлантириш Ўзбекистон учун устивор аҳамиятга эга. «Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида Декларация» икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Республикада Америка инвесторлари иштирокидаги 323 корхона рўйхатга олинган, улардан 233 таси қўшма корхоналар ва 90 таси 100% чет эл капиталига қурилган.

Америка капитали иштирокидаги инвестицион лойиҳалар тоғ-кон ва нефть газ комплекслари, агросаноат комплекси технологик базалари, озиқ-овқат саноати ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш каби иқтисодийнинг асосий тармоқларида амалга оширилади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан буён Америка компаниялари ва молиявий институтлари иштирокида амалга оширилган инвестицион лойиҳалар умумий суммаси 2,4 млрд. АҚШ долларидан ортиқ, шундан 1,4 млрд. АҚШ долларлик лойиҳалар Америка молиявий институтлари томонидан суғурталанган. АҚШ Ўзбекистоннинг муҳим савдо ҳамкори бўлиб қолмоқда.

Япония давлатига тўхталадиган бўлсак, у Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олган. Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 26 январда ўрнатилган.

Икки томонлама муносабатларнинг ривожланишида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Японияга 1994 йил май ва 2002 йил июлда амалга оширган расмий ташрифлари муҳим роль ўйнаган. Ташрифлар чоғида Ўзбек-Япон давлатлараро муносабатларига асос бўлган қатор ҳужжатлар имзоланган. Шу қаторда «Ўзбекистон Республикаси ва Япония қўшма баёноти», «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Япония ҳукумати ўртасида имзоланган битимларга Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ворислиги ҳақида мактублар алмашинуви», шунингдек, «Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстона, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнот» имзоланди.

Икки томонлама муносабатларнинг ривожланишида 1994 йил тузилган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбек-Япон ва Япон-Ўзбек қўмиталари муҳим роль ўйнайди.

Мунтазам равишда республикага Япониянинг нуфузли парламент вакиллари, ишбилармон давралари ва сиёсий партиялари раҳбарлари ташриф буюрмоқда. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва молиявий ҳамкорлик, нефть-газ ва тўқимачилик тармоғи, минерал хом-ашё базаларини ривожлантириш бўйича инвестицион семинарлар, конференциялар, презентациялар ташкил этилмоқда.

Япониянинг иқтисодиёт, савдо ва саноат ҳамда молия вазирликлари билан биргаликда доимий асосда молиявий ва техник ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича консултациялар ўтказилмоқда.

Тошкентда Япониялик инвесторлар иштирокида тузилган 19 йирик Япон компаниялари аккредитация қилинган ва 8 қўшма корхона ишламоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришда стратегик режаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнавчи молиявий-иқтисодий ёрдамга, Япония билан ҳамкорликни ривожлантиришга устувор аҳамият берилади.

Ўз навбатида Япония ҳам Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги вазиятга катта таъсир кўрсата оладиган минтақавий йирик давлат сифатида қарайди. Ҳозирги вақтда икки давлат ўртасида савдода мумкин қадар қулайлик бериш режими ўрнатилган.

Ўзбекистон ва Япониянинг иқтисодий ҳамкорлиги охириги йиллар мобайнида барқарор ривожланмоқда. Ўтган даврда республикага келтирилган молиявий воситаларнинг умумий ҳажми 1,563 млрд.дан ортиқ АҚШ долларини ташкил этди.

Халқаро ҳамкорлик Япон банки (JBIC) тижорий кредитлари орқали республика ёқилғи-энергетика ва тўқимачилик комплексларида умумий суммаси 721,1 млн. АҚШ доллари бўлган 8 та инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши молиялаштирилди.

Беғараз ва инсонпарварлик ёрдамлари бўйича соғлиқни сақлаш, маориф, транспорт ва маданият соҳаларига умумий суммаси 130,83 млн. АҚШ доллари бўлган ресурслар Япония томонидан ажратилди.

1993-2008 йиллар давомида Ўзбекистондаги ташкилот ва муассасаларда иқтисодиёт, телекоммуникация, туризм, транспорт инфратузилмасини ва бошқа соҳаларда ишлаш учун 150 нафар атрофида экспертлар жўнатилди. Бундан ташқари 1993 йилдан бошлаб республиканинг турли вазирлик ва муассасаларидан 500 га яқин мутахассислар Японияда амалиёт ўтаб қайтишди.

Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорлик. Ўзаро фойдали ҳамкорликнинг асосий йўналишлари 1992 йил мартдаги, 1994 йил октябрдаги, 1999 йил ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Хитойга, шунингдек, 1994 йилларда ХХР Давлат статистика Қўмитаси Бош Вазири Ли Пеннинг 1996 йил июлда ХХР раҳбари Цзян Цзэминнинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари чоғида аниқлаб олинган.

1992 йил январда Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ўртасида имзоланган савдо иқтисодий битимларга мувофиқ мамлакатлар ўртасида мумкин қадар қулайлик режими ўрнатилди.

2002 йилда икки давлат ўртасида мол айирбошлаш 130 млн. АҚШ долларини ташкил этди, бундан 17,3 млн. АҚШ долларини экспорт, 112,7 млн. АҚШ долларини импорт. Бу давр мобайнида экспортнинг асосий моддалари: хизматлар, электр ва механик асбоб-ускуналар, ипак, тўқима материаллар, ишлаш учун ўсимлик материаллари, минерал ёқилғи, нефть ва уни қайта ишланган маҳсулотлари, пахта толаси, хўл мева ва ёнғоқлар, мато, калава ип ва бошқалардан иборат.

Импортнинг асосий моддалари - механика анжомлари, оптика аппаратлари ва приборлар, пластмасса ва унинг маҳсулотлари, кофе, чой ва қандолат маҳсулотлари, ер транспорти воситалари, анорганик химиявий маҳсулотлар, тўқимачилик кийимлари, пойафзал, органик химиявий қўшилмалар, каучук ва резина маҳсулотлари, қора металл ва қора металл маҳсулотлари, трикотаж кийимлари ва бошқалар.

Республикада ХХРнинг инвесторлари иштирокида тузилган 100 дан ортиқ корхоналар ўз фаолиятини чакана ва улгуржи савдо, енгил саноат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа соҳаларда юритмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси ЎЗР ТИАИСВда 19 та Хитой компаниялари ваколатхоналари аккредитация қилинган. Аккредитация қилинган ваколатхоналар фаолиятининг асосий тармоқлари: экспорт-импорт операцияларини бажариш, қурилиш хизматларини кўрсатиш, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, информацион технологиялар ва бошқаларни ўз ичига олади.

Корея Республикаси билан савдо-иқтисодий муносабатлар. Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий, инвестицион ва «Савдо тўғрисида», «Инвестицияларни ўзаро химоялаш ва кенгайтириш тўғрисида» илмий-техникавий битимлар имзоланган. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида ҳуқуқий-шартномавий асосга эга бўлган 22 та ҳукуматлараро шартнома ва ҳужжатлар имзоланган.

1996 йил 19 июлда Асака шаҳрида «ЎзДЕУАвто» қўшма корхонаси автомобиль заводи презентацияси бўлиб ўтди. 1992 йил июнда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида имзоланган савдо шартномасига мувофиқ савдода бирмунча қулай шароитлар режими ўрнатилди.

Экспортнинг асосий моддаларини бу даврда пахта толаси, хизматлар, мато ва пахта қоғози, калава ипи ташкил этди. 2006 йилнинг 9 ойи мобайнида икки мамлакат ўртасида мол айирбошлаш 179,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилди, 39,1 млн. АҚШ доллари экспортга, 140 млн. АҚШ доллари импортга тўғри келади. 2007 йилнинг биринчи ярмига келиб мамлакатимиз экспорти 1.4% ни, импорти 9.0% ни ташкил этди.

Республика реципиент давлатлар орасида Агентликнинг ёрдам кўрсатилиши ҳажми бўйича бешинчи ўринни эгаллайди. 1992 йилдан бошлаб КОИСА ташкилотидан Ўзбекистонга кўрсатилган молиявий ёрдамнинг умумий ҳажми 8,6 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Ўзбекистоннинг КОИСА билан асосий ҳамкорлиги 5 та соҳада амалга оширилмоқда: беғараз асосда ускуна ва материалларни келтириш, амалиётларни таклиф қилиш, кўнгиллиларни жўнатиш, экспертларни жўнатиш, тиббий корхоналарни жўнатиш.

Республика ҳудудида Корея капитали иштирокидаги 118 та корхона фаолият олиб бормоқда, ундан 97 таси қўшма корхона ва 21 таси 100% чет эл капитали билан тузилган корхоналардир. Бу корхоналар асосан автомобиль қурилиши, тўқимачилик ва электротехника саноати, хизмат кўрсатиш ва алоқа соҳаларида тўпланган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида 20та Корея компаниялари ваколатхоналари аккредитация қилинган. Бу ваколатхоналар қуйидаги соҳаларда фаолият олиб боради: экспорт-импорт операциялари ўтказиш, транспорт хизматлари кўрсатиш, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон дунё хўжалиги тизимида кириб борар экан, унинг халқаро иқтисодий алоқалари узоқ ва яқин хорижий мамлакатлари билан янада тараққий этмоқда.

Назорат саволлари:

2.1.Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини таҳлил қилинг?

2.2.Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан йўлга қўйилган иқтисодий маносабатларини таҳлил қилинг?

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг таъсирини тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1.Халқаро иқтисодий ташкилотлар моҳиятини изоҳлай олади.

3.2.Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг таъсирини изоҳлай олади.

3-асосий савол баёни: Ўзбекистоннинг турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ривожлантирилиши унинг жаҳон хўжалиги интеграциясида самарали иштирок этишини таъминлайди. Бундай халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик

ўтиш даври муаммоларини ҳал этишни, шунингдек ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалигини шакллантиришни енгиллаштиради. Бу нарса кредитлар олишда, бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишда, маҳсулотларни жаҳон бозорларига чиқаришда катта ёрдам беради.

Мустақил Ўзбекистон 30 та обрўли иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Буларнинг жумласига Жаҳон Банки гуруҳига кирувчи ташкилотлар, шунингдек, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро Валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт Банки, Ислон тараққиёт банки, Бутунжаҳон божхона ташкилоти, Бутунжаҳон туризм ташкилоти, Пахта бўйича халқаро консультатив комитети ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлди. Республика ҳозирги кунда БСТга аъзо бўлиш учун қатор ишларни амалга оширмоқда.

Жаҳон Банки билан ҳамкорлик. 1992 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси ЖБ га аъзо бўлди. 1992 йил сентябрдан Тошкент шаҳрида Жаҳон банкининг ваколатхонаси очилди.

Ўзбекистон Республикасига қарзлар қуйидаги шартлар асосида берилади:

- қайтарилиш муддати 20 йил
- имтиёзлар даври 5 йил
- фоиз ставкаси сузиб юривчи, ҳар йили аниқланадиган.

Банк стратегияси босқичма-босқич ривожланишда ҳукумат ислоҳатларини қўллаб қувватлаш ва татбиқ этиш мақсадида маслаҳатлар бериш, шунингдек техник-молиявий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олади. Жаҳон Банки кредитларни асосан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун сув таъминоти ва санитария ирригация тизими ва дренажни қўллашга ажратади.

ЖБ нинг мамлакатга бераётган ёрдамнинг(2002-2008 йил) асосий мақсади:

А) валюта ва савдо тартибини либераллаштириш масаласида сиёсий ҳолатни такомиллаштириш ва давлат бошқаруви самарасини ошириш.

Б) хусусий сектор ва тўғридан-тўғри инвестициялар учун қулай шарт-шароитларни яратиш.

В) ижтимоий инфратузилмадаги давлат ресурсларини қўллаш ва тақсимлашдаги самарадорликни ошириш.

Г) техник хизмат ва мамлакат инфратузилмасида ирригация-мелиорация, шуларни ишларини олиб боришдаги тизимни қувватлашларни ўз ичига олди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик. Ўзбекистон 1992 йил 19 апрелдан ЕТТБ га аъзо бўлди. Ўзбекистонга ЕТТБ томонидан келган вакиллар республикадаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ўрганиш ва келажақдаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадидаги ташрифи давомида банк директорлар кенгаши томонидан Ўзбекистонга нисбатан ЕТТБ ўз стратегиясини белгилади. Бунда банк келгусида Ўзбекистон хусусий секторини ривожлантириш ва кенгайтириш; табиий ресурсларни ўзлаштириш; энергетика секторини, кичик ва ўрта корхоналарни, пахтани қайта ишлаш ва бошқа енгил саноатни, туризм инфраструктурасини ривожлантириш каби соҳалардаги асосий йўналишларни аниқлади.

Ҳозирги кунда амалга оширилиши давом этаётган лойиҳалар жумласига: кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида бериладиган 3 кредит линияси - Асака банкни хусусийлаштириш (ЕТТБ акционерларининг 20% гарови асосида), Сирдарё ГРЭСни 5 ва 6 энергия блокларини қайта тиклашнинг икки фазаси; «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясини 7% акцияси тўлови асосида хусусийлаштириш; компьютер ва ахборот технологиясини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун жамғарма кабиларни киритиш мумкин.

Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик. Ўзбекистон 1992 йил сентябрь ойдан бошлаб ХВФга аъзо бўлиб келмоқда. ХВФ 1995 йил январда Ўзбекистон Республикасига мамлакат бошқаруви томонидан қабул қилинган дастур асосида биринчи 72,4 млн. АҚШ доллари миқдорида транш маблағлари берди. Шунингдек 1995 йил декабрь ойида миллий

валютани кўллаб-қувватлаш мақсадига 2 транш берилган. Берилган маблағлар бўйича фоиз ставка сузиб юривчи ҳисобланади. Қарзни тўлаш муддати 5,5 йилни ташкил этади. 1995 йил 18 декабрда ХВФ Ўзбекистон Республикасига «Стэнд Бай» кредитини берди. Бу маблағлар иқтисодий ислохатларни давлат томонидан 1995-1996 йил кўллаб қувватланиши учун кўзланган 2000-2001 йил давлат томонидан валюта сиёсатини тартибга солиш учун кўллаш чора тадбирларини ҳисобга олган ҳолда 2001 йил августда Ўзбекистон Республикаси ва ХВФ ўртасида Ўзбекистон Республикаси 31 июль ва 31 декабрь 2001 йил оралиғидаги молиявий ва иқтисодий сиёсат тўғрисида меморандум қабул қилинган. Меморандум асосида Ўзбекистон ва ХВФ вакиллари ҳамкорлигида 1 январь ва 30 июнь 2002 йил оралиғига макроиқтисодий ва структуравий сиёсатни асосини ишлаб чиқилди. 2002 йил ХВФ мониторинг дастури асосида бир қанча вазифаларни бажаришди. Ўзбекистон Республикасида турли вазирлик ва идоралар ўртасида чора тадбирлар ўтказилди. Бундан асосий мақсад иқтисодий ислохатларни ривожлантиришда кредит ва солиқ бюджет сиёсатини қаттиқ сақлаган ҳолда валюта режимини тартибга солиш бўлди. 2003 йилда Ўзбекистон Республикасига ХВФ дан вакиллар ташриф буюришган. Бу музокараларда ХВФ низомидаги 8-модда давлат режаси асосида бир неча шартлар имзоланди. Бунга савдо соҳасидаги солиқ бюджет ва пул-кредит сиёсатини амалга оширишда самарали унсурлардан фойдаланилди (2003 й). Шунингдек тузилмавий ислохатлар соҳасида бир қанча ишларни амалга ошириш киради. 2003 йил 15 октябрда Ўзбекистон Республикаси ХВФ келишувидаги 8-модда, 3-4 модда, 2а қисмидаги шартларини қабул қилишини маълум қилди.

Осиё Тараққиёт Банки. Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 30 августда ОТБ нинг тўлақонли аъзоси бўлди. ОТБ билан ўзаро молиявий ва техник ҳамкорлик мақсадида, шунингдек ОТБга тақдим этилиши мумкин бўлган инвестицион лойиҳаларни тайёрлаш ишларини мўлжаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 16 январдаги №27 фармойиши билан ОТБ билан ҳамкорлик учун идора ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Миллий Банки ОТБ авуарида Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги расмий банк депозитарийси деб эълон қилинди. Молия Вазирлиги ОТБ билан алоқаларда маъсул ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг МБ Ўзбекистон Республикасини ОТБнинг директорлар кенгаши гуруҳига кўшиш тўғрисида мурожаат қилди. Бу гуруҳга Малайзия, Сингапур ва Тайванд мамлакатлари киради. ОТБ бу мурожаатномани қабул қилгандан сўнг Ўзбекистон иқтисодий интеграция мақсадларидан келиб чиққан ҳолда Осиё тинчлик минтақаси мамлакатлари билан тенгликда аъзо бўлди.

ОТБ республика ҳукумати билан келишган ҳолда банк томонидан келгусида такомиллаштириш учун баъзи иқтисодиёт секторлари аниқланган: қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникация, ижтимоий инфраструктура. 2003 йил 11-12 октябрда Тошкентда Ўрта Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича ОТБ Вазирликлар конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда аҳолининг ижтимоий аҳолини яхшилаш, транспорт, савдо ва энергетика соҳасидаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш, энергетика ресурсларидан тўғри фойдаланиш, атроф муҳит химоясини кучайтиришда хусусий секторни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодий инфратузилмани такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

БМТнинг Қишлоқ хўжалиги савдоси ташкилоти (ФАО) билан ҳамкорлик. Ўзбекистон Республикаси 2001 йил ноябрда ФАОга аъзо бўлди. 2002 йилда Ўзбекистон ФАОнинг «Минтақада парвариш қилинаётган ерларнинг ҳосилдорлигини ўстириш» минтақавий дастурида иштирок этди. Бу лойиҳанинг умумий миқдори 1,34 млн. АҚШ долларини, шунингдек, Ўзбекистонга 350 минг АҚШ долларини ташкил этади. ФАО дастурида Ўзбекистондан ташқари Ҳиндистон, Покистон, Миср каби мамлакатлар қатнашдилар.

Назорат саволлари:

3.1. Ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар классификациясини таҳлил қилинг?

3.2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг таъсирини таҳлил қилинг?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё минтақасининг марказида жойлашган бўлиб, бу ерда минтақа аҳолисининг 45%и яшайди. Ўзбекистон минтақанинг бошқа давлатлари (Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон) билан умумий чегараларга эга бўлган ягона мамлакат бўлиб, у Европа билан Осиё-Тинч океани минтақаси ва шунингдек Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини транспорт ва телекоммуникация бўйича бирлаштирувчи муҳим коридор ҳисобланади.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларда муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро ташкилотларнинг (БМТ, ЮНЕСКО, ФАО, ЮНКТАД) тенг ҳуқуқли аъзоси, жаҳоннинг ўнлаб давлатлари (160 дан ортиқ) билан дўстона алоқаларни боғлаган, йирик халқаро банк ва молиявий ташкилотлар (ХВФ, ЖБ, ЕТТБ, ОТБ, ИТБ) билан ҳамда нодавлат ва ноҳуқумат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб бораётган давлатлардан бири ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида Ўзбекистон турли даражадаги глобал ва минтақавий (МДХ, Шанхай гуруҳи) интеграцион жараёнларида қатнашиш билан бир пайтда муҳим тамойилга, яъни бир давлат билан яқинлашиш бошқа бир давлат билан узоқлашиш эвазига бўлмаслиги керак деган қоидага амал қилади.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 196 б.
2. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.
3. Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик.- Т.:ТДИУ, 2011.- 276 б.
4. Мировая экономика и международный бизнес: учебник/ кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р. К. Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.
5. Внешнеэкономическая деятельность: учебник, для студ. сред. проф. учебник, заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Симитенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.
6. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. - М.: Магистр, 2007. - 429 стр.
7. Назарова Г, Иминов З. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. - 2010. - 319 бет.
8. Назарова Г. Г., Ҳайдаров Н. Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар / академик С. С. Ғуломов таҳрири остида (ўқув қўлланма), ТДИУ, 2005 й. 272 бет.
9. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник / Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 стр.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ОЛИНГАН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

1. James H. The End of Globalization: lessons from the great Depression. Harvard College, 2001.
2. Kenen P.B. The International Economy. Cambridge: Cambridge University Press, 2000.
3. Lane J.E., Ersson S. Government and the Economy: a global perspective. London: Continuum, 2002. International Trade Statistics. WTO Publications.
4. International Yearbook of Industrial Statistics. UNIDO. Vienna.
5. Japan An International Comparison.
6. Journal of International Law.
7. OECD. Economic Outlook.
8. OECD. Institutional Investors Statistics Yearbook.
9. The Global Competitiveness Report.
10. UNCTAD. World Investment Report.
11. UNESCO. World Education Report. Paris.
12. Union countries — IMF. Washington D.C.
13. UNCTAD World Investment Report, United Nations, Geneva.
14. World Development Indicators. The World Bank.
15. World Development Report.
16. World Economic and Social Survey.
17. World Economic Outlook.
18. World Investment Report. UN.

1.2. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти

Жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанининг предмети, мазмуни ва моҳияти. Жаҳон ҳўжалиги тўғрисида тушунча. Жаҳон ҳўжалиги ва унинг миллий иқтисодиётларга таъсири. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва унинг концепциялари. Жаҳон бозори тузилмаси ва замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар кўринишлари. ХХІ асрда халқаро иқтисодиётнинг хусусиятлари. Дунё мамлакатларининг халқаро иқтисодиёт ва халқаро савдодаги иштирокининг асосий кўрсаткичлари. Халқаро товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати. Ишлаб чиқариш ресурслари ва омиллари. Ишлаб чиқариш омилларини халқаро айирбошлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Жаҳон бозорида товар ва хизматлар ҳаракатининг хусусиятлари. Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати. Жаҳон иқтисодиётида глобал миқёсдаги муаммоларни ҳал қилишда мамлакатлараро ўзаро иқтисодий алоқалар. Халқаро меҳнат тақсимоти тушунчаси. Ихтисослашув ва кооперация. Мамлакатлараро халқаро ҳамкорлик.

[A2, 7-13; A24, 15-23; A25, 10]

Халқаро савдонинг ривожланиш назариялари ва моделлари

Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо. Ташқи савдони эркинлаштириш (либераллаштириш) ва жаҳон савдосида протекционизм сиёсати. Меркантилистлар назарияси ва мутлақ устунлик назарияси. Амалиётдаги иқтисодий

сиёсат. Меркантилизмнинг танқид қилиниши. Меҳнат тақсимоти - ўсишнинг асоси. Мутлақ устунликлар модели. Нисбий устунлик назарияси. Муқобил харажатлар. Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси. Ишлаб чиқариш омиллари билан турлича таъминланганлик. Леонтьев парадокси. Халқаро савдонинг умумий мувозанат назарияси ва замонавий халқаро савдонинг ривожланиши. Халқаро мувозанат. Ривожланишнинг асосий тенденциялари. Халқаро савдони таҳлил қилиш инструментлари: савдо шарти. Экспорт ва импорт эгилувчанлиги. Сотилмайдиган ва сотилмайдиган товарлар модели. Халқаро савдо классик назарияларининг ривожлантирилиши. Назарияларнинг чекланганлиги. Ноанъанавий ёндашувлар. Махсус ва ҳаракатчан омиллар. Халқаро савдонинг янги назариялари. Халқаро савдонинг даромадга таъсири, кенг кўламда ишлаб чиқариш эффекти ва носоглом рақобат. Монополистик рақобат шароитида савдо. Тармоқ ичидаги савдо назарияси, халқаро савдода талаб ва реверс назариялари: тармоқ ичидаги савдо ва тармоқлараро савдонинг фарқлари. Тармоқ ичидаги савдо модели. Тармоқ ичидаги савдонинг ўзгариши. Кесишувчи талаб. Ишлаб чиқариш омиллари реверси. Дифференциаллашган товарлар. Истеъмолчилар даромадларининг баробарлиги ва улар дидпарининг ўхшашлиги. Истеъмолчи ҳатти-ҳаракати асосида иқтисодий моделлар.

[A2, 64-100; A24, 270-284; A25, 15]

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш Йўллари

Эркин савдо ва протекционизм: Халқаро савдода давлатнинг роли. Савдо сиёсати инструментлари. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солиш. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солиш инструментлари. Тарифли ва нотариф усуллар. Божхона тарифлари ва бождар. Божга тортиш меъёри. Тариф эскалацияси. Тарифларнинг иқтисодий роли: тарифнинг кичик мамлакат иқтисодиётига таъсири; тарифнинг катта мамлакат иқтисодиётига таъсири. Даромад эффекти ва чегаравий эффект. Ҳимоялаш ва истеъмол эффекти. Ички ва ташқи даромад эффекти. Тариф сиёсатининг махсус ҳолатлари: оптимал тариф. Тариф квотаси. Экспорт тарифи. Тарифга қарши аргументлар. Тарифни ёқловчи аргументлар. Миллий иқтисодий фаровонлик. Ўзгарувчан бождар. Экспорт божининг фискал ва мувозанатлаш вазифалари. Тарифлар ўрнатилишига турлича қарашлар. Ёш тармоқларни хорижий рақобатдан ҳимоялаш ва миллий хавфсизликни таъминлаш. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солишнинг нотариф усуллари. Микдорий чеклашлар: Нотариф усулларни ўлчаш. Квоталаш ёки контингентлаш. Лицензиялаш. «Кўнгилли» экспорт чеклашлари. Нотариф усулларни микдорий жиҳатдан квалификациялаш. Микдорий чеклашлар. Чеклашларнинг импортёр учун умумий иқтисодий эффекти. Савдо сиёсатининг яширин усуллари: Техник тўсиқлар. Миллий стандартларга риоя қилиш. Импорт маҳсулоти сифати тўғрисида сертификат олиш. Товарларни махсус қолиплаш ва маркировкалаш. Санитария-гигиена меъёрларига риоя қилиш тўғрисида тапаблар қўйиш, ички солиқлар ва акцизлар. Савдо сиёсатининг молиявий усуллари ва тартибга солишнинг ноиқтисодий усуллари: субсидиялар, демпинг. Савдо шартномалари. Ҳуқуқий режимлар. Миллий экспортёрларни қўллаб-қувватлашга қаратилган пул тўловлари. Экспорт субсидияси. Демпингга қарши бождар. Икки ҳамкор давлат томонидан савдони амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини белгиловчи икки томонлама шартномаларни имзолаш. Қулай савдо режими ўрнатиш. Кўптомонлама келишувлар имзоланиши.

Халқаро ишчи кучи миграцияси

Жаҳон ишчи кучи бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш сабаблари. Меҳнат миграциясининг асосий йўнапишлари ва марказлари. Халқаро меҳнат миграцияси кўринишлари. Мигрантлар - меҳнат қобилиятли ёшдаги иқтисодий фаол одамлар. Хорижда иш қидиришга интилаётган одамларга қўмаклашувчи миграция хизматлари ва халқаро ташкилотлари. Жаҳон ишчи бозоридаги экспортёр мамлакатлар. Миграция жараёнларининг импортёр мамлакатлар иқтисодиётига таъсири. Меҳнат миграциясининг миллий иқтисодиётларга таъсири. Хориждан валюта трансферта оқимларини кенгайтиши - ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар асосий фойдаси сифатида. Меҳнат иммиграциясининг миқдорий ва сифат даражасини квоталар ва чеклашлар жорий қилиш орқали тартибга солиш. “Ақлли кишиларни кетиб қолиши” муаммосининг моҳияти. Бу муаммонинг Ўзбекистонда ҳал этиш имкониятлари. Ишга жойлашиш мақсадида хорижга чиқиб кетган малакапи кадрларни йўқотишнинг экспорт қилувчи мамлакат учун иқтисодий зарари. Муаммони ҳал этишнинг умумиқтисодий ва утилитар йўллари. [A2, 202-218; A24, 429-454; A25, 76]

Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар

Четга капитал чиқариш халқаро иқтисодий муносабатларни кўринишларидан биридир. Капитал чиқаришни сабаби ва моҳияти. Тўғри портфель инвестициялар. Жаҳон иқтисодиётида халқаро қарзлар (заёмлар), уларнинг туган ўрни. Ривожланишда расмий ёрдам тушунчаси. Капитал чиқаришнинг асосий йўнапишлари, қўламлари. Инвестицион иқлим. Капитал олиб чиқишнинг моҳияти ва кўринишлари: Жаҳон капитал бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш жараёни. Капитал олиб чиқиш кўринишлари. Умумжаҳон банки гуруҳининг фаолияти. Жаҳон капитал бозорининг замонавий кўриниши. Капиталларни ички муомападан олиб максимал даражада фойда олиш мақсадида хорижга чиқариш. Ривожланган капитал бозорлари. Тўғри ва портфель инвестициялар: тўғри хорижий инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти. Портфель инвестицияларнинг хусусиятлари. Инвестицион муҳит тушунчаси. ТМК фаолияти қўламининг кенгайтиши - тўғри капитал қўйилмапарининг энг етакчи тамойили сифатида. Хориждан молиявий ресурслар жалб қилишнинг зарурий иқтисодий омиллари. Капитал экспорта жугрофий тузилмасидаги ўзгаришлар. Капитал экспортининг замонавий жугрофий тузилмаси. Жаҳон капитал бозорида Ўзбекистоннинг ўрни. Ривожланган иқтисодиётлар ролининг ортиб бориши. Жаҳон бозорига янги индустриал мамлакатларнинг катта гуруҳи ва собиқ социалистик давлатларнинг кириб келиши. Жаҳон иқтисодиётида Трансмиллий корпорациялар (ТМК). ТМКнинг ташкил топиши, фаолияти ва ишлаб чиқаришни байналмилаллашувдаги роли. ТМКлар ва янги саноатлашган давлатлар. ТМКлар фаолиятини халқаро бошқаруви. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари. Бош компания, ассоциациялашган фирмалар, шўъба корхоналар, кичик шахобчалар. ТМКнинг жаҳон иқтисодиётида туган ўрни ва аҳамияти. ТМК фаолиятининг янги кўринишлари: лизинг ва факторинг. ХХІ асда хорижий мамлакатларнинг капитал қўйилмалари ва унинг Республика иқтисодиётини ривожланишидаги аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилиниши муаммолари. Чет эл инвестицияларини Давлат томонидан бошқариш. Чет эл инвестициялари тўғрисидаги Қонун. Ўзбекистон

иктисодиётига чет эл капитални жалб қилиниши, шакллари. Табиий ресурсларни ўзлаштиришда чет эл капиталининг тутган ўрни. Республиканинг ҳуқуқий ва иқтисодий бошқаруви, ривожланиш муаммолари.

[A4, 142-146; A24, 387-409; A25, 66]

Жаҳон иқтисоднётнда эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни

Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудлар, уларнинг функциялари ва туркумланиши (классификацияси). Эркин иқтисодий ҳудудлар тажрибаси. “Эркин иқтисодий ҳудуд” (ЭИХ) тушунчаси. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг асосий кўринишлари. Эркин иқтисодий ҳудудларни яратишнинг АҚШ, Хитой моделлари ва уларнинг хусусиятлари. Молиявий ва маъмурий тадбирлар. Эркин иқтисодий ҳудудларда жорий этиладиган имтиёзлар. Савдо ЭИХдари. Технопарклар. Технополислар. Оффшор ҳудудлар.

[A7, 150-175; A25, 5-9; A3, 36]

Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлари

Миллий ва минтакавий валюталар тизимидаги асосий қонун-қоидалар. Валюта бозорлари, уларнинг функцияси, турлари. Халқаро кредит муносабатларнинг моҳияти, мазмуни. Сузиб юривчи ва фиксация қилинган валюта курслари. Валюта операциялари, уларнинг кўриниши. Валюта позициясини шакллари. “СВОП”, “ФОРВАРД” операциялари, валюта ваучерлари “СПОТ”, қимматбаҳо қозғалар арбитражи. Валютани чекланиши, унинг кўринишлари. Валюта тавакалчилиги. Валюта таввакалчилигини сугурталаш. Халқаро молиявий кредит ташкилотлар. Халқаро валюта фонди (ХВФ), унинг функциялари. Халқаро банк гуруҳлари: Европа ривожланиш ва қайтатиклаш банки (ЕТТБ), Осиё ривожланиш банки (ОРБ), ва бошқалар.

[A3, 200-215; A24, 494-505; A14,29-75]

Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти

Ривожланган давлатлар гуруҳининг жаҳон хўжалиги ва сиёсатида тутган ўрни. Ривожланган давлатлар саноатидаги характеристика. Гуруҳга кирувчи мамлакатлар критерияси, иқтисодиётини умумий белгилари. Иқтисодиётдаги макротузилма. Мамлакатларнинг илмий-техникавий ва маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги, табиий ресурслари ва меҳнат тақсимоти соҳасидаги имкониятлари. Инсон омилини роли. Миллий иқтисодиётнинг структурасини ўзига хос хусусиятлари. Иқтисодий ривожланишнинг дастлабки шарт - шароитлари ва хусусиятлари. “Катта саккизлик” етакчи ривожланган давлатларни жаҳон саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги, жаҳон савдоси ва халқаро капитал миграциясидаги улуши. Ривожланган давлатлар иқтисодиётининг ҳозирги давр структураси. Мамлакатлар саноати структурасидаги ўзгаришлар. Ривожланган мамлакатларнинг молия-кредит сиёсати. “Катта саккизлик” давлатларнинг ташқи иқтисодий стратегияси. Асосий саноат ва молиявий марказлар. Дунё ҳукмронлигини кўлда ушлаб туришда АҚШнинг иқтисодий ҳамкорлик марказлари. Япония кучли иқтисодий марказ сифатида. Ғарбий Европа - саноати ривожланган мамлакатлар жойлашган ҳудуд сифатида. Ривожланган мамлакатларда ташқи савдо ва

унинг замонавий йўналишлари. Илмий - техникавий муносабатлар. Валюта муносабатларининг характери. Ғарбий Европадаги интеграцион жараёнлар. Европа иттифоқи - Ғарбий Европанинг рақобат қилувчи марказий ядросидир. Ривожланган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий стратегияси. Илмий-техника инқилоби (ИТИ) таъсирида ривожланган мамлакатларнинг макроиқтисодий структурасидаги ўзгаришлар. Иқтисодий кўрсаткичларнинг асосий динамикаси. Қисқа муддатли режа ва таввақалчилик. Саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги умумий муаммолар.

[A3, 254-258; A24, 71-88; A25, 10-109]

Ривожланаётган мамлакатлар - халқаро иқтисодий муносабатлар Тизимида

Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий белгилари, хусусиятлари. Хапқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни. Мамлакатларнинг асосий гуруҳлари. Ривожланаётган мамлакатларнинг ривожланиш даражасига кўра қолоқ ва ўрта даражада ривожланаётган, ривожланиб бораётган “янги саноатлашган мамлакатлар” га бўлиниши. Халқаро меҳнат тақсимоотида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳуқуқий қатнашиши, мустақилликка эришиш муаммолари. Ташқи қарзларни кўпайишини ҳал этиш муаммолари. Ривожланаётган мамлакатларда хусусийлаштириш жараёнлари. Янги индустриал мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш моделлари. Ўтиш давридаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари.

[A8, 110-120; A24, 133-146; A25, 127-183]

Халқаро иқтисодий интеграция

Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, кўринишлари. Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиш босқичлари. Европа Иттифоқи ташкилотларининг ташкил топиш механизми. Европа бўшлиғи. Шимолий Америка интеграция йўли (НАФТА). Тинч океани ҳамкорлиги ташкилотининг ташкил топиши. Шарқий Европа интеграциясининг вазифалари. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари доирасидаги интеграцион жараёнлар. Халқаро ташкилотлар классификациясига умумий тафсир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизимидаги кирувчи иқтисодий ташкилотлар ва уларнинг вазифалари. Халқаро молия-валюта ва кредит ташкилотлари. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ташкилотларда қатнашиши.

[A4, 10-46; A24, 544-565; A25, 91]

Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг роли

Халқаро ташкилотларнинг пайдо бўлиш жараёни. Халқаро ташкилотларнинг таснифланиши. Глобал ва ҳудудий ташкилотлар. Ҳукуматлараро ва ноҳукумат иқтисодий ташкилотлар. БМТ ва унинг тизими. Халқаро ташкилотларнинг ўз фаолиятини қайта куриши. Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишувнинг имзоланиши сабаблари. Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишувнинг тамойиллари, вазифалари ва тузилмаси. Савдони глобал эркинлаштириш жараёни. ГАТТ мақсадлари ва функциялари. Ўзбекистон Республикасининг УСТга кириши имкониятлари. Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) ни ташкил этилиши ва унинг ГАТТдан фарқи. УСТнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари.

УСТ тузилмаси ва фаолияти. Умумжаҳон савдо ташкилоти - мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида товар оқимларини тартибга солиш муаммолари билан шугулланувчи энг салмоқли тузилма сифатида. Халқаро инвестицияларни кафолатлаш агентлиги, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Халқаро валюта фонди, Бирлашган миллатлар ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари.

[A22, 294-306; A24, 523-544; A14,29-75]

Жаҳон ҳўжалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг

иштироки

Ўзбекистон Республикасининг XXI асрдаги ресурслари (табиий, инсон, илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш) ва ривожланиш имкониятлари. Мустақиллик йилларидаги республиканинг иқтисодий аҳволи. Глобал миқёсдаги иқтисодий инқирозларни бартараф этишдаги қийинчиликлар. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври муаммолари. Ўзбекистонни жаҳон ҳўжалигига қўшилиши. Республикани иқтисодий ривожланиш истиқболлари. Халқаро савдода республикани иштироки. Молия тизими, пул-кредит сиёсати. Молия бозорларини ташкил топиши. Ўзбекистоннинг ҳорижий мамлакатлар билан олиб бораётган ташқи иқтисодий муносабатлари. Республикани жаҳон иқтисодиёти ва интеграциясида иштироки. Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлашдаги стратегик йўналишлари ва тамойиллари. Халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик муносабатлари.

[A4, 10-46; A24, 5-9; A25, 245]

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

“ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР” ФАНИДАН МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

<i>1-мавзу</i>	Жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти
----------------	---

1.2. Амалий машғулотда ўқитиш технологияси

<i>Талабалар сони: 25-30</i>	<i>Вақт- 2 соат</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий машғулот

<p><i>Амалий машғулотда муҳокама қилиш учун саволлар</i></p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанинг предмети 2. Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари 3. Замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш хусусиятлари 4. Халқаро меҳнат тақсироти ва унга таъсир этувчи омиллар 5. Халқаро меҳнат тақсиротини ривожланишининг замонавий ўзига хос томонлари. Халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <input type="checkbox"/> мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; <input type="checkbox"/> билимларни, таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш; <input type="checkbox"/> ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; <input type="checkbox"/> коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш. 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p><i>Талаба бажариши лозим:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <input type="checkbox"/> Қуйидаги тушунчаларга тариф бериш: «Жаҳон иқтисодиёти», «халқаро иқтисодий муносабатлар», «Очиқ иқтисодиёт»; <input type="checkbox"/> Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичларини санаб ўтиш; <input type="checkbox"/> Халқаро иқтисодий муносабатлар шаклларига қисқача характеристика бериш; <input type="checkbox"/> замонавий шароитлардаги Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланиш хусусиятларини гапириб бериш.
<p><i>Ўқитиш усуллари</i></p>	<p>Сухбат, ақлий ҳужум, тақдимот, блиц-сўров</p>
<p><i>Ўқитиш воситалари</i></p>	<p>Маъруза матнлари, тарқатма материллар, доска, бўр, видео проектор</p>
<p><i>Ўқитиш шакллари</i></p>	<p>Фронтал ва жамоавий, гуруҳларда ишлаш</p>
<p><i>Ўқитиш шароитлари</i></p>	<p>Техник таъминланган, гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория</p>
<p><i>Мониторинг ва баҳолаш</i></p>	<p>Оғзаки назорат: ўқув вазифалари, жадваллар тузиш</p>

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар, вақт	Фаолият	
	Ўқитувчи	Талабалар
1 -босқич. Ўқув машғулотига кириш (20 мин.)	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. Ўқитиш гуруҳларда ишлаш технологияси асосида олиб борилишини эълон қилади.</p> <p>1.2.Мавзунинг таянч иборалари асосида блиц-сўров ўтказилади. Қуйидаги тушунчаларга тариф беришни таклиф қилади: «Жаҳон иқтисодиёти», «халқаро иқтисодий муносабатлар», «Очиқ иқтисодиёт»;</p> <p>Ушбу мавзу бўйича олдинги машғулот охирида берилган вазифани (Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари жадвалини тузиш) муҳокамасини ташкил этади. Иккинчи вазифа бўйича муҳокама вазифа гуруҳларда бажарилгандан кейин бўлишини эълон қилади. Ҳар бир талаба гуруҳ баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гуруҳларда ишлаш, график ташкил этувчи Т-схема тузиш қоидалари билан таништиради (1-илова).</p> <p>Гуруҳларда ишлаш натижаси плакат қоғозларда кўрсатилиши кераклигини эълон қилади.</p>	<p>1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар</p> <p>1.2. Саволга жавоб берадилар.</p>
2- босқич. Гуруҳларда ишлаш (25 мин.)	<p>2.1. Талабаларни 4 гуруҳга бўлади. Ўқув вазифаларини тарқатади (2-илова).</p> <p>Қандай натижалар олиниши кераклигини аниқлаштиради. Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини шарҳлайди (3-илова). Вазифани бажаришда қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради (дарслик, маъруза матнлари).</p> <p>Гуруҳларда ишлашни бошлашни эълон қилади.</p>	<p>2.1. Ўқув вазифалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар.</p> <p>Вазифани бажарадилар.</p>
3 -босқич. Тақдимот (35 мин.)	<p>3.1. Тақдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади.</p> <p>Шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар, умумлаштиришларга эътиборни қаратади.</p>	<p>3.1. Тақдимот қилишади. Қўшимчалар қилишади, баҳолашади.</p>


<p>4 -босқич.</p> <p>Яқунловчи</p> <p>(10 мин.)</p>	<p>4.1. Иш яқунларини қилади.</p> <p>4.2. Мустақил иш учун вазифа беради: “21 асрда жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг хусусиятлари” мавзусида эссе ёзиш.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар.</p> <p>4.2. Мустақил иш учун вазифани ёзиб олишади..</p>
---	--	--

1-илова (1.2)

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.
 Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.
 Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.
 Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.
 Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.
 Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:
 - Бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
 - Кемага тушганининг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

«Т - схема» техникаси



фақияти ривожлантиришига ҳамда ўз ғоялари, фикрла-рини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имкон яратади;

маъруза якунида қўлланилади;

Схемадаги ғоялар таққосланиши ва яқка тартибда, жуфт-жуфт ҳолда ёки кичик гуруҳларда

тўлдирилиши мумкин.

Ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин.

Жадвални тўлдиринг

T—схема.

<i>Афзалликлар</i>	<i>Салбий жиҳатлар</i>

2-илова (1.2)

Ўқув вазифалари

1-гуруҳ

1. Бир сўз билан ушбу саволга жавоб беринг:

«Жаҳон иқтисодиёти» ва «Халқаро иқтисодий муносабатлар», тушунчалари бир-бири билан қандай боғланган?

2. Глобаллашувнинг жаҳон иқтисодиётига таъсирини ёритиб беринг ва унинг афзалликлари ва салбий жиҳатлари жадвалини тузинг (график ташкил этувчи – T-схемадан фойдаланган ҳолда).

3. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шаклларини айтиб беринг

2-гуруҳ

1. «Очиқ иқтисодиёт» тушунчасини тушунтириб беринг.

2. Глобаллашувнинг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини ёритиб беринг ва унинг афзалликлари ва салбий жиҳатлари жадвалини тузинг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).

3. Замонавий жаҳон иқтисодиёти ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни айтинг.

3-гуруҳ

1. Экспорт квотаси нима?

2. Глобаллашувнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини ёритиб беринг ва унинг афзалликлари ва салбий жиҳатлари жадвалини тузинг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).

3. Очиқ иқтисодиётнинг афзалликлари нималардан иборат?

4-гуруҳ

III-босқич. Яқуний (5 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича яқуний хулоса чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Эшитади. Аниқлайди.

1-илова

Талабаларнинг билим ва кўникмаларини

баҳолаш мезонлари

Гуруҳ	Баҳо	Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари			Жами
		Топшириқни аниқ бажарди	Муаммога ечим топди	Фаол қатнашди	
	Балл	1,5	1,0	0,5	3
1.					
2.					
3.					

Гуруҳ ишларини умумлаштирувчи баҳо

Гуруҳ	1	2	3	Жами балл	Баҳо
1					
2					
3					

2,2 – 3 балл – аъло

1,2 – 2,5 балл – яхши

0,5 – 1,1 балл – қониқарли


0 – 0,5 балл – қониқарсиз

2-илова (8.2)

“Жонлантирувчи саволлар”

Халқаро товар алмашувида ривожланаётган мамлакатларнинг тугган ўрни харкатерлаб беринг.

2. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида халқаро корпорацияларнинг ролини тавсифлаб беринг



9-мавзу	Халқаро иқтисодий интеграция
---------	-------------------------------------

Амалий машғулотнинг технологик таълими

<i>Талабалар сони 20-25та</i>	<i>Вақти 4-соат</i>
<i>Машғулот шакли</i>	Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий машғулот.
<i>Машғулот режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодий интеграция моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар 2. Иқтисодий интеграция шаклланиши шарт – шароитлари ва унинг босқичлари 3. Иқтисодий интеграциянинг миллий давлатлар иқтисодиётига таъсири 4. Ғарбий Европада интеграция жараёнларининг ривожланиши 5. Америка қитъасида интеграция жараёнлари ривожланишининг хусусиятлари 6. Осиё-Тинч океани минтақасида интеграцион жараёнларнинг хусусиятлари 7. Ўзбекистоннинг интеграцион ташкилотлардаги иштироки
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> 1.мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; 2.билимларни, таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш; 3.ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; 4.коммуникация, гуруҳда/жуфтликда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш. 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p><i>Талаба бажариши лозим:</i></p> <p><i>Иқтисодий интеграциянинг моҳиятини очиб бериши</i></p> <p><i>Интеграциянинг босқичларини санаб берадилар</i></p> <p><i>Европа Иттифоқи доирасидаги интеграциянинг ривожланиши ва унинг хусусиятлари</i></p> <p><i>Жаҳон иқтисодиётидаги интеграция гуруҳларини санаб бериши</i></p>
<i>Ўқитиш усуллари-техникаси</i>	<i>маъруза, тушунтириш, инструкция бериш, намойиш, блиц-сўров, парадокслар усули</i>

Ўқитиш воситалари	маъруза матни, компьютер слайдлари, доска
Ўқитиш шакллари	фронтал, коллектив иш
Ўқитиш шароити	компьютер, мультимедиа проектор (ёки проектор ва LCD панель)
Мониторинг ва баҳолаш	Кузатиш, оғзаки назорат, ёзма назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топширик.

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари	фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Мавзуга кириш (10 мин)	<input type="checkbox"/> Ўқув машғулоти 1-2 саволлар чуқурроқ таҳлил қилинади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.	Мавзу номини ёзиб оладилар
	<input type="checkbox"/> Тингловчиларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.	Ёзиб оладилар
	<input type="checkbox"/> Саволлар бериб суҳбат тарзида тингловчилар билимларини жонлантиради (1-илова).	Топшир иклар билан танишадилар
2 - босқич. Асосий бўлим. (60 мин)	2.1. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади (2-илова) ва гуруҳда ишлашни ташкил этади. Тақдимотни эълон қилади. Бажарган топшириқни натижаларини таҳлил қилиб тушунтиради.	2 та мин гуруҳга ажраладилар. Топшириқни бажаради. Тақдимо тни амалга оширади
	2.2. Иқтисодий интеграциянинг объектив асослари ва босқичлари. режаси юзасидан мисоллар беради. Мисол мазмунини тушунтиради ва бажариш бўйича маслаҳатлар беради. Кузатиб боради.	Бажарад илар. Натижа ни таҳлил қиладилар.
3-босқич. Яқун- ловчи (10 мин)	3.1. Машғулот бўйича яқунловчи хулосалар қилади.	Савол берадилар
	3.3. Машғулот мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	
	3.3. Машғулот бўйича билимларини чуқурлашти-риш учун адабиётлар беради	Ёзиб оладилар

1-Илова

Иқтисодий интеграциянинг моҳияти нимада?

Иқтисодий интеграцияни миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири.

Эркин савдо ҳудуди нима?

Иқтисодий интеграцияни асосий шакллари айтиб беринг.

2-илова

1– топширик

Иқтисодий интеграцияни келиб чиқишининг асосий сабаблари нималардан иборат?

2– топширик

Эркин савдо ҳудуди ва унинг хусусиятлари?

Амалий машғулотнинг технологик картаси (2-машғулот)

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Мавзуга кириш. (10 дақиқа)	1.1. Амалий машғулотнинг мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. Таълим жараёни «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади (4-илова).	Тинглайдилар. ЎУМ га қарайдилар.
	1.2. «Нима учун» техникасидан фойдаланилган ҳолда талабаларга, «Нима учун НАФТА тузилган?» деган савол билан мурожаат қилади. Бажарилган ишларни кўздан кечириб хулосалайди (4-илова).	Ўз фикрларини эркин билдирадилар. Органайзерни тўлдирадилар.
	1.3. Талабаларнинг фикрини умумлаштириб, уларни 3-4 та кичик гуруҳларга бўлади.	Интерфаол усуллардан фойдаланилган ҳолда кичик гуруҳларга бўлинади.
	1.4. Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (5-илова).	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади (6-илова).	Топшириқлар устида ишлайдилар.
II-босқич.	2.1. Гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради. Уларни баҳолаш мезонлари билан	Фаол

Асосий (60 дақиқа)	таништиради. Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.	қатнашадилар.
	2.2. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини ватман-қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди.	Жамоа бўлиб бажарилган ишнинг тақдимотини ўтказадилар, баҳс-мунозара юритадилар, қўшимчалар қиладилар, хулоса чиқарадилар. Баҳолайдилар.
	2.3. Гуруҳларга «Муаммоли вазият» услубидан фойдаланилган ҳолда «Марказий Осиё интеграциясини ривожлантириш истиқболлари қандай?» деб савол билан мурожаат қилади (7-илова).	Мустақил бажарадилар. Эркин фикрларини намоён этган ҳолда жадвални тўлдиради.
	2.4. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни ватман-қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишда ёрдам беради. Ягона хулоса чиқаришга кўмак беради ва нихоясида умумлаштиради.	Тақдимот ўтказди. Ғолиб гуруҳларни аниқлаб, баҳолайди.
III-босқич. Якуний (10 дақиқа)	3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Эшитади. Аниқлайди.
	3.2. Кейинги мавзу маърузалар матнини инсерт техникаси ёрдамида ўқиб келиш	ЎУМ га қарайдилар.


3-илова

Кичик гуруҳларда ишлаш қондаси

1. Талабалар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдига қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазйиққа учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.

4-илова

«Нима учун?» техникаси



Нима учун?

5-илова

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллигини 0-5 балл	Жами балл

1.5 – 1.3 балл – «аъло».

1.2 – 1.0 балл – «яхши».

0.9 – 0.6 балл – «қоникарли».

6-илова

Эксперт қоғозлари - топшириқлар

1-гуруҳ

Иқтисодий интеграциянинг иқтисодиётига нафани кўрсатиб беринг (мисоллар ёрдамида).

2-гуруҳ

Божхона иттифоқининг моҳиятини кўрсатиб беринг (мисоллар ёрдамида).

3-гуруҳ

Иқтисодий интеграциянинг шаклларига тавсиф беринг.

«Муаммоли вазият»

«Муаммоли вазият» тури	«Муаммоли вазият» сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари
“Марказий Осиё интеграциясини ривожлантириш истиқболлари қандай?»		

10-мавзу	Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг роли
----------	--

10.1. Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

1Амалий машғулот технологик картаси (1-машғулот)

Иш босқ ичлари	фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1- босқич. Ма взуга ки риш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотида саволлар таҳлил қилинади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.	Мавзу номини ёзиб оладилар
	Тингловчиларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.	Ёзиб оладилар
	Саволлар бериб суҳбат тарзида тингловчилар билимларини жонлантиради (1- илова).	Топшириқлар билан танишадилар
2 - босқич. Ас осий бўлим. (60 мин)	Мавзу бўйича тайёрланган топшириқлар ни тарқатади (2-илова) ва гуруҳда ишлашни ташкил этади. Тақдимотни эълон қилади. Бажарган топшириқни натижаларини таҳлил қилиб тушунтиради.	2 та мини гуруҳга ажраладилар. Топшириқни бажаради. Тақдимотни амалга оширади
	2.2. Халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси режаси юзасидан мисоллар беради. Мисол мазмунини тушунтиради ва бажариш бўйича маслаҳатлар беради. Кузатиб боради.	Бажарадилар. Натيجани таҳлил қиладилар.
3- босқич.	3.1. Машғулот бўйича яқунловчи хулосалар қилади.	Савол берадилар

Як ун-ловчи	3.3. Машғулот мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	
(10 мин)	3.3. Машғулот бўйича билимларини чуқурлашти- риш учун адабиётлар беради	Ёзиб оладилар

1-Илова

50-70 йилларда халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вужудга келиши жараёнларини сабабларини очиб беринг?
БМТ тизимидаги иқтисодий муассасаларнинг (савдо ва тараққиёт бўйича анжумани – ЮНКТАД) тузилмаларини тавсифлаб беринг.
Ўзбекистон Республикасини халқаро иқтисодий ташкилотларда иштирокини ёритиб беринг?
Ўзбекистоннинг асосий интеграцион гуруҳлар билан ҳамкорлигини кўрсатинг.

2-илова

1– топшириқ
1. Худудий иқтисодий ташкилотлар тавсифлаб беринг?

2– топшириқ
Ўзбекистондаги инвестицион муҳит ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини очиб беринг?

12-мавзу	Жаҳон хўжалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки
-----------------	--

12.1. Амалий машғулотда таълим технологияси

<i>Талабалар сони: 15-30</i>	<i>Вақт – 4 соат</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Муаммоли амалий машғулот
<i>Амалий машғулотда муҳокама қилиш учун саволлар</i>	1.Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари

	<p>2.Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларининг ривожланиши</p> <p>3.Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг таъсири</p>
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, муаммоли вазифаларни ҳал қилиш кўникмасини ривожлантириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p><i>Мавзу бўйича билимларни ўзлаштириши ва мустаҳкамлашга мотивация яратиши;</i></p> <p><i>Мавзу бўйича билимларни тизимлаштириши, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириши;</i></p> <p><i>Муаммоли вазифаларни ҳал қилиш, муаммони таҳлил қила билиш, муқобил қарорларни илгари суриш, муқобилларни баҳолаш, якуний қарор шакллантириш кўникмаларини ривожлантириши.</i></p>	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <p><i>Талаба бажариши керак:</i></p> <p><i>Кўйидаги тушунчаларга тариф беришади: «экспортга йўналтирилган сиёсат», «импорт ўрнини қоплашга қаратилган сиёсат», «савдо сиёсати»;</i></p> <p><i>Республика ташқи савдосидаги тенденцияларни айтиб беришади;</i></p> <p><i>Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиши тенденцияларини тушунтириб берадилар.</i></p>
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Муаммоли усул, суҳбат, ақлий ҳужум, тақдимот, мунозара.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матнлари, А32 бичимдаги қоғоз, маркерлар, скотч, ўқув материаллари.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Гуруҳларда ишлаш учун мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: блиц-сўров, назорат саволлари

Амалий машғулот технологик картаси (1-машғулот)

Иш босқичлари	Фаолият	
	Ўқитувчи	Талабар
1-босқич. Мавзуга кириш (10 мин)	<input type="checkbox"/> Ўқув машғулоти 1-2 саволлар чуқурроқ таҳлил қилинади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.	Мавзу номини ёзиб оладилар
	<input type="checkbox"/> Тингловчиларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.	Ёзиб оладилар
	<input type="checkbox"/> Саволлар бериб суҳбат тарзида тингловчилар билимларини жонлантиради (1-илова).	Топширик лар билан танишадилар

2 -босқич. Асосий бўлим. (60 мин)	1.1. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади (2-илова) ва гуруҳда ишлашни ташкил этади. Тақдимотни эълон қилади. Бажарган топшириқни натижаларини таҳлил қилиб тушунтиради.	2 та мини гуруҳга ажраладилар. Топшириқни бажаради. Тақдимотни амалга оширади
	2.2. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо алоқаларининг географик ва товар таркиби режаси юзасидан мисоллар беради. Мисол мазмунини тушунтиради ва бажариш бўйича маслаҳатлар беради. Кузатиб боради.	Бажарадилар. Натижани таҳлил қиладилар.
3-босқич. Яқунловчи (10 мин)	3.1. Машғулот бўйича яқунловчи хулосалар қилади.	Савол берадилар
	3.3. Машғулот мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	
	3.3. Машғулот бўйича билимларини чуқурлаштириш учун адабиётлар беради	Ёзиб оладилар

1-Илова

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси ривожланишининг асосий йўналишлари?
Ўзбекистон экспортининг асосий йўналишларини айтинг.
Ўзбекистон асосий ташқи савдо ҳамкорлари қайси мамлакатлар?

2-илова

1– топшириқ
Экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадлари нималардан иборат?
2– топшириқ
Импортни қоплашга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг моҳияти нимада?

3-илова

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда)

Гуруҳ	Ечим (тўлиқлиги, тўғрилиги)		Тушунтириш (аниқлик, кетма-кетлик)	Гуруҳнинг фаоллиги (қўшимчалар, саволлар)	Жами баллар
	Вазифа ечими,	Вазифани ҳал қилиш			
			(0,6)	(0,4)	(2,0)

	муаммо- ни аниқлаш	чоралари			
	(0,5)	(0,5)			
1					
2					
3					

Гуруҳлар ишини умумлаштирилган баҳолаш

гуруҳ	1	2	3	жами	2 га бўлинган умумий суммаси
1	-				
2		-			
3			-		

Талабанинг баҳоси гуруҳ иши натижаларини баҳоси ва (мак. – 2 балл) ва тест натижасини баҳоларини йиғиндисидан келиб чиқади (максимум – 1 балл).

Амалий машғулот учун максимал баҳо – 3 бал: 2,2 -3 бал – аъло, 1,2 - 2 бал – яхши, 0,5 – 1,1 – қониқарли, 0-0,5 бал – ёмон.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР

Фан бўйича талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услубий ва ахборот ресурслари билан тўла таъминланган. Талабалар аудитория машғулотларида профессор-ўқитувчиларнинг маърузасини тинглайдилар, амалий мисоллар ечадилар. Аудиториядан ташқарида талаба дарсларга тайёрланади, адабиётларни конспект қилади, уй вазифа сифатида берилган топшириқларни бажаради. Бундан ташқари айрим мавзуларни кенгроқ ўрганиш мақсадида қўшимча адабиётларни ўқиб реферат (тақдимот)лар тайёрлайди ҳамда мавзу бўйича тестлар ечади. Мавзуга доир масалалар, кейс-стади ва ўқув лойиҳаларини Ахборот ресурс маркази манбалари маълумотларини тўплаган ҳолда бажаради. Мустақил таълим натижалари рейтинг тизими асосида баҳоланади.

“ЖИ ва ХИМ” фанидан мустақил иш мажмуаси фаннинг барча мавзуларини қамраб олган куйидаги мавзу кўринишида шакллантирилган:

1. Жаҳон иқтисодиётининг моҳияти ва XX-XXI асрлар бўсағасидаги тараққиётининг асосий қонуниятлари ва тамойиллари.
2. Халқаро меҳнат тақсимоли жаҳон хўжалигининг моддий асоси сифатида.
3. Халқаро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперацияси.
4. Жаҳон иқтисодиётда Янги индустриал давлатларнинг тутган ўрни.
5. Бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларнинг иқтисодий ривожланиш моделлари.
6. Жаҳон хўжалигида иқтисодий хавфсизлик муаммолари.
7. Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорацияларнинг тутган ўрни.
8. Жаҳон хўжалигида иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланиш муаммолари.
9. Эркин иқтисодий ҳудудлар ва уларни ташкил этиш муаммолари.
10. Халқаро рақобат ва унинг замонавий шароитда юзага чиқиш хусусиятлари.
11. Замонавий жаҳон хўжалиги субъектлари ва мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётдаги ўрнини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими.
12. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмуни ва моҳияти.

- 13.Халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик.
- 14.ХХІ аср бўсағасида жаҳон иқтисодиётида глобал муаммолар.
- 15.Жаҳон иқтисодиётида озиқ-овқат муаммоси.
- 16.Германия Федератив Республикаси. Жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.
- 17.Франция Республикаси иқтисодиёти. Жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.
- 18.Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги иқтисодиёти. Жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.
- 19.Италия Республикаси иқтисодиёти. Жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.
- 20.Япония иқтисодиёти. Жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.
- 21.Корея Республикаси иқтисодиёти. Жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.
- 22.Малайзия федерацияси иқтисодиёти. Жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.
- 23.Хитой Халқ Республикаси иқтисодиёти. Жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.

Эслатма: Мустақил иш топшириқлари тегишли мавзулар бўйича ўқув- методик мажмуа охирида келтирилмоқда

ГЛОССАРИЙЛАР

Атаманинг ўзбек тилидаги номланиши	Атаманинг инглиз тилидаги номланиши	Атаманинг рус тилидаги номланиши	Атаманинг маъноси
“Демографик портлаш”	demographics blast	“Демографический взрыв”	жаҳоннинг кам ривожланган ва камбағал мамлакатларида назорат қилиб бўлмайдиган даражада аҳоли сонининг ўсиши.
Валюта	currency	Валюта	маълум бир давлатнинг қонун билан ўрнатилган пул воситаси (миллий валюта), бир ёки бир неча етакчи мамлакатларнинг валютаси кўринишидаги жаҳон резерв пуллари, Халқаро валюта фонди ва Европа валюта тизими аъзолари томонидан кўп томонлама ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган халқаро валюта бирликлари.
Европа Иттифоқи	European union	Европейский союз	Европанинг 27 та давлатини бирлаштирувчи иқтисодий ва сиёсий гуруҳ.

«Катта йигирмалик»	G20	Большая дватцатка	20 та йирик мамлакатлар гуруҳи бўлиб, унга жаҳондаги энг бой мамлакатлар ва йирик ривожланаётган давлатлар киради ва улар хиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 90 фоиз улуши тўғри келади.
Франчайзинг	franchaizing	Франчайзинг	бир компаниянинг бошқа йирикроқ ёки бош компаниянинг савдо маркаси, товар белгиси ва бошқа атрибутларидан фойдаланиш.
Ташқи қарз	Exterior debt	Внешний долг	мамлакат ҳукумати, молия-кредит ташкилотлари, йирик корхоналарининг бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.
Унификация	Unification	Унификация	турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа қўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларни рационал жиҳатдан бир хиллигини таъминлаш.
«Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт энд Пурс»	Fitch Moody's, Standard & Poors	«Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт энд Пурс»	халқаро рейтинг компанияси, фаолияти банклар, молиявий институтлар, инвестиция ва акционерлик компанияларининг кредит лаёқатини ўз вақтида ва аниқ баҳолашга йўналтирилган халқаро рейтинг агентликлари.
Сальдо	Saldo	Сальдо	муайян вақт давомида молиявий тушумлар ва сарфлар, экспорт ва импорт қиймати (савдо баланси

			сальдоси), хорижий тўловлар ва тушумлар (тўлов баланси сальдоси) ўртасидаги фарқ
Халқаро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви	International execution specialiside	Международная производственная специализация	мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти кўриниши бўлиб, унда ўзларининг ички эҳтиёжларидан ортиқча бир турдаги маҳсулотлар тайёрлаш билан шугулланувчи миллий ишлаб чиқаришларнинг табақаланиши юз беради.
Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси	International execution cooperation	Международная производственная кооперация	ишлаб чиқариш босқичларининг ўзаро бир-бирини тўлдириши ва уларни мувофиқлаштириш мақсадида миллий иқтисодий комплексларнинг ҳамкорлик қилиши.
Эмбарго	Embargo	Эмбарго	алоҳида мамлакат ёки давлатлар гуруҳи билан савдони бутунлай таъқиқлаш
Оффшор ҳудудлар	Off shor area	Оффшорные зоны	миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, бу ерда хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахслар тижорий операцияларни чет эл валютасида амалга оширашади.
Трансмиллий корпорациялар	International corporation	Транснациональ ная корпорация	чет эл активларига эга бўлган йирик компанияни иқтисодий ташкиллаштириш кўриниши.
Тўлов баланси	Payable balanct	Платёжный баланс	мамлакатнинг барча резидентларининг қолган барча мамлакатлар билан маълум вақт оралигидаги (одатда бир йил) иқтисодий битимлари натижаларини сицемалаштирилган ҳолда қайд этилишидир.
Протекционизм	Protectionizm	Протекционизм	хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг бевосита ва

			билвосита усуллар орқали фаол аралашувини назарда тутувчи иқтисодий сиёсат.
Эркин иқтисодий ҳудуд	Free economical area	Свободная экономическая зона	мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва соликка тортишдан озод этилади, яъни - бу миллий иқтисодиётнинг бир қисмини ташкил этиб, бу ерда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тизимидан фойдаланилади.
Халқаро валюта фонди (ХВФ)	International monenary fund	Международный валютный фонд	йирик ҳукуматлараро валюта-молия ташкилот бўлиб, БМТнинг махсулаштирилган муассасаси сифатида тартибга солиш, маслаҳат бериш ва молия-кредит соҳасидаги вазифаларни бажаради.
Халқаро транзит	International tranzit	Международный транзит	хорижий юкларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари берилган мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлиши шартида ташилишидир. Агар товарлар божхона омборига жойлаштирилмасдан ташилса бевосита халқаро транзит, божхона омборидан фойдаланилса – билвосита халқаро транзит ҳисобланади.
Халқаро иқтисодий муносабатлар	International econjmic relations	Международные экономические отношения	мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасидаги, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар иштирокидаги хўжалик алоқалари тизими
Экспорт квотаси	Export quota	Экспортная квота	мамлакат экспорти ҳийматининг униг ялпи ички

			маҳсулоти (ЯИМ)га нисбати (фоизларда).
--	--	--	---

Фан дастури

Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимооти

Т/р	Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни	Соатлар			
		Жами	Маъруза	Амалий машғулот	ТМИ
1	Жаҳон хўжалиги ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Ҳалқаро меҳнат тақсимооти	13	4	4	5
2	Ҳалқаро савдонинг ривожланиш назариялари ва моделлари	13	4	4	5
3	Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йўллари	13	4	4	5
4	Ҳалқаро ишчи кучи миграцияси	9	2	2	5
5	Ҳалқаро капитал миграцияси ва транмиллий компаниялар	9	2	2	5
6	Жаҳон иқтисодиётида Эркин иқтисодий ҳудудларнинг туганган ўрни	9	2	2	5
	ОН				30
7	Ҳалқаро валюта-молия ва кредит муносабатлари	8	2	2	4
8	Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти	10	2	2	6
9	Ривожланаётган мамлакатлар ҳалқаро иқтисодий муносабатлар тизимида	14	4	4	6
10	Ҳалқаро иқтисодий интеграция	14	4	4	6
11	Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда ҳалқаро ташкилотларнинг роли	14	4	4	6
12	Жаҳон хўжалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки	8	2	2	4
	ОН				32
	ЯН				

	Жами	134	36	36	62
--	-------------	-----	----	----	----

2.Ўқув материаллари мазмуни

2.1.Маъруза машғулотлари мазмуни (жами 36 соат)

Кириш

Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямиз ва Инқирозга қарши қабул қилган дастуримизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги санокди давлатлар қаторида иктисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатга. Ушбу ўқув дастури “Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар” фанидан чуқур назарий ва амалий билимларни эгаллашда, ташқи иктисодий муҳитни чуқур таҳдил қилишда, иктисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганишда, шунингдек ушбу мамлакатлар иктисодиёти ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларга жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатларга оид назарий ва амалий билимларни бериш, ўз йўналишига мос тасаввур ва кўникмаларни ривожлантиришдир.

Фаннинг вазифалари - талабаларга жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатларнинг назарий асослари ва тамойилларини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатларини тушунишига ёрдам бериш; жаҳон мамлакатлари иктисодиётини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан фойдаланишни ўргатиш; жаҳон мамлакатлари иктисодиётини белгилаб берувчи асосий макроиктисодий параметрлар таҳдилини амалга оширишни ўргатиш; жаҳон иктисодиётида халқаро савдонинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш; жаҳон иктисодиётида халқаро ташкилотлар фаолиятининг мақсад ва вазифаларини тушунтириш; жаҳон мамлакатлари билан самарали ҳамкорлик қилишнинг назарий ва амалий томонларини ўргатишдан иборатдир.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талаблар

“Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масапалар доирасида бакалавр:

жаҳон иктисодиёти тизими, тармоқ тузилишини;

жаҳон хўжалиги тизими ривожланишининг асосий қонуниятлари, тенденциялари ва замонавий хусусиятларини;

жаҳон мамлакатларининг гуруҳдарга таснифланиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий тавсифларини;

жаҳон иқтисодиётида мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий шакллари ва замонавий хусусиятларини;

жаҳон хўжалигининг глобал муаммоларини; жаҳон иқтисодиётида Ўзбекистоннинг ўрнини билиш керак;

жаҳон хўжалигида маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолаш;

кузатишлар натижасида олинган маълумотларни тизимлаш ва қайта ишлаш;

маълумотларни қайта ишлаш натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши керак;

жаҳон иқтисодий ўсиши ва ривожланишининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳдил қилиш;

жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш; хорижий мамлакатларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини таҳдил қилиш асосида уларнинг ривожланиш даражасини аниқлаш;

жаҳон иқтисодиётида халқаро ҳамкорликнинг энг оқилона услуб ва кўринишларини аниқлаш малакаларига эга бўлиши керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фани умумқасбий фанлар мажмуасига таалуқли бўлиб, талабалар уни VI-семестрда ўрганишади.

Бу дастурни амапда бажариш учун талабалар “Иқтисодиёт назарияси”, “Микроиқтисодиёт”, “Статистика”, “Макроиқтисодиёт” фанларидан етарлича маълумотга эга бўлишлари лозим.

“Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фани “Меҳнат иқтисодиёти. Инсон тараққиёти”, “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”, “Логистика” ва бошқа фанларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарган корхоналарининг маҳсулотларини ташки бозорлар чиқиши, чет эл фирма ва компанияларининг мамлакатимизда шаклланаётган товар ва хизматлар бозорига кириши сезиларли даражада ривожланиб бормокда. Маълумки, очиқ турдаги иқтисодиётни яратмай туриб мамлакатимизнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви бир мунча секин кечади. Шундай келиб чиқиб жаҳон иқтисодиётини ривожланиш тамойилларини чуқур таҳлил этиш ва ўрганиш, жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларни ривожлантириш шу куннинг талабига айланиб бормокда.

Юртимизда кенг имкониятлар мавжудлигини, яъни бой хомашё ресурсларга ва шунингдек мапакапи ишчи кучларига эгалигини, борлигини инobatга олиб рақобатбардош, сифатли махсулотларни ўз юртимизда чиқариб, шу йўл билан жаҳон ҳамжамиятида ва шунинг дунё бозорида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш мумкин. Мамлакатимиз ривожда хорижий инвестицияларни урни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, шунингдек мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илгор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ва макетлардан фойдаланилади. Маъруза, амалий ва лаборатория дарсларида мос равишдаги илгор педагогик ва ахборот технологияларидан ҳамда ўқув-услубий мажмуалардан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жаҳон хўжалиги ва халқаро иктисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти

Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти. “Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанининг предмета, мазмуни ва моҳияти. Жаҳон хўжалиги тўғрисида тушунча. Жаҳон хўжалиги ва унинг миллий иқтисодиётларга таъсири. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва унинг концепциялари. Жаҳон бозори тузилмаси ва замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар кўринишлари. ХХІ асрда халқаро иқтисодиётнинг хусусиятлари. Дунё мамлакатларининг халқаро иқтисодиёт ва халқаро савдодаги иштирокининг асосий кўрсаткичлари. Халқаро товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати. Ишлаб чиқариш ресурслари ва омиллари. Ишлаб чиқариш омилларини халқаро айирбошлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Жаҳон бозорида товар ва хизматлар ҳаракатининг хусусиятлари. Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати. Жаҳон иқтисодиётида глобал миқёсдаги муаммоларни ҳал қилишда мамлакатлараро ўзаро иқтисодий алоқалар. Халқаро меҳнат тақсимоти тушунчаси. Ихтисослашув ва кооперация. Мамлакатлараро халқаро ҳамкорлик.

[A2, 7-13; A24, 15-23; A25, 10]

Халқаро савдонинг ривожланиш назариялари ва моделлари

Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо. Ташқи савдони эркинлаштириш (либераллаштириш) ва жаҳон савдосида протекционизм сиёсати. Меркантилистлар назарияси ва мутлақ устунлик назарияси. Амалиётдаги иқтисодий сиёсат. Меркантилизмнинг танқид қилиниши. Меҳнат тақсимоти - ўсишнинг асоси. Мутлақ устунликлар модели. Нисбий устунлик назарияси. Муқобил ҳаражатлар. Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси. Ишлаб чиқариш омиллари билан турлича

таъминланганлик. Леонтъев парадокси. Халқаро савдонинг умумий мувозанат назарияси ва замонавий халқаро савдонинг ривожланиши. Халқаро мувозанат. Ривожланишнинг асосий тенденциялари. Халқаро савдони таҳлил қилиш инструментлари: савдо шарти. Экспорт ва импорт эгилувчанлиги. Сотилмайдиган ва сотилмайдиган товарлар модели. Халқаро савдо классик назарияларининг ривожлантирилиши. Назарияларнинг чекланганлиги. Ноанъанавий ёндашувлар. Махсус ва ҳаракатчан омиллар. Халқаро савдонинг янги назариялари. Халқаро савдонинг даромадга таъсири, кенг кўламда ишлаб чиқариш эффекти ва носоглом рақобат. Монополистик рақобат шароитида савдо. Тармоқ ичидаги савдо назарияси, халқаро савдода талаб ва реверс назариялари: тармоқ ичидаги савдо ва тармоқлараро савдонинг фарқлари. Тармоқ ичидаги савдо модели. Тармоқ ичидаги савдонинг ўзгариши. Кесишувчи талаб. Ишлаб чиқариш омиллари реверси. Дифференциаллашган товарлар. Истеъмолчилар даромадларининг баробарлиги ва улар дидпарининг ўхшашлиги. Истеъмолчи ҳатти-ҳаракати асосида иқтисодий моделлар.

[A2, 64-100; A24, 270-284; A25, 15]

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш

Йўллари

Эркин савдо ва протекционизм: Халқаро савдода давлатнинг роли. Савдо сиёсати инструментлари. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солиш. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солиш инструментлари. Тарифли ва нотариф усуллар. Божхона тарифлари ва бошлар. Божга тортиш меъёри. Тариф эскалацияси. Тарифларнинг иқтисодий роли: тарифнинг кичик мамлакат иқтисодиётига таъсири; тарифнинг катта мамлакат иқтисодиётига таъсири. Даромад эффекти ва чегаравий эффект. Ҳимоялаш ва истеъмол эффекти. Ички ва ташқи даромад эффекти. Тариф сиёсатининг махсус ҳолатлари: оптимал тариф. Тариф квотаси. Экспорт тарифи. Тарифга қарши аргументлар. Тарифни ёқловчи аргументлар. Миллий иқтисодий фаровонлик. Узгарувчан божхона бошлари. Экспорт божининг фискал ва мувозанатлаш вазифалари. Тарифлар ўрнатилишига турлича қарашлар. Ёш тармоқларни хорижий рақобатдан ҳимоялаш ва миллий хавфсизликни таъминлаш. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солишнинг нотариф усуллари. Микдорий чеклашлар: Нотариф усулларни ўлчаш. Квоталаш ёки контингентлаш. Лицензиялаш. «Кўнгилли» экспорт чеклашлари. Нотариф усулларни микдорий жиҳатдан квалификациялаш. Микдорий чеклашлар. Чеклашларнинг импортёр учун умумий иқтисодий эффекти. Савдо сиёсатининг яширин усуллари: Техник тўсиқлар. Миллий стандартларга риоя қилиш. Импорт маҳсулоти сифати тўғрисида сертификат олиш. Товарларни махсус қолиплаш ва маркировкалаш. Санитария-гигиена меъёрларига риоя қилиш тўғрисида тапаблар қўйиш, ички солиқлар ва акцизлар. Савдо сиёсатининг молиявий усуллари ва тартибга солишнинг ноиқтисодий усуллари: субсидиялар, демпинг. Савдо шартномалари. Ҳуқуқий режимлар. Миллий экспортёрларни қўллаб-қувватлашга қаратилган пул тўловлари. Экспорт субсидияси. Демпингга қарши бошлар. Икки ҳамкор давлат томонидан савдони амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини белгиловчи икки томонлама шартномаларни имзолаш. Қулай савдо режими ўрнатиш. Кўптомонлама келишувлар имзоланиши.

[A2, 104-135; A24, 295-323;]

Халқаро ишчи кучи миграцияси

Жаҳон ишчи кучи бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш сабаблари. Меҳнат миграциясининг асосий йўналишлари ва марказлари. Халқаро меҳнат миграцияси кўринишлари. Мигрантлар - меҳнат қобилиятли ёшдаги иқтисодий фаол одамлар. Хорижда иш қидиришга интилаётган одамларга қўмаклашувчи миграция хизматлари ва халқаро ташкилотлари. Жаҳон ишчи бозоридаги экспортёр мамлакатлар. Миграция жараёнларининг импортёр мамлакатлар иқтисодиётига таъсири. Меҳнат миграциясининг миллий иқтисодиётларга таъсири. Хориждан валюта трансферта оқимларини кенгайтиши - ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар асосий фойдаси сифатида. Меҳнат иммиграциясининг миқдорий ва сифат даражасини квоталар ва чеклашлар жорий қилиш орқали тартибга солиш. “Ақлли кишиларни кетиб қолиши” муаммосининг моҳияти. Бу муаммонинг Ўзбекистонда ҳал этиш имкониятлари. Ишга жойлашиш мақсадида хорижга чиқиб кетган малакапи кадрларни йўқотишнинг экспорт қилувчи мамлакат учуй иқтисодий зарари. Муаммони ҳал этишнинг умумиқтисодий ва утилитар йўллари. [A2, 202-218; A24, 429-454; A25, 76]

Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар

Четга капитал чиқариш халқаро иқтисодий муносабатларни кўринишларидан биридир. Капитал чиқаришни сабаби ва моҳияти. Тўғри портфель инвестициялар. Жаҳон иқтисодиётида халқаро қарзлар (заёмлар), уларнинг туган ўрни. Ривожланишда расмий ёрдам тушунчаси. Капитал чиқаришнинг асосий йўналишлари, кўламлари. Инвестицион иқлим. Капитал олиб чиқишнинг моҳияти ва кўринишлари: Жаҳон капитал бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш жараёни. Капитал олиб чиқиш кўринишлари. Умумжаҳон банки гуруҳининг фаолияти. Жаҳон капитал бозорининг замонавий кўриниши. Капиталларни ички муомападан олиб максимал даражада фойда олиш мақсадида хорижга чиқариш. Ривожланган капитал бозорлари. Тўғри ва портфель инвестициялар: тўғри хорижий инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти. Портфель инвестицияларнинг хусусиятлари. Инвестицион муҳит тушунчаси. ТМК фаолияти кўламининг кенгайтиши - тўғри капитал қўйилмапарининг энг етакчи тамойили сифатида. Хориждан молиявий ресурслар жалб қилишнинг зарурий иқтисодий омиллари. Капитал экспорта жугрофий тузилмасидаги ўзгаришлар. Капитал экспортининг замонавий жугрофий тузилмаси. Жаҳон капитал бозорида Ўзбекистоннинг ўрни. Ривожланган иқтисодиётлар ролининг ортиб бориши. Жаҳон бозорига янги индустриал мамлакатларнинг катта гуруҳи ва собиқ социалистик давлатларнинг кириб келиши. Жаҳон иқтисодиётида Трансмиллий корпорациялар (ТМК). ТМКнинг ташкил топиши, фаолияти ва ишлаб чиқаришни байналмилаллашувдаги роли. ТМКлар ва янги саноатлашган давлатлар. ТМКлар фаолиятини халқаро бошқаруви. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари. Бош компания, ассоциациялашган фирмалар, шўъба корхоналар, кичик шаҳобчалар. ТМКнинг жаҳон иқтисодиётида туган ўрни ва аҳамияти. ТМК фаолиятининг янги кўринишлари: лизинг ва факторинг. XXI асрда хорижий мамлакатларнинг капитал қўйилмалари ва унинг Республика иқтисодиётини ривожланишидаги аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилиниши муаммолари. Чет эл инвестицияларини Давлат томонидан бошқариш. Чет эл инвестициялари тўғрисидаги Қонун. Ўзбекистон

иктисодиётига чет эл капитални жалб қилиниши, шакллари. Табиий ресурсларни ўзлаштиришда чет эл капиталнинг тутган ўрни. Республиканинг ҳуқуқий ва иқтисодий бошқаруви, ривожланиш муаммолари.

[A4, 142-146; A24, 387-409; A25, 66]

Жаҳон иқтисодидеги эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни

Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудлар, уларнинг функциялари ва туркумланиши (классификацияси). Эркин иқтисодий ҳудудлар таъриби. “Эркин иқтисодий ҳудуд” (ЭИХ) тушунчаси. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг асосий кўринишлари. Эркин иқтисодий ҳудудларни яратишнинг АҚШ, Хитой моделлари ва уларнинг хусусиятлари. Молиявий ва маъмурий тадбирлар. Эркин иқтисодий ҳудудларда жорий этиладиган имтиёзлар. Савдо ЭИХлари. Технопарклар. Технополислар. Оффшор ҳудудлар.

[A7, 150-175; A25, 5-9; A3, 36]

Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлари

Миллий ва минтақавий валюталар тизимидаги асосий қонун-қоидалар. Валюта бозорлари, уларнинг функцияси, турлари. Халқаро кредит муносабатларнинг моҳияти, мазмуни. Сузиб юривчи ва фиксация қилинган валюта курслари. Валюта операциялари, уларнинг кўриниши. Валюта позициясини шакллари. “СВОП”, “ФОРВАРД” операциялари, валюта ваучерлари “СПОТ”, қимматбаҳо қозғалар арбитражи. Валютани чекланиши, унинг кўринишлари. Валюта тавақалчилиги. Валюта тавақалчилигини сугурталаш. Халқаро молиявий кредит ташкилотлар. Халқаро валюта фонди (ХВФ), унинг функциялари. Халқаро банк гуруҳлари: Европа ривожланиш ва қайтатиқлаш банки (ЕТТБ), Осиё ривожланиш банки (ОРБ), ва бошқалар.

[A3, 200-215; A24, 494-505; A14,29-75]

Жаҳон ҳўжалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти

Ривожланган давлатлар гуруҳининг жаҳон ҳўжалиги ва сиёсатида тутган ўрни. Ривожланган давлатлар саноатига характеристика. Гуруҳга кирувчи мамлакатлар критерияси, иқтисодиётини умумий белгилари. Иқтисодиётдаги макротузилма. Мамлакатларнинг илмий-техникавий ва маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги, табиий ресурслари ва меҳнат тақсимоти соҳасидаги имкониятлари. Инсон омилини роли. Миллий иқтисодиётнинг структурасини ўзига хос хусусиятлари. Иқтисодий ривожланишнинг дастлабки шарт - шароитлари ва хусусиятлари. “Катта саккизлик” етакчи ривожланган давлатларни жаҳон саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги, жаҳон савдоси ва халқаро капитал миграциясидаги улуши. Ривожланган давлатлар иқтисодиётининг ҳозирги давр структураси. Мамлакатлар саноати структурасидаги ўзгаришлар. Ривожланган мамлакатларнинг молия-кредит сиёсати. “Катта саккизлик” давлатларнинг ташқи иқтисодий стратегияси. Асосий саноат ва молиявий марказлар. Дунё

хукмронлигини кўлда ушлаб туришда АКШнинг иктисодий ҳамкорлик марказлари. Япония кучли иктисодий марказ сифатида. Ғарбий Европа - саноати ривожланган мамлакатлар жойлашган худуд сифатида. Ривожланган мамлакатларда ташқи савдо ва унинг замонавий йўналишлари. Илмий - техникавий муносабатлар. Валюта муносабатларининг характери. Ғарбий Европадаги интеграцион жараёнлар. Европа иттифоқи - Ғарбий Европанинг рақобат қилувчи марказий ядросидир. Ривожланган мамлакатларнинг ташқи иктисодий стратегияси. Илмий-техника инқилоби (ИТИ) таъсирида ривожланган мамлакатларнинг макроиктисодий структурасидаги ўзгаришлар. Иктисодий кўрсаткичларнинг асосий динамикаси. Қисқа муддатли режа ва таввақалчилик. Саноати ривожланган мамлакатлар иктисодиётидаги умумий муаммолар.

[А3, 254-258; А24, 71-88; А25, 10-109]

Ривожланаётган мамлакатлар - халқаро иктисодий муносабатлар Тизимида

Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий белгилари, хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни. Мамлакатларнинг асосий гуруҳлари. Ривожланаётган мамлакатларнинг ривожланиш даражасига кўра қолоқ ва ўрта даражада ривожланаётган, ривожланиб бораётган “янги саноатлашган мамлакатлар” га бўлиниши. Халқаро меҳнат тақсимотида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳуқуқий қатнашиши, мустақилликка эришиш муаммолари. Ташқи қарзларни кўпайишини ҳал этиш муаммолари. Ривожланаётган мамлакатларда хусусийлаштириш жараёнлари. Янги индустриал мамлакатларнинг иктисодий ривожланиш моделлари. Ўтиш давридаги мамлакатларнинг иктисодий ривожланиш хусусиятлари.

[А8, 110-120; А24, 133-146; А25, 127-183]

Халқаро иктисодий интеграция

Халқаро иктисодий интеграциянинг моҳияти, кўринишлари. Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиш босқичлари. Европа Иттифоқи ташкилотларининг ташкил топиш механизми. Европа бўшлиғи. Шимолий Америка интеграция йўли (НАФТА). Тинч океани ҳамкорлиги ташкилотининг ташкил топиши. Шарқий Европа интеграциясининг вазифалари. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари доирасидаги интеграцион жараёнлар. Халқаро ташкилотлар классификациясига умумий тафсив. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизимига кирувчи иктисодий ташкилотлар ва уларнинг вазифалари. Халқаро молия-валюта ва кредит ташкилотлари. Ўзбекистоннинг халқаро иктисодий ташкилотларда қатнашиши.

[А4, 10-46; А24, 544-565; А25, 91]

Жаҳон иктисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг роли

Халқаро ташкилотларнинг пайдо бўлиш жараёни. Халқаро ташкилотларнинг таснифланиши. Глобал ва худудий ташкилотлар. Ҳукуматлараро ва ноҳукумат иктисодий ташкилотлар. БМТ ва унинг тизими. Халқаро ташкилотларнинг ўз фаолиятини қайта қуриши. Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишувнинг имзоланиши сабаблари. Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишувнинг тамойиллари, вазифалари ва тузилмаси. Савдони глобал эркинлаштириш жараёни. ГАТТ мақсадлари ва функциялари. Ўзбекистон

Республикасининг УСТга кириши имкониятлари. Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) ни ташкил этипиши ва унинг ГАТТдан фарқи. УСТнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари. УСТ тузилмаси ва фаолияти. Умумжаҳон савдо ташкилоти - мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида товар оқимларини тартибга солиш муаммолари билан шугулланувчи энг салмоқли тузилма сифатида. Халқаро инвестицияларни кафолатлаш агентлиги, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Халқаро валюта фонди, Бирлашган миллатлар ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари.

[A22, 294-306; A24, 523-544; A14,29-75]

Жаҳон ҳўжалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки

Ўзбекистон Республикасининг XXI асрдаги ресурслари (табiiй, инсон, илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш) ва ривожланиш имкониятлари. Мустақиллик йилларидаги республиканинг иқтисодий аҳволи. Глобал миқёсдаги иқтисодий инқирозларни бартараф этишдаги қийинчиликлар. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври муаммолари. Ўзбекистонни жаҳон ҳўжалигига қўшилиши. Республикани иқтисодий ривожланиш истиқболлари. Халқаро савдода республикани иштироки. Молия тизими, пул-кредит сиёсати. Молия бозорларини ташкил топиши. Ўзбекистоннинг ҳорижий мамлакатлар билан олиб бораётган ташқи иқтисодий муносабатлари. Республикани жаҳон иқтисодиёти ва интеграциясида иштироки. Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлашдаги стратегик йўналишлари ва тамойиллари. Халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик муносабатлари.

[A4, 10-46; A24, 5-9; A25, 245]

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

1. Жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти.
2. Халқаро савдонинг ривожланиш назариялари ва моделлари.
3. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йўллари.
4. Халқаро ишчи кучи миграцияси.
5. Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар.
6. Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни.
7. Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлари.
8. Жаҳон ҳўжалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти.
9. Ривожланаётган мамлакатлар - халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида.
10. Халқаро иқтисодий интеграция.
11. Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг роли.

12. Жаҳон хўжалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади - ўқитувчининг раҳбарлиги ва назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш. Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат, такдимот) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- махсус адабиётлар бўйича фаннинг бўлим ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабаларнинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фаннинг бўлим ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини мустақил бажара олиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машгулотларини ўзлаштириш;
- илмий мақола, тезислар, турли илмий анжуманларга маъруза тайёрлаш ва ҳ.к.

Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалапар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуби ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

